

АБУЛҒОЗИЙ
ШАЖАРАИИ
ТУРК



№ 2
3
22

АБУЛҒОЗИЙ



ШАЖАРАИ

ТУРК



№ 61

460



7p97

ТОШКЕНТ
«ЧУДПОН»
O'zbek filologiyasi
fakulteti 1992
KUTUBXONASI

Мухаррир Аъзам УҚТАМ

Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. А. АҲМЕДОВ


Нашрга тайёрловчилар:
Қувомиддин Муниров,
тарих фанлари номзоди.
Қозоқбой Махмудов,
филология фанлари номзоди.

4802050000—37


A ————— 9—90

360(04) — 92

ISBN 5-8250-0234-0



1992 йил.



АБУЛҒОЗИХОН ВА УНИНГ «ШАЖАРАЙИ ТУРК» АСАРИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Абулғозихон олий насаб ва тожу тахт соҳиби бўлган. У қарийб 20 йил (1644—1664) Хоразмни идора қилди, лекин тарихда олий ҳукмдор сифатида эмас (тарихда жаҳонни титратган не-не подшолар ўтмади, лекин улардан ном-нишон қолмади), балки йирик олим сифатида қолди. Илмнинг хосиятидан шундай бўлди у. Дарҳақиқат, Абулғозихон кенг ва чуқур маълумотли киши эди. «Бу фақирга,— деб ёзган эди унинг ўзи,— худойи таоло иноят қилиб кўп нимарса берган турур. Хусусан уч ҳунар берган турур. А в в а л сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуниким нечук отланмоқ ва юрмак ва ёвга ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ. Дўстга, душманга нечук сўзлашмак. И к к и н ч и, маснавийёт ва қасоид ва ғазалиёт ва муқаттабоғ ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъноси билмаклик. У ч и н ч и, одам аҳдидин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ёки зиёдин билмаклик».

Абулғозихон 1603 йилнинг 23 августида дунёга келди. У ўша кезларда соҳиби тож бўлмиш Араб Муҳаммадхон (1602—1623)нинг тўртинчи ўғли эди. Лекин унинг ҳаёти хонзодаларникидай кечмади. Абулғозий олти ёшида онасидан (Меҳрибону хоним Ёдгорхон авлоди бўлмиш Жонғози султоннинг қизи эди) етим қолди. 13 ёшида тожу тахт учун бошланган ўзаро курашлар гирдобига тушиб қолди. 1616 йили огалари Ҳабаши султон билан Элбарс султон, найман ва уйғур қабилаларининг бошиқларига таяниб (оналари найман қабиласига мансуб эди), отасига қарши исён кўтардилар. Ушанда Араб Муҳаммадхон, одатда ота-бола орасида бўлиб турадиган ҳодисаларни андиша қилиб, исёнкор ўғилларига Вазир шаҳарини (Устюртда, Кўҳна Урганчдан 60 чақи-

рим нарироқда: XV аср ўргаларида ўзбек хонларидан Мустафоҳон қурдирган) ҳам қўшиб берди. Орадан беш йил ўтар-ўтмас оралари яна бузилиб, низо уруғига айланди. 1621 йилда Тошли ёрмиш қудуғи ёнида икки орада — бир тарафда Араб Муҳаммадхон тўнғич ўғли Исфандиёр султон ва Абулғозий султон билан, иккинчи томонда Ҳабаш султон билан Элбарс султон орасида уруш бўлди. Оқибатда Араб Муҳаммадхон, Исфандиёр султон ва Абулғозий султонлар мағлубиятга учрадилар. Асир олинган хоннинг кўзларига мил тортилди ва Хивага олиб келтирилиб қамаб қўйилди. Кўп ўтмай у шу ерда қатл этилди.

Урушдан кейин Абулғозихон аввал Котга, сўнгра Бухорога, Имомқулихон (1611—1642) ҳузурига қочиб борди. Хоннинг бошиқа ўғиллари: Исфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмишоҳ султон Хазораспга бордилар ва унинг мустақкам қалъасига яшириндилар. Ҳабаш билан Элбарс қирқ кунлик қамалдан кейин оғаси Исфандиёр, инилари Шариф Муҳаммад ва Хоразмишоҳ султонлар билан ярашиб, Исфандиёрга Макка зиёратига кетишга ижозат берди, Шариф Муҳаммад султонга Котни инъом қилди, Хоразмишоҳ султон (у ўша чоғда ўн икки ёшда эди) билан Авғон султонни (ўн ёшда эди) Хивага жўнатди.

Лекин Исфандиёрхон Маккага бормади, у тўғри Исфохонга, шоҳ Аббос I (1587—1629) ҳузурига борди ва унинг ёрдами билан 1623 йили Хива тахтини эгаллади. Абулғозихон бундан хабар топиб, ўша йилиёқ Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёрхон унга Урганчини берди. Лекин орадан тўрт йил ўтиб, 1627 йили хон билан оралари бузилиб, Абулғозихон Туркистонга Эшимхон (1629 йили вафот этган) ҳузурига қочиб борди. Кўп ҳам ўтмай уни Турсунхон Тошкентга олиб кетди. У Тошкентда икки йил истиқомат қилди ва Турсунхоннинг ўлиmidан кейин, 1630 йили яна Бухорога, Имомқулихон ҳузурига қўл қовуштириб борди. Лекин бу гал у Бухорода кўпга қолмади. Уша йили хондан норози бўлган хивалик туркманларнинг чақирғи билан яна Хоразмга қайтиб борди. Исфандиёр (у ўша вақтда Хазораспда турарди) икки ой давом этган бордикелдидан кейин унга Хивани топширишга мажбур бўлди. Лекин пайт пойлаб юрди. Орадан олти ой ўтгач, Исфандиёр уни ўша вақтларда Эрон подшоҳи тасарруфига тушиб қолган Нисо Дарунга (Ашхобод билан Қизил арвоғ ўртасида жойлашган манзилгоҳ) босқин қилишда айблаб хибсга олди ва Эронга шоҳ Сафий I (1629—1642) ҳузурига омонат тарзида жўнатиб юборди.

Абулғозий Эронда қарийб 10 йил (1630—1639) махсус назоратчилар қўл остида Исфохонга яқин жойлашган Таборак қалъасида тирикчилик ўтказди. 1639 йили, ёз кунларидан бирида у тутқунликдан қочиб қугулишга муваффақ бўлди. Кўп тараддуд ва машаққатлар чекиб, икки ярим йил деганда, 1642 йили Орол ўзбеклари орасида келиб тушди. Ороллик ўзбеклар 1643 йили Абулғозийни хон кўгардилар. Орадан бир йил ўтгач, 1644 йили, у кўпчилик рақибларини енгиб, Хоразм тахтини эгаллашга муваффақ бўлди.

Абулғозийхон ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўлгирди. Лекин бошиқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-

ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш-талашларда ўтди: 1646—1653 йиллари у Тажан, Бомӣ баурма (Қизил арвотнинг шарқий-жанубий тарафида бўлган манзилгоҳ), Атрок ва Журжон туркманлари билан уруш олиб борди, 1655—1662 йиллари ўлкага вақти-вақти билан босқин қилиб турган ёйиқ(Урол)лик ўрис қозоқлари, қолмоқлар ва қозоқ кўчманчилари билан курашди, 1663—1664 йиллари бир неча марта Бухоро устига юриш қилди.

1664 йили Абулғозихон оғир дардга чалиниб ётиб қолди, тожу тахтни эса ўғли Анушахон (1664—1674) га топширди. Орадан кўп вақт ўтмай 1664 йилнинг апрель ойида у дунёдан ўтди. Абулғозий ҳаммаси бўлиб 60 йилу етти ой умр кўрди.

Абулғозихондан икки тарихий асар қолди. Биттаси «Шажарайи тарокима» (1658—1661 й. орасида ёзилган деб тахмин қилинади) аталиб, туркий қабилаларнинг, хусусан туркман халқининг келиб чиқиши ҳақида қимматли маълумот беради. Асарда барча туркларнинг афсонавий подшоҳи Ўғузхон ва унинг авлоди тарихи, шунингдек, туркман уруғлари (солур, бояндур, така, ёвмут, тевачи, хизр эли, сариқ, Али Эли, ёзир, эрсори ва бошқалар)нинг келиб чиқиши қисқа тарзда баён этилган. «Шажарайи тарокима», Абулғозихоннинг ўз сўзларига қараганда, туркман муллалари, шайхлари ва бекларининг илтимоси билан ёзилган. Ушбу асарнинг танқидий матни, русча таржимаси катта илмий тадқиқот билан қўшиб, 1958 йили академик А. Н. Кононов (1906—1986) тарафидан Ленинградда чоп этилган. Абулғозихоннинг иккинчи асари «Шажарайи турк» номи билан машҳур. Асарнинг асосий қисми 1663—1664 йилларда ёзилган. Унда Хоразмнинг XVI — XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихи баён этилади.

«Шажарайи турк»нинг ёзилиши сабаблари ҳақида муаллифнинг ўзи бундай дейди: «Аmmo бизнинг ота-ақаларимизнинг бепарволиқи ва Хоразм халқининг бевоқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизнинг Абдуллахоннинг (Шайбоний Абдуллахон II; 1583—1598 й. Бухоро хони — Б. А.) оталари (Абулхайхон; 1528—1568 йил — Б. А.) бирлан бизнинг оталаримизнинг (Шайбоний Ёдгорхон; XV аср — Б.А.) айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук, ҳеч муносиб киши топмадук, зарур бўлди (ва) ул сабабдин ўзимиз айтдук».

Асар қисқа муқаддима ва тўққиз бобдан иборат: 1) Одам Атодан то туркларнинг қадимги хонларидан Мўғулхонгача кечган ҳодисалар зикри; 2) Мўғулхондин — Чингизхонгача бўлган тарих; 3) Чингизхоннинг туғилганидан то вафотигача тарихи; 4) Чингизхоннинг учинчи ўғли Ўгадай қоон (1227—1241 йиллари отаси ўрнида ўлтирган) ва авлоди, Чингизхоннинг бошқа ўғиллари наслидин бўлган ва Мўғулистонда подшоҳлик қилганлар зикрида; 5) Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхон (Мовароуннаҳр, Еттисув вилояти ва Шарқий Туркистон устидан 1227—1241 йиллар подшоҳлик қилган) авлодидан Мовароуннаҳр ва Қошғарда подшоҳлик қилган авлодининг зикри; 6) Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйхон авлодидан Эронда подшоҳлик қилганлар (улар тарихда

элхонийлар деб аталади; 1256—1336 й. ҳукмронлик қилганлар) зикри; 7) Чингизхоннинг улуг ўғли Жўчихон (1227 й. отасидан тахминан олти ой аввал вафот этган) авлодидан Дашти қипчоқда (ҳозирги Қозоғистон ва то Днепргача бўлган жанубий Русия ерлари тарихда XI—XV асрларда шу ном билан аталган) подшоҳ бўлганлар зикри; 8) Жўчихоннинг бешинчи ўғли Шайбон (XIII аср) авлодидан Мовароуннаҳр, Қрим, Қозоқ ва Туронда хонлик қилганлар, шунингдек, Жўчихоннинг ўн учинчи ўғли Тўқай Темурхон наслидан Қрим, Қозоқ ва Мовароуннаҳрда подшолик қилганлар зикри; 9) Шайбон авлодидан Хоразм мамлакатида подшолик қилганлар зикри.

Абулғозихон асарнинг 7, 8 ва 9-бобининг бир қисмини (1644 й. гача кечган воқеалар тарихини) ёзиб улгурган, холос. 1—6-боблар ва 9-бобнинг давоми (1644—1664 йил воқеалари) Анушахоннинг топишириғи билан Маҳмуд ибн мулла Муҳаммад Урганжий деган уламо тарафидан ёзилган. Бу ҳақда асарда мана бу қайд бор: «Маълум бўлсинким, Абулғозихони жаннат макон бу китобни тасниф қилиб ярмига етканда хаста бўлдилар, ўғиллариға васият қилиб турурларким, бу китобни нотаом қўйманг, итмомиға сабъй (ҳаракат) қилинг. Ул сабабдин Абулмузаффар валмансур Анушахон ибн Абулғозихон марҳум ва мағфурий, бу бандайи бибизоат ва каминайи беиститоат Маҳмудий ибн мулла Муҳаммад замон Урганжий бўлғайман, «бу китобни итмомиға еткур», деб ҳукм қилдилар».

Асар Абулғозихондан аввал ёзилган бирмунча тарихий асарлар (умумий сони 18 та деб кўрсатилади) шулардан фақат иккитаси: Шарафуддин Али Яздий (1454 йили вафот этган)нинг «Муқаддимаий зафарнома» ва эронлик машҳур тарихчи Рашидиддин (1247—1318)нинг «Жомеъ ут-таворих» («Тарихлар мажмуъаси») тилга олинган. Бундан ташқари, асарнинг оригинал қисмини (8,9-боблари) ёзишда муаллиф ўзи билган ва сўраб-суриштириб тўпланган маълумотлардан ҳам кенг фойдаланган.

«Шажарайи турк» тарихининг турли масалаларига (ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-этноик ва ҳ. к.) оид эътиборга молик маълумотларга бой асардир. Биз мисол тариқасида улардан айримларини қайд этиб ўтамиз.

Т а р и х и й м а ъ л у м о т л а р и ч и д а Шайбон улуси ва унинг сарҳадлари, унинг XV асрнинг сўнги чораги — XVI аср бошларидаги умумий аҳволи, Сибирь хонлиги, Хоразмнинг XVI—XVII асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, унинг Россия, Қозоқ ҳамда Бухоро хонликлари билан бўлган ўзаро муносабатлари ҳақидаги маълумотлар диққатга сазовордир.

Масалан, Шайбон улусининг сарҳадлари ва ташкил топган вақти ҳақида асарда бундай дейилган: «Ул (Ботухон — Б. А.) «бу сафарда (1236—1240 йиллари Мажор, Бошипрд, рус ва Қурил ерлариға қилинган ҳарбий юриши — Б. А.) ишминни битирган сен бўлдуңг», теди. Тақи Шайбонхонга жулду тиб ўн беш минг эвлик

эл берди... ул сафарда олган ўлжа вилоятлардин Курил (асли Келар) юртини берди. Байри элиндан қўшичи ва найман ва қорлиқ ва буйракни (яъни) бу тўрт уруқ элни берди. Тағи айдиқим, «ўлтурур юртунг акам (Ўрда) Ичан бирлан менинг орамизда бўлсуру. Ёз ёзина Иргиз ва Ур ва Или (дарёларидан) то Урол тоғизача, Ёйиқнинг (Ўрол дарёсининг — Б. А.) кун туғуш тарафини яйлагил. Қиш бўлганда Орақум, Қорақум ва Сир сувининг бўйини, Чу сувининг, Сари (Сариқ — Б. А.) сувининг оёқини қишлағил, теди».

Мағлумки, Сибирь хонлиги номи билан мағлум бўлган (XV асрнинг 20-йилларида ташиқил топган) ва Фарбий Сибирь устидан ҳукм юргизган феодал давлат тепасида ҳам ўша Шайбон наслидин бўлган хонлар турган. Уларнинг сўнги хонларидан Кўчумхон (1563—1598) ҳақида асарда мана буларни ўқиймиз: «...Маҳмудакхони мазкурнинг бир ўғли Муртазохон, анинг ўғли Кўчумхон ... Бу Кўчумхон Туро вилоятинда қирқ йил подшоҳлик қилди. Узун ёш тобди. Ахир икки кўзи нобино бўлди. Тарих 1003 (1595) йилда Кўчумхоннинг қўлидин Турони ўрус олди. Кўчумхон қочиб манғит халқининг ичига борди. Тақи ҳақ раҳматиға кетди».

Асарда рус халқи ва Русия билан муносабатлар ҳақида ҳам қисқа, лекин эътиборга молик мағлумотлар келтирилган. Мана улардан баъзилари: «(Араб Муҳаммадхон) хон бўлгандин (1602 — Б. А.) олти ойдин сўнг Қўш ёйиқ теганди юруган ўруснинг қозоқиндин минг киши саратоннинг аввали куни гофил келиб, Урганчининг қалъасина кирди. Шаҳарда рағиятдин ўзза киши йўқ эрди. Хоннинг ўрдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар ... (Ўрус қозоқи) Урганчда рағиятдин минг кишини ўлтурди ва минг қиз бирлан жувонни олди. Минг арабага яхши моллардин юклади. Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястук мундаг нимарсаларнинг барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилғунча етти кун бўлди. Андин сўнг Урганчдин чиқиб дарё лабига юруду...» Ва яна: «Биз дунёға келган йилининг (1603 й.— Б. А.) аввал баҳоринда ўн етти киши Ўрусға савдоға кетар. Қўш ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эркандир. Йўлда анга учрай қолур, (алардин) иккисини ўлтурур, сақлаган кишилардин Урганчининг хабарин сўрар...»

Этнографик мағлумотлар турк-мўғул қабилалари, хусусан номларининг мағноси ҳақидаги мағлумотлар, ўзбеклар, сарғлар ҳамда туркман уруғлари (сарик, ёвмут, қизил аёқ, эрсари ва ҳ. к.) ҳақидаги мағлумотлар ҳам муҳимдир. Бир-икки мисол: «Асл лафз мўғул мунгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора мўғул тедилар. Мунгнинг мағносин барча турк билурлар: қайғу мағносина турур. Улнинг мағноси сода дил, яъни қайғули сода темак бўлур». Ва яна: Қ и п ч о қ — Тан (Дон — Б. А.) ва Итил (Волга — Б. А.) ва Ёйиқ (Ўрол — Б. А.); бу айтилган сувларнинг орасинда ўлтурдилар». Яна бир мисол: Қ и н и қ л и — туркман бирлан бирга ўлтурур эрдилар. Туркман вилоятға тушган-

дин сўнг Иссиқкўл ва Чу ва Талош; бу айтилган суварнинг ёқаларинда ватан қилиб, кўп йиллар ўлтурдилар. Урганч подшоҳлариндин Текашхон (1172—1200 йиллари ҳукмронлик қилган — Б. А.) қиниқлининг бир ўглининг қизин олди Туркан олтиқ, Султон Муҳаммад Хоразмишох (1200—1220 йиллари подшоҳ бўлган — Б. А.) ул қиздин туғди». Охириги мисол: «Тўқтағуҳон (1290—1312 й. да ҳукмронлик қилган Олтин Урда хони — Б. А.) ўлгандин сўнг ўн уч ёшинда Ўзбекхон (1312—1342) хон бўлди. Тақи элни ота-бобосининг дастури бирлан забт қилди. Ҳар кимнинг мартабасина лойиқ ҳурмат қилиб, инъомлар берди. Эл-улусни дини исломга киргузди... Андин Сўнг Жўчи элини ўзбек эли тедилар».

Ўлканинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид маълумотлар. Хоразмнинг ўша замонларда ҳам обод бўлганлиги, Амударё ўзанининг ўзгарган вақти ва унинг оқибатлари ҳақидаги маълумотлар ҳам қимматлидир. Бу ҳусусда ҳам бир-икки мисол келтириш билан чекланамиз. «Ул вақтда (Сўфиёнхон замонида — Б. А.) Урганчдин Абулхон (Каспий денгизининг шарқий тарафида, Красноводск қўлтигининг шарқий-жанубий тарафида жойлашган тоғлиқ ноҳия — Б. А.) бормоқ бу овулдин ул овулга боргонтек эрди. Анинг учун Аму суви Урганч қалъасининг тубиндин ўтиб, Абулхон тоғининг кун туғишига бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин угрулуб кун ботишига бориб, андин ўгуб Ўғурча (Амударёнинг қуйи қисмида, унинг жанубий ирмоғи Ажойба сувининг Каспий денгизига қуйиладиган ерда жойлашган манзил — Б. А.) бориб Мозандарон (Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номларидан бири — Б. А.) тенгизина қуяр эрди. Тақи улким, Аму дарёсининг икки тарафи то Ўғурча боргунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахтон эрди. Баланд ерларга чигир қурашлар эрди. Молли халқ кўковун ва чибин вақтинда бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетарлар эрди. Чибин ётқондин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлиқ ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди». Ва яна: «Анинг (Аминакхоннинг ўгли Қолхоннинг — Б. А.) замонида Урганч ободон ва халқ тинч бўлди. Бениҳоят арзонлиқ бўлди... Бир пулга бир нон бўлди тедилар». Яна бир мисол: «Кема ўша вақтда (Аванешхон даврида — Б. А.) Урганч бирлан Вазирнинг орасиндин юрур эрди».

Яна шу ҳам диққатга сазоворки, ўша замонларда Хоразмда, бошқа экинлар билан бир қаторда бугдой ҳам кўп экилар, шунинг учун ҳам нон арзон эди. Битта мисол келтирамиз: «Ул вақтда (Араб Муҳаммадхон даврида — Б. А.) Миздахкондин то Бақирғоннинг бори юзи Қуйғун деган ергача бугдой экилар эрди. Бизнинг хон Туқ қалъасининг юқорисидин бир ариқ қаздуруб турурлар. Фақир дунёга келмасдин бир йил бурун (1602 й.) Мезон бўлганда сақасини кўмарлар эрди. Бугдойни ўрган вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдин сўнг ариқнинг кенлиги отган ўқ ўтмасдай бўлди. Сувнинг оёқи Қуйғун борди. Андин Ачи тенгизина (Ачиқ

денгиз — Б. А.) борди. Ёлғуз бугдой экилур эрди. Отли киши ун кунда бугдойнинг тошиндин айланиб кела билмас эрди. Ул вақтда кул-пучак ярим мисқол кумуш бир танга ерина юрур эрди. Бир тангага ярим тева (туя) юки бугдой берурлар эрди. Бир мисқол кумушга бир харвор (бир эшак юки — Б. А.) бугдой берурлар эрди.

Юқориди келтирилган мисолдан Амударё қадим-қадим замонлардан Каспий денгизига бориб қуйилиши маълум бўлди. Лекин кейинча дарё ўзанини ўзгартириб, Сариқамиш пастлигига қуйилган бўлди. Бу воқеа содир бўлган вақт «Шажарайи турк»да аниқ кўрсатилган. «Биз дунёга келмасдин ўтгиз йил илгари, — деб ёзади Абулғозихон, — Аму суви Хос минорасининг юқорисини, уни Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъасина бориб, Сир тенгизина қуйғон эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти». Демак бу муҳим воқеа 1573 йили содир бўлган экан.

Бундан бошқа яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Қисқаси, «Шажарайи турк» Хоразмнинг узоқ ўтмишидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид яна жуда кўп маълумот беради. Шу сабабдан уни Хоразм тарихига оид қимматли ёзма манбалар қаторига қўшиш мумкин. Унинг ҳозирги алифбода чоп этилиши эса шак-шубҳасиз ўзбек халқининг алмий ва маданий ҳаётида муҳим воқеадир. Шунинг учун ҳам уни араб имлосидан ҳозирда амалда бўлган имлосига ағдарган Қувомиддин Муниров ва унга асарни ҳозирги кўринишида юзага келтиришида маслаҳатчилик қилган Қозоқбой Маҳмудовнинг хизматларини яна бир бор алоҳида қайд қилиб ўтмоқчиман.

«Шажарайи турк» ёзма обидаси XVII асрга оид тарихий асар бўлгани учун эски ўзбек (чигатой) тилига хос хусусият мавжуд. Бу асарда туркий тилларга хос ўнга унли фонема ҳамда ундош говушлар қўлланган. Биз унли фонемаларни ҳозирги ўзбек адабий тили имлоси асосида тайёрладик. Бу ёзма обида умумтуркий тилларга хос сингармонизм қонунини асосида битилган, тарихан ва ҳозирга қадар қўлланиб келаётган сўзлар ҳозирги ўзбек тили имлоси асосида ёзилди. Ҳозирги ўзбек адабий тилида истеъмождан чиққан сўзларнинг тарихий талаффузини сақлаб қолдик. Тарихан ва ҳозирги сифатдош қўшимчаси таркибидаги -г, -г, -к, -к, -х ундошларидан сўнг алиф билан ифодаланган бўлса ҳам -а унлиси билан ёзилди, туркий тилнинг фонетик қонунига кўра, -г, -к, -х ундош говушларидан олдин ёки кейин қаттиқ айтилишчи -а унли билан талаффуз қилинади, -г, -к ундош говушларидан сўнг -а унлиси юмшоқ айтилади.

Изофали бирикмаларда аниқланмиш сўз охири алиф ёки ҳамза билан тугаса, изофадан олдин -й сонори қўлланди. Масалан: «Шажарайи турк» каби.

Ушбу тарихий ёзма обидада баъзи жуғрофий этник, шахс номларида икки хил ёзилишлар учрайди, масалан Берка номли хон номи Бурка деб аташ ҳам кўрсатилган. Хивақ ёки Хива каби

сўзларда ҳам икки хил ёзиш қўлланган. Биз жуғрофий, шахс номларини ёзилиш, талаффуз хусусиятига риоя қилдик.

Ёзма обида матнида қўлланган сўзлардаги грамматик кўрсаткичлар: -лик, -лик, -лук, -лук, -лук, -рак, -рак, -гай, -гай, -қай, -қай каби қатор қўшимчалар сингармонизм қонунига кўра сақланди.

Бўрибой АХМЕДОВ.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.





БИСМИЛЛАХИРРОҲМАНИРРОҲИМ

Ибтидосиз ва интихосиз ва шериксиз, етти кат осмон ва етти кат ерни ва ўн саккиз минг оламни бўл деганда бўлдурган тангрининг ҳамдидин сўнг анинг дўсти ва барча одам фарзандларига ва жинларга юборганларнинг аълоси улвил азм ва рисолат ва нубувват ва хотамат. Бу тўрт мартабани ўз фазлидин иноят қилиб юборган расул Муҳаммад турур. Мустафонинг дурудидин сўнг муҳиббул уламо ва мураббийол фузало Араб Муҳаммадхон ўғли Абулғозий Баҳодирхонни Чингизий ва Хоразмий андақайтатурур ким Чингизхоннинг обо ва аждодларини ва авлодларини ким ҳар вилоятларда подшоҳлик қилиб турурлар. Муаррихлар туркий ва форсий тили бирлан онларнинг подшоҳлик қилган ва туғган ва ўлган тарихларини, яхши ва ёмон қилган ишларини ёзиб турурлар. Бир подшоҳ отина бир донишманд киши бир тарих айтиб турур. (2 а) Ва яна бир неча йиллардин сўнг шул подшоҳнинг авлодидин яна бир подшоҳ бўлганда тақи бир донишманд муаррих пайдо бўлиб, ман ул бурунқи муаррихдин яхши айтурман теб, бу подшоҳнинг отина тақи бир тарих айтиб турур. Шундақ қила-қила Чингизхон авлодидин ҳар юртда ўтган подшоҳларнинг отларига баъзиларига ўн тарих, баъзиларига йигирма тарих ва баъзиларига ўттуз тарих айтиб турурлар. Эрон бирлан Туронда ўтган Чингизхон ўғлонларининг отларина айтилган тарихлардин ушбу замон фақирнинг олдинда ўн саккиз мужаллад ҳозир турур. Аммо бизнинг ота ва ақаларимизнинг бепарвойлиқи ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдин, бизнинг жамоатимизни Абдуллохоннинг оталари бирлан бизнинг оталаримизнинг айрилган еридин то бизга келгунча тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир кишига таклиф қилали теб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадук. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдук. Туркнинг масали турур: «Ўқсуз ўз қиндигин ўзи кесар», теган.

Одам замонидин то бу дамгача ул чоқли тарихлар айтилган турур ким ҳисобини тангри билур. Ҳеч подшоҳ ва амир ва ҳеч ҳаким ва донишманд ўз тарихини ўзи айтган эрмас турур. Бизнинг юртимизнинг ҳавосиндин ва аҳли Хоразмнинг бибизоат-

лигидин ҳеч замонда бўлмаган (2 б) иш бўлди. Эмди кўнглингизга келмасун ким фақир тараф тутуб ёлгон айтган бўлгайман ва ё ўзумни галат таъриф этган бўлгайман. Бу фақирга худойи таоло иноят қилиб кўб нимарса берган турур. Хусусан уч хунар берган турур. Аввал, сипоҳийгарликнинг қонуни ва йўсуни ким, нечук отланмоқ ва юрумак ва ёвга ёсоқ ясамоқ, кўп бирлан юруганда нечук қилмоқ, оз бирлан юруганда нечук қилмоқ, дўстга, душманга нечук сўзлашмак. Иккинчи, маснавийёт ва қасоид ва газалиёт ва муқаттаот ва рубоийёт ва барча ашъорни фаҳмламаклик, арабий ва форсий ва туркий луғатларнинг маъносини билмаклик. Учинчи, Одам аҳдиндин то бу дамгача Арабистонда, Эрон ва Туронда ва Мўғулистонда ўтган подшоҳларнинг отлари ва умрларининг ва салтанатларининг кам ва зиёдин билмаклик. Бу вақтда фаҳмламакликда ва тарих билмакликда фақирдек киши шояд Ироқда ва Хиндустонда бўлса бўлгай, йўқ айтсам ёлгон бўлгай, аммо сипоҳийнинг йўсуни билмакликда бу чоқда мусулмон ва кофирда биз кўриб ва эшитатурган ерларда ва юртларда йўқ турур. Ер юзи кенг турур. Эшитмаган ерларимизда бўлса ажаб эрмас. Эмди мақсаддин қолмағали.

Тарих ҳижрий минг тақи етмиш тўрт эрди ким, биз бу китобни ибтидо қилдук ва тақи «Шажарайи турк» (3 а) деб от қўйдук. Тақи тўққиз боб қилдук.

Аввалги боб, Одамдин то Мўғулхонгача.

Иккинчи боб, Мўғулхондин Чингизхонгача.

Учинчи боб, Чингизхоннинг туққанидин ўлғонигача.

Тўртинчи боб, Чингизхоннинг учинчи ўғли Угадай қоонинг ва анинг авлодининг ва Чингизхоннинг ўғлонларининг наслидин ҳар ким Мўғул юртинда подшоҳлик қилган бўлса анинг зикри.


Бешинчи боб, Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг авлодиндин Мовароуннаҳр ва Кошғар юртинда подшоҳлик қилганларнинг зикри.

Олтинчи боб, Чингизхоннинг кичик ўғли Тўлихоннинг авлодиндин Эрон мамлакатинда ҳукумат қилганларининг зикри.

Еттинчи боб, Чингизхоннинг улуг ўғли Жўчихоннинг авлодиндин Дашти Қипчоқда подшоҳлик қилганларининг зикри.

Саккизланчи боб, Жўчихоннинг ўғли Шайбонхоннинг авлодиндин Мовароуннаҳр ва Қирим ва Қозоқ ва Туронда хон бўлганларининг зикри ва Жўчихоннинг ўн учланчи ўғли Тўқай Темурнинг наслидин Қирим ва Қозоқ ва Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилганларининг зикри.

Тўққизланчи боб, тақи Шайбонхон авлодиндин Хоразм мамлакатинда подшоҳлик қилганларининг зикри. Бу тўққуз боб ажойиб ва қўш тупиди. Анинг учун ҳукамолар айтиб турурлар: «Ҳеч кимнинг мартабаси тўққуздин юқори бўлмас, ниҳояти тўққуз



БИРИНЧИ БОБ

ХУДОЙИ ТАОЛО ОДАМ АЛАЙХИССАЛОМНИ (3 Б) ЯРАТҚАНИНИНГ ЗИКРИ.

Худойи таоло ани яратур бўлди эрса, Жаброил алайхиссаломга буюрди ким, ер юзиндин бориб турфоқ олиб кел, теб. Ул ер юзина келиб турфоқ олур бўлганда ер ҳол тили бирлан андин сўрди ким не қилатуурсен, теб. Жаброил воқиотни баён қилди эрса, ер анга Тангри таолодин онг берди, мендин олмағил. Анинг учун тонгла одам фарзандлари кўб бўлгандин сўнг бири кофир, бири осий, бири золим ва бири гуноҳкор бўлурлар. Онларни худойи таоло азоб қилур. Мен Тангри таолонинг газабиға ва азобиға тобим йўқ турур, теди эрса, Жаброил турфоқ олмай қайтиб келиб худоға ернинг арзин еткурди. Андин сўнг Мекоил алайхиссаломни юборди. Ул ҳам қайтиб келиб шул сўзни айтди. Андин сўнг Исрофил алайхиссаломни юборди. Ул ҳам қайтиб келиб эшитганин арз қилди. Андин сўнг Азроил алайхиссаломни юборди. Анга ҳам турфоқ онг берди. Азроил алайхиссалом айтди, Тангрининг ҳукми санинг ёлбориб онг берганиндин ортук турур, теб. Ул ерики бу вақтда Каъба анинг устунда турур, андин турфоқ олди. Анинг учун инсоннинг арвоҳини олмоқлики Азроилға ҳавола қилди. Андин сўнг худойи таоло кудрат қўли бирлан ул турфоқни хамир қилиб Одамнинг суваратини ясаб ўттуз тўккуз кун (4 а) Макка бирлан Ҳоййфнинг аросинда қўйди. Қирк кун бўлганда анга жон берди. Иблиснинг Одамға сажда қилмагани ва Одамнинг биҳиштға бориб яна қайта бу дунёга келгани ойдин равшанроқ ва офтобдин машхурроқ турур. Анинг несини айтайин, минг йил бу дунёда туруб, ул дунёга кетди. Лафзи одам араб тили турур. Ернинг киртишини одим дер. Азроил турфоқни ернинг ичиндан олмади, тақи киртишиндин олиб эрди, анинг учун Одам тедилар, лақаби Сафийоллоҳ турур. Одам ўз ўғлонлариндин қирк минг кишини кўриб ўлди. Улар бўлганида Шиш отли ўғлини ўзининг ўрнида қўйди. Андин сўнг Шишини худойи таоло пайғамбар қилди. Ул тўккуз юз ўн икки йил умр топиб жаннат саройиға кетди. Шишнинг маъноси Хайбатуллоҳ темак бўлур. Ул тақи улар

вактивда ўгли Анушни ўрнида ўлтуртди. Ул тақи улуг отаси Одамнинг шариагига амал қилиб, тўккуз юз ўн икки йил бу манзилда туруб ул манзилга кетди. Анушнинг маъноси содик демак бўлур. Ул тақи ўларинда ўгли Қийнонни ўрнида ўлтуртуб, кўб насиҳат ва васийят қилди. Қийнон тақи саккиз юз қирк йил отаси йўлинда юруб, ўгли Махлойилни ўрнида ўлтуртуб, Тангри яқинига борди. Махлойил замонда Одам фарзандлари кўб бўлдилар. Махлойил (4 б) Бобил иклиминда бу бир шаҳр солди. Тақи отини Сус кўйди. Том ва эвлар солдирди. Кендлар қилдурди. Андин илгари том, эв йўк эрди. Тоғларнинг қавшинда ва чангалларда ўлтурурлар эрди. Элга ҳукм қилди, ер юзига ёйилинг. Ҳар ерда муносиб ер топсангиз экин экинг ва кендлар солинг, теб. Халқ андақ қилдилар. Махлойил тўккуз юз йигирма йил бу дунёда туруб ул дунёга кетди. Уларда ўгли Барадни ўз ўрнида ўлтуртди ва Барад тақи тўккуз юз олтмиш йил яшаб, ўгли Ахнухни ўз ўрнида ўлтуртиб, отаси кейинидин кетди. Сурёний тили бирлан оти Ахнух эрди. Илми диний, ҳикмат ва тибни кўб дарс айтур эрди. Ул сабабдин араб уларга Идрис теди. Худойи таоло ани ўз замонидаги халқга пайғамбар қилди. Саксон икки йил пайғамбарлик қилиб, халқни тўғри йўлга ундади. Андин сўнг тангрининг амри бирлан Азроил келиб, Идрис алайҳиссаломни парининг устинда кўюб беҳиштга олиб борди. Ул кундин то бу вақтгача беҳиштда турур. Идрис беҳиштга боргандин сўнг ўгли Магушлах отоси ўрнида ўлтуруб дод ва адлга машғул бўлди. Умрининг баёни маълум эрмас, кўб йиллар ўткандин сўнг ўгли Ламакни ўрнида ўлтуртуб, охират сари кетди. Ламак ҳам бу дунёда кўб йиллар турди. Аммо умрининг (5 а) сони маълум эрмас. Ул тақи ўлар бўлганида ўгли Нуҳни ўрнида ўлтуртди. Ул икки юз эллик ёшига етканда худойи таоло ани пайғамбар қилиб, ўз замонидаги халқга юборди. Етти юз йил халқни мусулмонликга тарғиб қилди. Эру хотин саксон киши имон келтурдилар. Етти юз йил дунёда тўли халқга юруб тангрига имон келтурунг теганида саксондин ортук киши имон келтурмаганига қаттиқ аччиғи келиб дуойи бад қилди. Жаброил алайҳиссалом келиб айтди: «Худойи таоло сенинг дуонгни қабул қилди. Палон вақтда барча ер юзиндаги халқни сувга фарқ қилмоқ бўлди. Кема ясасун, теб амр қилди, теди». Тақи кеманинг нечук ясарун ўргатди. Нуҳ пайғамбар ўзига имон келтурган киши бирлан ясади. Андин сўнг ердин сув чикди. Осмондин ёғмур ёғди. Нуҳ пайғамбар учар қушлардин ва оёқиндин юруган жонуворлардин ҳар хилдин бир жуфтни олди ва ўзига имон келтурган кишилар бирлан кемага минди. Ўзга ер юзиндаги жонли шимарсанинг барчаси сувга фарқ бўлди. Андин сўнг худонинг амри бирлан ерсувни ўзига торғди. Шом юртинда Мўсил шаҳрининг яқинида Жуди тоғиндин кема чикди. Ражаб ойининг аввали кўни кемага миниб (5 б) эрдилар, то муҳаррам ойининг ўнигача олти ой, ўн кун бўлганда кемадин чикдилар. Тақи тоғнинг тубинда ўлтурдилар. Барчалари бемор бўлдилар. Нуҳ пайғамбар ва кўчлари ва уч ўғиллари ва уч келинлари яхши бўлдилар. Андин ўзга кишиларининг барчалари ҳақ раҳматига кетдилар. Андин сўнг Нуҳ

пайғамбар уч ўғлининг ҳар қайсисин бир ерга юборди. Ҳом отли ўғлини Ҳиндустон юртига юборди. Сом отли ўғлини Эрони заминга юборди. Ва Ёфас отли ўғлини қутби шимолий тарафига юборди. Таки учига ҳам айтди ким, одам фарзандлариндин сиз учингиздин ўзга киши қолмади. Энди учингиз уч юртда турун! Ҳар қачон ўғлон ва ушоқингиз қўб бўлса, ул ерларни юрт қилиб ўлтурун! — теди. Ёфасни баъзилар пайғамбар эрди, теб турурлар ва баъзилар пайғамбар эрмас, теб турурлар. Ёфас отасининг ҳукми бирлан Жуди тоғида кетиб Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосига борди. Икки юз эллик йил анда турди. Таки вафот тобди. Саккиз ўғли бор эрди. Авлоди бисёр қўб бўлуб эрди. Ўғлонларининг отлари мунлор турур: Турк, Хазар, Саклаб, Рус, Минг, Чин, Камари, Тарих. Ёфас ўларинда улуг ўғли Туркни ўрнида ўлтуртуб, ўзга ўғлонларига айтдиким, Туркни ўзларингизга подшоҳ билиб, анинг сўзидин чиқманг. Туркка Ёфас ўғлони теб лақаб қўйдилар. Бисёр адаблик ва оқил киши эрди. Отасиндин сўнг ерларни юруб кўрди. Таки бир ерни (6 а) хушлаб, анда ўлтурди. Бу кун ул ерларни Иссиғқўл дерлар. Хирғоҳ эври ул чиқарди. Турклар ичинда ким баъзи расмлар бор, андин қолди. Туркнинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Тўтак, иккинчи Чигил, учинчи Барсачар, тўртинчи Имлок. Улар бўлганида Тўтакни ўз ўрнига подшоҳ қилиб, узоқ сафарга кетди. Тўтак оқил ва давлатли яхши подшоҳ эрди. Турк ичинда кўп расмларни ул пайдо қилди. Ажам подшоҳларининг аввали Каюмарс бирлан Маосир эрди. Кунларда бир кун овга чиқиб кийик ўлтуруб қабоб қилди. Еб ўлтуруб эрди, илгидин бир тўрғам эт ерга тушди. Ани олиб еди эрса, оғзига бисёр хушмаза келди, анинг учун ул ер тузлок эрди. Ошга туз солмокни ул чиқарди. Бу намакин расм андин қолди. Икки юз қирк йил умриндин ўтгандин сўнг ўғли Аблачахонни ўз ўрнида ўлтуртуб, борса келмас теган шахрга кетди. Аблачахон таки кўп йиллар подшоҳлик қилиб, ошларни ошаб ва ёшларни яшаб, отаси кейинидин кетди. Улар вақтинда ўғли Деббоқуйхонни ўрнида ўлтуртди. Дебнинг маъноси тахтнинг ери, боқуйининг маъноси эл улуги темак бўлур. Ул таки кўп йиллар подшоҳлик қилиб дўстларнинг кулганин ва душманларининг йиғлаганин кўруб ва суюниб қўб йиллар подшоҳлик қилиб ўғли Куюкхонни ўрнида ўлтуртуб борса келмас теган шахрга (6 б) кетди. Куюкхон таки ота тахтинда ўлтуруб неча йиллар дод ва адл қилиб ўғли Аланчахонни еринда қўюб, халқ боратурган ерга борди. Аланчахон қўб йиллар элга подшоҳлик қилди. Нух алайҳиссаломнинг замонидин то бу Аланчахоннинг замониғача барча Ёфас авлоди мусулмон эрдилар. Аланчахон замонида юрт ободон ва эл давлатли бўлди. Ўзбекнинг (Ўзбек) масали турур: «Ит семирса эгасин қопар», теган. Ул теганлайин ҳар кишининг бир севари ўлган бўлса, ўғли ва қизи ва ё ақа-инисиндай анга ўхшатиб эвинда бир кўрчокни ясаб қўйди. Таки бу бизнинг фалоннинг суврати турур теб, ани севди. Ошнинг олдини анинг олдина қўйди. Ани ўпди. Юзини ва кўзини суртуб, бош урди. Шундақ қила-қила бутпарастлик ошкор бўлди. Аланчахоннинг икки ўғли бор эрди, эгиз туқған. Улуғининг оти Татар, кичигининг оти Мўғул.

Аланчохон қарифон сўнг элни икки бўлуб, икки ўғлига берди. Бу аккиси бири-бири бирлан ёмонлик қилмай, яхшилик бирлан давлат суруб умр ўтказдилар. Аввал Татарни айтили. Тангрим буюрса андин сўнг Мўғулни айтурмиз. Татархоннинг ўзиндин бошга то этти ўғлигача подшоҳлик қилдилар. Татархон кўп йиллар подшоҳлик қилиб вафот топди. Ўғли Букахон ота ўрнида ўлтуруб, кўп йиллар подшоҳлик (7 а) қилиб ўлди. Андин сўнг ўғли Эланчохон ота гақтида ўлтуруб, бир неча йиллар элга ҳукумат қилиб ўлди. Андин сўнг ўғли Оглихон подшоҳ бўлиб, бир неча йиллар айш қилиб, отаси кейинидин кетди. Андин сўнг ўғли Огсизхон ота ўрнида ўлтуруб бир неча йиллар ёвни ёвлаб ва овни овлаб, отасини кейинидин кетди. Андин сўнг ўғли Урдухон подшоҳ бўлуб, бир неча йиллар арақ ва кимизни ичиб, хитойи кимхони бичиб ва гəранг сувларни кечиб, отаси ортидин борди. Андин сўнг ўғли Бойдухон подшоҳ бўлди. Бир неча йиллар подшоҳлик қилди. Мўғул бирлан Татар подшоҳ бўлгандин то Бойду замониғача ҳеч эраларинда низоъ йўқ эрди. Мўғулхон ўғлонлари ўз элига подшоҳлик қилурлар эрди. Татар ўғлонлари ўз элларига. Бойду фйкрсиз зугум йигит бўлди. Мўғулхон ўғлонлари бирлан ёв бўлди. Гақи аларнинг элларин чопа бошлади. Ул вақтда ажал келиб ёқасиндин тутуб, отаси қотиға олиб кетди. Андин сўнг ўғли Севинчхон отаси ўрнида ўлтурди. Севинчнинг замонида Мўғул бирлан Татар элининг орасинда душманлик ўти андақ кўп ёнди. Агар Аму дарёсининг сувини солсалар сўймагай эрди. Ҳамиша Мўғул қолиб келур эрди. Тангрим буюрса Мўғул хонларининг сўнггинда Севинчхоннинг қилган ишларини айкумиз (7 б) турур.



O'zbek filologiya
- fakulteti
KUTUBXONASI



ИККИНЧИ БОБ

МЎҒУЛХОННИНГ ЗИКРИ ТО ЧИНГИЗХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИГАЧА



Асл лафз мўғул мунгул турур. Авомнинг тили келмасликидин бора-бора Мўғул тедилар. Мунгнинг маъносин барча турк билурлар, қайғу маъносина турур. Улнинг маъноси сода дил, яъни қайғули сода темак бўлур. Бу тоифадин тўккуз киши подшоҳлик қилдилар. Аввали Мўғулхон охири Элхон. Шарафиддин Яздий «Зафарнома»нинг муқаддимасинда айтиб турур: Турк халқининг ичинда расм турур ҳар нимарсани тўккуз қилмоқ. Ул тўккузни Мўғулнинг тўккуз хонининг юзиндин олиб турур ва тақи китобнинг аввалинда ҳам айтулди, худойи таолонинг яратқан нимарсаларининг барчасин мартаба-мартаба яратқан турур. Ҳеч нимарсанинг мартабасини тўккуздин юкори яратқан эрмас турур. Мўғулхон кўп йиллар подшоҳлик қилди. Тўрт ўғли бор эрди. Аввалги — Қорахон, иккинчи Ўзхон, учинчи Кўзхон, тўртинчи Кўрхон. Мўғулхон ўлар бўлганида улуғ ўғли Қорахонни ўз ўрнида қўюб кетди.

ҚОРАХОННИНГ ЗИКРИ

Отасиндин сўнг тамом элга подшоҳ бўлди. Ар тоғи ва қар тоғи бу замонда ани улуғ тоғ ва кичик тоғ тей турурлар, ани ёйлар эрди. Киш бўлганда Қора қум ва Сир сувининг ёқасини кишлар эрди. Қорахон замонда эл андаг кофир бўлиб эрдиларким, ичларинда бир мусулмон қолмай эрди. (8 а).

ЎҒУЗХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Қорахоннинг улуғ хотунидин бир ўғли бўлди. Кўркали ойдин ва кундин ортук. Уч кеча кундуз онасини эммади. Ҳар кеча ул ўғлон онасининг тушига кириб, айтур эрди: «Эй она, мусулмон бўлғил! Агар бўлмасанг ўлсам ўларман, сенинг эмчакингни эмман!» — теб. Онаси ўғлига қия билмади, тақи Тангрининг бирлигина имон келтурди. Ҳар сўнг ул ўғлон эмчакин эмди. Онаси кўрган тушини



ва мусулмон бўлганини кишига айтмади, тақи яшурди. Анинг учун ким турк халки Ёфасдин Аланчахон замониғача мусулмон эрдилар. Аланчахон подшоҳ бўлгандин сўнг халкнинг боши ва моли кўп бўлди. Давлатга эсардилар. Тақи Таигрини унутдилар ва барча эл кофир бўлдилар. Қорахон замонида кофирликда андаг маҳкам эрдилар ким, агар отаси мусулмон бўлганин эшитса, ўғли ўлтурур эрди ва ўглининг мусулмон бўлганин эшитса, отаси ўлтурур эрди. Ул чоқда мўғулнинг расми андақ эрди ким, то ўғлон бир ёшга етмагунча анга от қўймаслар эрди. Ўғлон бир ёшга етди эрса, Қорахон элга совун солди, тақи улуг тўй қилди. Тўй куни ўғлонни маърака ичига келтуруб Қорахон бекларига айтди: «Бизнинг бу ўғлимиз бир ёшига етди. Эмди мунга (8 б) не от қўярсиз», теб. Беклар жавоб бермасдин бурун ўғлон айтди: «Менинг отим Ўғуз турур».

БАЙТ:

*Ушал бир яшар ўғлон анда равон,
Келиб тилга теди билинлар аён,
Отимдур Ўғуз Ҳисраву номвар,
Билинлар яқин барча аҳли хунар.*

Тўйга келган улуг ва кичик барча ўғлоннинг бу сўзига таиғ қолдилар. Тақи айтдилар, бу ўғлоннинг ўзи отини айтатур, мундин яхши от бўлурму теб, отини Ўғуз қўйдилар. Тақи айтдиларким, бир яшар ўғлоннинг мундақ сўзлаганини ҳеч замонда ҳеч ким эшитган ва кўрган йўқ турур теб, ани ирим этиб айтдилар ким бу узоқ умрли ва улуг давлатли ва учи узаган ва ёни ёйилган бўлгуси турур, тедилар. Ўғузнинг тили чиқиб юрганида оллоҳ-оллоҳ, теб ҳамиша айтур эрди. Ҳар ким эшитса айтурлар эрди, ўғлон тили келмаслигининг не айтурин билмай турур дерлар эрди. Анинг учун ким лафзи оллоҳ араб тили турур. Мўғулнинг ҳеч отаси араб тилини эшитган эрмас. Ўғузни худойи таоло модарзоди вали яратиб эрди. Анинг кўнглина ва тилина ўзининг отини сола турур эрди. Чун Ўғуз йигит етишди эрса, Қорахон иниси Кўрхоннинг кизини олиб берди. Ўғуз киши йўқда кизга айтди: «Оламни ва сени ва бизни яратган бор. Анинг оти оллоҳ турур. Ани бор билгил ва бир билгил, анинг букурганидин (9 а) ўзга ишни қилмағил», теди эрса, қиз ани қабул қилмади. Шул замон кўпди. Тақи киздин бошқа ётди. Кечалар бошқа ётиб, кундузлар сўзлашмас эрди. Бир неча вақтдин сўнг Қорахонга айтдилар ким ўғлингиз кўчини севмай турур. Севмаслигининг олган кунидан бери бир ерда ётмай турур. Қорахон бу сўзни эшиткандин сўнг тақи бир иниси Ўзхоннинг кизини олиб берди. Анга ҳам имон арза қилди. Ул қиз ҳам қабул қилмади. Анинг бирлан ҳам бир ерда ётмади. Бу воқеодин бир неча йиллар ўтгандин сўнг Ўғузхон овға чиқиб қайтиб кела эрди. Кўрди ким сувнинг ёқасинда бир неча заифалар кир юва турурлар. Отасининг иниси Ўзхоннинг кизи ҳам мунларнинг ичинда ўлтуруб турур. Қўнға киши юбориб сўзлашмакка сиррим ошқоро бўлур, теб



кўркти. Таки кизни гўшага чорлаб, онг бериб айтди ким, отам манга икки кизни олиб берди. Онларни севмаганининг сабаби бу ким, мен мусулмон, ул кофир. Ҳарчанд мусулмон бўлунг, тедим, қабул қилмадилар. Агар сен мусулмон бўлсанг эрди, сени олур эрдим, теб айтди эрса, киз ҳам сен не йўлда бўлсанг, мен шу йўлда бўлайин, теди. Андин сўнг Ўғузхон отасига айтди. Отаси Ўзхоннинг кизини улуг тўй қилиб, Ўғузхонга олиб берди. Ул мусулмон бўлди. Ўғузхон ани кўп севар эрди. (9 б) Мундин кўп йиллар ўтди. Бир кун Ўғуз йироқ ерга овға кетди. Қорахон барча кўчларин ва келинларин чакириб ош берди. Таки сўзлашиб ўлтурганда хотунидин сўрди ким, мунинг сабаби не турур. Ўғуз сўнки олган хотунини севар. Бурунги олган икки хотунининг қотига ҳеч бормас. Хотуни айтди, мен билмайман, келинлар яхшироқ билурлар теди. Хон келинлардин сўрди эрса, улуг келин айтди: «Ўғлингиз мусулмон бўлуб турур, биз иккимизга мусулмон бўл теди, қабул қилмадук. Кичик келинингиз мусулмон бўлуб турур. Анинг учун ўғлингиз ани кўп сева турур», теди. Қорахон бу сўзни эшитгандин сўнг бекларин чакириб кенгашти. Таки сўзни мунга қўйдилар ким Ўғузни овда юрганида тутуб ўлтургайлар. Қорахон элга киши юборди тез келсунлар, овға чиқаман, теб. Бу сўзни Ўғузхоннинг кичик хотуни эшитиб Қорахоннинг қилган кенгашларининг барчасини айтиб Ўғузхонга киши юборди. Ўғузхон таки бу сўзни эшитгандин сўнг элга киши юборди. Отам черик тортиб мени ўлтургали кела турур. Мени теган менга келинг, отамни теган отамга боринг, теб. Элнинг кўпи Қорахонга борди. Озроки Ўғуз (10 а) қотига бордилар. Қорахоннинг иниларининг кўп ўғлонлари бор эрди. Онларни Қорахондин айрилур теб ҳеч кимнинг қўнглига келмас эрди. Онларнинг барчалари Ўғузхон қотига келдилар. Ўғузхон онларга Уйғур от қўйди. Уйғур туркий тили турур, маъноси барчага маълум турур, ёпишғур маъносина турур. Айтурлар сут уянди. Сут эканинда бир-биридин айрилур эрди. Қатиқ бўлгандин сўнг бир-бирига ёпиша турур. Таки айтурлар ким, имомга уйдум. Имом ўлтурса ўлтура турар, турса тура турур. Пас ёпишкани бўлмасму. Онлар келиб Ўғузхоннинг этакина икки қўллари бирлан маҳкам ёпиштилар эрса, хон онларга Уйғур теди. Ёпишқур темак бўлур. Қорахон бирлан Ўғузхон саф тортиб уруштилар. Худойи таоло Ўғузхонни ғолиб қилди. Қорахон қошти. Урушда Қорахоннинг бошига ўқ тегди ким отқанин билмадилар. Қорахон ул ярадин ўлди. Ўғузхон отаси тахтинда ўлтурди.

ЎҒУЗХОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўғузхон элнинг барчасини мусулмонликга даъват қилди. Мусулмон бўлганларни сийлади. Бўлмаганларни чобти. Ўзларини ўлтурди. Ўғлонларини (10 б) асир қилди. Ул вақтда Қорахонга тааллуқ элдин бошга эллар кўп эрди. Ҳар улуг элнинг бир бошқа подшоҳи бор эди. Кичик эллар онларга қўшулур эрди. Қорахон-

нинг мусулмон бўлган эллари Ғузхонга қўшулди ва бўлмаганлари ўзга хонга бориб қўшулди. Ғузхон ҳар йилда Мўғул юртинда ўлтурган эллар бирлан урушур эрди. Таки ғолиб келур эрди. Ахир барчасини олди. Қочиб қутулғонлари Татар хонига бориб сифиндилар. Татар халқи ул вақтда чурчитга яқин ўлтурурлар эрди. Чурчит теган бир улуғ юрт турур. Шаҳрлари ва кендлари кўп. Хитойнинг Темур козиқ тарафинда бўлур. Ҳинд ва тожиқ ани Чин дерлар.

Ғузхон бориб Татарни чобти. Татар хони кўп черик бирлан келиб урушти. Ғузхон бости. Таки лашкарини қирди. Ғузхоннинг лашкарининг қўлина ул чоқли ўлук мол тушди ким, юкламакка кулук озлиқ қилди. Бир яхши чибар киши бор эрди. Ул фикр қилиб арабани ясади. Андин кўрмакча барча араба ясадилар. Молларини юклаб қайтдилар. Арабага қаниқ от қўйдилар. Андин илгари оти-да йўқ эрди, ўзи-да йўқ эрди. Анинг учун қаниқ тедилар ким, юруганда қаниқ-қаниқ қилиб овоз қилур, ани ясаган кишини қаниқли (11 а) тедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг ўғлонлари турур. Ғузхон етмиш икки йилгача Мўғул ва Татар ўз сўнгаки эрди. Онлар бирлан урушти. Етмиш уч йил бўлганда барчасини ўз оғзига боқтуруб мусулмон қилди. Андин сўнг юруб Хитойни олди ва Чурчитни олди ва тақи Танкутни олди. Танкутни тожиқлар Тибет дерлар. Андин сўнг бориб Қора Хитойни олди. Ул ҳам улуғ юрт бўлур. Кишисининг чиройи хиндутек қора бўлур. Ҳиндустон бирлан Хитойнинг орасинда Мухит тенгизининг ёқасинда бўлур Танкутнинг қиш бўлганда кун туғиши ва ёз бўлганда қушлиқинда бўлур. Хитойнинг нари юзинда тенгиз ёқосинда берк тоғларининг ичинда кўп эллар бор эрди. Анинг подшоҳининг отини Ит Барақхон дерлар эрди. Анинг устина отланиб борди. Уруштилар. Ит Барақхон ғолиб келди. Ғузхон қошти. Урушқан ернинг бири юзинда оқиб боратурган икки улуғ сув бор эрди. Ул икки сувнинг орасинда бир неча кун туруб қочқан лашкарининг олдин ва ортин йиғди. Улуғ подшоҳларнинг одатлари турур. Узоқ сафарга борганда кўчларин олиб бормок. Навкар халқининг ҳам баъзилари олиб борурлар. Ғузхоннинг (11 б) бир беги кўчин олиб бориб эрди. Ғзи урушда ўлди. Хотуни қуртулур икки сувнинг орасинда хон кейинидин етди. Юкли эрди. Тўлғаги тутди. Кун совуқ эрди. Кирмакка эв йўқ, бир черик ёғочнинг ичинда ўғлон туғурди. Муни хонга маълум қилдилар эрса, хон айтди: «Мунинг отаси бизнинг олдимизда ўлди. Ғамхўри йўқ», теб. Ғуғул ўқунди, отини Қипчок қўйди. Қадим турк тилинда ичи қўш ёғочни қипчок дерлар эрқандур. Анинг учун ул ўғлон ёғоч ичинда туғди теб, отин Қипчок қўйдилар. Бу вақтда ҳам ичи қўш ёғочни қипчок дейтурурлар. Қора халқнинг тили келмаслигини қоғни чим ўқий турурлар. Шуғул Қипчок турур ким, қипчок дей турурлар. Ул ўғлонни хон ўз қўлуида сақлади. Йигит бўлгандин сўнг урус ва улук ва маҷар (мажар) ва бошқурд эллари ёғи эрдилар. Қипчокга кўп эл ва навкар бериб, ул ёқга Тин ва Атил (Итил) сувининг ёқасина юборди. Тин ва Атил иккиси ҳам улуғ сувларнинг оти турур. Уч юз йил Қипчок ул ерларда подшоҳлик қилиб ўлтурди. Барча қипчок эли анинг наслиндин турурлар. Ғуз хоннинг замонидин Чингизхон

замониғача Тин ва Атил ва Ёйик, бу уч сувнинг ёқасинда қипчокдин ўзга эл йўқ эрди. Тўрт минг йилғача ул ерларда (12 а) ўлтурдилар. Анинг учун ул ерларни Дашти Қипчоқ дерлар. Ўғузхон Ит Барақхонга бостурғандин ўн етти йилдин сўнг тақи отланиб бориб, Ит Барақхон бирлан урушуб, босиб, Ит Барақхонни ўлтуруб, юртини олиб, мусулмон бўлганларига тегмай кўюб, тангрига имон келтурмаганларини ўлтуруб, ўғлонларини асир қилиб, қайтиб эвига тушди.

ЎҒУЗХОННИНГ ТУРОН ВА ҲИНДУСТОНГА ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўғузхон тамоm Мўғул ва Татар элининг лашкарини жамъ қилиб, Талош (Талос) ва Сайрамга келди. Тошканд ва Самарқанд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб уруша билмадилар. Улуғ шаҳрлар ва маҳкам қалъаларга беркиндилар. Ўғузхон Сайрам ва Тошкандни ўзи қабоб олди. Туркистон бирлан Андижонга ўғлонларини юборди. Онлар олти ойда Туркистон бирлан Андижонни олиб, отаси хизматиға келдилар. Ўғузхон бу айтилган вилоятларнинг барчасиға доругалар кўюб, Самарқанд сари юруди. Тақи Самарқандни олиб, доруға кўюб Бухороға борди. Бухорони ҳам олиб, Балх борди. Балхни ҳам олиб, Ғури вилоятининг устиға юруди. Киш эрди, кунлар ёмон совуқ эрди, Ғурнинг тоғлариға қор кўп тушуб эрди. Лашкар халқи юрумакка қийналдилар. Хон ҳукм қилди ким: «Ҳеч киши мендин қолмасун», теб. Бориб Ғурни олди эрса, йил келиб ёз бўлди. Лашкарнинг сонин олди. Бир неча киши кам келди. Онларни сўрди. Ҳеч ким билмадилар. Бир неча кундин сўнг ул кишилар хон хизматиға бордилар. Хон онларнинг аҳволин сўрди эрса, айтдилар ким, бир неча киши лашкарнинг сўнгги элдин кела туруп эрдук, тоғ ичинда бир кеча улуғ қор ёғди. Андин сўнг юрий билмай, ўшул ерда ёттук. Отларимиз ва теваларимиз барчаси ўлди. Баҳор бўлғандин сўнг пиёда кела турумиз тедилар. Хон ҳукм қилди: «Ул жамоатға Қорлиқ тесунлар», теб. Барча қорлиқ эли онларнинг наслиндин туруп. Андин ўтуб Кобил ва Ғазниви олди. Андин Кашмир устиға юриди. Ул чокда Кашмирнинг подишоҳининг оти Яғмо эрди. Кашмирнинг маҳкам тоғлари ва улуғ сувлари кўп бўлур. Яғмо анга орқа бериб, Ўғузхонга боқинмади. Бир йил уруш тилар. Икки тарафдин кўп кишилар ўлди. Оқибат Кашмирни олди. Яғмони ўлтурди. Лашкарини қатли ом қилди. Бир неча вақт анда туруб, қайтиб Бадахшон усти бирлан Самарқанд келди. Андин Мўғулистонга бориб, эвига тушди.

ЎҒУЗХОННИНГ ЭРОН ВА ШОМ ВА МИСР САРИ ЮРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бир йил юртинда туруб, иккинчи йил элга жар қилдурди: «Эрон сари (13 а) юруйтурурман. Неча йиллик ғамларин «есунлар» теб. Иккинчи йили отланди. Тақи Талош шаҳриға келди. Хоннинг лашкар кейинида қуйған кишилари бор эрди. Ориган ва очқан ва

адашган ва йитгани олиб келсун теб, ул кишилар лашкар сўнқинда қолган бир эвлик кишини хон олдиға олиб келдилар. Хон ул кишидин сўрди ким, не учун кейин қолиб эрдинг, теб. Ул айтди кулукимининг озлиқиндин лашкарнинг сўнқиндин кела турур эрдим. Хотуним ҳомила эрди, туғурди. Очлик сабабиндин онасининг сути ўғлонға етишмади. Кела турур эрдим, сувнинг ёқасинда кўрдумки бир шағал бир қирғовулни олди. Яғоч бирлан шағални урдум эрса, қирғовулни ташлаб қочти. Ани олиб кабоб қилиб хотунимға бериб туриб эрдим, сўнгда кўйган кишиларингиз йўлуқуб, олиб келдилар. Хон ул фақрга от ва озук ва мол бериб, бу черикка бормоғил теб, «Қол, оч!» — теди. Барча Қолоч эли шул кишининг наслидин турурлар. Ани бу вақтда Халаж дейтурурлар. Мовароуннахрда кўп бўлур. Аймоқ элина кўшила турурлар, Хуросон ва Ироқда ҳам кўп бўлур. Ўғузхон Талощин Самарқанд ва Бухороға келиб, Аму сувидин ўтиб, Хуросонға (13 б) борди. Ул чоқда Эрон юртинда яхши подшоҳ йўқ эрди. Каюмарс ўлиб эрди. Хўшангни ҳануз подшоҳ кўтармай турурлар эрди. Андақ вақтни араб мулуки тавоиф дер. Маъноси бу ким ҳар бир тўп элда бир тўра темак бўлур. Турклар андақ вақтни эв бошиға қорахон дерлар. Маъноси ҳар эвда қора киши, ҳар қайси бир хон бўлуб турур. Ҳар эвға бир хон темак бўлур. Ул чоқда Эрон юрти шундақ эрди. Хуросонни олди. Андин ўтуб Ироқи Ажам ва Ироқи Араб, Азарбайжон ва Арман ва Шом ва Мисрғача олди. Бу айтилган вилоятларнинг бир нечасини урушуб ва бир нечасини боқиндуруб ўзига тааллук қилди. Ўғузхон Шом вилоятинда турганда пинхоний бир навкарнинг қўлина бир олтун ёй ва уч ўқни берди. Таки айтди: «Ёйни кун туғушида бир чўлда киши оёғи етмас ерда, турфоқға кўмуб, бир учини чикориб кўйғил ва ўқларни кун ботиш тарафига элтиб ёйни нечук кўйсанг, ани шундақ кўйғил», теди. Ул киши ёрликға амал қилиб келди. Бу воқеадин бир йил ўтгандин сўнг, уч улуғ ўғли Кун ва Ой ва Юлдузни чорлаб теди, ёт юртға келибман. Ишим кўп. Ов овламоқға кўлум етишмай турур. Кун туғуш тарафинда фалон чўлнинг ови кўб эрмиш деб эшитдим. Ўз навкарларингиз бирлан анда бориб ўтов суқуб келинг (14 а) лар, теди. Андин сўнг уч кичик ўғли Кўк ва Тоғ ва Тенгиз. Бу учисини чорлаб, ақаларина айтган сўзларни айтиб, кун ботиш тарафға юборди. Бир неча кундин сўнг, уч улуғ ўғлонлари бир олтун ёй бирлан кўп овни хон олдиға келтурдилар. Уч кичик ўғлонлари тақи олтун ўқ бирлан кўп овни келтурдилар. Ул овнинг этларина кўп этлар ва турлук ошларни кўшуб, халқни чақириб, ёйни ва ўқни топилганини ирим қилиб, ўзларига қайта берди. Уч улуғ ўғли ёйни синдуруб олишдилар, уч кичик ўғли ҳар қайсиси бир ўқни олдилар. Олган вилоятларда кўп йиллар туруб, душманларни йўқ қилиб, дўстларни сийлаб, боши Сарём ва оёқи Мисрғача олган вилоятларининг барчасина ҳокимлар кўюб қайтиб ўз юртина тушди.

ЎҒУЗХОННИНГ ЮРТИНА КЕЛИБ ТҮЙ ҚИЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўғлонларим ва халқим бирлан эсон-омон бориб келдим, теб, улуғ тўй яроғин қилиб, бир хиргоҳ ясаттурди. Барча яғочларининг тошина олтун қоплади. Лаъл ва ёкут ва зумуррад ва фируза ва дур бирлан мурассаъ қилдурди. Бу байтни ул эвнинг васфинда битиб турурлар:

Б А Й Т :

*Бир эв тикти олгундин ул шахриёр,
Ким ул эв фалак эвдин қилди ор.*

Тўккуз юз йилки ва тўккуз минг қўй ўлтурди, (14 б) булғоридин тўксон тўккуз хавз қилдуруб, тўккузига арақ, тўксониға кимиз тўлтурди. Барча навкарларини чакириб келтурти. Ул олти ўглиға кўп насиҳатлар айтиб ва биликлар ўргатиб, юртлар ва шахрлар ва эллар ва инъомлар берди. Бу байтларни анинг васфинда айтиб турурлар.

Б А Й Т :

*Ўғуз қилди ул тўйда жирғамиши,
Бу олти ўғилни суюрғамиши.
Булар кўрсатиб эрди мардоналиқ,
Ота бирла кўп турли фарзоналиқ.
Отаға баси қилдилар ёрлиқ,
Уруш кунда барчаси борлиқ.*

Андин сўнг барча навкарларининг отқан ва чобқан ва қилған хидматлариға лойиқ шахрлар ва сарҳадлар ва кендлар ва инъомлар берди. Тақи ўғлонлариға айтди, сиз уч улуғингиз олтун ёй топиб келтурдингиз, тақи ани бузуб олиштингиз. Сизларнинг отингиз бузук бўлсун. Сизлардин бўлган ўғлонларни ҳам то қиёматгача бузук тесунлар. Уч ўқ келтурган уч кичик ўғлини ва андин бўлганларни бу кундин то дунё охир бўлғунча уч ўқ тесунлар. Ёй ва ўқники топиб келтурдингизлар, ул кишидин бўлмади, Тангридин бўлди. Биздин бурун ўтган халқлар ёйни подшоҳ ўрнида билиб турурлар ва ўқни элчи еринда. Анинг учунким ёй ўқни қайси тарафға тортиб юборса, ўқ анга борур. Эмди мен ўлгандин сўнг Кунхон менинг тахтимда ўлтурсун. Андин сўнг бузук наслиндин ҳам ким қобил бўлса халқ ани подшоҳ қилсунлар. Дунё охир бўлғунча бузукнинг бир яхшиси подшоҳ бўлсун. Ўзгалари ўнгда ўлтурсунлар. Уч ўқлар сўл бўлсунлар, эвнинг сўл тарафинда ўлтурсунлар ва дунё охир бўлғунча навкарликка рози бўлсунлар, теб айтди. Ўғузхон юз тақи ўн олти йил подшоҳлик қилиб, ҳақ раҳматиға борди.

ЎҒУЗХОННИНГ УЛУҒ ЎҒЛИ КУНХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Ўғузхоннинг уйғур теб от қўйган жамоатнинг ва оқсоқолиснинг ўғли бор эрди, Эрқилхожа отлик. Ўғузхон тахтада ўлтуруб, ўлгунча вазири, вакили ул эрди. Ақлли, донишли ва кўп биликли киши эрди. Кунхон тақи ани вазир қилиб, то ўзи ўлгунча анинг сўзина амал қилур эрди. Эрқилхожа узоқ умр топди. Кунларда бир кун хон ёлғуз ўлтурғанда айтди: «Отанг юзда ўн олти йил ёзнинг иссиқинда сояда ўлтурмай ва кишининг совуқинда эвда ўлтурмай, қилич уруб кўп юрғларни очиб сиз олтингизга қўюб кетди. Агар сиз олтингизнинг ва сизлардин бўлган ўғлонлар барчангизнинг оғзингиз бир бўлса, узоқ йиллар ва кўп кунлар юртлар қўлингиздин чиқмас. Агар оғизларингиз бир бўлмаса, улча юртингиз-да (15 б) кетар ва молингиз ва жонингиз-да кетар», теди. Кунхон айтди, отамга кенгаш бературған эрдингиз. Отам ўрнига отамсиз. Сиз не ишни ўхшатсангиз мен ани қилурман, теди эрса, Эрқилхожа айтди: Ўғузхондин кўп юртлар ва шахрлар ва эллар ва ўлук моллар ва тирик моллар қолиб турур. Сиз олти ўғилнинг ҳар бирингиздин тўрт ўғил бўлиб, барчаси йигирми тўрт подшоҳзода бўлуб турурсиз. Олтингиздан бошқа мен андин қўрқа турурмен. Дунёлик учун оғизларингиз ола бўлур, теб.

БАЙТ:

*Зару неъмату куллиҳоу рама,
Баришон бибахшим яксар ҳама.
Жудо ҳар якийро бувад як нишон,
Чу ному лақабхою тамғойишон.
Чу аз қисми худ ҳар як оғаҳ шавад,
Зи жангу жафо дасти кўтаҳ шавад.
Ҳар он каски аз насли ишон бизод,
Ривад ҳам бадин гуна аз роҳи дод.
Зори Қилхожа шенид иң сухан,
Писандид гўфтори марди кухан.*

Кунхон Эрқилхожанинги сўзини қабул қилиб, улуг қурултой қилди. Яхши ва ёмон халқининг барчаси келгандан сўнг, ул Ўғузхондин қолган вилоятлар ва эллар ва ўлук моллар ва тирик молларнинг барчасини бу айтилған подшоҳзодаларнинг улуғина улуғча, кичигина кичикча берди. Бу йигирми тўрт ўғил одми хотунлардин бўлған эрди. Мундин ўзга кумалардин ҳам бўлған ўғлонлар кўп эрди. (16 а) Онларнинг ҳам аҳволларига лойиқ нимарсалар берди. Андин сўнг Ўғузхон қилдурған олтун эвни тиктурди. Унги ёқда олти оқ ўрга ва сўл ёқда олти оқ ўрга тиктурди. Тақи унги ёқда бошина олтун тақук биркитган қирқ қулоч ёғочни тиктурди. Сўл ёқда бошина кумуш тақук биркитган қирқ қулоч ёғочни тиктурди. Тақи хон ёрлиқи бирлан бузук ўғлонлари ва навкарлари бирлан олтун тақуқни, уч ўқ ўғлонлари навкарлари

бирлан кумуш таққни от бирлан чопиб отдилар. Таққларни урган кишиларга кўп инъомлар берди. Кунхон отасининг қилганига амал қилиб, тўкқуз юз йилки ва тўкқуз минг қўй ўлтуртди. Тўкқуз булғар ҳавзга арақ тўлтуртди. Тўксон булғар ҳавзга қимиз солдурди. Қирқ кеча-кундуз айш ва ишрат қилдилар.

ЎҒУЗХОННИНГ ЎҒЛОНЛАРИ ВА НАБИРАЛАРИНИНГ ОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Олти ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Кунхон, иккинчи Ойхон, учинчи Юлдузхон, тўртинчи Қўкхон, бешинчи Тоғхон, олтинчи Тенгизхон. Бу олтисининг ҳар қайсининг тўрт ўғли бор эрди. Одми хотундин бўлган ва Қумадин бўлган ҳам бор эрди. Ани ҳам айтғумиз турур.

Кунхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Қайи, иккинчи Баёт, учинчи Алқазвли, тўртинчи Қоразвли. (16 б) Ойхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Ёзир, иккинчи Ёбир, учинчи Дудурға, тўртинчи Дўкар. Юлдузхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Ушар, иккинчи Қарнак, учинчи Бекдили, тўртинчи Қарқин. Қўкхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Байандур, иккинчи Бачана, учинчи Чавулдур, тўртинчи Жабни. Тоғхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Салур, иккинчи Эмар, учинчи Олайўнгли, тўртинчи Ургир. Тенгизхоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Иғдир, иккинчи Букдиз, учинчи Ова, тўртинчи Қиник. Ўғузхоннинг бу олти ўғлининг ҳар қайсисининг Қумадин бўлган бу айтилганлардин бошқа яна тўрт ўғли бор эрди. Отлари бу турур, аммо қайси ўғлиндин бўлгани маълум эрмас, Канакуна, Турбатли, Керайли, Султонли, Ўкли, Қўкли, Сужли, Хуросонли, Юртчи, Чамчи, Турумчи, Қуми, Суркий, бу вақтда ани Сурхий дейтурурлар. Қурчик, Суварчик, Қорачик, Қозғурт, Қирғиз, Тиқин, Лола, Мурдашўй, Соийр.

ЎҒУЗХОННИНГ ЙИГИРМА ТўРТ НАБИРАСИНИНГ МАЪНОЛАРИ

Қайининг маъноси маҳкам темак бўлур. Баётнинг маъноси давлатли темак бўлур. Алқазвлининг маъноси мувофиқ темак бўлур. Қоразвлининг маъноси ҳар қайда ўлтурса хиргоҳ бирлан ўлтурғучи темак бўлур. Ёзирнинг маъноси эллар ақаси темак бўлур. Ёбирнинг (17 а) маъноси олдиға ҳар нимарса учраса ани йиқар темак бўлур. Дудурғанинг маъноси юрт олмокни ва ани сақламокни билликчи темак бўлур. Дўкарнинг маъноси тўғарақ темак бўлур. Ушарнинг маъноси ишни илдам ишлақчи темак бўлур. Қарнақнинг маъноси бўқа темак бўлур. Бекдилининг маъноси сўзи ҳурматли темак бўлур. Қарқиннинг маъноси ошли темак бўлур. Байандурнинг маъноси неъматли темак бўлур.

Бачананинг маъноси саъй қилғучи темак бўлур. Чавулдурнинг маъноси номусли темак бўлур. Жабчининг маъноси баҳодир темак

бўлур. Салурнинг маъноси қиличли темак бўлур. Эмарнинг маъноси бойларнинг бойи темак бўлур. Олайўнтлиннинг маъноси ола отли темак бўлур. Олайўнтлининг маъноси ола отли темак бўлур. Ургирнинг маъноси яхши иш қилгичи темак бўлур. Игдирнинг маъноси улуғ темак бўлур. Букдизнинг маъноси хизматкор темак бўлур. Ованинг маъноси мартабаси баланд темак бўлур. Қивикнинг маъноси азиз темак бўлур.

Кунхон етмиш йил подшоҳлик қилгандин сўнг иниси Ойхонни ўз ўрнида ўлтуртуб ҳақ раҳматиға кетди.

ОЙХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Ойхон яхши одил, оғир ва адаблик киши эрди. Ота ва ақасининг айтган насиҳатларина амал қилиб кўп йиллар отасининг солған йўлидин юруб, ҳақ раҳматиға кетди.

ЮЛДУЗХОННИНГ ЗИКРИ

Бу тақи яхши подшоҳ эрди. (17 б) Аммо ани жазм билмаймиз ким, Ойхоннинг ниминаси эрди, набирасиму эрди ва ё ёнаша қаринтошиму эрди. Юлдуз отлик бир иниси бор эрди. Ул ҳам эрмас турур. Ҳар ким бўлса Ўғузхон наслидин эрди. Бир неча йил подшоҳлик қилиб, ўгли Манглайни тахтинда ўлтуртуб вафот топди.

МАНГЛАЙХОННИНГ ЗИКРИ

Манглайхон тақи яхши подшоҳ эрди. Ул тақи бир неча йиллар эт еб, қимиз ичиб оқ ос қора кишни бичиб, ойдаи, қундай сулувларни қучуб ва симобдай йўрғаларни ва ердай югуруқларни миниб, кўнгли теган ерларға учуб, ўгли Тенгизхонни ўз ўрнида ўлтуртуб ул дунёға кетди.

ТЕНГИЗХОННИНГ ЗИКРИ

Тенгизхон тақи кўп йиллар подшоҳлик қилди. Узоқ умр топди. Қари бўлгандин сўнг ўгли Элхонға подшоҳликни топшуруб бир неча йиллар тангриға бандалиқ қилиб вафот топди.

ЭЛХОННИНГ ЗИКРИ

Элхон Мўғул элина подшоҳ бўлди. Илгари айттуқ Татар хонларининг тўкқузланчиси Севинчхон эрди, теб. Элхон ва Севинчхон иккиси бир чокда эрдилар. Ҳамиша иккиларининг орасинда уруш ва талош бор эрди. Элхон ғолиб келур эрди. Ул сабабдин Севинчхон қирғиз хонина киши юборди. Кўп нимарсалар бериб, қолғаниға кўп ваъдалар қилиб, ани ўзига ёр қилди. Ул

ерларда эл (18 а) күп эрди. Мўгул ул элларнинг барчасиндин күпрак эрди. Хар замон уруш ва талошлари бўлганда бир урук бирлан ким урушур эрди. Мўгул анга ғолиб келур эрди. Ул турк элларинда Мўгулнинг теги ўтмаган ва кўли етмаган эл йўк эрди. Бу сабабдин барча эллар мўгулни кунилаб оҳ сенму, дерлар эрдилар. Севинчхон киргиз хонини ўзига ёр қилгандин сўнг элларнинг барчасина элчи юбориб ўзига кўмак қилиб, фалон ойнинг ўни кунни фалон ерда топушали, тақи мўгулдин кинамизни тортали теб, шул айтган ерларинда барчалари бир ерга кўшулуб, мўгул элининг устина юрудилар. Мўгул эли эвларин ва молларин бир ерга йиғиб, черики эвларининг олдинда ўр қазиб ўлтурдилар. Севинчхон бориб ўн кунгача урушти. Хар кунда мўгул ғолиб келди. Бир кун Севинчхон бошлик бу барча элларнинг хонлари ва бекалари овлоқда кенгаштилар. Тақи айтдилар, мўгулга хийла қилмасак ишимиз ёмон бўлди теб. Тонгласи эртонг бирлан бостуруб қочкан лашкартек оғир юкни ва ёмон молини ташлаб кўчиб қайтдилар. Мўгул ани урушга тоб келтура билмай қайтиб боратуруб теб, орқасидин бориб етушди. Мўгулни кўргандин сўнг Татар қайтиб (18 б) ясади. Иккиси уруштилар. Татар ғолиб келди. Мўгулни ўлтура-ўлтура эвиге келди. Барча мўгулнинг эви бир ерда эрди. Эвини ва молини андағ олдилар ким, бир эвлик куртулмади. Улуғларининг барчасини қиличдин ўткарди ва кичикларини банда қилиб, хар ким бирисин олиб кетди. Мўгулдин киши қолмади. Қолгани ҳам кишининг эшикинда банда бўлди. Хожаси не эл бўлса, анинг отин тутди. Ғараз мўгул дунёда ҳеч қолмади.

ҚАЁН БИРЛАН НУКУЗНИНГ АРКАНАКУНҒА БОРИБ ЮРТ ҚИЛИБ ЎЛТУРҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Севинчхон Мўгулни чолиб қайтиб кела эрди. Элхоннинг кўп ўғлонлари бор эрди. Барчаси урушда ўлди. Бир кичик ўғли бор эрди Қаён отлиқ. Ани шул йил кадхудо қилиб эрди. Элхоннинг инисининг ўғли бор эрди. Нукуз отлиқ. Қаён бирлан ҳам ёшиб, ул ҳам шул йил кадхудо бўлуб эрди. Бу иккиси бир кўшдақи кишиларнинг қўлина тушуб эрди. Ўн кун бўлгандин сўнг бир кеча иккиси ҳам хотуни бирлан отланиб қочтилар. Тақи юртга келдилар. Адашқан ва ёвдан қайта қочиб келган тўрт турлук молнинг тўртисиндин ҳам кўп топдилар-да, иккиси кенгашдилар-да, бири-бирига айтдилар, агар элга борали тесак тўрт тарафдақи элларнинг (19 а) барчаси бизга ёв, агар бормаи юртда ўлтурсак бир юруган ва турғанга учрамай бўлмасмиз. Эмди яхшиси ул турур тоғларнинг ичинда кишининг йўли тушмасдай бир ер излаб ета кўрвали теб, молларни ҳайдаб тоғ ичина бордилар. Берк тоғнинг ичинда арқарнинг солған йўлига тушуб бордилар. Тоғнинг устина чиқиб, нари юзина тушдилар. Тақи яхши айланиб ва ўргулуб кўрдилар. Узлари келган йўлдан ўзга ҳеч йўли йўк. Ул ҳам андақ

йўл эрди ким, бир тева ва ё от юз эмгак бирлан юрур эрди. Агар оёқини галат босса, пора-пора бўлур эрди. Ичининг кенглигининг ҳеч ниҳоятини йўк. Оқар сувлар ва чашмалар, турлук-турлук ўтлар ва мевали дарахтлар, турлук-турлук овлар. Ул ерни кўрган сўнг тангрига шуқрлар қилдилар. Молларининг қишина этин едилар ва ёзина сутин ичдилар. Терисин кийдилар. Ул ерга Арканақун от қўйдилар. Аркананинг маъноси тоғнинг камари темак бўлур. Қуннинг маъноси тез ва ўткур темак. Тоғнинг қири эрди. Бу икки сабабдин ўғлон ушоқ кўб бўлди. Қаённинг авлоди кўп бўлди. Нукузники андин аз бўлди. Қаён авлодина Қиёт тедилар. Нукуз авлодина икки от қўйдилар. Бир нечасина нукузлар тедилар ва бир нечасина дурулган тедилар. Қаённинг маъноси, сели ки тоғдин куч бирлан (19 б) йилдам қуйиға келгай. Элхоннинг ўғли кучли тез киши эрди. Анинг учун Қаён дерлар эрди. Қиёт қаённинг жамъи турур. Кўб йиллар бу икки кишининг ўғлонлари Арканақуннинг ичинда турдилар. Учлари узади ва ёнлари ёйилди. Ҳар жамоат бошқа-бошқа умак бўлдилар ва урук отин кўтардилар. Тангрим буюрса барчасини айтқумиз турур. Умақнинг маъноси сўнгак темак бўлур. Турк халқи бир кишидин сўрса айтур: «Умақнинг не турур?» — дер. Сўнгакинг не турур темак бўлур. Тўрт юз йилдин кўпрак Арканақун ичинда ўлтурдилар. Моллари ва бошлари андақ кўп бўлди, сиғмадилар. Ул сабабдин бир ерда йиғилиб ўлтуруб кенгаш қилдилар. Анда айтдилар, оталаримиздин эшитибмиз. Арканақуннинг тошинда кенг ерлар ва яхши юртлар бўлур эрмиш. Бизнинг юртимиз қадимда ул ерлар эркандур. Татар бошлик ўзга эллар бизнинг уруқимизни қириб, юртимизни олган эрмиш. Тангрига шуқр, бу чоқда бизнинг бошимиз андақ бўлмайтурур ким, душмандин кўрқуб тоғ ичинда қабилиб ўлтургаймиз. Тоғларнинг орасинда йўл излаб тапалинг. Тақи кўчиб чиқали. Ҳар ким дўстман теса, анинг бирлан кўрушали ва душман бирлан курашали, тедилар. Барчалари бу сўзни маъқул кўруб, чикмақға йўл изладилар, топмадилар. Бир темурчи айтди: «Мунда бир темур кони бор, тоғ яланг катқа ўхшай турур. (20 а) Ушунинг темурини эритсак йўл бўлур эрди.» Ул ерни бориб ва кўруб келдилар. Тақи ани маъқул билдилар. Элга ўтун ва кўмир солдилар. Тоғнинг кэтик ерина бир қат ўтун ва бир қат кўмур солдилар. Тоғнинг устун ва нари юзин ва бери юзин тўлтургандин сўнг, етмиш теридин кўрук ясаб етмиш ердин кўрдилар. Тақи бир қаррат бостилар. Худойнинг қудрати бирлан ўт қизгандин сўнг, тоғ темур бўлуб оқабарди. Тақи юкли тева чикғудек йўл бўлди. Қуннинг ва ойнинг соатин қараб ташқари чикдилар-да тўй қилдилар. Андин бери мўғулнинг расми турур, шул кунни ийд қилурлар. Бир пора темурни ўтқа солиб қизил қилурлар. Ул хон анбур бирлан темурни тўрт сандон устида кўюб чўкуч бирлан урар. Андин сўнг беклар ул кунни ажойиб азиз тутаurlар, Қабалдин чиқиб ота юртина келган кун турур теб, ул вақтда мўғулнинг подшоҳи Бартачна Қаён насли ва Қурлас уруқиндин эрди. Ул барча элларга элчи юбориб Арканақундин чиқиб келганин маълум қилди. Баъзилар яхши кўрдилар ва баъзилари ёмон кўрдилар. Татар халқи ёмон кўруб ёв бўлди. Татар

бирлан мўғул иккиси саф тортиб уруштилар. Мўғул голиб келиб, улуғларин қиличдин ўткариб (20 б) кичикларин банда қилдилар. Тўрт юз эллик йил бўлганда қонини ва молини олди. Тақи ота юртинда ўлтурди. Ул ерда ўлтурган турк халқининг уруқларининг ичинда татардин кўни ва туғушлиси бўлмас эрди. Арканақундин чиқиб, татарни кириб ота юртида ўлтургандин сўнг мўғул татар ерина барча элларга бош бўлди. Баъзи эллар Мўғулга паноҳ келтуруб, Мўғул бўлмасалар ҳам мўғулмиз теб, ўзларини мўғулга кўшдилар.

МЎҒУЛНИНГ ВА ЎЗГА ТУРКЛАРНИНГ УРУҚЛАРИНИНГ ЗИКРИ. АСЛИ НЕ ВА ОТЛАРИ НЕ ВА ЛАҚАБЛАРИ НЕ ЭРДИ

Қазвинли Хожа Рашид айтатурур. Эронда Чингизхон авлодидин подшоҳлиқ қилган жамоатдин ул кишики мусулмон бўлди, Чингизхон ўғли Тўлихон, аннинг ўғли Хулағухон, анинг ўғли Абақохон, анинг ўғли Арғунхон, анинг ўғли Ғозонхон алайхирраҳма эрди. Ул подшоҳ бўлгандин сўнг Табризни пойтахт қилди. Мени чақириб иноят юзина келиб вазир қилди. Тамом Эрон мамлакатининг ихтиёрини менинг қўлумга берди. Бир йил бўлгандин сўнг, бир кун мени чақириб айтди, алҳамдулиллаҳ биз мусулмон бўлдук. Бизнинг улуғ отамиз Хулағухон Мўғулистондин келгандин бери икки-уч орқа ўтди. Эмди биздин сўнг дунёга келганлар мўғулнинг тилини, йўсунини, ерини ва юртини (21 а) ва уруқларини унутурлар. Билмаслар Мўғул юртинда ўлтурган эл кўп турур. Онларнинг қайсисининг сўнгги мўғул турур ва қайсиси мўғул эрмас. Мувларнинг барчасини бир ерга жамъ қилғил, теб ҳукм қилди. Мен арз қилдим, бир кишининг қўлидин бир иш келур. Менга улуғ ҳидмат буюрубсиз теб. Хон айтди, бу иш сендин ўзга кишининг қўлидин келмас. Бизда мўғул тили бирлан битиган китоблар бор. Битилмаган сўзларни ёд билатурган кишиларимиз бор теб, беш-олти мўғулнинг қари сўзини билатурган кишиларни менинг котимда қўйдилар. Тақи хоннинг бир улуғ беги бор эрди. Пўлод ва лақаби Чингсанг. Анга алоҳида буюрдилар ким бу вақтда мўғулнинг асл ва насабини сендин яхши билур киши йўқтур ҳам мўғулнинг тилин билурсен ҳам китобни ўқурсен теб ҳукм қилгандин сўнг Пўлод Чингсанг баҳодир бошлиқ ул жамоат айтдилар, тарих хижрий етти юз тақи иккида эрди, мен бу тарихни битдим ва отини «Жамиъ ут-таворих» қўйдум. Шул тарих фақирнинг олдумда бор китобнинг аввалинда ҳам айтиб эрдим. Мундин бошқа ўн етти Чингизнома ҳозир турур турур. Онларнинг юзиндин бити турурман. Котиблар теган бемуруват аҳмоқлар бу китобнинг юзиндин ул китобга бити бити, андин бери уч юз етмиш икки йил бўлубтур, худой (21 б) билур, йигирми нусхага битилиб турур ва ё ўттузга. Ҳар нусхага ўтказган сайин бир неча сўзни галат қила-қила тамом тарихларнинг унда бирин, балки ярмини галат қилиб турурлар. Тарихларда битилган тоғларнинг ва сувларнинг ва ерларнинг ва кишиларнинг отлари мўғул тили ва ё турк

тили туруп. Китоб айтган мусаннифлар, бититурган котиблар иккиси ҳам тожик. Не мўгул тилин билурлар ва не турк тилин. Мўгулнинг баъзи кишиларининг отларини бир тожикка агар ўн кун ўргатиб ўлтурсанг тили ўргулмас. Ул нечук битисин бу фақир туркий ва форсийнинг тилини ва луғатларини ва истилохларини билмакликда худойи таоло ул миқдор насиб бериб туруп. Бу вақтда турк ва тожикда керакким фақирга берганча берган киши бўлмағай. Таки бир нимарса сабаб бўлиб Қалмакга бориб, анда бир йил турдум. Мўгулнинг тилини ва расмини ва истилохларини яхши ўргандум. Бу тарихни яхши ва ёмон барчалари билсун, теб туркий тили бирлан айтдум. Туркийни ҳам андақ айтубманким беш яшар ўғлон тушунур. Бир калима чигатой туркисиндин ва форсидин ва арабийдин кўшмайман равшан бўлсун, теб. Агар ажалнинг увдовчиси ундай келмаса, ушбу китобни форсий тили бирлан мурассаъ айтмак кўнглумда бор. Тангри еткурса эмди кўп сўзладук. Сўзлалаи теб бошлаған сўзимиздин (22 а) қолмағали. Ул мўгулдин ўзга уруқларнинг анча билганимизни айтали. Мўгулни тангрим буюрса сўнг айтурмиз. Ўғузхоннинг достонида айтдук. Турк элинда ул эл отини кўтарган беш урук туруп теб, уйғур, қиникли, қипчак, қалач, қорлуқ. Қалач — Ўғуз ўғлонлари туркмандин айрилмай Мовароуннахр ва Хуросонга тушдилар.

Қипчак — Тин ва Атил ва Ёйик; бу айтилган сувларнинг оросинда ўлтурдилар.

Қиникли — Туркман бирлан бирга ўлтурур эрдилар. Туркман вилоятга тушгандин сўнг, Исик қўл ва Чу ва Талош; бу — айтилган сувларнинг ёқаларинда ватан қилиб, кўп йиллар ўлтурдилар. Урганч подшоҳлариндин Текишхон қиниклининг бир ўғлининг қизин олди. Туркан отлик Султон Муҳаммад Хоразм шоҳ ул қиздин тугди. Султон Муҳаммад улуг подшоҳ бўлди. Юртининг бир тарафи Хиндустон ва бир тарафи Андижон ва Туркистон ва бир тарафи Арабистон ва бир тарафи Рум ва пойтахти Урганч. Қиникли халкидин ҳар кимки ул заифага яқин қаринтош эрди, бир-бир султон хизматига келиб, имонга мушарраб бўлуб, султон хизматина турдилар. Туркан хотуннинг туққан ақаси бор эрди, Хумор Текин отли. Ул султон хизматига келиб мусулмон бўлди. Султон анга Урганчнинг доруғалиқин берди. Туркан (22 б) хотуннинг отасининг инисининг ўғли бор эрди, Айналчиқ (Иналчик) отли. Ул келиб мусулмон бўлди. Анга тамом Туркистон вилоятини берди. Тақв ҳукм қилди, бу қундин сўнг ҳеч киши сени Айналчиқ темасун, Гайурхон тесунлар, теб. Андин сўнг қиниклининг бир яхши кишиси бор эрди, Кўк отли. Ул келди, анга Кўкхон от кўюб Бухорони берди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга қиниклидин келиб навкар бўлган элик ва олтмиш минг бор эрди. Чуда ва Талошда қолғани ҳам ўн минг ўйлик бор эрди. Чингизхон келиб ул Талошда ўлтурган қиниклини олди. Барча юртларни олди ва қирди. Қиникли ҳам шул халқ бирлан бирга йўқ бўлди. Бу юрган қиниклилар сўнг йиғилиб эл бўлганлари туруп.

ҚОРЛУҚ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Қорлуқ эли Мўғулистонда берк тоғларининг ичинда юрт қилиб ўлтурдилар. Экин экарлар эрди ва моллари ҳам бўлур эрди. Бир яхшисини подшоҳ кўтариб, ул ўлса яна бирисини, ва кўп эрмаслар эрди. Гоҳ тузук бўлганда икки минг эвлик бўлур эрди. Тўрт минг йилга яқин ул юртда ўлтургандин сўнг, Чингизхон мўғул элина подшоҳ бўлиб, ўзга элларни ҳам боқиндуруб Барлас Кубилай нуён тегани элчи қилиб, манга боқин теб Қорлуқ элина юборди. (23 а) Ул вақтда Қорлуқнинг подшоҳи Арслонхон теган эрди. Ул Кубилай нуёнга қўшулуб, ўзининг кизини бош қилиб кўп пешкашлар бирлан келиб, хонни кўрди. Таки онт ичди, то ўлгунча бандалиқдин бўйнумини тўлғамайин теб. Хон таки ўз жамоатидин бир киз берди. Иноят ва шафқат қилиб қайтарди. Таки Чингизхон бекларина боқиб айтди: Мунн нечук Арслонхон теб бўлур. Бу кундин сўнг мунн Арслон сайрак тесунлар теб ҳукм қилди. Мўғулнинг луғатинда тожикни сайрак деб эрмиш.

УЙҒУР ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Уйғурнинг маъноси ёпишкур темак бўлур. Айтурлар сут уюди. Сут эрканинда бири бириндин айрилур. Уйғандин сўнг айрилмас. Уюди яъни ёпушти. Таки айтурларким имомга уйдум. Имом ўлтурса ўлтура турур, турса тура турур, бас ёпишқани бўлур. Андақ айта турурлар ким Мўғул юртинда икки тоғ бўлур. Узунн кун туғшидин кун ботишга бениҳоят улуг тоғлар турур. Бирисининг оти Тўкратубузлук ва таки бирининг оти Ускунлук. Тангрим бу икки тоғ орасинда, Мўғул юртининг кун ботишинда таки бир тоғ бор турур. Ани Қут тоғ дерлар. Бу айтилган тоғларнинг орасинда бир ерда оқатурган ўн сой бор турур. (23 б) Бир ерда тўккуз сой, барчаси улуг сувлар турур. Қадим уйғур эли шул сойларнинг орасинда ўлтурурлар эрди.

Ўн сойда ўлтурганни ўн уйғур дерлар эрди. Тўккуз сойда ўлтурганни тўккуз уйғур дерлар эрди. Шаҳарлари, кендлари ва экинлари кўп бўлур эрди. Юз йигирми урук эл эрдилар. Бир кишини подшоҳ кўтариб, анинг оғзинга боқмаслар эрди. Бу сабабдин бузулурга келдилар. Бир кун барчаси йиғилиб кенгаштилар. Таки айтдилар: «Биз икки бўлак элмиз: ҳар қайсимиз биқ кишини тўра қилали. Ҳар ким анинг сўзин қабул қилмаса, моли олдурсин ва бошин олдурсин, тедилар. Таки ўн уйғур уруқинди. Манғутой отлик кишини тўра кўтариб, Эл — элитар лақаб қўйди лар. Тўккуз уйғур Ўзқандар уруқиндин бир кишини тўра кўтариб Куларкин лақаб қўйдилар. Бу иккисининг ўғлонлари юз йилғач, тўралик қилдилар. Андин сўнг таки бир уйғур бўлди. Ўн уйғурга ҳар ким тўра бўлса, эл элитар тедилар. Тўккуз уйғурга ҳар ким тўра бўлса, Кулэркин тедилар. Кўп йиллар тўраларининг отларини шундақ дерлар эрди. Андин сўнг ҳар ким тўра бўлса, анга Айдиқут (Идиқут) тедилар. Айдининг маъносин барча билурсиз, юборди

темак бўлур. Айтурлар ким йибни (24 а) «Эй, юбор!» — теган бўлур. Сўғир эди, яъни сутини сақламади юборди. Жонни турк халқи кут дер. Бир кишига айтурлар ким отинг ва ё тўвунг кутли бўлсун. Жонли бўлсун темак бўлур. Иккасининг жони бўлмаса, ул нечук муборак бўлур эди. Кут яъни барча халқ жонини юборган киши турур, темак бўлур. Бу вақтда ўзбек эрклик киши дей турур, иккасининг маъноси бир бўлур. Уч минг йилга яқин ушбу айтилган юртда ўлтурдилар, андин сўнг бузилдилар. Ўлжа, асир бўлуб тўздилар. Бир нечаси юртинда ўлтуруб қолди. Бир нечаси Иртиш сувининг ёқасина келдилар. Таки уч бўлак бўлдилар. Бир бўлаги Беш балик шаҳрина бориб, экин экиб, вилоятни ободон қилдилар. Бир бўлаги йилки ва кўй сақлаб, беш баликнинг ёқасинда кўчуб ва кўнуб юрудилар. Бир бўлаги Иртишнинг тўганида ҳеч мол сақламай балик ва қундуз ва киш ва савсар ва тин овлаб, этин еб, терисин киярлар эрди. Тирик молни ва йипакдин бўлган ва пахтадин бўлган қумашни умирларда кўрмаслар эрди. Оналари агар қизларини қарғасалар айтурлар эрди: «Йилқили ва кўйли кишига тушуб, эт еб ва кимиз ичиб бошингга ёмон кунлар тўкгай», теб. Чингизхон замонида Баварчиқ теган Айдиқут эрди. Ул Чингизхонга киши юбориб, бокиниб, ҳар йилда (24 б) мол берур эрди. Чингизхон отланиб Мовароуннаҳр устига келганда Баварчиқ Айдиқут лашқари бирлан келиб, йўлда Чингизхонга кўшулуб яхши хизматлар қилдилар. Уйғур халқинда туркий тили бирлан ўқуған кишилар кўп бўлур эрди. Дафтардорлиқни ва девон ҳисобларини яхши билурлар эрди. Чингизхоннинг набираларининг замонинда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди. Хитойнинг юртларинда ҳам Чингизхон ўғлонлари девон ва дафтардорни уйғур халқиндин кўюб эрдилар. Чингизхон ўзининг ўрнинда ўлтурған ўғли Ўгадай қоон Хуросон, Мезондорон ва Гилонини Уйғур Кўркўз теганга топшуруб эрди. Ул яхши ҳисобдон эрди. Уч юртнинг молини яхши забт қилиб, ҳар йилда Ўгадай қоонга юборур эрди.

ТИКРИН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ. АНИ МАКРИН ҲАМ ДЕРЛАР

Буларнинг юртлари уйғур элина яқин берк тоғларнинг ичинда бўлур. Асли Мўғулға ва уйғурға қўшилмас. Бошқа эл турур. Чингизхон замонида минг эвлик эрди. Хон элчи юборди. Сўзи бу элим: «Тангрим манға улуг давлат берди. Тўрт тарафдаги элларнинг барчаси бокинди. Сен не айтасен», теб. Ул чокда Тикриннинг гўраси Чинанж теган эрди. Бўкай отли кўркали (25 а) яхши қизи бор эрди. Ани бош қилиб, кўп пешкашлар бирлан келиб, хонни кўруб бокинди. Хон тақи кўб инъомлар бериб, сийлаб қайтарди. Ул қизни хон олди. Тақи барча хотунлариндин ортуқрок севди. Хон улгандин сўнг ўғли Ўгадай қоон олди. Ул тақи барча хотунлариндин ортуқ севди.

ҚИРҒИЗ ВА КАМКАМЧУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Ўғузхоннинг Қирғиз отли бир набираси бор эрди. Анинг насли турурлар. Аммо бу вақтда Қирғиз наслидин киши оз турур. Мўғулдин ва ўзга уруклардин ўтқа ва сувга бўлуб, қирғиз юртина бориб ўлтуруб, қирғиз отин кўтариб турурлар. Ўзлари қайси урукдин эрканларин билурлар. Қирғиз ва Камкамчут икки вилоят турур. Бир-бирига яқин. Бир тарафи Саланга отлик ва бир тарафи Айқирамуран отлик. Иккиси ҳам улуғ оқар сув турур. Абир (Ибир) ва Сибир теган икки вилоят бўлур. Қирғиз юрти анга яқин турур. Қирғиз эли тўрасина Айлан (Инал) дер. Мўғул хон ва тожик подшоҳ тегандек, ул вақтда тўралари Урус Айнал теган эрди. Чингизхон Бура теганни элчи қилиб манга боқинсин теб, қирғиз элина юборди. Урус Айнал элчини яхши сийлаб, ўзи келмади. Кўп пешкашлар бирлан яхши кишиларни қўшуб юбориб боқинди. Пешкашларининг боши, бир оёки (25 б) ва бурни ва кўзи қизил оқ шунқор эрди.

ЎРМАНҚИТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу элнинг юртлари қалинг яғочнинг ичинда турур. Анинг учун Ўрманқит от кўйдилар. Буларнинг юртлари қирғиз вилоятига яқин бўлур. Чингизхонга боқиндилар. Булардин бошқа таки бир Ўрманқит отли эл бўлур. Иккисининг бири-бирига ҳеч қариндошлиқи бўлмас. Бу айта турғанимиз ўз олдина бир бошқа эл турур. Таки бири мўғул, нукуз ўғлонлариндин турур. Ўрмон ичинда кўп ўлтурган учун онларга ҳам Ўрманқит от қолиб турур.

ТАТАР ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Анинг оти қадимда ва бу вақтда ҳам машҳур турур. Қадим етмиш минг эвлик эрдилар. Кўп урук эрдилар. Ҳар қайсиси фалон элмиз теб айтурлар эрди. Ҳар уруклари бошқа-бошқа ҳар ерда ўлтурурлар. Аммо яхшилари ва кўпраки Хитойга яқин. Буюрнавур теган ерда ўлтурурлар эрди. Хитой подшоҳларина итоат қилиб, хизмат қилурлар эрди. Гоҳ-гоҳ Хитой билан ёв бўлурлар эрди. Анда Хитой подшоҳи лашкар юбориб, ўлтуртиб ва чоптуртуб, таки ўзига боқинтурур эрди. Бир неча кўп эллари Айқирамуран теган сувнинг ёқасинда ўлтурурлар эрди. Айқирамуран қирғиз вилоятининг тушиндин ўткандин сўнг, кўп сувлар анга қўшулур, таки улуғ сув бўлур. Таки бориб Ачи тенгизига қўяр. Қўйган еринда тенгиз ёқасинда бир улуғ (26 а) шаҳр бўлур. Кендлари кўп кўчиб юрган моли, эли кўп. Йилқиси улуғ бўлур. Ябағиси бизнинг кўнан йилқимиздай бўлур. Йилқисининг барчаси ола, ўзга ранг бўлмас. Ул шаҳрнинг отини Алақчин дерлар. Анинг яқинида қумуш кони бўлур. Ул элнинг қозони, табақи ва аёғи барчаси қумишдин бўлур. Ўзбекнинг Олали, Йилкили, Олтунли, Учокли эл бўлур эрмиш

тегани бу туруп. Чингизхон ўлгандин сўнг, кирғиз юрти ва анинг тўрт ёнидақи юртлар барчаси Тўлихонга тааллуқ бўлуб эрди. Тўлихон ўлгандин сўнг ўғлонлариники бўлди. Тўлихоннинг улуг хотини барча ўғлонларининг онаси Севар Кўктойбеги, ихтиёр анинг қўлинда эрди. Хотун уч бегини минг кишига бош қилиб, кема бирлан юборди: «Алақчинга боринг! Кўлингиздин келса чопунг, келмаса хабар олиб келинг!» — теб. Кўп вақтлар ўткандин сўнг етти юз ўлуб, уч бек уч юз киши бирлан қайтиб келиб айтдилар, ҳар нимарса ким эшитиб эрдингиз, барчаси рост. Кумишни кўп олиб эрдик, кемани сувнинг юкорисина юрита билмасликдин ташладик. Ҳавоси ёмон иссиқ бўлур эркандур. Ул сабабдин кишимиз қирилди тедилар. (26 б) Татар халқининг Чингизхонга нечук боқинганин Чингизхоннинг ҳикоятинда тағрим буюрса айтқумиз туруп.

ЎЙРАТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Оқиб боратурған улуг сувни туркий тилинда сой дер. Тожик кечкинруд ва улукин рудхона дер ва араб водий дер. Мўғул муран дер. Мўғул юртининг кун туғишинда саккиз сув бўлур. Ани саккиз муран дерлар. Шул сувларнинг ораларинда ўлтурурлар эрди. Анинг барчаси келиб Айқирамуранга кўшулур. Ул саккиз сувнинг отлари муллар туруп: Кўкмуран, Ўнмуран, Қораусин, Санбикун, Ақримуран, Ўрмуран, Жиганмуран, Жочамуран. Чингизхон замонида Ўйратнинг подшоҳи Кутуқабеги эрди. Анинг икки ўғли бор эрди. Улугининг оти Айналчи ва кичигининг оти Туралчи. Ул Чингизхон бирлан ёғи бўлуб эрди, сўнг эл бўлди. Қиз берди ва қиз олди. Хонга боқинди. Турғавут ва Қўри ва Тўлос, бу айтилған уч урукнинг ҳам асли ўйрат бўлур. Ҳар қайсиси ўйратнинг бир уруғи туруп. Турғавутнинг маъноси ари ёқ темак бўлур. Мўғул юртининг нариғи четини Саланга дерлар. Бу эллар Саланганин ул юзинда ўлтурурлар эрди. Анинг учун Турғавут тедилар.

ТУМАТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Тумат тақи Ўйратнинг бир уруки туруп. (27 а) Бурқучин Тўкум теган ерларда ўлтурурлар эрди. Қирғиз вилоятини яқин бўлур. Чингизхоннинг замонинда беқларининг оти Татуласўқар теган эрди. Ул келиб, Чингизхонни кўруб боқинди. Булғачин, Кармучин, бу икки урук қаринтош бўлурлар. Буларнинг юртлари қирғиз юртина яқин бўлур. Муллар Чингизхонга эл бўлдилар. Тулангут, Ўрасут ва Кустамай, бу уч урук эл бир бирини қаринтош бўлурлар. Буларнинг ичинда табиб кўп бўлур. Яроқчиликни яхши билурлар. Доруларни танурлар. Юртлари қалин яғоч-да ўрмон ичинда бўлур. Барчалари овчи бўлурлар. Киш ва савсар, ос, тин, қундуз ва сувда балиқ ва қирда кийик, жонли нимарсанин барчасини овларлар.

НАЙМАН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу қадим эл турур. Бошлари ва моллари кўп бўлур эрди. Бурунқиларин билмаймиз. Анча бизнинг эшитганимиз бир подшоҳлари бор эрди, Қарқиш отли. Ул ўлгандин сўнг, иниси бор эрди. Айнат отли. Ани подшоҳ қилдилар. Чингизхон замонинда подшоҳларининг оти Таянхон дерлар эрди. Ўғли бор эрди Кучлук отли. Юртлари мўғул юртинда бўлур. Қорақурим теган ерда ва экинлари бўлмає.

КИРАЙТ ЭЛИНИНГ (27 Б) ЗИКРИ

Кирайтнинг маъноси қорабуран темак бўлур. Бир кишининг етти ўғли бор эрди. Еттиси ҳам қора. Онларга халқ қиройтлар дерлар эрди. Шундан туққанлариға кирайтлар тедилар. Қадимий эл бўлур. Бошлари ва моллари кўп. Подшоҳлари бошқа эрди. Ул замонда кирайтдин кучли эл йўқ эрди. Юртлари Найманга яқин эрди. Ул сабабдин ҳамиша найман бирлан гоҳ урушурлар ва гоҳ ярашурлар эрди. Кирайтнинг бир улуг подшоҳи бор эрди Марғуз отли. Анинг ўғли бор эрди. Оти Қурчақур ва лақаби Буйрук. Анинг ўғлонлари кўп эрди. Бир ўғлининг оти Тўғрул эрди. Хитой подшоҳлари ўнг теб лақаб қўйдилар. Ўнгнинг маъноси вилоят, подшоҳи темак бўлур. Чингизхон бирлан урушқан Кирайт Ўнхон бу эрди.

УНГУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Хитой халқи ўз юртининг тошидан бир баланд девор тортиб, икки учини тенгизга етказиб эрдилар. Ани киши йиққитек ва бузгитек эрмас эрди. Карвон кириб чиқмоқ учун бир киши дарвоза ери қўюб, анга темурдин дарвоза қурдилар. Андағ деворни араб сад дер. Туркий тили бирлан бурқурқа дерлар. Хитой халқи унгу дерлар. Искандар яъжуж ва маъжужнинг олдина сад солди. Ануширвон /28 а/ Шамохида сад қилди. Бу вақтда ани темур қопи дей турурлар. Шул саднинг эшики турур. Хитой подшоҳлари турк халқиндин бир неча жамоага, сизларга ҳар йилда он чокли нимарса берайин, Саднинг дарвозаларин сақласангиз теб, берур нимарсасин қарор қилди. Ул турклар ани қабул қилиб сақладилар. Ўғул-ўғул ва қиз-қиз бу ишни қилдилар. Ул жамоатга унгут тедилар. Мўғул тилинда унгутнинг «т»си ёйи нисбаттек бўлур нечукким Урганчи, Табақчи, Эшикчи тегантек. Садни унгу, сақлаган кишиларни унгут тедилар. Садчи теган бўлур. Чингизхон замонинда тўрт минг эвлик эрдилар. Бекларининг оти Олақуштегин эрди. Чингизхон Хитой устига юрур бўлғанда, Олақуштегинга киши юборди, манга боқинсин теб. Чингизхонга боқинди. Андин сўнг хон Хитой устина отланди. Олақуштегин хонга қарши келиб, унғунинг дарвозаларин очти. Чингизхон бирлан қўшулуб Хитой устина борди.

ХИТОЙ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Хитой юрти икки бўлур. Бирисина қора Хитой-дерлар. Қора хитойдин кўп жамоат бир сабаб бўлиб, подшоҳлари бирлан ёв бўлдилар. Тақи кўчуб қочтилар-да қирғиз вилоятига келдилар. Анда ўлтурган эллар мусофир билиб, молларина /28 б/ дастдарозлик қила бошлади. Анда ҳам ўлтура билмай Имал теган ерга кўчуб келиб шаҳр солдилар-да, ўлтурдилар ва экин эктилар, ободон бўлди. Ҳар ерда молдин айрилган оч ва аруқ ва ютаган барчаси бу шаҳрга йиғилдилар. Қирқ минг эвлик эл бўлдилар. Шул вақтда Чурчит теган бир улуғ юрт бўлур. Анинг подшоҳи Қорахитой подшоҳи бирлан уруштилар. Тақи ғолиб келди. Юртини олди ва подшоҳини ўлтурди. Анинг бир улуғ беги бор эрди, Тўйситайфар отли. Ул кўп навқари, эли бирлан қочиб қирғиз вилоятига келди. Тарих /513/ беш юз ўн учда андин Имал шаҳринда ўлтурган хитойларга келди. Оқил ва донишманд киши эрди. Бир икки йил анда ўлтургандин сўнг оти ва овозаси тўрт ёқга тушди. Ул вақтда Афросиёб наслиндин Баласағун теган шаҳрда бир хон бор эрди. Оти Илк, фақирроқ киши эрди. Ул шаҳрни мўғул Ғубалиқ дер. Ғунинг маъноси яхши ва балиқнинг маъноси шаҳр. Яхши шаҳр темак бўлур. Ул қалъанинг атрофинда турк халқи кўп эрди. Хусусан Қиникли эли вилоятини талар ва чопар ва экинин едирурлар эрди. Ул сабабдин Илкхон Хитойдин келган бекка киши юборди. Келсун, вилоят анга тааллуқ теб. Ул келди. Тақи вилоятга эга бўлди. Илкни ўзина навқар қилди. Ҳукм этди ким, бу кундин сўнг ҳеч киши /29 а/ мун Илкхон темасун, Илк туркман тесуилар теб. Андин сўнг ўзина Ғурхон теб лақаб қўйди. Ғурнинг маъноси хитой тилинда улуғ подшоҳ темак бўлур. Андин сўнг бориб Андижонни олди. Андин сўнг Туркистон ва Тошқандни олди. Отланиб Самарқандни чопди ва қалъани қамади. Сулх этдилар, ҳар йилда фалончи нимарса берайин, теб. Андин сўнг қайтиб эвина тушди. Бир улуғ беги бор эрди, Арпаз отли. Ани бош қилиб Урганчга юборди. Урганчни топди, ўлжа ва асир қилди, қалъасини қабаб ўлтурди. Урганчнинг подшоҳи Хоразмшоҳийлар жамоатиндин Отсиз теган эрди. Ҳар йилда йигирми минг ашрафи бермак бўлди. Арпаз анга рози бўлиб қайтди. То ўлгунча ҳар йилда берди. Отсиз ўлгандин сўнг ўғли Текиш подшоҳ бўлди. Ул ҳам ўлгунча берди. Ул ўлгандин сўнг ўғли Султон Мухаммад подшоҳ бўлди. Ул бермади. Тақи ёв бўлди. Султон Санжар мазий Румдин бери вилоятларнинг лашқарин олиб, Туркистон бориб, Қорахитой Ғурхон бирлан урушти, бостурди. Тамом лашқари кирилиб, ўзи қочиб Марв келди.

ТУРҚАҚ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Сўнгаки маълум эрмас, қайси туркдин эркани. Маъноси сақчи темак бўлур. Подшоҳлар ўзларини сақлатмоқ учун бир неча кишини таъйин /29 б/ қилур эрди. Онлар келиб эшиқда ётқанда навбат бирлан ўлтурур ва навбат бирлан ухларлар эрди. Ўлтурганлари табл ва ё икки ёғочни қоқарлар эрди, то душман келганда билгай.

Сақчиларнинг уйғоқ эрканин ухламай ўлтурғани ухлағанига айтур эрди, менинг навбатим бўлди. Эмди сен туркак, теб. Ул сабабдин подшоҳни сақлаган кишиларга туркаклар дер эрдилар.

МЎҒУЛ ЭЛЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Элхоннинг ўғли Қаён ва инисининг ўғли Нукуз, бу иккиси Арканақун тоғининг ичина киргандин сўнг, ўғлонлари кўп бўлди. Қаён ўғлонларина Қиёт тедилар. Нукуз ўғлонларина Дарлагин тедилар. Бора-бора ҳар жамоат бир элнинг отин кутардилар. Қиёт оти-да йўқолди ва Дарлагин оти-да йўқолди. Қаён наслиндин ва Курлас /Куралас/ урукиндин Аланқува отли заифа эрсиз учам эркак ўғлон туғурди. Тангрим буюрса бу сўзларни айтурмиз. Бу ерда айтмоқликни ҳам муносиб кўрдук. Ул уч ўғулнинг насли ажойиб кўп бўлди. Онларға нийрун тедилар. Маъноси сулби пок темак бўлур. Туркийси ару тухум темак бўлур. Анинг учун бу отни қўйдилар ким, мўғулнинг зуъми ул уч ўғулни нурдин бўлди дейтурурлар. Чингизхоннинг учланчи отаси Қобулхоннинг олти ўғли бор эрди. Барчаси туғушли ва баҳодир ва йилдам. Халқ бу йигит /30 а/ ларга Қиётлар тедилар. Анинг учун мўғул тоғдан оқған селни Қаён дер. Қиёт анинг жамъи турур. Қобулхоннинг ўғлонларининг улуғи эрди. Бартанхон анинг ўғли, Чингизхоннинг отаси Есугай баҳодир эрди. Есугай баҳодирнинг кўзи шаҳло эрди. Мўғул шаҳлони бурчиғин дер. Ул сабабдин Есугай баҳодирнинг насли бурчиғин қиётмиз тедилар. Қиёт оти Қобулхоннинг ўғлонлариндин сўнг тақи тоза бўлди. Барча туркларнинг урукин бир қўймай айтмоқ ва билмак бир кишининг кўлиндин келмас. Ўзимизнинг аҳволимизга лойиқ анча билганимизни ўзга туркларнинг урукин айтдук. Эмди мўғул наслиндин бўлған уруқларни айталиғ.

МАРКИТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Маркитни Макрит ҳам дерлар. Иккиси бир бўлур. Чингизхон замонинда элга бош бўлиб юруган кишиларининг оти Тўқта беги эрди. Бу эл ҳамиша Чингизхон бирлан жов эрдилар. Бир қаррат Чингизхоннинг эвин чопдилар. Хотунин ўлжа қилиб олдилар. Тақи бир қаррат Чингизхон саҳрода якка юруганда тутуб банд қилиб, хун баҳосин олиб қайтардилар.

ҚҰНҚИРАТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Қаён наслиндин бир киши бор эрди. Анинг уч ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Чўрлиқ мерган, иккинчисининг оти Қубайшира, учинчисининг оти Тусбудай. Чўрлиқ андай отар эрди ўқни ким, бир кун иниси /30 б/ Қубайшира бирлан урушти. Иккиси ҳам от устинда эрди. Ёйин олиб ўқин кезлади. Қубайшира энгашиб бошини отнинг бўйнига паноҳ қилди. Бир замон турғандин сўнг, бошини кўтарди. Чўрлиқ инисини аяди. Тақи кўнглиндин айтди: «Муни андағ отайин

кўрксун, аммо зарар топмасун». Қулоқинда улуғ халқаси бор эрди. Ани қасд қилиб отди. Уқ халқанинг ичиндин ўтуб кетди. Чўрлик мерганнинг бир ўғли бор эрди. Қўнқират отли. Барча Қўнқират эли анинг насли турурлар.

ИНКИРАС ЭЛИ ВА АЛҚАНУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Кубайширанинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Инкирас ва кичигининг оти Алқанут. Икки уруқ ушбу иккисининг насли турурлар. Чингизхоннинг онасининг оти Ўлун эрди. Ани Ўлун эка дерлар эрди, гоҳ Ўлун кучин дерлар эрди. Алқанут урукиндин эрди.

ҚОРАНУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Тусбудайнинг икки ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Қоранут. Барча Қоранут эли анинг насли турурлар.

ҚУРЛАС ЭЛИ. ЭЛЧИКИН ЭЛИ. БУ ИККИСИНИНГ ЗИКРИ

Иккинчи ўғли Қўнқилут. Анинг бир ўғли бор эрди. Мийсар /Майсар/ отли. Анинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Қурлас. Барча Қурлас уруки анинг насли турурлар. Кичигининг оти Элчкин. Барча Элчкин уруки анинг насли турурлар. /31 а/

ЎРМАВУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу вақтда ани Ўймавут дей турурлар. Барча ўрмавут уруки ул кишининг насли турурлар.

ҚЎНИҚҚИМАР ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Ўрмавут урукиндин бир киши бор эрди. Анинг уч ўғли бор эрди. Улуғининг оти маълум эрмас. Аммо йигит бўлгандин сўнг халқ Қўниққимар от қўйдилар. Қўниқнинг маъноси улуғ темак бўлур. Бу вақтда ҳам улуғ қарғани қўниқ қарға дерлар. Қимарнинг маъноси бурун темак бўлур. Ул кишининг бурни бисёр улуғ эрди. Анинг учун Қўниққимар лақаб қолди. Барча қўниққимар уруки бу кишининг насли турурлар. Бу вақтда қимар ўғлимиз теб айтатурурлар. Меглик эжака қўниққимар урукиндин эрди. Меглик отаси қўйған оти. Мўғул отани эжака дер. Турк халқи азиз кишиларни ота дер. Масалан, Ҳаким ота, Сайид ота. Меглик мўғулнинг азиз кишиси эрди. Анинг учун эжака дер эрдилар. Чингизхоннинг отаси ўлгандин сўнг, онаси Меглик эжакага борди. Қирайт подшоҳи Ўнғхон Меглик эжакага киши юборди. Мен ташқаридин, сен ичкаридин бўлуб, Чингизни йўқ

килали. Қолған эли ва молининг ярми сенинг ва ярми менинг теб. Ўнхон Чингизхоннинг отаси бирлан ва ўзи бирлан дўст эрди. Чингизхон анинг душманлиқин ҳеч билмас эрди. Чингизхонга киши юборди. Улуғ ўғли Жўчиға қизимни берайин. Ўзи бизнинг эвга келсун. Икки /31 б/ мизнинг ҳам муродимиз ва мақсудимиз турур. Тўй қилали ва тақи тўйни баҳона қилиб бир неча кун айш ва ишратға машғул бўлалинг. Чингизхон бу сўзга ишониб Ўнхоннинг эвина кетди. Йўлда Меглик эжака учради. Тақи Ўнхондин эшитган сўзларининг барчасин айтди. Тақи хонни ўлумдин қутқарди. Меглик эжака Чингизхоннинг хизматиндин ҳеч айрилмас эрди. Чингизхоннинг онасин олғанда хон уч ёшинда эрди. Ул вақтдин то ўзи ўлгунча урушлар ва ёмон кунларда ва яхши кунларда ҳеч хондин айрилмади. Хоннинг ўнг тарафинда барчадин юқори ўлтурур эрди. Бурунқи хотунидин уч ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Кўкча. Халқ ани тангрининг бети дерлар эрди. Чингизхоннинг тахтда ўлтурган достонинда кўкчанинг нечук киши эрканинг айтқумизтурур.

АРЛАТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Иккиланчи ўғли Арлат. Анинг маъноси отанинг севар ўғли темак бўлур. Арлат бир кишининг оти турур. Ани отаси кўп севар эрди. Анинг учун Арлат тедилар. Барча Арлат эли анинг насли турурлар.

КИЛГИТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Учланчи ўғли Килгит. Кишинингки тилинда камлиги бўлса, турк халқи бўлтак дер. Мўгул килги дер. Бу кишининг тилининг камлиги бор эрди. Анинг учун Килгит тедилар. Барча Килгит эли ул кишининг насли турурлар. Юқорида ҳам айтдук, Мўгул тилинда «т» ёйи нисбат маъносина келур. Бу сўзнинг маъносин яхши ва ёмон билуртек айтали. Отли ва тўнли ёйи нисбат /32 а/ теганлари муна бу турур.

БАДАЙ ВА ҚИШЛИҚ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Килгит уруқиндин бир кишининг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Бадай ва кичигининг оти Қишлиқ. Бу иккиси Кирайт Ўнхоннинг бир бегининг йилқисин боқарлар эрди. Бир кун йилқидин сўт келтуруб, эвнинг эшикина келди эрса, ичкарида бек сўзлай турур. Не айта эрканлар теб, кулоқ солиб турди. Хотуниға айтди: «Совутни ва Қуёкни чиқариб қўй». Бу кеча Ўнхон отланиб бориб Чингизни эвинда босатурур, икки хоннинг эвлари яқин эрди. Ўнхон ота ва Чингизхон ўғил бўлиб, фароғат ўлтурур эрдилар, Бадай ичкари кириб сўтни берди. Йилқига келиб инисига айтди. Булар мўгул эрди. Чингизхон ҳам мўгул. Ўз подшоҳининг ўларина тоб келтира билмай, Кирайт халқи бошқа ёт эл Чингизхонга келиб айтдилар. Мунинг

хикояти узун дoston турур. Булар сабабли Чингизхон ўлумдин кутулди. Бу иккисини тархон килди. Тархоннинг маъноси бу турур ким, ул кишидин ҳеч нимарса олмағайлар. Ҳар қачон хон эшикина келса ҳеч киши манъ қилмағай, ўзи киргай ва ўзи чиқгай. Агар гуноҳ иш қилса, тўккузгача сўрмағайлар. Андин сўнг сўрғайлар. То тўккуз орка бўлгунча шундок /32 б/ бўлғай.

УЙШУН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Буларнинг тақи сўнги мўғул турур.

СУЛДУС ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу элнинг ҳам сўнги мўғул турур.

ИЛДУРКИН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Илдуркин Сулдус элиндин айрулган турурлар.

КАНКИТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Булар ҳам мўғулнинг бир уруки турурлар.

ДЎРМАН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Мўғулнинг Бичинкаён отли подшоҳининг беш ўғли бор эрди. Кичиги барчасиндин яхшироқ эрди. Отаси ўлар бўлганинда: «Кичик ўғлимни тўра қилинг!» — теб васият килди. Халқ ҳам кичик ўғлини тўраликка лойиқ билиб хон кўтардилар. Анинг оти Тимач Мерган эрди. Тўрт улуғи халққа кўп айтдилар: «Биз тўртимизнинг ҳар қайсимизни тўра қилсангиз розимиз, аммо кичикка рози эрмасмиз», — теб. Халқ ул тўртининг сўзларин қабул қилмадилар. Анинг учун элга ўлкалаб, юртдан кетиб, ёт элнинг ичина бориб ўлтурдилар. Мўғул тўртни дўрман дер. Ёт эл бу йигитларга дўрманлар теб от қўйдилар. Ул тўртиси ўлди. Ўғлонлари қайтиб қаринтошлари ичига келдилар.

БАРИН ВА СУҚУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бир Дўрманнинг уч ўғли бор эрди. Улуғининг оти Барин. Барча Барин эли анинг насли турурлар. Кичик иниси Кадхудой бўлди. Заифаси ўғлон топмади.

Анинг учун дадакина боқти. /33 а/ Дадак ҳомила бўлди. Хотун

дадакнинг қарнига ҳар кунда урур эрди, тушсун теб, тушмади. Бир кеча ярим оқшомда эркак ўғлон туғурди. Отасининг пўстинининг этакинин кесиб олди. Тақи ўғлонни чирмаб эвнинг кейинида юлгун ичинда элтур қўйди. Эрта отаси таҳорат синдурғали борди эрса, ўғлон овози келди. Бориб кўрди ўзининг пўстинин таниди. Андин сўнг ўз ўғли эрканин билди. Тақи кўтариб онаси қотиға олиб келди. Онаси сақлади. Ўғлонға Сукут от қўйдилар. Мўғул юлгунни сукай дер. Юлғули темак бўлур.

Курлавут уруқи ва Буркут уруқи, бу иккиси ҳам мўғул турур. Мўғул ичинда қаринтошлиқи Қўнқиратға яқин бўлур. Қадим юртлари ҳам Қўнқират бирлан бир бўлур эрди.

ЎКЛАН ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Ўклан элининг ҳам асли мўғул бўлур. Аммо Мўғулнинг қайси уруқина яқин эркани маълум эрмас.

Жўйрат эли, Жажират ҳам дерлар. Бу элнинг сўнгги мўғул бўлур ва тақи мўғул ичинда Аланкува наслидин турур.

БАЁВУТ ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Бу эл кўп урук бўлурлар. Аммо яхшиси ва кўпраги икки урук бўлур. Бирисина Жадайн баёвут ва тақи бирини Макрин баёвут дерлар. Жадайн ва Макрин теган оқатурган икки улуғ сув бўлур. Ул сувларнинг ёқасинда /33 б/ ўлтурурлар эрди. Анинг учун бу от қолди. Юртлари Ўйрат юртина яқин бўлур. Баёвут эли мўғулнинг Дарлагин уруқиндин айрилур.

ЖАЛАЙИР ЭЛИНИНГ ЗИКРИ

Қадим эл турур. Бенихоят кўп бўлур эрди. Андак айтурлар ким бир қаррат Хитой подшоҳи бирлан ёв бўлганда, ҳар ерда ўлтурган жалайирларнинг яхши ва ёмон барчалари бир ерда йиғилдилар. Эвлари бирлан етмиш куран бўлдилар. Уруқлари кўп эрди. Бир неча уруқлари бир кишини ақа қилиб бир юртда ўлтурур эрдилар. Кўпраги мўғул юртинда Ўтан теган ерда ўлтурурлар эрди. Бир қаррат хитойдин лашқар келиб, жалайир халқининг бир ерда ўлтурган кўп жамоатни кириб, ўлжа асир қилиб қайтиб кетди. Чопилган элнинг оч ва аруқи емакка нимарсалари йўқликдин саҳройи пиёзнинг тубин казиб ер эрдилар.

Чингизхоннинг еттиланчи отаси Дутумнанхон ўлиб эрди. Хоннинг тўкқуз ўғли қолди. Барча ўғлонларининг онасининг оти Мутулун турур. Улуғ ўғли Қайдухонға киз олди. Ул қалинглик ўйнай кетиб эрди. Эвнинг яқинида бир яхши туз ер бор эрди. Дутумнанхоннинг ўғлонлари анда от чопиб ўйнарлар эрди. Ул ернинг пиёзи кўп эрди. Анинг учун чоптурган очлар ул ерни андақ каздилар ким /34 а/ от

юруйолмасдай бўлди. Ани кўриб ўғлонлар келиб отасига айтдилар. Отаси аччикланиб отланиб борди эрса, кўрди ким бир нечалар яна казиб ўлтуруб турурлар. Кулларина буюрди: «Урунг!» — теб. Урдилар. Жалайирлар йиғилиб шул ерда улуғ уруш бўлди. Бир неча киши жалайирдин ўлди.

Мутулун бошлиқ бир неча киши мундин ўлди.

Шул замони чопулган жалайирлар йиғилдилар тақи Мутулуннинг эвин чоптилар. Дутумнанхоннинг етти ўғли бошлиқ кўлларина тушган кишининг барин қирдилар. Очдин ўлуб юруган очлар бу баҳона бирлан бир тўйдилар. Муни эшитгандин сўнг қайин отасининг эвиндин Қайдухон келди. Қаринтошлари ва уруқлари ва навкарлари барчалари йиғилиб жалайир халқина киши юбордилар: «Шундақ иш бўлиб турур, не айтасиз? — теб. Жалайирнинг яхшилари бу ишни қилган кишиларни ким санадилар, беш юз киши чиқди. Барчасини эви ва хотуни ва ўғлонлари бирлан суруб Қайдухон олдиға олиб келдилар.

Тақи айтдилар: «Не қилуригни сен билурсен». Қайдухон қаринтошлари ва элина кенгашти эрса, онлар айтдилар: «Сенинг қонинг бирлан буларнинг қони баробар эрмас, банда қил. Ўғил-ўғил ва қиз-қиз банда бўлсунлар». Барча бу сўзни ўхшатиб банда қилдилар. Ул жамоат ўстилар ва кўп бўлдилар. Жалайирмиз темадилар. /34 б/ Мўғул Қаён ўғлонларимиз теб айтурлар эрди. Расм турур, озода куллар хожасининг уруқин айтмоқ. Чингизхон улуғ подшоҳ бўлгандин сўнг Жалайирнинг барчаси ўзини банда жалайирға ўхшатиб мўғул қаён ўғлонлариндинмиз тедилар. Ул жалайирлар то ўн бир орқа Чингизхоннинг тўртинчи ўғли ким набирасининг набираси бўлғай, ул вақтғача банда эрдилар. Бўлиша-бўлиша ҳар подшоҳзоданинг эшикинда ўн эвлик, йигирми эвлик бўлур эрди. Жалайирнинг асл сўнгаллари мўғулнинг Дарлагин уруқиндин бўлур. Дарлагин эли Нукуз авлоди турур.

МЎҒУЛ ПОДШОҲЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Қаён бирлан Нукузнинг авлоди Арканақун ичинда кўп бўлгандин сўнг, ҳар жамоат бир урук отин кўтардилар. Қаён наслиндин Қурлас отли бир киши бор эрди. Анинг насли барча уруқлардин кўп бўлди. Анга Қурлас эли тедилар. Ул Қурлас наслиндин бир кишини подшоҳ кўтардилар. Оти маълум эрмас. Ҳамиша шу Қурласдин тўра қилдилар. Халқ Арканақундин чиққанда, подшоҳларининг оти Қурлас уруқиндин Бартачина эрди. Ул ўлгандин сўнг анинг Қўймарал отли ўғли бор эрди. Ани подшоҳ қилдилар. Ул вафот топқандин сўнг Бичин қаён /35 а/ отли ўғли бор эрди. Ани подшоҳ қилдилар. Ул вафот топқандин сўнг Тимач отли ўғли бор эрди, ани подшоҳ қилдилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Қичи /Қапчи/ мерган отли ўғли бор эрди, ани хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Қўжам бурал отли ўғли бор эрди, ани хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Бўкабандун отли ўғли бор эрди, ани хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Самсавчи отли ўғли бор эрди, ани хон

кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг Қалимачу отли ўғли бор эрди, ани хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг, анинг Темуртош отли ўғли бор эрди, ани хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Менглихожа отли ўғлини хон кўтардилар. Ул ўлгандин сўнг анинг Юлдуз отли ўғлини хон кўтардилар. Юлдузхоннинг икки ўғли бор эрди. Иккиси ҳам ўзи тирик эрканда ўлди. Бир ўғлиндин бир ўғил колди, Дўбунбаён отли. Бирисиндин бир киз колди, Аланқува отли. Аланқувани улуг тўй қилиб Дўбунбаёнга олиб берди. Андин сўнг Юлдузхон ўлди.

Набираси Дўбунбаён ота тахтинда ўлтуруб, мўғул элина подшоҳ бўлди. Хануз ўттуз ёшина етмай эрди вафот топди. Икки ёш ўғли колди. Бириси олти ва бириси етти ёшинда. Улуғининг /35 б/ оти Билгадай ва кичигининг оти Бекчидай /Бикчидай/. Баъзи нусхада Билганут, Буганут теб турурлар.

АЛАНҚУВАНИНГ АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ ҲИКОЯТИ

Аланқуваниннг кадхудойи Дўбунбаён ўлгандин сўнг, улуг отаси Юлдузхоннинг ақалари ва иниларининг ўғлонлари бор эрди. Элли ва навқарли подшоҳлар аларнинг барчаси бошқа-бошқа Аланқувани тиладилар. Бормади. Теди: «Мен жоним тирида эрга борман. Ўғлонларим йигит бўлгунча ўзум элга бош бўлиб турарман. Андин сўнг ўғлонларимга топшурурман», теди, таки қабул қилмади. Мундин бир неча йил ўтди. Бир кеча ётиб эрди, сахар вақтинда уйғанди. Тунгликдин бир ёрук нимарса келиб кирди, кундай кўрди ким ёруkning ичинда бир киши шакли оқ-сарни, кўзлари шахло келиб эвнинг ичига тушди. Аланқува қотинда ётқан заифларни турғузмоқ учун кичқирайин теди. Овози чиқмади. Тили тутулди. Турайин теди, қўл ва оёқининг жони кетди. Аммо ақли еринда. Ул киши оҳиста-оҳиста қатига келди. Таки жуфт бўлди. Яна тунгликдин чиқиб кетди. Бу сўзни айтсам ҳеч киши инонмас теб, айтмади. Беш-олти кун ўткандин сўнг, яна келди. Ҳар неча кунда бир келмакин қўймади. Ул келган кечаси Аланқува ҳомила бўлди. Тўрт-беш ойлик бўлгандин қаринтошлари йигилиб келиб ҳомила бўлганининг воқеотин сўрди-лар. Аланқува анча кўрганин айтди. Таки айтди: «Менга эр керак бўлса бормасму /36 а/ эрдим. Таки ул ким заифа ҳам бўлсам кўп халқ мени подшоҳ қилиб турурлар. Ўзумни, мунча элни ва халқни ва икки ўғлимни шарманда қилиб мундай номаъкул ишни ҳаргиз қилурманму? Бир неча кеча эвимнинг тошинда сақлаб ётинг, худойи таоло мени шарманда қилмас бўлса, сизларга ҳам кўрсатур. Таки ул ким мени бу қорнимдаки ўғлон тукса, албатта расмий кишига ўхшамас, андин ҳам билурсиз. Худойи таолонинг бир ҳикмати бор турур, менинг бу ҳомила бўлмокликимда», теди. Бу сўзни эшиткандин сўнг барчалари инондилар. Аниг учун Аланқуваниннг қилиқин билурлар эрди. Андағ ҳам бўлса кўп халқ кунда кеча эвнинг атрофин сақлаб ётдилар. Таки навбат бирлан уйғоқ ўлтурдилар. Бир неча кундин сўнг сахар вақтинда тунгликдин эвнинг ичина тушқанда офтобдай барқ уратурған нимарса осмондин пайдо бўлди. Ул кўрганида қотинда ётқанларни турғузди. Келиб Аланқуваниннг

эвининг тунгликидин кирди. Бир замондин сўнг қайтиб чикиб кетди. Ётқан халқнинг келганин озроки кўрди ва кетганин барчаси кўрди. Аммо кишининг сувратини кўра билмадилар. Мундин сўнг Аланқуванинг сўзини чинлики барчага маълум бўлди.

АЛАНҚУВАНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Аланқува учам эр ўғил топди. Аввалгининг оти Буқун Қатаган. Барча қатаган эли анинг насли турурлар. /36 б/ Иккинчисининг оти Бусқун Чалчи. Чалчут эли анинг насли турур. Учланчисининг оти Буданжир Мунқак. Ани хон кўтардилар. Чингизхон ва Мўғулнинг кўп уруқлари анинг насли турур. Бу уч ўғлондан бўлган элларга барчасина Нирун дерлар. Анинг маъноси ару тухум темак бўлур. Нечук ким мўғулнинг зўъмина нурдан бўлди дей турурлар. Бу Буданжирнинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Буқа ва кичигининг оти Тўқа. Тўқадин насл қолгани маълум эрмас. Буданжир ўлгандин сўнг Буқани хон кўтардилар. Буқанинг бир ўғли бор эрди. Дутумнан отли. Отаси ўлгандин сўнг Дутумнани хон қилдилар. Дутумнанинг тўққиз ўғли бор эрди. Саккизини Жалайир халқи ўлтурди. Анинг ҳикоятини юқорида жалайир элининг зикринда айттук. Улуғ ўғлининг оти Қайду эрди. Ул киргинда омон қолди. Дутумнан ўлгандин сўнг ўғли Қайдуни хон кўтардилар. Қайдунинг уч ўғли бор эрди. Улуғ ўғлининг оти Бойсинқур. Иккинчи ўғлининг оти Жирқаланқум. Тайжут эли анинг насли турур. Жирқаланқумнинг улуғ ўғлининг оти Мурқаду-Кучна. Анинг ўғли Мамакой қоон. Анинг ўғли Қадан-тайши. Қадан отли турур. Тайши Хитой тили турур. Ҳофизки яхши хуш овоз куйинда /37 а/ бўлғай. Ани тайши дер. Ҳофиз тегани бўлур. Анинг ўғли Орал. Анинг ўғли Ёрғутой ва лақаби Қирилтук. Анинг маъноси кунчли Сарин темак бўлур. Ўзбек ош еганда тамақинда турган кишини кирилди тер. Кунилаб кўп еди тақи тамоқинда турди тегани бўлур. Қирилтук тегани кирилғучи тегани турур. Тайжут элина бош бўлиб Чингизхон бирлан кўп урушқан ушбу Ёрғутой қирилтук эрди. Учунчи ўғлининг оти Чавчин, Чайжут эли, Эртегин эли анинг насли турурлар. Қайдухон ўлгандин сўнг ўғли Жирқаланқум ўғай онасини олди. Андин икки ўғли бўлди. Улуғининг оти Кандучана. Кичигининг оти Ўлқучинчана. Эркак бўри ва урғачи бўри темак бўлур. Анинг ўғлонлари кўп бўлгандин сўнг чанас тедилар. Ул чананинг жамъи бўлур. Туркийси чаналар темак бўлур. Ул жамоатга бора-бора нукуз ҳам тедилар. Бу нукуз бурунқи айтқан нукуздан бошқа турур. Бурунқи нукузнинг оти эл ичинда йўқ бўлиб кетиб эрди. Улуғ ўғли Бойсинқурни хон қилдилар. Ақиллар ва одил яхши подшоҳ эрди. Кўп элларни ўзина боқиндируб дўстларга яхшилик қилиб, душманга ёмонлик қилиб бир неча йил подшоҳлик қилгандин сўнг ўғли Тумнани ўз еринда ўлтуртуб узок сафарга кетди.

ТУМНАХОҲНИНГ ЗИКРИ

Тумна /376/ хон яхши улуғ подшоҳ эрди. Мўғулнинг барча нирун уруқларина кўп йиллар подшоҳлик қилди. Эл анинг замонида давлатли ва тинч бўлдилар. Тўққуз ўғли бор эрди. Баъзи ўғлининг бир уруқ ва баъзиларининг икки ва уч ва тўрт уруқ бўлди. Бу тўққузнинг Қабил ва Қачули отли икки ўғли эгиз туғуб эрди. Улуғ ўғлининг оти Чақсу. Анинг уч ўғли бор эрди.

Улуғ ўғлининг оти Туёқин.

Иккинчи ўғлининг оти Урут. Учунчи ўғлининг оти Манкит. Бу учусининг ўғлонлари уч уруқ эл бўлдилар.

Иккинчи ўғлининг оти Ёримшер Буқанчу. Андин тукқанлари тақи бир уруқ эл бўлдилар.

Учунчи ўғлининг оти Қачули. Анинг ўғлининг оти Эрдәмчи барлас. Барча барлас эли мунинг насли турурлар. Оксоқ Темур ушбу уруқдин эрди. Барласнинг маъноси сипахсолор темак бўлур. Туркийси чирик бошлаб юрийтурган киши.

Тўртинчи ўғлининг оти Самқачун. Едуркин уруқи анинг насли турур. Бешинчи ўғлининг оти Батқулқи. Барча Будат уруқи анинг насли турур. Олтинчи ўғлининг оти Қабилхон. Чингизхон ва тақи кўп эллар бу Қабилхоннинг ўғлонларининг пайдо бўлган турур. Танграм буюрса онларнинг барчасини ерли еринда айтқумиз турур. Еттиланчисининг /38 а/ оти Ўдурбаён. Кийқум уруқи анинг насли турур. Саккизланчи ўғлининг оти Булжар дуғлан. Мўғул оксоқни дуғлан дер. Бир оёқи оксоқ эрди. Барча дуғлат уруқи анинг насли турурлар. Тўққузланчи ўғлининг оти Чинтой. Барча Есут уруқи анинг насли турурлар. Барчасининг кенжаси эрди. Кенжани мўғул ўтжикин дер. Ўтжикининг маъноси ўт эгаси темак бўлур. Анинг учун ўзга ўғлонларни эвлантуруб, узата-узата эвда яққа кенжа колур. Тақи отасининг ўчоқининг эгаси бўлур. Кенжа ўғлини мўғул расминда барча ўғлонлардин ортуқ иззат ва ҳурмат қилурлар. Чинтой ўтжикиндин тукқан ўғлонлар баҳодир ва туғушли бўлдилар. Чингизхон Мовароуннаҳр келганда Чина нуён теганга ўттуз минг киши бериб, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кейинидин юборди. Ул Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғлон ушоқин ва хазинасин олиб барча Эрон ва Озарбайгон, Гуржистонни олиб, Темур копидин ўтуб, Тоғистон ва Черкас ва Қипчоқни кириб, Атил ва Ёйиқ сувиндин ўтуб, тўрт йилда Чингизхон қайтқанда, Олатоғда кейинидин борди. Чина Чинтой насли, Есут уруқиндин эрди.

Тумнахон ўлгандин сўнг ўғли Қабилни хон қилдилар. Анинг олти ўғли бор эрди. Аввалгининг оти Ўкин Ёртақ. Иккинчиси Барган баҳодир. Учунчи Кутукту Мангу. Тўртинчи Қадан баҳодир. /386/ Бешинчи Кутла коон. Олтинчи Будан Қиёт. Қиётнинг маъносин юқорида айттук. Мунда ҳам айтали. Тоғдан келган селни мўғул қаён дер. Қиёт анинг жамъи турур. Қиётнинг асл маъноси кучли ва йилдам темак бўлур. Тоғдан оққан сел йилдам ва кучли турур. Анинг учун ул отни кўюб турурлар. Арканақун ичинда қаён ўғлонларина Қиёт тедилар. Кўп йиллар ўтқандин сўнг, ҳар жамоат бир эл отин кўтардилар. Мундақ ким бириси Қўнқиратман теди ва бириси

Курласман теди ва бириси Дўрманман теди. Қиёт оти эл ичинда ҳеч қолмади, йўқ бўлди кетди. То уч тўрт минг йилга яқин Қабилхоннинг олти ўғли бўлди. Олтиси ҳам баҳодир ва паҳлавон ва йилдам эрдилар. Анинг учун уларга қиётлар тедилар. Қиёт эли уларнинг насли турур. Қабилхон ўлди. Ўғли Бартанни хон кўтардилар. Анинг тўрт ўғли бор эрди. Аввалгининг оти Мунгудай. Иккинчиси Буқан Тайси. Учунчиси Есугай баҳодир. Тўртинчиси Даритой. Булардин бўлган ўғлонларни ҳам қиёт тедилар.

Бартанхон ўлгандин сўнг ўғли Есугайни хон кўтардилар. Есугайнинг беш ўғли бор эрди. Аввалги Чингизхон. Отаси қўйган оти Темучин эрди. Хон кўтарганда Чингиз қўйдилар. Иккинчи Жўчи Қасар. Учунчи Қачун. Тўртинчи Тамука. Бешинчи Билгутой Ўтчикин. Жўчининг маъноси меҳмон /39 а/ касарнинг маъноси араб ани субуъ дер. Тожик дав дер. Тўрт оёқли жонварки этдин ўзга нимарса емагай. Масалан: бўри ва йўлбарс ва қопланг. Есугайнинг беш ўғли балки наслининг кўпрағи оқ сари кўзлари ашҳол бўлди. Мўғул ашҳолни бурчиғин дер. Анинг учун Есугай баҳодирнинг наслина бурчиғин қиёт тедилар. Аланқува айтиб эрди, менга келиб жуфт бўлатурган кишининг ранги оқ-сари, кўзлари бурчиғин теб. Анинг айтган сўзининг нишонаси тўққуз оркада маълум бўлди. Бу сўз тақи маълум бўлсун ким кишининг кўзининг бубачеки қора бўлса, оқи оқ бўлса, бубачек бирлан окнинг оросиндағи қора қизил бўлса, араб аниқ ашҳал дер. Мўғул бурчиғин дер. Анинг учун бурчиғин қиёт тедилар.





УЧИНЧИ БОБ

ЧИНГИЗХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон тарих беш юз таки тўккузда тўнқиз йилинда Мўгул юртинда Йилун-йилдик теган ерда дунёга келди. Бир кўли юмук эрди. Энага бўлган хотун кўлини очти, кўрди ким бир пора уюшқан кон. Муни келиб отасига айтдилар. Ултурған халқ ҳеч киши билмади. Бир киши айтди, бу ўғлон улуг подшоҳ бўлур. Ер юзининг барчасин олуру. Кўп элларни ва вилоятларни қатли ом қилур. Бу кон анинг нишонаси турур теди. Ул кишининг теганитек бўлди. /39 б/ Отаси отини Темучин қўйди. Хон кўтарганда Чингиз лақаб қўйдилар. Чингизхоннинг оталарини юқорида айтдук. Эмди барчасини бир ерда айтмоқликни муносиб кўруб, таки айтатурумиз. Чингизхоннинг отасининг оти Есугай баҳодир. Мўгул отасини ижака дер. Анинг отаси Бартаихон. Иккинчи отани Абукаан дер. Анинг отаси Қабилхон. Учинчи отани Илинжак дер. Анинг отаси Тумнахон. Тўртинчи отани будату дер. Анинг отаси Байсунқурхон. Бешинчи отани Будакур дер. Анинг отаси Қайдухон. Олтинчи отани Мурти дер. Анинг отаси Дутумнанхон. Еттиланчи отани Дутақун дер. То етти отагача от кўяр. Андин сўнг от қўймас. Турк ва тожикда барча одам фарзандининг ичинда расм турур, етти отани санад қилмоқ. Турк халки айтур етти орқадин бери темурчиман ва ё айтурки менинг етти отам шу юртда ўткандур ё айтур ким етти орқадин бери ёрлилик ёзин кўрганим йўк турур. Тожик ҳам шундак дер.

Эмди айтатурған сўзимиздин қолмағали. Дутумнанхоннинг отаси Букашон, анинг отаси Бузанжирхон, отасиз Аланкува отли хотундин туғди.

Аланкува Юлдузхоннинг набираси эрди. Отаси йигитлигинда ўлди. Отадин туғуб қолди. Улуг отаси Юлдузнинг кўлинда ўсти. Ул сабабдин отасининг оти халқ ичинда машҳур /40 а/ эрмас. Юлдузхоннинг отаси Менгли хўжахон, анинг отаси Темуртошхон, анинг отаси Қалимачухон, анинг отаси Самсавчи, анинг отаси Бўкабандунхон, анинг отаси Кужамбурал, анинг отаси Кичи /Қапчи/ мерган. Анинг отаси Тимач. Анинг отаси Бичин Қаён.

Анинг отаси Кўймарал. Анинг отаси Бартачина. Бартачина бирлан Қаённинг ораси тўрт юз эллик йил турур. Бу иккисининг орасинда ўтган кишиларнинг отларини билали теб кўп саъй қилдук, муяссар бўлмади. Ҳеч тарихда топмадук. Арканакун ичинда бузукликда бўлди. Анинг учун битимай турурлар. Қаён анинг отаси Элхон, анинг отаси Тенгизхон, анинг отаси Манглайхон, анинг отаси Юлдузхон, анинг отаси Ойхон, анинг отаси Ғузухон, анинг отаси Қорахон, анинг отаси Мўғулхон, анинг отаси Аланжанахон, анинг отаси Куюкхон, анинг отаси Деббақуйхон, анинг отаси Аблачахон, анинг отаси Тўтакхон, анинг отаси Турк, анинг отаси Ёфас, анинг отаси Нух пайғамбар алайҳиссалом, анинг отаси Ламак, анинг отаси Матушалах, анинг отаси Идрис пайғамбар, анинг отаси Барад, анинг отаси Махлойил, анинг отаси Қайнон, анинг отаси Ануш, анинг отаси Шиш пайғамбар, анинг отаси Одам сафийуллох.

Есугай баҳодир ўлганда улуғ ўғли Чингизхон ўн уч ёшинда эрди. Инилари ёш эрди. Бузанжирхон наслининг барчаси Есугай баҳодирнинг фармонинда эрди. Мўғулнинг расми андағ турур ким, /40 б/ йилки, тева, сифир ва кўй, подшоҳ ҳар йилда элнинг бу тўрт молининг ўндан бирини олура. Агар бир подшоҳнинг беш ва ё ўн ўғли бўлса, отаси ўлгандин сўнг бирисини хон кўтарурлар. Ўзгаси халқга кўшулура. Ҳар йилда молидин бир от ва бир тева олура. Улар ўлуб ўғлонларина қолгандин сўнг, ўзга халқдин нечук мол олсалар, булардин ҳам шундақ олура. Есугай баҳодирга мол бературган эли ўттуз-кирик минг эвлик бор эрди. Барчаси ўзининг қаринтошлари Чингизхонни ёш билдилар. Таки кўркмадилар. Мол одам фарзандининг маъшуки. Бермак ёмон, олмоқ яхши, мол бермаслик учун Чингизхондин рўйгардон бўлуб, қотиндин кўчиб, йирок ерга бориб ўлтурдилар. Есугай баҳодирнинг элининг ичинда Тайжут уруқиндин боши ва моли кўпи йўқ эрди. Уруқи бирлан бу элларга бош бўлуб, кўчуб айрилди. Ул вақтда Тайжутнинг боши Ёрғутой Қирилтиқ эрди. Анинг отаси Орал, анинг отаси Қадантойши, анинг отаси Мамайқай коон, анинг отаси Муркадукажна, анинг отаси Жирқаланқум, анинг отаси Қайдухон. Мунда Чингизхонга кўшулура. Есугай баҳодирнинг эли икки бўлунди. Уч улуши Тайжутга кўшулди. Бир улуши Чингизхон қотинда қолди. Хоннинг улуғ отаси Бартанхондан туққанлар манғитнинг ярими ва ўзга эллардин икки юз эвлик ва юз эвлик, эллик эвлик, ўн /41 а/ эвлик беш эвлик қолди. Манғитдин кўпи йўқ эрди. Ул вақтда манғитнинг хон қотинда қолганининг боши Қаюлдор теган эрди. Қатаған ва Чийчут ва Жўйрат ва Қиёт боши бутун Тайжутга кўшулди. Маркат эли Есугай баҳодир бирлан ёв эрди. Ул таки Тайжутга кўшилди. Отиша ва чопиша ва йилки кувалаша ўлтурдилар.

ЧИНГИЗХОННИНГ ЎН УЧ ЁШИНДИН ТО ҚИРҚ ЁШИ— НАЧА ҚИЛГАН ИШЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг онасининг оти Ўлун эрди, Эка лакаб кўюб эрдилар. Бириси Ўлун эка, таки бири Ўлун Кўчин эка. Мўғул тили турур, улуғ теган бўлура. Кўчин хитой тили турур, маъноси ул ким мўғул хотун

дер. Тожик бону дер. Ўзбек бойбича дер. Эвнинг ва молнинг эгаси темак бўлур. Алканут урукиндин эрди. Ақли, эсли ва саранжомли заифа эрди. Кўникқимар урукиндин бир киши бор эрди. Ул шайхлик қилур эрди. Барча мўғулнинг пири эрди. Оти Меглик, лакаби ижака. Мўғул отасини ижака дер. Ани сийлаб барча халқ ижака дерлар эрди. Турк халқи азиз кишиларни ота дер. Масалан: Ҳақим ота ва Сайид ота тегандек. Чингизхоннинг онаси Меглик ижакага борди. Ул сабабли барча Кўникқимар уруки Чингизхонга кўшилдилар. Биз тарихни мўғул-да, ўзбек-да ўтган яхши подшоҳлар ва кенгашли бийларнинг аслини ва қилган ишларини ва айтган сўзларини /41 б/ барчасини бир-бир айтиб улуғ китоб қилмоқ кўнглимизда бор эрди, айтдин теб юруган вақтда хаста бўлдум. Хастам узоқга тортди. Кўнглимиздин айтдим, ўла қолсам китоб айтулмаи қолур. Ментек билур киши йўқ. Хусусан бизнинг жамоатимизни Ёдгорхондин то фақирғача ёт юртнинг кишиси муни билмас. Ўз халқимизда ҳеч билур киши йўқ. Пас мен муни гўрга олиб борғанимдин не фойда, айтдим. Тақи тўрт нависандани ўлтуртдум. Тақи то Одамдин Жўчихонга келгунча гоҳ кўхна тарихларнинг юзина боктим. Гоҳ бокмай айтдим, анинг учун барчасин ёд билур эрдим. Шайбанхондин то ўзумга келгунча ҳеч китоб юзина бокмадим. Ўзумнинг ёдимда бор эрди, айтдим. Аммо ақлим кам бўлуб эрди, гоҳ ўлтуруб айтар эрдим, гоҳ ётиб. Анинг учун мухтасар қилдум. Лафзи мухтасар ҳам бўлса, маъноси мухтасар эрмас турур. Тайжут бошлик Нирун элининг кўписи, Чингизхон ўн уч ёшинда эрканда ёв бўлдилар. Кўп отишиб чопиштилар. Бири бирисининг тўпини кўтара олмадилар. Барс йилининг бошинда Чингизхон қирқ ёшина етканда киши қочиб келди. Тайжут бошлик барча Нирун эли сизнинг устингизга отланди. Ет эллардин баёвут, маркит ва татар тақи тайжутга қўшулуб бирга отланди теб. Чингизхон ул вақтда кўп забун эрмас эрди, ҳам яхши ва ёмонни кўруб, иссиқ ва совуқни ўтказиб, аччиқ-сучуқни тотиб эрди. Ўзига тааллуқ /42 а/ эли эви ва моли бирлан бир ерга йиғди. Ўн уч урук эл бўлди. Ўн уч Кўран этди. Бири-бирини тегиза тўгарақ кўндурди. Молнинг яхшисин жиб ерина паноҳ қилиб маҳкам боғлатди ва ёмонни кўрандин ташқари қўйди. Ул вақтда ёв келди. Отланиб кўранга орқа бериб ясади. Тақи урушти. Чингизхон ўн минг ва ёв ўттиз минг киши эрди. Катти ва узоқ уруш бўлди. Ахир худои таоло Чингизхоннинг кўлин юқори қилди. У шул куни беш-олти минг кишини ўлтурди. Тайжутдан тири тушган яхши кишиларни боғлатиб қўйди. Тақи етмиш ерда қазон остурди. Тўлтура сув солдурди. Сув қайнаган вақтда қўлун ва оёқин боғлаб, ҳар қазонга бир кишини боши қўли солиб, икки оёқин юқори тутуб турдилар. То маҳара пишгунча. Андин сўнг отланиб Тайжутнинг элини борди. Чопти. Яхшиларининг ўғлон ушоқин банда қилди. Ёмонларни суруб келтуруб ўз элига қўшти. Ул эл қўшулғандин сўнг қучли бўлди. Оти ва овозаси мўғул ичинда шухрат топди.

ЧИНГИЗХОННИНГ КИРАЙТ ҲНГХОН БИРЛАН УРУШИБ ҒОЛИБ КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Жўйрат элиндин Чамука чечан теган бор эрди. Чечаннинг маъноси араб оқил дер ва тожик бохирад дер ва мўғул ва ўзбек чечан дер. Аклли темак бўлур. Бу вақтда ҳам сўзни яхши сўзлаган кишига чечан дерлар. Аклли /42 б/ темак бўлур. Аклли бўлмаса сўзни нечук яхши билуб сўзлар. Ул бориб Ҳнгхоннинг улуғ ўғли бор эрди, Сангун отлик. Анга айтди: «Сиз ота ва ўғил Чингизни ўзингизга дўст биласиз. Ул пинҳони киши юбориб Найманнинг хонлари Тиянхон ва Буйрукхон бирлан сўзлаша турур. Иккимиз бир бўлалди, тақи Ҳнгхон бирлан ўғли Сангунни ўрта ердин кўтарали теб. Ҳеч киши Чингизхоннинг сиррин мендин яхши билмас. Бир улким қаринтошман, бир ерда туғуб ўсубман. Иккинчи барчангиз билурсиз мени анда дейтургандай найман бирлан сўзлашадур теганининг маъноси улким Кирайт юрти бирлан найман юрти тугаш бўлур. Ораларинда тақи эл бўлмас эрди. Бу сабабдин бири-бири бирлан кири душман эрдилар. Гоҳ ярашурлар ва гоҳ урушурлар эрди». Чамуканинг бу сўзина ота ўғул иккиси тақи инонди. Аммо отаси айтди: «Есугай баҳодир ва ўғли Чингизхоннинг бизга қилган яхшиликларининг ҳеч ҳадди ва ниҳояти йўк. Аввал ул ёмонлик қилмай туриб, биз нечук қилурмиз. Чамука кўп сўзи бузук киши турур. Анинг сўзина инониб дўст бирлан душман бўлмоқ яхши эрмас», теди. Ҳнгхоннинг бизга яхшилик қилгани кўп турур теганининг маъноси улким кирайт элининг бир подшоҳи бор эрди, Марғуз отли. Анинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Курчакур, кичигининг оти /43 а/ Кур Марғузхон ўлгандин сўнг элини икки бўлуб, икки ўғли олиб ўлтурдилар. Курчакурнинг беш ўғли бўлди. Аввалгининг оти Ҳнгхон, иккинчи Эрка қора, учунчи Бойтемур, тўртинчи Мамишай, бешинчи Чабиқю. Барчаси туғушли ўғлонларин кадхудо қилгандин сўнг Курчакур ўлди. Отадин қолган эли ва молни яхши олишиб ўлтура билмадилар. Оз эл ва кўп тўра бўлди. Ҳнгхон ва кенжа иниси Жакамбу бир тараф бўлди. Эрка Қора, икки иниси бирлан бир тараф бўлдилар. Тақи уруштилар. Ҳнгхон ғолиб келди. Эрка Қора қочиб Найман ичина борди. Тақи Наймандин кўмак олиб келиб, Ҳнгхонни қувалаб юртға эга бўлди. Ҳнгхон қочиб Есугай баҳодирға паноҳ келтурди. Есугай баҳодир отланиб бориб, Эрка Қорани қулаб Ҳнгхонни отаси ўрнида ўлтуртуб қайтиб келди. Эрка Қора ақаси Курхон қатиға борди. Курхон иниси Ҳнгхонға кўп киши юбориб айтди: «Отадин беш ўғил қилибсиз. Бу чоқғача орангизда яхшилик ва ёмонлик бўлса, ани урал қилинг, тақи эли барчангиз тенг олишинг, тақи фароғат ўлтурунг». Ҳнгхон ақасининг сўзин қабул қилмади. Ақаси Курхон Ҳнгхон сўзини қабул қилмаганиға аччиқланиб отланиб Ҳнгхоннинг устига келди. Барчаси бир эл қарайман, урушмади. Оз киши зирлан Ҳнгхон /43 б/ уруша билмай қочиб тақи Есугай баҳодирға келди. Есугай баҳодир яна отланиб бориб, Эрка Қора бирлан урушуб ани ўлтуруб Ҳнгхонни хон қилиб қайтди. Андин сўнг Ҳнгхон улуғ хон бўлди. Давлати кун-кундин зиёда бўлди, кам бўлмади. Бу яхшиликларни унутуб, Чингизхонға қиз берамиз теб, чакирта киши юборали, тақи

келганда бошин кесали теб. Буқадай Қинжат теганни чакирта юборди. Ул кишининг оти Буқадай эрди. Ҳонхоннинг бакавули. Мўғул бакавулни қинжат дер. Ул вақта эвлари якин эрди. Чингизхон Чамуқанинг сўзиндин ва Сангуннинг хийласиндин гофил қатига икки киши олиб, Ҳонхоннинг эвиге кетди. Йўлда Меглик ижака учраб, Ҳонхоннинг хийласини бир-бир баён қилди. Чингизхон Буқадай Қинжатга айтди: «Бу кунлар сўғум арик. Танграм буюрса бир неча кун ўтқандин сўнг хабар мендин бўлсу», теб. Қинжатни яхши сийлаб узатди. Бу воқеотдин беш-олти кун ўтқандин сўнг, Чингизхоннинг қатига икки йигит келди. Улуғининг оти Будаё ва кичигининг оти Қишлик. Хабаримиз бор теб хон сўрди. Будаё айтди, Кирайт Бўкачурун теганнинг йилкичисиман, туна кун йилкидин сут олиб бориб, эвнинг тошинда туруб эрдим. Бўкачурун иниси Олақга айтди: «Буқадай Қинжат Чингизхон /44 а/ қошиндин қайтиб келгандин сўнг хон кенгаш қилди. Чингизхон бизнинг қилали теган хийламини билди. Энди хийла ва макр бирлан иш битказиб бўлмас. Тонгла кеча отланади. Тақи тонг отмасдин бурун Чингизхонни эвинда босали теди». Мен бу сўзни эшитқандин сўнг, сутни бериб тақи илғаб келаман, сизга айтайин теб, теди. Чингизхон бу хабарни эшитқандин сўнг атрофинда ўлтурган элина хабар қилди. Тақи кўчни кўчирди. Тақи айтди, сизларни Балжуна булоқинда толайин, теб узатди. Тақи садоқли кишини олиб қолди. Икки минг беш юз киши бўлди. Кеча отининг тизгинин тутуб юрда ўлтурдилар. Офтоб икки найза бўйи чиққанда жов келди. Ул ўн икки минг киши. Иккиси ясаб уруштулар. Хон қатинда кенгаш айтқутек қишдин мангит Қўйилдор чечан бор эрди. Хон андин кенгаш сўрди. Ул айтди, мен ўз жамоатим бирлан ёвнинг кейинна чиқиб бориб, туғумни анда тикайин. Сиз олдиндин бўлунг. Қўйилдор андақ қилди. Бир тарафдин Чингизхон уруш солди. Кирайт тўп-тўп бўлуб, уч мартаба чопти, уруб қайтардилар. Тўртунчида Ҳонхоннинг улуг ўғли Сангун чопти. Тақи олди, аралашди. Сангуннинг юзина найза бирлан санчдилар. Кирайтнинг кўписин шул ерда ўлтурдилар. Бир нечаси ярали бўлиб қайтди. Чингизхон айтди: /44 б/ «Ҳар не миқдор турсак, бизга зиёни кўпрак. Анинг учун анинг кўмаки кўп келур. Энди бу чоқли юзини қайтарганда кўч кейинидин кетали», теб юруй берди. Ёв шул ерда туруб қолди. Юзи қайтиб эрди. Анинг учун айира билмади. Чингизхон Балжуна булоқинда кўчнинг кейинидин етти. Булоқнинг суви оз бўлди. Яхши етишмади. Анинг учун ўлтира билмай кўчти. Тақи Қула сувининг ёқасина бориб сувнинг лаби бирлан кўчуб бора эрди. Ўлтурган эл йўлуқди. Не элсиз теб сўрди эрса, Қўнқиратмиз тедилар. Ул вақта Қўнқиратга бош бўлуб юрган улугининг оти Турк Амал эрди. Хон анга киши юборди. Ҳеч замонда ёмонлашмаган. Қуда-анда бўлуб келатурганмиз. Агар эл бўлсанг давлатимга шерик бўл ва агар ёв бўлсанг муна ўзум келиб турубман. Ул киши бориб бу сўзни айтқандин сўнг Қўнқиратнинг барчаси келиб хонни кўруб рости бирлан боқиндилар. Андин сўнг Қуласундан кўчуб Қўнқарнавар теган сувга келиб фароғат ўлтурди. Тақи Илдуркин /Илдуркин/ уруқиндин Арқайчун бақодирни элчи қилиб Кирайт Ҳонхонга юборди. Сўзи буким икки қаррат юртунгни олдуруб,

отамнинг эшикина келдунг. Иккисинда ҳам отам бориб, юртунгни олиб бериб сени отанг тахтинда ўлтуртуб келди. Ўзум беш-олти ерда сенга /45 а/ яхшилиқлар қилдим, теб, барчасин бир-бир айтди. Биз анинг барчасин ёзсақ сўз узоқ бўлатурур. Таки айтди, мен сендин эл ва мол тилаганим йўқ ва гуноҳ қилганим йўқ. Бесабаб не учун ўзингни кийнайсан ва мени нега кийнайсан. Арабанинг икки ариши бутун бўлса тузук кўчар. Сенинг давлатингни юклаб юрган арабанинг бир ариши ўғлинг Сангун бўлса, бир ариши мен эрдим. Не учун давлатингни тукасан. Арқайчун бориб Ўнгхонга бу сўзларнинг барчасин айтди. Ўнгхон айтди: «Чингизхон ҳар сўзки айтибдур; рост айтибдур. Бу сўзга менинг ҳеч жавобим йўқ. Бу ишларни қилиб юрган Сангун турур, анга бр-жавобини ул берсун», теди. Арқайчун Сангун қатига борди. Сангун айтди, иккимиз урушали, Тангри қайсимизга берса ул бўлсун муна сўзунгнинг жавоби, теди.

Чингизхон қайта-қайта элчи юборди ярашайин теб. Ўнгхон ярашмади. Ярашмоқликдин умид узгандин сўнг оланди. Ўнгхон таки эшитиб қарши келди. Иккиси урушдилар. Чингизхон голиб келди. Ўнгхон, ўғли Сангун ҳар қайсиси беш-олти киши бирлан кочиб бир тарафга кетдилар. Кирайт эли экинчи ва кендлари кўп ва ҳам чаҳор пойдор бўлур эрди. Чингизхон барчасина эга бўлди. Ўнгхон найман Тиянхон қатига етиб бора эрди. Найман /45 б/ вилоятини борганда Тиянхоннинг Қўрисумачу ва Татика деган икки улуғ бегина учради. Кирайт Найманнинг қири душмани эрди. Шояд муни тирик олиб борсак. Тиянхон ўлтурмай сақлағай теди. Таки шул ерда барчасини ўлтурди. Ўнгхоннинг бошини олиб борди. Тиянхон айтди, мундаг улуғ подшоҳни ва ҳам қари киши бўлғай, не учун ўлтурдинг. Тири олиб келмак эрдинг теб, уларнинг қилган ишларини айб кўрди. Таки Ўнгхоннинг бошина кўмуш қоплаб юзини эшикка боктуруб ҳамиша тахтининг устинда кўяр эрди. Бир кун Ўнгхоннинг қуруқ калласи тилини оғзиндин чиқариб тербатди. Шул кўни уч қарат шундак килди. Муни найманнинг қарилари иримга ёмон кўрдилар. Сангун Тибет юртина борди. Бир неча йиллар анда турди. Тибет халки ани тутуб ўлтурали тедилар. Ани эшитиб қочти. Таки Хўтан вилоятини борди. Хўтаннинг ҳокими Қалач урукиндин Қилич Қора отли ани тутуб ўлтурди. Таки хотуни ва ўғлон ушоқини Сангуннинг бошини Чингизхонга юборди.

ЧИНГИЗХОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхонга улуғ давлат муяссар бўлди. Яқин ўлтурган элларнинг кучлиси боқинмади. Кучсизи ва азроки бир-бир келиб боқинди. Тарих хижрий беш юз таки тўқсон тўққузда тўнқиз йилинда қирк тўққуз ёшинда эрди, хон кўтардилар. /46 а/ Наманкаҳра теган ерда хон улуғ тўй қилиб ўлтуруб эрди. Қўниккимар уруқиндин Меглик ижаканинг ўғли Кўкча келди. Кўкчани халқ тангрининг бути дерлар эрди. Ул айтди, менга тангридин ишорат бўлди. Бор Темучинга ва элга, халққа таки айт! Бу кундан сўнг Темучин темасунлар! Чингиз тесунлар. Ер юзининг подшоҳлиқини Чингизга ва анинг ўғлонларина

ва тухумина бердим теди. Чингнинг маъноси улуг ва катти темак бўлур. Чингиз анинг жамъи турур. Кўкча Мўғулистоннинг андаг катти совукларинда қиш кунлари яланғоч ва яланг оёқ юрур эрди. Таки айтур эрди, бир неча кунда бир қаррат ғойибдан манга бир бўз от келтура турурлар, анга миниб осмонга бориб, Тангрига сўзлашиб келаман теб.

ЧИНГИЗХОННИНГ НАЙМАН ЭЛИ БИРЛАН УРУШИБ ҒОЛИБ КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Найман Таянғхон Унгут элининг беги Олақуштегинга киши юборди. Чингизхон уруқининг тилин олмай юруган кишиларин ўлтурди ва ёмонларин ўзина боқунтурди. Кирайт юртимизнинг бир улуг эли эрди. Анинг хони бошлиқ яхшиларин қирди ва ёмонларин ўзина боқунтурди. Ушоқ эллар кўрқғанидин ўзи бориб боқина турур. Бурунқи яхшилар айтиб турур, ўн дарвеш бир палоснинг юзина сигар, икки подшоҳ ер юзига сигмас теб. Эмдиги навбат не сенинг дурур ва не менинг. Ул отланмасдин бурун /46 б/ иккимиз бир бўлуб Чингизни Тангридин тилагали. Олақуштегин бу сўзларни эшиткандин сўнг бир яхши кишисини Чингизхонга юбориб, Таянғхондин эшитган сўзларининг барчасини айтдурди. Чингиз бу сўзни эшиткандин сўнг бекларни чакириб кенгаш қилди. Барча беклар айтдилар, холо отимиз ариқ турур, ҳар қачон семирса Найман устина отланмоқ керак. Чингизхоннинг отасининг иниси Даритой ўтчикан айтди, от ариқлиқин баҳона қиласизлар, бу кунги ишни танглага солган кишининг иши ҳеч битмас. Сизларнинг отингиз ариқ бўлса, менинг элимнинг оти семиз турур. Барчанғизга мен от берайин теди. Тарих ҳижрий олти юзда сичқан йилинда отланиб Таянғхон устина юруди. Чинануённи манглай қилиб эрди. Ул бир тил олиб хонга юборди. Андин хабар сўрди. Ул айтди, Таянғхон Олтой сувининг ёқасинда найман чириқиндин бошқа марқит чириқи ва Уйрат чириқи ва Жўйрат чириқи барчаси Таянғнинг қатиға йиғилиб, Чингизхоннинг устина юрумак турурлар теди. Таянғхон Чингизхоннинг келганидин хабар топти. Таки отланиб қарши чиқди. Қаравуллар кўруб келиб Чингизхонга хабар бердилар. Шул ерда ясов ясади. Иниси Жўчи Қасарни ўнг қўлга бош қилди. Улуғ ўғли Жўчихонни сўл қўлга бош қилди. Ўзи тўп /47 а/ бўлди. Таки эртадин то кун ботқунга уруштилар Таянғхон оғир ярали бўлди. Найман чириқи қочти. Таянғхонни отга олиб юрий билмайдилар. Уруш тоғнинг этакинда тушуб эрди. Таянғхонни тоғнинг устига олиб чиқдилар. Хондан кўп сўз сўрдилар, ҳеч жавоб бера билмади. Хондин умид узгандин сўнг найманнинг беклари айтди: «Тўрадин ва эв, элдин айрилиб, ёт юртга бориб кўр қидириб юругунча ўлган яхши», теб, Таянғхонни шул ерда қўюб тоғдан тушуб Чингизхон бирлан уруштилар. Оз қолганда Чингизхон айтди: «Сизларнинг қон ва молингизни бағишладим. Навқар шундай керак тузни ҳақладингиз. Эмди ёй сунуб келинг», теб беш-олти мартаба айтди. Қабул қилмадилар. Бир қолгунча уруша-уруша ўлдилар. Буларнинг ўлганин

кўргандин сўнг Таянғхоннинг қатинда қўйган кишилар хонни отнинг олдина олиб қочтилар. Боратуруб ўлди. Таянғхоннинг Кучлик отли ўғли бор эрди. Ул урушдан омон чикиб Таянғхоннинг улдуғ ақаси Буйруқхон қатиға борди.

ЧАМУҚА ЧЕЧАННИНГ ЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Жўйрат Чамука чечанни айтдук. Ўнғхоннинг ўғли Сангунга сўз бериб, ул бузукликни бошлаған ул эрди. Ўнғхон ўлгандин сўнг бориб Найман Таянғхонға қўшулди. Таянғхон ўлгандин сўнг эвга борди. Жўйрат халқи ўлтуруб кенгаш /47 б/ қилдилар. Таки айтдилар. Чинғизхон эгамиз ва ҳам якин қаринтошимиз. Кирайт Ўнғхон бизнинг нейимиз эрди, Найман Таянғхон нейимиз эрди, бориб анга қўшулуб Чинғизхонға ўқ отқаймиз. Бу ишларнинг барчасин килиб юруган Чамука чечан турур. Мундин ўтмасак биз эл бўлмасмиз тедилар. Таки Чамука чечанни тутуб кўлун ва оёғин боғлаб Чинғизхонға олиб келдилар. Хон буюрди, бўғун-бўғун кесиб ўлтурдилар. Бўғунун кесатурғанда айтди: «Мен кўнғлумдин айтур эрдим, Чинғизхон менинғ кўлумға тушса, бўғун-бўғун килиб ўлтурсам теб. Менинғ теганим бўлмади».

ЧИНГИЗХОННИНГ МАРКИТ ЭЛИНИ ВА АНДИН СЎНГ БОРИБ ТАҢҚУТ ЮРТИНИ ОЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Таянғхонни босқани куз эрди. Ул қишни эвинда қишлади. Таки ёзи бирлан Маркит элининг устина юруди. Анинғ тўраси Тўқта беги теган эрди. Таянғхон урушуб бостурғанда бирга эрди. Чинғизхон бирлан туруб уруша билмади. Қочиб Найман Буйруқхон қатиға борди. Чинғизхон Маркитни олди. Тақи ўзининғ элина туздурди

ЧИНГИЗХОННИНГ НАЙМАН БУЙРУҚХОННИНГ УСТИГА ЮРУГАНИНИНГ ЗИКРИ /48 а/

Таңқутдин қайтиб келган йили эвинда қишлаб, ул баҳор Буйруқхоннинг устина юруди. Элға якин етди. Буйруқхон Чинғизхоннинг отланғанин эшитмай оз киши бирлан кийик овиға чикиб эрди, Чинғизхонға учради. Шул ерда тутуб бошин кести. Таянғхоннинг ўғли Кучлук ва Маркит /Тўқтабеги/ ва ўғлонлари Жилавун ва Мажар бирлан Буйруқхоннинг ўрдусинда овға бормай қолиб эрди. Буйруқхон қатиндин киши қочиб келиб хабар қилди. Кучлук бирлан Тўқтабеги қочиб Эрдиш /Эртиш/ кетдилар. Буйруқхоннинг эвини ва элини олиб қайтиб ўрдусина тушди.

ҚИРҒИЗ ХАЛҚИНИНГ ЭЛ БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон Алтан бирлан Тўрамишни элчи килиб қирғизга юборди, манга боқунсунлар теб. Ул вақтда қирғизнинг подшоҳи Урус Айнал теган эрди. Яхши кишиларини кўп пешкашлар бирлан юбориб боқинди. Пешкашларининг боши, оёки, бурни ва кўзи кизил ок шункор эрди.

ЧИНГИЗХОННИНГ КУЧЛУК БИРЛАН ТЎҚТАБЕГИНИНГ КЕТИДИН БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Киш эвинда туруб, ёзи бирлан Кучлукнинг кейинидин борди. Эрдишга якин етганда Уйрат эли учради. Бегининг оти Қутукабеги ва Қорлук элининг хони Арслон эрди. Ўзларини оз ва Чингизхонни кўп кўрдилар. Таки боқиндилар-да хонга қачарчи бўлдилар. Эрдиш ёқосинда Кучлук бирлан Тўқтабегини /48 б/ топдилар. Уруша билмай қочти. Етиб тутуб Тўқтабегини ўлтурдилар. Кучлук куртулуб Туркистонда Қора хитой Кўрхон катиға борди. Кўрхон яхши иззат қилди ва кизини берди. Ўғул ўқунди. Чингизхон қайтиб ўрдусина тушди.

УЙҒУР ХАЛҚИНИНГ ЭЛ БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Уйғур элининг подшоҳи Идикут, қора хитой Кўрхонга тоби бўлиб мол берди ва Кўрхон ҳам Шадкам отлиг новкарини ул халқга доруға қилиб юборди. Шадкам ул халқнинг орасинда қарор топгандин сўнг кўп фиск ва фасодлар қила бошлади ким, уйғур эли анинг ул ёмон амалина тоқат қилмай беҳад озурда бўлдилар. Ул замонда Чингизхон Кишваристоннинг Мўғулистон ва Хитойға боргани ва жамиъ яхши қилиқлари олам халқининг орасинда машхур бўлди эрса. Идикут Кўрхоннинг навқари Шадкамни ўлтүруб, Чингизхонға элчи юбориб андағ арз қилди ким, аларнинг овозасини эшитгали меҳр ва мухаббатлари кўнглумда жойгир бўлуб турур. Умидворман ким модамўлхаёт аларға тоби бўлуб аларнинг хизматинда бўлғайман. Элчи Чингизхоннинг ўрдусинға восил бўлгандин сўнг, Чингизхон Дурбой теганин элчи килиб уйғурнинг подшоҳи Идикутга юборди. Идикут кўп пешкашлар бирлан келиб хонни кўруб боқинди эрса. Чингизхон ҳам Идикутга сонсиз иноятлар /49 а/ ва илтифотлар қилиб кўп иззат ва хурматлар қилди. Андин сўнг Идикут арз қилди ким, подшоҳ жаҳонистоннинг қараминдин умидворман ким подшоҳнинг бешланчи ўғли бўлғайман. Аммо Чингизхон анинг сўзиндин фаҳм қилди ким, хондин қиз тилайтурур. Хон ҳам бир кизни анга берди. Маълум бўлсун ким Идикутнинг маъноси мўғул тилинда давлатлик темак бўлур.

ЧИНГИЗХОННИНГ ХИТОЙ ВА ҚОРАХИТОЙ ВА ЖУРЧА /ЧУРЧИТ/ ВИЛОЯТЛАРИНИ ОЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Хони Кишваристон мўғул элининг мухолифатиндин фориғ бўлгандин сўнг, мўғулнинг барчаларини бир ерга жамъ қилиб айтди ким: «Хитой подшоҳи Олтанхон менинг оталарим ва ақаларимга ёмон ишлар қилган эрди. Эмди худойи таоло менга нусрат бериб Хитой мулкини мусаххар қилиб, оталарим ва ақаларимнинг қаҳрини Олтанхондин олғайман теб умидворман». Хоннинг бу сўзини бийлар яхши кўруб таҳсинлар қилиб, андағ арз қилдилар ким Олтанхонга аввал элчи юборали. Агар сенинг хукмингни тутуб сенга тобиъ бўлмаса, андин сўнг анинг устина отланиб бормоқ керак. Чингизхон Чақархожа теган навқарини элчи қилиб Олтанхонга юборди. Таки айтди ким, худойи жовид ер юзининг подшоҳликни менга бериб туруп. Менинг овозам олам халқина ёйилиб туруп. Сенки Олтанхонсан, менинг элчимни кўруб, бу сўзумни эшитгач /49 б/ менга тобиъ бўлуб, мени улуг подшоҳ билгил. Агар андағ қилмасанг, кўп чирик бирлан отланиб бориб сенинг бирлан дўстлик ва душманликни синашурман. То худойи таоло қадим тожи давлатни кимнинг бошинда кўйгай ва палоси нақбатни кимнинг устига ёпгай. Чақархожа Олтанхоннинг ўрдусина бориб, Чингизхоннинг айтган сўзларини бир-бир айткандин сўнг, Олтанхон аччикланиб Чақархожага айтди ким, Чингизхон мени ўзга турклардай билмасун. Агар урушур ҳаваси бўлса, тез келсун. Мен анинг бирлан урушмоқга тайёр бўлуб турубман теб Чақархожага рухсат берди. Чақархожа ҳам Хитойнинг йўлларини, манзилларини, тоғларини ва сувларини яхши кўруб ва билиб қайтиб келиб Чингизхонга Олтанхоннинг айтган сўзларини арз қилди. Чингизхон бу сўзларини эшиткандин сўнг чирик чақиртиб кўп лашкар бирлан Олтанхоннинг устига юруди. Олтанхон таки ўлтурган шахриндин сонсиз чирик бирлан отланиб чиқди-да бир дара бор эрди. Ул даранинг йўли сиротнинг йўлиндан ҳам нозикроқ эрди. Олтанхон шул даранинг оғзинда келиб тушди, Чингизхони Кишваристон келиб Хитойнинг кўп вилоятларини олди. Таки кўп халқни кирди. Баъзи вилоятларни ўтқа ёкди. Олтанхон ҳам бир бегини кўп чирик бирлан Чингизхоннинг олдина юборди. Чингизхоннинг лашкариндин бир киши қочиб Олтанхоннинг /50 а/ илгари юборган бегина келди. Таки айтди ким, Чингизхон сонсиз чирик бирлан келиб Хитойнинг бир улуг шахрини олиб, халқини қатли ом қилиб, ўтга ёқиб ўлжаларни олишиб юруб эрдилар ким, мен қочтим, Олтанхоннинг беги бу хабарни эшитгач, кўп лашкар бирлан отланиб Чингизхоннинг лашкарина тегди. Чингизхон ҳам бу лашкарнинг келганидин хабардор бўлуб, улуг чирик бирлан отланиб Тангрига ёпушуб, Олтанхоннинг беги бирлан рў-барўй бўлуб кўп уруштилар. Чингизхонга худойи таоло нусрат бериб, Олтаннинг бегини босиб ва лашкарини қатли ом қилиб Хитойнинг кўп қалъаларини олди. Андин сўнг бу Қурултой чирик бирлан ул дараки Олтанхон анда тушуб ётиб эрди, Чингизхон келиб Олтанхон бирлан кўп уруштилар. Оқибат Олтанхон ўттуз минг кишисини кирдируб

Хонбаликга борди. Хар ким Хонбаликда подшоҳ бўлуб тахтда ўлтурса Олтан дерлар. Бу урушдин сўнг Чингизхон Хитойнинг кўп вилоятларини олди.

ЧИНГИЗХОННИНГ ОЛТАНХОН БИРЛАН ЯРАШИБ ҚИЗ ОЛИБ ҚАЙТГАНИНИНГ ЗИКРИ

Олтанхон Чингизхондин қочиб Хонбаликга боргандин сўнг эшиттиким Чингизхон кўп вилоятларни ва кендларини олиб Хонбаликга мутаважжух бўлган эрмиш. Олтанхон беклари бирлан кенгаш килди. /50 б/ ким, Чингизхон бирлан урушқан яхшиму ва ё ярашган яхшиму?

Чингисанг отли вазири бор эрди. Айтди ким ярашган яхши турур. Анинг учун ким ярашгандин сўнг Чингизхон ўз юртига қайтиб кетар. Биз фароғат бўлиб жамиъ яхши бекларни йигиб юрт маслаҳати учун яхши кенгаш қилиб, анинг иложини қилмоқ керак.

Олтанхонга вазирнинг сўзи маъқул бўлуб, Чингизхонга элчи юбориб ва пардаи исматда қизи бор эрди, ани хонга пешкаш қилиб юборди. Чингизхони Кишваристон Олтанхоннинг элчисига кўп иноятлар қилиб юборган қизини ўзи олди. Тақи рози бўлуб ярашиб ўз юртига қайтиб кетди. Андин сўнг Олтанхон мулкани паришон кўруб Таминак /Тамник/ теган шахрга бормоқга қарор берди. Бу Таминак шахрини Олтанхоннинг отаси ясаб эрди. Ул шахр ажойиб мазбут шахр эрди. Анинг айлана ёқи кирк фарсанг эрди. Бир улуг сувнинг ёқасинда воқеъ бўлиб эрди. Субҳи содиқда ул бошинда киштига ўлтурсалар, намозшомда бошига чиқар эрдилар. Бу қалъанинг айлана ёқиндин уч қалъа солиб эрди. Мундаг мазбут қалъа эрди. Олтанхон Хонбаликни ўғлига бериб, ўзи Таминак шахрига мутаважжух бўлди. Олтанхон Хонбаликдин отланатурганда Қорахитойнинг сардорини андак гуноҳ учун ўлтуртуб кетиб эрди. Ул сабабдин Қорахитойнинг /51 а/ бир неча баҳодирлари Олтанхоннинг ўғлининг йилки, қўй тева сигирини қовуб Чингизхоннинг чирикига қўшулди. Андин сўнг Қорахитойдин бир йигит хуруж қилиб, Хитойнинг баъзи вилоятларини олиб, Чингизхонга элчилар юбориб, оқибат ўзи халқи бирлан хони Кишваристоннинг хизматига бориб инбёти подшоҳона ва марҳамати хисравонасига махсус бўлди. Мундай кўп халқ Олтанхоннинг беклариндин қуфрони неъмат қилиб андак сабабдин қочиб бориб, Чингизхоннинг ўрдусига қўшулдилар. Олтанхоннинг ўғли беш ойдин сўнг фалакнинг рафторини беқарор кўруб, Хонбаликнинг ҳукуматини бекларига топшуруб, ўзи отасининг қатиға борди. Чингизхон Олтанхоннинг ожизлиқиндин хабар топиб Самуқа баҳодир бирлан Минкан баҳодирни кўп чирик бирлан Хонбаликни олинг теб юборди. Йўлда Қорахитойнинг аксар халқи бу икки сардорга қўшулуб, Хонбаликга мутаважжух бўлдилар. Мундаг вақтда Олтанхон эшитди ким, Хонбаликда ажаб очлик эрмиш теб. Ул сабабдин Олтанхон икки бегига лашкар қўшуб бир неча минг харвор ошлик бериб, Хонбаликга юборди. Ул икки бек ошликни олиб келатурганда Чингизхоннинг икки сардори бирлан учрашти. Тақи

улуғ уруш бўлди. Олтан /51 б/ хоннинг ул икки беги, лашкари ва ошлиқи бирлан хони кишваристоннинг икки бегининг қўлига тушди. Олтанхон бу хабарни эшитиб, захар ёб ўлди. Андин сўнг Хонбалиқ шаҳри Чингизхоннинг сардорлариға мусаххар бўлди. Мўғулнинг умаролари Чингизхонға элчи юбордилар, Хонбалиқни Олтанхоннинг кўп хазина ва дафинаси бирлан олдук теб. Чингизхон Кутуку нуёни икки беги бирлан Хонбалиқға юборди ким, Олтанхоннинг хазинасини юклаб олиб келинглар теб. Бу уч бек жамиъ хазина ва дафинани юклаб Чингизхоннинг хизматиға бордилар. Чингизхон беш йилда Хитойнинг аксари вилоятларини олди ва ҳокимлар ва доруғалар қўйди. Таки қайтиб ўрдусиға тушди. Таки Қашин вилоятиға юруди. Бу вақтда ул шаҳрни Танкут дей турурлар. Ул вилоятнинг барчасини олди. Таки кўнглина муни қарор берди ким яна бир йўли Хитой устунга борғай. Таки қолган вилоятларнинг барчасини олғай. Бу қасди ул сабабдин тарк топди ким, Найман Таянхоннинг ўғли Кучлик отаси ўлгандин сўнг қочиб, Туркистон вилоятиға бориб эрди. Чингизхоннинг баъзи душманлари иттифок қилиб Кучлукни подшоҳ кўтариб, Султон Муҳаммадға элчи юбориб, анинг кенгаши бирлан Кўрхон бирлан ёғи бўлғай. Ул вақтда Туркистон Кўрхон Қорахитойға тааллуқ эрди. Кучлук /52 а/ Кўрхоннинг вилоятларининг ярмини олди. Ул хабарни Чингизхон эшитиб айтди ким мундағ улуғ душман мамлакатининг бир тарафинда пайдо бўлуб турғанда узок сафарға бормоким лойиқ эрмас теб Хитой бормокни бир тараф килди. Ул вақтда келди ким Маркит Тўқтай бегининг иниси Куду уч ўғли бирлан қочиб бориб Найман юртинда ўлтуруб эрди, онлар кўп фитна ва фасодлар қилатўрур эрмишлар теб. Сувидай /Субидай/ баходур бирлан Кўнқират Тўғачарни кўп чирик бирлан онларнинг устиға юборди. Онлар бориб Жаммуран теган сувнинг лабинда топиб урушиб, босиб, қириб, ўлжа-асир килдилар. Тарих олти юз ўн учда Маркит эдининг давлати мункатий бўлди.

БУРҒУЛ НУЁНИ ТУМАТ ЭЛИНИНГ УСТИНА ЮБОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Тумат эли Чингизхон Хитой юртина кетгандин сўнг ёғи бўлуб эрди. Хон қайтиб келганидин сўнг Бурғул нўёнға лашкар қўшуб юборди. Ул бориб ўлжа-асир қилиб, хоннинг хизматиға келди.

ЧИНГИЗХОННИНГ ЎҒЛОНЛАРИ ВА ХОТУНЛАРИ ВА ҚУМАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг хотун ва қумалари кўп эрди. Беш юздин ортуқ эрқандур. Барча хотунлари хонларнинг кизи ва хотуни эрдилар. Барчасининг улуғи беш хотун эрди. Бири Бўрта Қучин /Бўрта фужин/ ўғлонларининг онаси эрди. Иккинчи Канжу, Олтанхоннинг кизи эрди. Учунчи Кўрису Таянхоннинг хотуни эрди. Тўртинчи Милун, бешинчи Есуган /Есугай/ иккиси хам татар элиндин бир

кишининг кизи эрди. Бирн ўлгандин сўнг, бирин олиб эрди. Тўрт ўгли бор эрди. Аввалги Жўчи, иккинчи Чигагой, учинчи Ўктой /Ўгадай/, тўртунчи Тулуй. Жўчининг маъноси меҳмон темак бўлур. Ўктойнинг маъноси баланд темак бўлур. Тулуйнинг /Тули/ маъноси Ойна темак бўлур. Хар бирини бир ишга таъйин қилиб эрди. Суҳбат ва тўйи ва эвни Жўчиға, ёргу олтурмок ва туттурмокни Чигагойға, мамлакатнинг молини ва забт қилмокни Ўктойға ва чирик тартибини Тулуйға. Бу тўрт ўғулдин бошқа яна ўзга хотунлардин беш ўгли бор эрди. Хитой юртини Олмаги теган ергача олиб, бу беш ўгли ва ака-инисининг ўғлонлариға бериб қайтиб эрди. Бу тўрт ўғлиға элларни бўлуб бериб бир ерда ўлтуруб айтди ким, бир-бирингиз бирлан мувофикат қилинг ва мухолофат этманг теги. Таки садокиндин бир ўк чиқориб синдурди. Таки бир неча ўкни бир ерга қўшуб айтди ким, мунн синдура билур киши борму. Ҳеч киши синдура билмади. Чингизхон ўғлонлариға боқиб айтди ким бу ўқлар сизларға ўхшар. Агар барчангиз бирикиб, бирингизни подшоҳ қилиб, анинг тилиндин чиқмасангиз ҳеч киши синдура билмас. Агар иттифоқ қилмай мухолифат қилсангиз, бир ўкни нечук ким синдурсалар, сизларни ҳам шундақ синдирурлар теб, яхши насихатлар қилди.

КУЧЛУКНИНГ УСТИНА ЧИНА НЎЁН /53 а/ ТЕГАННИ ЮБОРГАНИ ВА АНИНГ КУЧЛУКНИ ЎЛТУРУБ КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Найман Таянхоннинг ўгли Кучлук ким қочиб бориб Кўрхон Қора хитойға паноҳ келтуруб, ахир Кўрхон бирлан ёғи бўлуб, анинг вилоятларин олиб, мўғул ва татар элиндин хар ким Чингизхонға душманлики бўлса, онларни қошиға йиғиштируб юруганин эшитиб Ясут уруқиндин Чина нўёнға кўп чирик қўшуб юборди. Ул бориб урушиб бости. Ўзи оз халк бирлан қочиб кетди. Қолганин қириб ўғлон ушоқин ўлжа ва асир қилиб Кучлукнинг сўнгғундин кетди. Бир неча кундин сўнг етиб ёнидаги навкарларин ўлтурди. Ўзи уч киши бирлан қочиб Бадахшонда «Сариг қўл» теган дараға борди. Чина таки сўнгғундин бориб хар чанд излаб ва сўради, топа билмади. Ахир бир кун қўш суриб юрган киши айтди ким, сиз айтқандай нишоналик уч киши ул тарафға кетди. Чина нўён мунн эшитгач, илға бориб Кучлукни тутуб бошин кесиб қайтиб хоннинг хизматиға келиб кўп инъом ва суғаргалға учради.

ЧИНГИЗХОННИНГ МАХМУД ЯЛАВАЧ ТЕГАННИ ЭЛЧИ ҚИЛИБ СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲҒА ЮБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон Махмуд Ялавач теганни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳға элчи қилиб айтиб юборди ким, худойи /53 б/ таоло машриқдан то сенинг вилоятинггача менға бериб турур. Эмди керак ким сен менинг ўғлум бўлуб яхшиликға сазй қилғайсан. То мусулмонлар тинч ва фароғат ўлтурғайлар. Махмуд Ялавач бориб

Султонга бу сўзларни арз қилгандин сўнг Султон Муҳаммад бир кун Маҳмуд Ялавачни чақириб авлоқда айтди ким, сендин бир сўз сўрайтурман ростин айтгил. Сенинг хонинг Хитой юртини олгани ростму теб, бир киймат баҳо дурни бозусиндин чиқариб Маҳмуд Ялавачга берди. Маҳмуд Ялавач айтди: «Тангрининг ҳаққи учун менинг хоним рост айтатурур. Бу сўзининг ростлиқи сизга ҳам тез маълум бўлғуси турур». Бу сўздин Султон Муҳаммаднинг ажаб аччиғи келиб Маҳмудга айтди ким. эй Маҳмуд, сен ҳеч билурмусен ким, менинг мамлакатимнинг узун ва айлана ёки не чоклик ер турур, менинг давлатим нечук улуг давлат турур, ва сенинг хонинг нечоклик киши турур ким, ўзини мендин улуг билиб. мени ўғлум тегай ва анинг не чоклик чирики бўлғайким, ўзини мендин зиёда тутгай. Султон Муҳаммаднинг бу сўзиндин Маҳмуд Ялавач каттик кўркти. Таки арз қилди ким, Чингизхоннинг лашқари сенинг лашқарининг ёнинда зарранинг нури бирлан офтобнинг нурига ўхшар. Маҳмуднинг бу сўзиндин Султон Муҳаммаднинг аччиғи босилиб, Маҳмуд Ялавач анинг газабиндин қутулди. /54a/ Андин сўнг икки тарафдин аҳди паймон қилдилар ким, бир-бирларининг дўстига дўст ва душманига душман бўлғайлар. Бир-бирига ёмонлик қилмағайлар. Мундин сўнг Чингизхоннинг элчилари султондин рухсат топиб қайтиб хони кишваристоннинг хизматига бордилар. Хон ҳам султоннинг аҳд ва паймонидин хушхол бўлуб, кўнгулунда муқаррар қилди ким, султондин ёмонлик чиқмай, анга ёмонлик қилмағай ва бовужуд ким Носир Халифа Бағдоддин хонга элчи юбориб эрди. Султон Муҳаммаднинг устига отланиб анга ёғи бўлсун теб, кўп муболага қилиб эрди, анга ҳам ҳеч илтифот қилмади. Бу аҳдни синдурмоқни кўнглига келтурмади, то Ғойирхон Султон Муҳаммаднинг ҳукми бирлан хоннинг савдогарларини ва элчини ўлтурмагунча.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ ҒОЙИРХОН- НИНГ ТИЛИ БИРЛАН ЧИНГИЗХОННИНГ ЭЛЧИ ВА САВДОГАРЛАРИН ЎЛТУРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул вақтда Эрон бирлан Турон ороси андаг эмин эрди ким, агар бир киши мағрибдин машриқгача бошига бир табак олтунни кўюб юруса, ҳеч кишининг ҳадди йўқ эрди ким, анга мутаарриз бўлғай. Мўғулларнинг ўлтурган еринда шахр йўқ эрди. Доим бозиргонлар кумаш ва тўн ва бўз ва бўёқ олиб бориб, кўп фойдалар кўрарлар эрдилар. Бу ҳавас бирлан Мовароуннахрнинг бозиргонлари иттифок қилиб, мўғул элина даркор кумашларни юклаб, Чингизхоннинг ўрдусига келдилар. Чингизхон бозиргон /54 б/ лардин бирисини чарлаб келтуриб, келтурган нимарсаларин баҳо қилдуриди. Ул киши ул нимарса ким бир олтунга тегай эрди, ўн олтуни баҳо қилди. Чингизхонга бу сўз ёкмади. Айтдиким бу киши андаг хаёл қилур ким, бу нималар ким келтурур турур, биз кўрмаган бўлғаймиз ва бизда йўқ турур. Хазиначисина буюрди ким: «Кумаш келтургил». Бориб миңг сандуқ парча келтурди. Барчаси зарбафт эрди. Андин сўнг буюрди ким: «Бу бозиргоннинг модин таланг» таладилар. Айтди: «Эмди ўзга

бозиргонларни келтурунг!» Келтурдилар. Қумашларининг баҳосини сўрди. Онлар айтдилар, биз не айталинг агар хоссаси шарифага муносиб бўлса, пешкаш турур. Сотқали келтурганимиз йўқ. Хонга буларнинг сўзлари хуш келиб барча келтурган рахтларини олиб бир тангалик нимарсасина ўн тангалик нимарса бериб, кўп иноятлар қилиб қўналга таъйин қилди. Тақи бекларига ҳукм қилди ким, барчангиз бу бозиргонга киши қўшунг. Киши қўштилار. Барчаси тўрт юз эллик киши бўлди. Чингизхон уч кишисини Султон Муҳаммадга элчи қилди. Бири Маҳмуд Хоразмий, бири Али Хожа Бухорий, бири Юсуф Ўтрорий. Айтиб юборган сўзлари бу ким, андағи бозиргонлар келиб, бизнинг иноят ва шафқатимизни кўруб бордилар. Биз ҳам мундин бир неча кишиларни юбордук. Таваккуъ ул турурким онларни сийлаб юборгайсиз. /55 а/ Тақи сен менинг ўғлум бўлгул. Худойи таоло оламни биз икковимизга бериб турур. Биз ота ва ўғул бўлуб бир-биримиз бирлан яхши бўлсак, йўллар эмин бўлуб, мусулмонлар фароғат ва осойишта бўлурлар, теб элчи ва бозиргонларни юборди. Улар Ўтрор бордилар. Ўтрорнинг ҳоқими Иналчук ким Султон Муҳаммаднинг тоғаси эрди. Султон Муҳаммад анга Ғойирхон от қўюб эрди. Бозиргонлар ани кўра борди. Онларнинг орасинда бир киши бор эрди, Иналчукнинг ошноси. Ул Ғойирхон темай, Иналчук теди. Анинг ул сўзи ёмон келиб бозиргонларни тутуб, Султон Муҳаммадга бир пора киши жосусликга келиб турур теб, арза дошт қилиб юборди. Султон Муҳаммад ҳам фикр қилмай ўлтурсун ва молин олсун теб ҳукм юборди. Бу ҳам буларни ўлтуруб, молин олди. Бозиргонларнинг бириси қочиб бориб воқеотни Чингизхонга арз қилди. Чингизхон бу сўзни эшиткандин сўнг, каттиқ аччиқланиб, бекларини чакириб кенгашиб, Султон Муҳаммаднинг устига юрмак бўлуб, чирик йиғиштурмоқга машғул бўлди. Тақи Султон Муҳаммадга киши юборди ким, сенинг сари мутаважжух бўлдук. Сенга маълум бўлсун теди.

ЖҶЧИХОННИНГ СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ БИРЛАН УРУШҚАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон улур ўғли Жўчини Туркистон атрофинда ўлтурган Кучлукдин айрилиб қолган ҳар уругдин эллар бор эрди, анларнинг устунга юборди. Ул вақтда Султон Муҳаммад Чингизхоннинг ўзининг /55 б/ тарафина мутаважжух бўлганин эшитиб лашкар йиғиштуруб Самарқанд келиб андин Жанд келди. Ул маҳалда хабар топди ким Жўчихон келиб Туркистон атрофиндағи элларни чопди теб. Илғаб эл ўлтурган ерга борди эрса, кўрди ким Қабли /Қили/ ва Қамич теган икки сўвнинг орасинда кўп ўлуклар ётур. Онларнинг орасинда бир ним жон киши топиб хабар сўрдилар. Ул айтди Жўчихоннинг келатурганин эшитиб қочиб кела эрдук.

Туна кун шу чокда сўнгғумиздин шу ерда етиб урушиб босиб кириб ўлжа ва асир қилиб олиб кетди. Муни эшитгач, Жўчининг сўнгғундин қавиб сабоҳий теди. Султон Муҳаммаднинг етқанин кўруб Жўчихон бекларига кенгашти. Беклар айтдилар, бизни хон Султон Муҳаммад

бирлан урушқали юборгани йўқ. Чоп ва ол теган элларни чопдук, олдук.

Яхисиси ул турур ким биз оз ва ул кўп юрди. Барали илғаб сўнггумиздин оз киши етар. Анга урушалинг. Жўчихон айтди: «Мен отамга ва иниларимга бориб не айтурман. Ёвни йироқдин кўрдум-да қочтим дерманму», теб, бекларнинг сўзин кабул қилмай туриб ясаб Султон Муҳаммад бирлан урушти. Жўчихон ўзи бошлаб неча мартаба чопти. Охиринда туғга етиб Султон Муҳаммаднинг қалқанига икки уч мартаба чопди. Яқин эрди ким Султон Муҳаммаднинг лашкари лашкари қочқай. Султон Жалолиддин яхши ишлар қилиб лашкарнинг /56 а/ қочмаслиқиға сабаб бўлди. Ул кун ахшомғача уруштилар. Кеча бўлғандин сўнг мўғуллар ҳар ерда ўт ёкти. Тақи юруй бердилар. Эрта туруб Султон Муҳаммаднинг чирики бориб кўрдилар ким, мўғуллар кеча кетиб турур, қайтдилар. Жўчихон бориб отасиға қилған ишларини арз қилди эрса, хушхол бўлуб кўп иноятлар қилди. Султон Муҳаммад беклари бирлан кенгашиб ҳеч қайсиси урушмокни муносиб кўрмай лашкарни ҳар вилоятларға юбориб қабални қарор бериб қайтди.

СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ ДАВЛАТИНИНГ КАЙТҚАНИНИНГ САБАБИ

Ул бўлди ким бир кеча мастликда онаси Туркан Хотун бирлан тухмат қилиб Шайх Маждиддин Бағдодайни шаҳид қилдурди. Сабоҳий қилған ишидин пушаймон бўлуб, бир табақ олтун ва жавохирни Шайх Нажмиддин Куброға юбориб айтди ким, менинг бу гуноҳимни афв қилсунлар. Шайх айтдилар ким аниёг хун баҳоси олтун ва жавохир эрмас. Балким ўлтурган кишининг боши ва менинг бошим ва неча минг халойикларнинг боши турур. Андин сўнг амирул мўьминин Носириддин Абул Аббос халифа бирлан ёмон бўлуб муфтилардин фатво олиб, Термиз саййидлариндин Алоилмулк теганни халифа кўтариб, уларнинг отларин хутба ва сиккадин чиқарди. Тақи бириси Ғойирхоннинг сўзине кириб Чингизхоннинг элчисини ва бозиргонларини фикр қилмай ўлтуртди. Тақи чандон ёмон ишлар қилиб /56 б/ турурким айтса сўз узок бўлатурур.

ЧИНГИЗХОННИНГ БУХОРО АТРОФИГА ЮРИГАНИНИНГ ЗИКРИ

Тарих олти юз ўн бешда Чингизхон лашкари бениҳоят бирлан ўз юртиндин отланиб Уттар устига келди. Йўлда қорлиқ халқининг хони Арслонхон кўп чирик бирлан келиб қўшулди ва Идикут уйғурининг кўп эли Беш Балиқдин келиб қўшулди. Олмаликдин Сигнақ тегин эди бирлан қўшулди. Ўктойхон ва Чигатойхонни Уттарға таъйин қилди. Чингизхон Жўчихонни Бижанд /Жанд/ тарафға юборди. Алак нўён ва Суқату Буқани беш минг киши бирлан Фанокат ва Хўжанд тарафига юборди. Хони кишваристоннинг ўзи

Тўлуйхон бирлан қолган лашкарни олиб Бухоро тарафига юрди. Бухоро темакнинг маъноси муғ тилинда илм ва аҳли илмнинг жамъ бўлатурган ери темак бўлур. Чингизхон Ўтлардин отланиб Бухоро сари келатурганда ногоҳ Тонг бирлан Зарнук қалъасина етушуб келдилар. Ажаб сурон солдилар. Баякбор Зарнукнинг халқи хабардор бўлдилар ким, Зарнукнинг атрофини сонсиз чирик қамади. Бу халқ ажойиб ва ғаройиб кўрқтилар. Қалъага қабилиб дарвозаларни тортидилар. Бу ҳолда подшоҳи жаҳонситоннинг донишманд Ҳожиб теган бир кишиси бор эрди. Ўзи мусулмон эрди. Зарнук халқина элчиликка юборди. Донишманд Ҳожиб бориб шаҳрнинг /57 а/ халқиға кўп насиҳатлар қилиб ва кўркунчлар бергандин сўнг шаҳрнинг тамом халқи чиқиб кўп пешкашлар олиб келиб хонни кўрунуш килдилар. Хон ҳам аларға шафқат ва марҳаматлар қилди. Чингизхон Зарнукнинг отини Қутлук балиғ қўйди яъни мирак шаҳр темак бўлур. Ул шаҳрнинг йигитларини ўзи бирлан ҳамроҳ қилиб ва қарилариға рухсат берди. Таки ул ердин отланиб Нурға келди. Нур халқи қалъаға кабалдилар. Андин сўнг кўп элчилашиб халқ қалъадин чиқиб яхши пешкашлар бирлан келиб, хонни кўрдилар. Хон ҳам ул халқға иноят ва шафқатлар қилиб ҳукм қилди ким, сен халқ ўзунгга еткү чоклик озук тухум ва қўш ўкузунгни олиб қалъадин чиқғил. Қолган молингни лашкар таласун. Ул халқ ҳам хоннинг ҳукмига амал қилиб қалъадин чиқдилар. Қолган молларини хоннинг чирики талаб олди. Андин сўнг отланиб ошур ойининг аввалинда тарих олти юз ўн олтида йилон йилинда Бухороға келиб қалъани қабаб тушди. Ярим кеча бўлгандин сўнг Султон Муҳаммаднинг Бухорода қўйган беқлариндин Кўкхон ва Севинчхон ва Кўшлукхон йигирми минг киши бирлан Чингизхоннинг лашкариға шабихун урдилар. Хоннинг чирики ҳам хабардор бўлуб, кўп урушдилар. Оқибат хони Кишваристон /57 б/ нинг давлати қавий бўлуб йигирми минг кишини босиб бир замонда нест ва нобуд килдилар. Тонг отгандин сўнг дарвозаларни очиб, Бухоронинг жамиъ шайх ва машойихи, мулла ва муфтиси, яхши ва ёмони шаҳрдин чиқиб, хоннинг хизматига келдилар. Хон ҳам отланиб шаҳрнинг ичига кириб сайр қилиб масжиди жомиънинг эшигига келди. Масжиднинг ичига от бирлан кириб мақсураға келди. Бу масжид ажойиб улуғ иморат эрди. Хон сўрди ким бу эв Султоннинг эви турурму? Халқ айдилар ким, тангрининг эви турур. Отдин тушуб минбарнинг устига чиқди. Мўғуллар уламо ва мужтаҳидларга от тутуруб ўзлари пиёла ичмакка машғул бўлдилар. Мусхафнинг варақлари отларнинг оёқининг остинда ётиб эрди. Ул замонда Бухорода саййидларнинг улуғи бир саййид бор эрди. Мусхафнинг варақини отнинг оёқининг остинда кўруб, бир мужтаҳиддин сўрдиким, бу не воқеот турур теб. Ул мужтаҳид айтди, эй саййид тек турғил ким, тангри таолонинг ғазаб вақти турур. Чингизхон отланиб ийдгоҳға борди. Таки жамиъ халойикни ҳозир қилди ва минбарга чиқди. Аввал тангриға ҳамд айтди. Андин сўнг мусулмонларнинг айбини айта бошлади. Султон Муҳаммаднинг хилоф ваъда қилиб бозиргонни ва элчини ўлтурганини айтди. Андин сўнг айтди ким, эй қавм, сизлардин улуғ гуноҳлар чиқди. Тангри таолонинг қаҳри /58 а/ келиб, мен тангрининг бир

ёмон балосиман. Мени сизларга мусаллат килиб юбориб турур. Бу сўзларни айтиб бўлгандин сўнг, айтди ким сиз халқнинг кўрунуб тўрган молингизни айтмоқ ҳожат эрмас. Аммо ер остинда яшурган молингизни қийинсиз ва кистоксиз чиқариб беринглар. Вилоятнинг халқи зоҳир ва пинҳон молини келтуруб бердилар. Ул ҳолда бир киши келиб хонга айтди ким, бу шахрнинг ичинда Хоразмшоҳнинг аксар кишилари кезланиб турур теб. Бу сўзни эшиткандин сўн хоннинг ҳукми бирлан шахрга ўт солдилар. Бухоронинг аксари иморатлари ёнди. Ул иморати ким тошдин эрди ёнмай қолди. Андин сўн арқнинг ичинда Султон Муҳаммаднинг бир неча беклари қамалиб эрди, ани ҳам олиб, ичиндаги бекларини ўлтурди. Бухоронинг қалъасини ер бирлан яқсон қилурди. Алқисса Бухоро то Қооннинг замониғача вайрон эрди. Қооннинг ҳукми бирлан ёнқи бошдин Бухорони обод қилдилар.

ЎКТОЙ ҚООН ВА ЧИҒАТОЙХОННИНГ ҒОЙИРХОН БИРЛАН УРУШУВ ЎТРАРНИ МУСАҲХАР ҚИЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ эллик минг киши бирлан Ғойирхонни Ўтрат вилоятин сақламоқға кўюб эрди. Тақи татар лашқари ҳам Ўтрат келмакка қасд қилган эрмиш теб, Султон Қорача ҳожиб теган навқарини ўн минг киши бирлан Ғойирхонға кўмакка юбориб эрди. Ўтратнинг /58 б/ ичинда олтимиш минг киши бирлан Ғойирхон қабилиб эрди. Шаҳзодалар беш ой қабаб ётдилар. Ўтратнинг ичиндаги халқ паришон бўла бошлади. Қорача Ғожиб Ғойирхонға айтди ким, Ўтратни шаҳзодаларға берали. Тақи эл бўлади. Шояд бу қабал бу паришонликдин қутулғаймиз. Ғойирхон анинг сўзини қабул қилмади. Анинг учунким бу фитналар анинг боисиндин пайдо бўлуб эрди. Қорача Ғожиб ҳарчанг Ғойирхонға айтмоқ бирлан қабул қилмади эрса, ўзининг ўн минг кишиси бирлан бир кеча дарвозани сўфий тегандин чиқиб, шаҳзодаларнинг хизматиға келди. Шаҳзодалар Қорача Ғожибға айтдилар ким: «Сен ўз подшоҳингға не вафо қилдунгки, бизға қилғайсен» теб, ани ўн минг кишиси бирлан шаҳид қилдилар. Мўғуллар дарвозани сўфийдин келиб Ўтратнинг ичига кирдилар ва Ўтратнинг жамъи халқини саҳроға чиқариб шаҳид қилдилар. Ул ҳолда Ғойирхон йигирми минг киши бирлан арққа қабалди. Ҳар кунда чиқиб урушур эрди. Яхши мардоналиклар қилди ва мўғул чириқиндин кўп кишиларни ўлтурди. Ўзининг қатиндаки кишилари тамом шаҳид бўлди. Мўғуллар арқнинг қалъасин тақи олди. Ахирул амр Ғойирхон икки киши бирлан қочиб бир томнинг устиға чиқди. Ул икки навқари ҳам шаҳид бўлди. Ахир уруша-уруша Ғойирхоннинг ўқи туганди. Оқибат канизлари девордин /59 а/ хишларни олиб берабошладилар. Ул хишларни отиб урушти. Ахирул амр айлана ёқини қабаб тирик тутуб шаҳзодаларнинг хизматиға олиб бордилар. Шул вақтда шаҳзодалар эшитдилар ким, Чингизхон Бухорони олиб Самарқанд келиб турур. Ўктой коон ва Чигатойхон лашқари бениҳоят бирлан Самарқанд тарафига мутаважжих бўлдилар. Тақи Кўксарой теган ерда Ғойирхонни шаҳид қилдилар.

ЖҶЧИХОННИНГ БИЖАНД БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

ЖҶчихон Ұтрардин отланиб Сикнак келди. Ҳасан хожи теган бир мусулмон навқари бор эрди. Ани Сикнакға элчи қилиб юборди-да, айтди ким, бориб халқға насиҳат қил, келиб мени кўруб қалъани менга бериб, менга итоат қилсунлар. Ҳасан хожи Сикнакға бориб, халқға насиҳат қилатурғанда бозорийлар савоб турур теб тақриб айтиб, Ҳасан хожининг устунга тўқулуб ўлтурдилар. Таки дарвозани беркитиб қабилиб турдилар. Бу хабарни эшитиб ЖҶчихон қаттик аччикланиб мўғулларға қалъани ёпушиб олинглар теб ҳукм қилди. Бир соатда мўғуллар ёпушуб қалъани олдилар. Таки бир Ҳасан Хожининг қони учун ўн минг мусулмонни шаҳид қилдилар. Таки Ҳасан хожининг ўғлини Сикнакға ҳоким қилдилар. Андин сўнг ЖҶчихон отланиб Ұзғандга келди. Ұзғанд халқи қалъадин чиқиб яхши пешкашлар бирлан келиб ЖҶчихонни кўрдилар. Хон ҳам /59 б/ аларға иноятлар қилиб ўзига ва молиға даҳл қилмади. Андин сўнг отланиб Аснаш /Асанас/ теган қалъаға келдилар. Аснашнинг халқи чиқиб урушти. ЖҶчихоннинг лашқари аларни босиб барчасин шаҳид қилдилар. Ул ҳолда Бижанд ҳокими ЖҶчихоннинг хабарин эшитиб, Бижанддин қочиб Хоразм кетди. ЖҶчихон муни эшитиб Чинтемур теган навқарини Бижанд халқиға элчи қилиб юборди. Бижанд халқи итоат қилмай, Чинтемурни ўлтурмакка қасд қилдилар. Чинтемур ҳийлалар қилиб, аларнинг қўлиндин қочиб, ЖҶчихоннинг хизматиға келди. Таки ҳар нима курганин хонға арз қилди. ЖҶчихон аччикланиб Бижандга бориб Бижандни қабади. Таки қалъани олди. Аввал кишиларки Чинтемурни ўлтурмакка қасд қилиб эрди, аларни шаҳид қилди ва ўзга халқнинг қонин бағишлаб барчасини қалъадин ташқари чиқариб, молларини талатиб Али хожаи Гиждувонийни Бижандга ҳоким қилди.

АЛАҚ НҶЁННИНГ СУКАТУ БҶҚА БИРЛАН ФАНОКАТ ВА ХҶЖАНД КЕЛГАНИ ВА ХҶЖАНД ҲОКИМИ ТЕМУР МАЛИКНИНГ ЗИКРИ

Юқорида зикр қилиб эрду ким, Чингизхон Алақ нҶён бирлан Суқату БҶқани беш минг бирлан Фанокат ва ХҶжанд тарафига юборди теб. Алақ нҶён ва Суқату БҶқа келиб Фанокатни қабадилар. Фанокат халқи уч кунгача дарвозаларни тортиб қалъаға қабилиб турдилар.

Таки тўртланчи куни тамом халқи қалъадан чиқиб /60 а/ кўп пешкашлар бирлан келиб, Алақ нҶён ва Суқату БҶқани кўрдилар. Андин сўнг бу икки сардор аҳли пешани бир бошқа ва Султон Муҳаммаднинг навқарларини бир бошқа айирди. Таки навқар халқини ўлтуруб, аҳли пеша бирлан тожик халқини ҳашар учун ХҶжанд тарафига суруб, ўзлари ҳам отландилар. Келиб ХҶжандга тушдилар. Аммо ХҶжанднинг Темур Малик отлиғ ҳокими бор эрди ким, уруш кунида Рустам ва Асфандиёр анинг олдинда тоқат келтуруб турабилмас эрди. Темур Малик ХҶжанднинг рудхонаси-

нинг ўртасинда бир курук ер бор эрди. Анда бир қалъа солиб эрди ким, андағ мазбут қалъа эрди ким, анга офариданинг қўли етишмас эрди. Ул қалъада Темур Малик минг йигит бирлан қабалди. Алақ нўён бирлан Сукату Бўқа ул қалъани кўруб тангландилар, нечук қилиб олғаймиз теб. Аммо Темур Малик ўн икки кема ясатиб эрди. Усти сарпўшлик. Анга ўқ отмоқ ва тўпанг учун даричалар тартиб бериб эрди. Ул кемаларга бир амал қилиб эрди ким, ўқ ва тўпанг ва ҳеч нимарса анга ўтмас эрди. Ул кемаларни миниб кунда андағ урушлар ва мардоналиклар қилди ким, тамом мўғуллар таҳсинлар қилдилар ва ҳеч бобда ани ола билмадилар. Оқибат мўғуллар эллик минг хашарий тожикни олдиға солиб тош ва кесак ташитдилар. Ўзлари тошни ва кесакни сувға солур /60 б/ эрдилар. Ахирул амр мўғул лашкари голиб бўлган сабабдин Темур Малик етмиш кемага қўш ва асбоб юклаб, ул мазкур бўлган ўн икки кемасига минг йигити бирлан миниб кеча бўлғач, рудхонасининг ичи бирлан юрийберди. Алақ нўён бирлан Сукату Бўқа мўғулларға сизлар ҳам дарё лаби бирлан Темур Маликнинг ортиндин юрунг теб, ҳукм қилди. Мўғуллар тақи рудхонанинг лаби бирлан Темур Маликнинг кемасига ёнашиб уруша-уруша юрур эрдилар. Ногоҳ Темур Малик Фанокат шаҳрининг рўйбарўсиға етти. Кўрди ким рудхонанинг устиндин бир улуғ занжир тортиб турурлар, кема ўтабилмасун теб. Темур Малик ул занжирни бир табарзин бирлан урди ким, занжир пора-пора бўлди ва кемалари андин ўтуб кетди. Андин сўнг мўғуллар рудхонанинг ҳар еринда ва ҳар манзилинда бориб тайёр бўлуб турдилар. Темур Малик бирлан урушмоқ учун. Темур Малик буларни кўруб дарёдин чикиб сомон йўли бирлан Хоразм тарафиға барқи ломийтек кетди.

Мўғул лашкари ҳам Темур Маликнинг ортундин етиб қўплар уруштилар. Темур Малик минг йигити бирлан мардоналиклар қилди. Ахирул амр йигитлари тамом шаҳид бўлдилар. Андин сўнг Темур Маликнинг ортундин уч мўғул етди.

Темур Маликнинг уч ўқи қолиб эрди, бирисининг пайкони /61 а/ йўқ. Шул пайконсиз ўқ бирлан бу уч мўғулнинг бирисининг кўзига ўрди ким, кўзи кўр бўлди. Мўғуллар муни кўргандин сўнг қайтдилар. Темур Малик Хоразм борди. Тақи Хоразмдин лашкар олиб Кот бориб Котда Чингизхоннинг қўйган ҳокимини ўлтуруб қайтиб Хоразм келди.

Тақи Хоразмдин Султон Муҳаммаднинг қатиға борди. Султон Муҳаммад анга кўп илтифот ва иноятлар қилди. Андин кетиб Шом борди. Тақи бир неча йил анда туруб, андин Хўжанд борди. Кўрди ким Чингизхон ўғлини Хўжандда ҳоким қилиб турур. Ўғли бирлан танишди-да Ўктай коон қатиға кетди. Йўлда Қадқан ўғлонға йўлуқди. Қадқан ўғлон ани таниб боғлатиб мўғул бирлан урушқанини сўрди эрса, ул ҳам беибо жавоб берди. Қадқан ўғлоннинг аччиғи келиб бир ўқ бирлан урди. Темур Малик шул ерда шаҳид бўлди. Алақ нўён ва Сукату Бўқа Хўжандни олиб Самарқанд тарафиға мутаважжих бўлиб, Чингизхон хизматиға келдилар.

ЧИНГИЗХОНИ КИШВАРИСТОННИНГ САМАРҚАНДНИ ОЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғул лашкарининг қўркунчиндин юз ўн минг кишини ўттуз хон бирлан Самарқандда қўюб эрди. Ул лашкарнинг олтмиш минги турк ва эллик минги тожик эрди ким, ҳар бири уруш кунинда шери жаён ва фили дамондин юз қайтармас эрди ва йигирми фили жанги қўюб эрди. Бу айтилган кишилардин /61 б/ ўзга чандон халойиқ бор эрди ким, сондин ва ҳисобдин ташқари эрди. Қалъанинг хандақини қазиб сувга еткуруб эрдилар. Чингизхон Ўтрав келганда Самарқанднинг мазбутлиқини ва халойиқнинг кўпчилигини эшитиб ўғлонларини Ўтравга таъйин қилиб ва нўёнларини Самарқанднинг сарҳадларига юбориб, ўзи Бухорога келиб, Бухорони олғандин сўнг, Самарқанд келди. Ўғлонлари Ўтравни олиб ва Нўёнлари сарҳадларни фатҳ қилиб, Самарқандда хони кишваристоннинг ўрдусига қўшилдилар. Хоразмшоҳнинг Самарқанд ичинда қўйган хонлари сонсиз лашкар бирлан дарвозадин чиқиб, Чингизхоннинг бир пора лашқари бирлан қаттиғ уруш солдилар. Ул урушда Хоразмшоҳийлар мўғулларнинг бир нечасини ўлтуруб, ва бир порасин асир қилиб қайтиб Самарқандга кирдилар. Тангласи хони кишваристоннинг ўзи отланиб урушга келди. Ул кун андағ уруш бўлди ким, хоразмшоҳийлардин ҳеч кишида дарвозадин чиқмоқга ҳад бўлмади. Аммо қалъанинг устундин қаттиғ уриштилар то ахшомғача. Ул вақтда Самарқанднинг шайхул исломи бирлан қозиси келиб, хонни кўруб омон тиладилар. Хон ҳам аларга кўп иноят ва илтифотлар қилди. Шайхул ислом бирлан қози қайтиб бориб, Номозгоҳ дарвозасини очдилар. Мўғул хужум қилиб дарвозадин /62 а/ кириб, ўзга дарвозаларни ҳам очдилар Жамиъ мўғуллар қалъага кириб торож қилмоқга машғул бўлдилар. Тақи Султон Муҳаммаднинг хонлариндин Албхон /Алпхон/ теган минг киши бирлан уруша-уруша кутулуб кетди. Андин ўзга жамиъ хонлар лашқари бирлан шахил бўлдилар. Аҳли хирфатдин ўттуз минг кишини ўғлонлари ва нўёнларига улаштурди. Андин сўнг шайхул ислом бирлан қозиға эллик минг эвликни бағишлади. Андин ўзгасиндин икки юз минг қизил райятчилик олди. Бу воқеот тарих олти юз тақи ўн олтида воқеъ бўлди.

ЧИНГИЗХОН ЎҒЛОНЛАРИНИ ХОРАЗМГА ЮБОРГАНИНГ ЗИКРИ

Хони кишваристон Самарқанд бирлан Бухородин фориғ бўлгондин сўнг Жўчихон ва Ўктой Қоон ва Чигатойхонни Хоразм устига таъйин қилди ва шахзодалар лашқари бениҳоят бирлан Урга тарафига мутаважжих бўлдилар. Ул вақтда Хоразмда Хоразмнинг беклариндин Хумортегин ва Мўғул Ҳожиб ва Фаридун Ғў теган бор эрди. Аммо Хумортегин Хоразмшоҳнинг онаси Турк Хотуннинг қариндоши эрди. Ани Урганчда ҳоким қилиб эрдил Урганчда Хоразмшоҳ навқаридин, ақобир ва ашрофдин ул миқ

халойик бор эрди ким хисобини тангри таоло билгай. Ул мусулмонлар фалакнинг гардишиндин гофил ўлтуруб эрдилар. Ногоҳ бир неча /62 б/ отлиғ мўғул келиб дарвозанинг олдинда турган от ва эшакни олиб кетдилар. Отли ва пиёда юз минг киши ул мўғулларнинг ортиндин кавуб кетдилар. Урганчнинг қалъасиндин бир парсах ерда боғи хуррам теган боғ бор эрди. Ул боғда мўғулларнинг ортиндан еттилар. Ул ерда мўғуллардин кўп киши букуб туруб эрдилар. Ногоҳ икки тарафдин мўғулнинг букиси /букиб ётгани/ мусулмонларга от солдилар. Андағ уруш бўлди ким, ул юз минг кишидин беш-ўн киши қуртулуб шахрга келдилар. Алар ортиндин кавуб келиб мўғуллар ўзларини Шўра теган маҳаллага солиб, ул маҳаллани кечгача талаб ва ўтга ўртаб қайтиб кетдилар. Сабоҳ бўлганда мўғулнинг бир пора лашкари келиб, шахрнинг атрофинда саф тортиб қалъага назора қилиб турдилар. Султон Мухаммад Хоразмшоҳнинг Фаридун ғурий теган беги беш юз йигит бирлан дарвозага таъйин бўлуб турди. Ул вақтда кўрдилар ким Жўчи ва Ўктой Қоон ва Чигатойхон лашкари бенихоят бирлан отланиб келиб Урганчнинг атрофини кабаб тушдилар. Тақи шахзодалар Урганчга элчи юбардилар. Айтдилар ким, бизга тобиъ бўлуб эл бўлсангиз, ўзингиз омон бўлиб, ўғлон ва ушоқингиз ўлжа ва асир бўлмас. Урганч халқи ани қабул қилмадилар ва итоатга бўюн эгмадилар. Андин /63 а/ сўнг етти ой кунда Хоразм лашкари эртадин аҳшюмғача урушур эрдилар. Мўғуллар Урганч атрофинда манжаникга солмоқга тош топмай тутнинг кундаларини кесиб манжаникга солиб отар эрдилар. Ул вақтда мўғуллар хоҳладилар ким Жайхунни боғлағайлар, то Урганчга сув бормағай. Жайхунни боғламоқ учун уч минг мўғул отланиб боғлар ерга келдилар. Ул ишдин Урганч халқи хабардор бўлуб, келиб уч минг мўғулни ўртага олиб андағ уруштилар ким, ул уч минг мўғулдин бир киши қутулмади ва ҳеч важҳ бирлан мўғуллар Урганчни ола билмадилар. Анинг учун ким шахзодаларнинг орасига андақ мухолифатлик тушуб эрди. Чингизхон эшитди ким, етти ой бўлди, Урганчни олабилмай турурлар. Хони кишваристон айтиб юборди ким, Жўчихон ва Чигатой Ўктой қоонни ўзларига муқаддам билсунлар ва анга тобиъ бўлсунлар ва бир-бирларига мухолафат қилмасунлар. Андин сўнг Хоразмшоҳийлар бирлан рў-барўй бўлсунлар теб. Шахзодалар отасининг ёрлиқин тутуб Ўктойга тобиъ бўлуб, мухолафатни орадин чиқариб лашкарни хоразмийларга рў-барў қилиб қаттиғ уруштилар. Ахирул амр Урганчни олиб маҳалла маҳаллага ўт қўюб тамом халқни сахрога чиқардилар. Тақи юз минг эвлик кишини аҳли хунар турур теб, /63 б/ олдилар. Жавон хотун ва ёш ўғлонларни тақи банда қилмоқ учун олдилар. Андин ўзга халқни лашкарига қисмат қилди. Хар бир кишига йигирми тўрт киши тегди ва ҳукм қилдилар ким ўлтурунглр. Мўғуллар ўлтурдилар. Манкул турур ким Хазрати Шайх Нажмиддин Кубронинг овозаси оламга машҳур бўлуб эрди. Ул сабабдин шахзодалар хазрати шайхга киши юбордилар. Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадин чиқиб келсунлар теб. Қазрат шайх айтиб юбордилар ким, мен якка эрмасман. Менинг қариндошим ва хизматкорларим бор турур. Шахзодалар айтиб

юбордилар ким ўн киши бирлан келсунлар. Шайх айтдилар ким ўндин кўп турур. Шаҳзодалар айтдилар ким юз киши бирлан келсунлар. Шайх айтдилар, юздин кўп турур. Шаҳзодалар айтдилар, минг киши бирлан келсунлар. Ҳазрати шайх айтиб юбордилар ким яхшиликда мен бу халқнинг тамоми бирлан ошно ва дўст ёр эрдим. Энди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин, мен борабилмасин, теди. Ул маҳалда мўғуллар ҳазрат шайхнинг маҳалласига куюлуб келдилар. Ҳазрат шайх бир неча мўғулларни ўз қўллари бирлан даражаи жаҳаннамга юбордилар. Таки шахид бўлдилар. Қолу инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун.

ЧИНГИЗХОННИНГ НАХШАБ ВА ТЕРМИЗ ВА БАЛХ БОРҒАНИНИНГ /64 а/ ЗИКРИ

Чингизхон Мовароуннахрни мусаххар қилгандин сўнг шаҳзодаларни Хоразмга юборди. Таки ўзи Самарқанд борди. Ул баҳор Самарқандда туруб Нахшаб келди. Нахшабдин Термиз келди. Термиз халқи тобиъ бўлмай, саф тортиб уруштилари. Ахирул амр Чингизхон Термизни олиб қатлиом қилди. Ул вақтда бир хотунни мўғуллар ўлтурмакка олиб келдилар. Ул хотун айтти: «Мени ўлтурманг. Мен сизларга бир яхши дур берайин», теди. Алар тедилар: «Дуринг қайда турур?» Ул хотин айтди: «Дурни юткан турурман, дур қорнимда турур». Мўғуллар ул хотуннинг қорини ёриб дурни олдилар. Ул сабабдин ҳеч ўлук қолмади, тамомининг қорини ёрдилар. Хони кишваристон Термиздин ўтуб Балх борди. Ул вақтда Балх андаг тузук эрди ким, минг таки икки юз масжид жомий бор эрди. Минг таки икки юз ҳаммоми бор эрди. Филжумла Балхнинг аҳоли ва маволиси келиб хонни кўруб, омон тиладилар. Хон қабул қилмади, анинг учун Султон Жалолиддин тирик эрди. Анинг тириклигинда бу халқ албатта муҳолифатлик қилур теб. Алқисса хон Балхнинг халқи бирлан қаттиғ урушлар қилиб, Балхни олди. Таки халқни қатлиом қилиб, Балхнинг қалъасини ер бирлан яксон қилди. Балхдин фориг бўлгандин сўнг Тулуйхонни бир неча нўёнлар бирлан Хуросон устига /64 б/ юборди. Таки ўзи Толкон келди. Аммо Толкон ажаб мазбут шаҳр эрди. Анинг халқи тобиъ бўлмай, уруш асбобини тайёр қилиб, хони кишваристон бирлан уруша бошладилар. Алқисса етти ой уруштилари. Ахирул амр Тулуйхон Хуросонни мусаххар қилгандин сўнг лашкари бениҳоят бирлан келиб, Толконда отасига қўшулди. Бу кўп лашкар бир ерга қўшулуб, Толкон халқи бирлан қаттиғ уруш қилиб аларни бостилади. Ҳеч кишини қўймай шахид қилдилар. Ҳатто эмчак эматурган ўғлонларгача ва тақи қалъани вайрон қилдилар. Таки Андароб келдилар. Андаробни олиб халқни ўлтуруб қалъани вайрон қилиб, ўтуб Бомийен келдилар. Бомийен халқи қалъага қабилиб кўп урушуб, кўп мардоналиклар қилдилар. Ногох ул урушда Чигатой хоннинг ўғлига ўк тегиб ўлди. Ул ўғлонни Чингизхон ажойиб севар эрди. Хони кишваристон ул ҳолни кўруб, димоғиндин дудлар чиқиб буюрди ким мўғулларга қалъага ёпушунлар. Мўғуллар қалъага ёпушуб олдилар. Таки улуг ва кичик

ихши ва ёмон, эру-хотундин бир киши кўймай ўлтурдилар. Қалъани ер бирлан яқсон қилдилар. Чингизхон ул қалъанинг отини Мавбалиғ қўйди, яъни ёмон қалъа темак бўлур.

ЧИНГИЗХОННИНГ СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН БИРЛАН УРУШҚАНИ ВА АНИНГ /65 а/ СИНД СУВИДАН КЕЧИБ ҚОЧҚАНИ

Ул вақтда Чингизхон Султон Муҳаммаднинг сўнгундин Чина Нўён Сувидай баходир ва Тўғачар кўнқиратни юборганда Хон Малик киши юбориб, элман теб қолиб эрди. Тўғачар анинг сўзина инонмай уруш солиб қалъадин отқан ўк тегиб ўлуб эрди. Ул сабабдин Чингизхондин кўркунчлирок эрди. Ул маҳалда Султон Жалолиддиннинг Ғазнин келганин эшитиб, султонга киши юбориб айтди ким, мен ҳам баландликка етдум, бек ва мардона бўлсунлар теб. Чингизхон ҳам ихтиёт учун Ғазнин ва Ғуржистон ва Зобил ва Кобилнинг йўлларина Шангуй Кутуку ва Такачик /Такачак/ ва Мулка ва Уқар Қалжавни бош қилиб ўттуз минг киши юбориб эрди, Қалжавнинг маъноси ҳазил қилғувчи темак бўлур эрмиш. Кутуку нўён эшитди ким Хонмалик Султон Жалолиддинга қўшулмоқга боратурур теб, илғаб сўнгундин кеч бўлганда етди. Кеча урушабилмай, эрта урушайин деб кеча тушди. Хонмалик кечаси юруб Султонга бориб қўшулди. Такачик ва Мулка бир поралашкар бирлан Кутуку нўёндин айрилиб, Далён қалъасини қабаб яқин эрди, олғай. Султон Жалолиддин кўп лашкар қўшулгандин сўнг илғаб Далён бориб мўғул /65 б/ ларнинг қоравулиндин минг киши олиб ўлтурди. Қолгани қочиб келиб Кутуку нўёнга қўшулди. Султон Хонмаликни ўнг, Сайфиддин маликни сўл қилиб, ўзи боғлаб урушдилар. Султоннинг лашкари тамом пиёда ва кўп ва мўғул оз. Ахшомғача урушдилар. Ахшом мўғуллар кигиздин ва шолдин киши ясаб отларнинг ва теваларнинг устига беркитиб, орқаларинда ясов қилиб, эрта туриб урушга бордилар. Султон Жалолиддиннинг лашкари буларнинг эткан ишларин билмай, кўмаки келди теб, қочали тедилар. Султон Жалолиддин кичкурди ким мўғуллар хийла қилиб турур, кўркманг, андин сўнг кўнгулларин беркитиб бир мартаба ҳамла қилдилар. Тақи мўғулларни ўрта ерга олдилар. Ахирул амр тоқат қилиб турабилмай қочтилар. Мўғуллардин кўп киши ўлди. Шангуй Кутуку оз киши бирлан қочиб хон қошига келди. Чингизхон аччиқланиб лашкар йиғиштурмоқга машғул бўлди. Султон Жалолиддин қайтиб эвига тушди. Мўғуллардин кўп ўлжа тушиб эрди. Ани бўлушуб юриганда бир от учун Хонмалик бирлан Сайфиддин малик уруштилар. /66 а/ Хонмалик Сайфиддиннинг бошига камчи бирлан урди. Султонга арз қилди. Султон тўрасин бермади. Ул сабабдин Сайфиддин аччиқланиб барча қиниқлилар бирлан кечаси бузулуб Кирмон тоғларина юрий бердилар. Ул чоқда Чингизхоннинг сонсиз чирик бирлан келатурганин эшитиб тура билмай Синд сувиндин кечмакни қарор бериб кетди. Чингизхон тақи кеча-кундуз юруб Ғазнин борди. Анда хабар олди ким, Султон Жалолиддин кетгали ўн беш кун бўлуб турур. Ғазнинга ҳоким кўюб илғаб Синд лабига борди.

Султон ҳам кемаларни таъйин қилиб эртаси ўтайин теб туруб эрди, хон кўрди ким бу кеча сабр қилса, эртаси ўтуб кетатуруб. Султоннинг лашкарининг атрофини ихота қилди. Уч кат ва тўрт кат мўғул кўп ва тожик оз. Султон офтоб чикганда кўрди ким ўт бирлан сувнинг ўртасинда туруб. Хон султонни тирик тута кўрунг теб ўкар Қалжав ва Кутур Қалжавни Эравул қилиб, бир мартаба кўтарила от солдилар. Унг ва сўлин кўтардилар. Султон беш-олти юз киши бирла ул ёкға ва бу ёкға от солиб эртадан то тушгача шул кўп лашкар бирлан урушуб мардоналиқлар қилди. Ахир ул амр мўғуллар ўрта ерга олдилар. Яқин эрди ким дастгир қилғайлар. Зарурдин дарёга тушиб ўтуб юрий берди. Чингизхон Султоннинг қилган /66 б/ ишларина кўп таҳсинлар қилиб, ўғлонларина бокиб айтди ким: «Отадин ўғул туғса, шундағ туғсун» — деб. Султоннинг ўғлон ва ушокин ва хазинасин олдилар. Таки Дурбай нуён бирлан Балануённи султон кейинидан юборди. Онлар таки Ҳиндистоннинг ярмигача бориб, хабар ва асар билмай қайтиб келдилар. Чингизхон шул ердин қайтиб атроф жавонибдағи вилоятларни олиб, барчасина ҳокимлар қўйди. Таки келиб Самарқанд кишлади.

ЧИНГИЗХОН СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ КЕЙИНИДИН ЛАШКАР ЮБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Султон Муҳаммад Хоразм шохнинг оз киши бирлан Термиздин Аму сувин кечиб кетганин эшитиб, ўзи Балхни қабаб туруб, Чина нуён ва Сувидай баҳодир ва Тўғачар кўнқиратни ҳар қайсиға ўн минг киши қўшуб Султон Муҳаммадни олмағунча ҳеч ерда турманг теб юборди. Ҳар вилоят ким сизларга боқиниб омон тиласа омон беринг, ҳар қайсиси боқинмаса ўзларини ўлтуруб, ўғлон ва ушоқни ўлжа ва асир қилиб, шаҳарларини куйдурунг. Уч йилгача керак ким ишингиз саранжом тобқай. Мен ҳам мунда турмай ўз юртумға борғум туруб. Сизлар ҳам ишингиз биткандин сўнг ул йўлдин Даштга борғайсиз. Беклар ҳам хондин рухсат олиб дарёдин ўтуб /67 а/ Балх бориб, андин Ҳирот вилоятиға бордилар. Ҳирот халқи пешкашлар олиб чиқиб кўруб изҳори итоат қилдилар. Чина нуён таки мутаарриз бўлмай, Султон Муҳаммад сари юрий бердилар. Аммо Тўғачар кўнқират сўнг қолиб эрди, Ҳиротга келиб, буларнинг сўзин қабул қилмай, уруш солдилар. Ҳирот халқи зарурдин урушдилар. Тўғачарға қалъадин отган ўк тегиб ўлди. Лашкари бориб Чина нуёнға қўшулди. Андин сўнг Саваға етдилар. Сава эли аларға илтифот қилмай дарвозани боғладилар. Булар ҳам йўлимиздин қолмалинг теб ўтуб юрий бердилар. Сава Эли аклсизлик этиб масҳара тутуб мўғулларни сўка бердилар. Булар ҳам аччиқланиб қайтиб келиб уч кун қабаб, тўртинчи кун қалъани олиб бир киши тирик қўймай қирдилар. Таки Нишопур юридилар. Ул вақтда Султон Муҳаммад эшитди ким мўғулдин ўттиз минг киши сувдин ўтуб барқ ва бодтек келатуруб. Султон Муҳаммаддин ўзга нимарса керакмас теб. Бу хабарни эшиткандин сўнг Султон

бекларини чақириб кенгашти-да, ўғлон-ушокин Қоринда Қалъасина юбориб ўзи Ирок сари кетди. Фахрул Мулк ва Низомиддин Абул Маолий котиб ва зиёулмулк бир неча бекларин Нишопур **забтига** кўйдида /67 б/ ўзи Райдин ўтуб Қазвин борди. Ўғли Султон Рукниддин ўттуз минг киши бирлан анда эрди. Отасининг келатурганини эшитиб қаршу чикиб ва яна бир ўғли Султон **Ғиёсиддинни** онаси бирлан Қариндазга юборди. Ул вақтда Чина нўён бирлан Сўвидай баҳодир Нишопур бориб Султон Муҳаммаднинг қўйган бекларига киши юборди. Улар ҳам кўп пешкашлар бирлан уч киши юбориб айтдилар ким бориб Султон Муҳаммадни олиб келсунлар. Вилоят аларнингки турур. Чина нўён уйғур тили бирлан хат берди. Чингизхоннинг берган нишони бор эрди. Мазмуни бу ким, худойи таоло оламини менга бериб турур. Хар ким менга тобиъ бўлса давлатга етар, агар бўлмаса ўзи нест бўлуб, ўғлон ушоки бирлан йитар. Ани ҳам берди. Таки Нишопурни қачарни олиб Султон Муҳаммаднинг кейинидин кетди. Андин Мозандарон бориб, кўп кишини ўлтуруб қалъасин ер бирлан яксон қилиб, Исфаройин йўлига кириб, ул йўлда ҳам ким учраса эл бўлганига тегмай, эл бўлмаганин ер бирлан яксон қилиб Илол /Айлол/ қалъасиким султоннинг онаси анда эрди, кабал қилиб андин Рай бориб, Райни олди. Кишисин кириб, қалъасин ер бирлан тенг қилди. Хоразмшоҳ бу хабарни эшитиб бориб турарга ер топмай беклар барчаси /68 а/ кенгашиб кўркунчдин ҳеч ерда тура билмай Қориндазга кетди. Ёнидағи кишилари ҳам қайси бир гарафга кетди. Қориндазга бора турганда бир пора мўғулларга учраб урушуб Султон Муҳаммаднинг отига ўқ тегиб қочиб Қориндаз борди. Анда ҳам турмай Гилон сари мутаважжих бўлди. Мўғуллар кейинидин етиб улуғ уруш бўлди. Мўғуллар бир пора лашкарин Қориндазга кўюб Султон Муҳаммаднинг кейинидин кетди. Султон Гилон бориб етти кун туриб, Истидорага мутаважжих бўлди. Йўлда хазинаси талаф бўлди. Андин Қулзум дарёсига бориб, андин Абсқун жазирасига борди. Анда тура билмади. Ул кун ким султон чикиб кетди, мўғуллар ҳам бориб. Султонни тобмай қайтиб Қориндаз келиб, султоннинг неча хотуни ва ўғлон ушоки анда эрди, олиб ўлжа ва асир қилиб, кичик ўғлонлари Илал Қалъасинда эрди, анга бордилар-да, кабалдилар.

Айтурлар ким, Одам замонидин то бу дамгача ҳеч ёғмур кам бўлмас эрди. Анга ховузлар ва сақоялар қазиб эрдилар ким, халқ йиллар ўлтурсалар эрди, сувга ихтиёж бўлмас эрди.

Чингизхоннинг давлати ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг нақбатидин бир қатра ёғмур ёғмади. Ахир ўн беш кунда сувлари туганди. Султон Муҳаммаднинг вазири Носириддин чикиб Чина нўёни бориб кўрган соати ёғмур ёғаберди. /68 б/ Анча ёғдиким, селлар бўлди. Хазина ва жавоҳир ким бор эрди, мўғуллар олдилар. Вазирни ва султоннинг онаси ва ўғлонларини Чингизхонга юбордилар. Чингизхон вазирни ва ўғлонларини ўлтуртди.

Султон Муҳаммад бу хабарни эшитиб, ўзиндин кетиб, беҳуш бўлди. Таки қайтиб ўзина келмади. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун. Ул маҳалда кафан топмадилар. Таки тўни бирлан

кўмдилар. Бу воқеъа йилон йили ва тарих олти юз таки ўн еттида воқеъ бўлди. Султон Муҳаммаднинг подшоҳлиқи йигирми бир йил эрди. Андин сўнг Нахчиван ва Озарбайгон /озарбайжон/ вилоятини олиб хароб қилиб, андин Ширвонга бориб, Шамохийдин ўн қачарчи олиб, бирисин ўлтуруб ўзгасин кўркутиб айтдилар ким бизни йўл бирлан бошламасангизлар йўлдошингизга на қилсак сенларга шуни қилурмиз теб. Онларга бошлатиб Дарбанд йўлидин ўтуб юрудилар. Ул вақтда қипчак ва Аланбан /Алан/ аларнинг йўлларини тутуб туруб эрдилар. Сувидай баҳодир Қипчақга киши юбориб айтди ким бизнинг қаринтошимиз турусиз. Алан бир ёт халқ турур. Онларга кўмак берманг ва бизнинг бирлан мувофақат қилинлар теб, кўп пешкашлар юбордилар. Қипчақлар таки буларнинг сўзларин қабул этиб Алан қавминдин айрилдилар. Кўмаки кеткандин сўнг /69 а/ мўғуллар урушуб кириб ўлжа ва асир қилдилар. Қипчак эли рус сари бориб андин кўмак олиб мўғулларнинг устига келди. Мўғул аларни кўриб макр қилиб қочди. Қипчақлар кўруб қочди теб ўн кунгача кейинидин қавдилар. Андин сўнг мўғуллар қайтиб туруб етти кунгача урушдилар. Ахирул амр мўғуллар қолиб келиб босиб кириб кўп ўлжалар олиб хушқол ва хуррамлик билан Чингизхоннинг хизматиға бориб кўп пешкашлар ортиб кўрунуш қилиб ўзларининг қилган ишларини арз қилдилар. Хон таки буларнинг қилган ишларига таҳсинлар қилиб кўп инъом ва суюрғаллар берди.

ЧИНГИЗХОН ТЎЛИХОННИ ХУРОСОН УСТИГА ЮБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Хони кишваристон Балхни олгандин сўнг Тўлихонни Хуросон устига юборди. Тўлихон Чингизхоннинг лашкарининг ўндин бири саксон минг киши бирлан Марв устига отланди. Ул вақтда Хуросон ажаб маъмур эрди. Хусусан Марв андаг маъмур эрди ким Марвнинг дехқонлари мол /69 б/ ва неъматнинг кўплигининг гуруриндин ўзларини подшоҳлардин, беклардин ортуқ тутар эрдилар. Ул замонда Султон Муҳаммад Маждул (Мажирул) мулк теганни Марвда ҳоким қилиб эрди. Маждул мулкнинг амакисидин бир гуноҳ содир бўлди. Ул сабабдин Султон Муҳаммад Маждул мулкни Марвнинг ҳокимлигининг чиқариб, Баҳоил мулк теганни Марвга ҳоким қилди. Бу Маждул мулк Султон Муҳаммад Ироқ боргандин сўнг Султоннинг хизматиға бориб юрур эрди. Ногоҳ мўғул лашкари Хуросон қелганининг хабари Ироқда шойиъ бўлди эрса, Султон Муҳаммад Марв ҳокимиға ёрлик юборди ким ҳар вақт мўғул лашкари устунгизга келса, анинг бирлан урушманг. Анга эл бўлуб Марвни анга беринг теб. Ул ёрлик Марв ҳокимиға келгандин сўнг Баҳоил мулк Марвда турмоқни маслаҳат кўрмай, Ёзар қалъасиға бориб қабалди. Бир неча халқ ўзга вилоятларга мутаффаррик бўлдилар ва бир неча ажали етган халқ Марвнинг ичинда қолдилар. Ул вақтда Тўлихоннинг лашкаридин икки сардори лашкари азим бирлан Марвнинг атрофиға келиб тушди. Баҳоил мулкнинг ноийби шайхул-ислом тамом халқ бирлан

калъадин чикиб сардорларни кўруб эл бўлуб мол бердилар. Нўнлар ҳам бу молга рози бўлиб /70 а/ Марвдин ўтуб кетдилар. Ул замонда Султон Муҳаммаднинг Бука туркман теган бошчисин бор эрди. Марвнинг бир пешасинда яшурунуб ётиб эрди. Мўғул лашкари кеткандин сўнг ул пешадин чикиб бир неча туркманлар бирлан мувофақат қилиб Марвнинг ичига кирдилар. Андин сўнг хар ерда қачқон ва бусқан туркман ва тожик ва султоннинг навкарлариндин бўлғай Бука туркманнинг қатига йигилиб хизмат камарин белларига боғладилар. Буқанинг лашкари хадду ниҳоятдин ташқари бўлди. Вақтики Султон жазираи Абсқунда дорул фанодин дорул бақоға рихлат қилғандин сўнг, Марвнинг аввалқи ҳокими Маждул Мулк бир хачирни миниб Ирокдин Марвға келиб тушди. Буқа туркман ҳокимлик завқиндин Маждул Мулкни Марвға киргизмади. Бир неча кундин сўнг Маждул Мулк хар хийла бирлан ўзини Марвнинг ичига солди. Марвнинг Буқа бошлиқ жамий халқи Маждул Мулкка тобий бўлуб ҳоким кўтардилар. Ул вақтда Сарахс халқи мўғулға тобий бўлуб эрди. Мўғуллар Сарахсинг шайхул ислomini Сарахсда ҳоким қилиб эрди. Марвнинг шайхул ислomi Маждул Мулкдин бир неча шикоятлар қилиб, Сарахсинг Шайхул ислomiға юборди. Маждул Мулкнинг раҳдорлари шайхул ислomнинг кишисини тутуб хатни олиб Маждул Мулкка юбордилар. Маждул Мулк бу хатни кўргач, шайхул ислomни ўлтуруб оёқиндин судратиб чорсўға ташлатди. Ул ҳолда Марвнинг сўнки ҳокими Баҳоил Мулкки Ёриз қалъасидан кабалди теб зикр топиб эрди. Ёриздан чикиб Мозандарон бориб мўғул умароларига Марвнинг воқеоти арз қилди ким, менга лашкар қўшунг. Мен бориб Марвнинг халқини сизга тобий қилиб, хар йилда эв бошиндин бир тўнлик бўз раиятчилик олиб берайин теди эрса, мўғулнинг умаролари анинг сўзини қабул қилиб, анга етти минг киши қўшуб Марв тарафига юбордилар. Баҳоил Мулк етти минг мўғул бирлан отланиб Шахристон теган ерга келди. Анда эшитди ким Маждул Мулк Марвда саксон минг киши бирлан ҳоким бўлуб ўлтуруб турур теб. Баҳоил Мулк бир мўғул бирлан бир кўлундин Маждул Мулкка хат юборди-да, айти ким, мўғул лашкари бирлан урушиб бўлмас. Яхшиси ул турур ким, мен етти минг мўғул бирлан бора турарман, албатта бизга тобий бўлинг теб. Алар Марвға келиб хатни келтуруб Маждул Мулкка бердилар. Маждул Мулк бу хатнинг мазмуниға мутталиъ бўлғандин сўнг, ул икки кишини ўлтурди. Таки хар йўлда қоравуллар қўйди. Баҳоил Мулк бирлан келатурған етти минг мўғул бу хабарни эшитгач, Баҳоил Мулкни ўлтуруб, ўзлари қайтиб кетдилар. Мўғулларнинг хабари Таскин топғандин сўнг Маждул Мулк /71 а/ Марвнинг яхши халқлари бирлан шароб ичмакка ва ишрат қилмоқға машғул бўлди. Ул вақтда Омўя ҳокими Ихтиёруддин туркман бир неча туркманлар бирлан Марвға келиб Маждул Мулкка айтди ким мўғул лашкари Марвни қабаб олмоқ учун кела эрмишлар. Ул лашкарнинг бир пораси Омўяға келди. Керак ким дам-бадам Марвға ҳам келгайлар. Маждул Мулк ажаб паришон бўлди. Буюрди ким халқ қабал асбобиға машғул бўлғайлар. Ихтиёруддин

Марвдин қайтиб яна бир неча кўп туркман бирлан мувофакат қилиб мўғул лашкари бирлан Марвнинг орасинда бир улуг сувнинг бўйнида тушди. Мўғул лашкариндин саккиз юз киши келиб турманларнинг маҳалласига чапавул солдилар. Аксари маҳаллани торож қилиб халқни ўлтуруб баъзиларни асир қилдилар, ул вақтда Тўлихон Насай, Обивард ва Сарахсни ва Хуросоннинг яна бир неча вилоятларини олиб муҳаррам ойининг бошинда тарих олти юз тақи ўн саккизда ҳадсиз, ниҳоятсиз лашкар бирлан келиб Марвни қабаб тушдилар. Марвнинг ичинда лашкар чиқиб уруш солди. Тақи бир соатда мўғулдин минг кишини ўлтурдилар йигирми бир кун урушдилар. Ахирул амр Тўлихон аччиқланиб отдин тушуб пиёда бўлуб, қалқанин бошига тортиб Марвнинг дарвозасига югурди. Тамом мўғул хоннинг ортиндин югурдилар. Ул ҳолда Марвдин чиқиб урушуб /71 б/ юруган саксон минг киши эрди. Барчаси қочиб қалъага кирдилар, Мўғуллар қалъани юз саф, икки юз саф қабадилар. Маждул Мулк кўрди ким, бу лашкарга муқовимат қилиб бўлмас теб. Андин сўнг кўп пешкашлар бирлан қалъадин чиқиб бориб кўрди. Хон Маждул Мулкдин шаҳарнинг молини ва хазинани талаб қилди. Тақи икки юз мўғулни анга муҳассил қилди. Андин шаҳрнинг халқини саҳрога чиқаринг теб ёрлик қилди. Тўрт кунда халқни шаҳрдин саҳрога чиқариб бўлдилар. Хунарлик кишидин тўрт юз кишини олиб қолдилар. Андин ўзга эру хотун ва ўғлон-ушук барчасини лашкарга қисмат қилдилар. Хар мўғулга тўрт юз киши тегди. Хар киши ўзина теккан ҳиссасини ўлтурдилар. Саййид Изиддин теган бир неча девонлар бирлан Марвнинг ичиндин чиқариб ўлтурган кишиларни хатга олдилар. Саҳрода ўлгандин бошқа шаҳр атрофинда ўлганларни ўн уч кунда хатга олиб бўлдилар. Минг мартаба минг тақи уч юз минг киши эрди. Алқисса мўғуллар хон ҳукми бирлан Марвнинг қалъасини ва иморатларини андағ вайрон қилдилар ким, ҳеч нишона қолмади. Марвнинг ақобирлариндин амир Зиёиддин теган бор эрди. Ани Марвда ҳоким қилди. Қочиб бусиб қолган халқ бирлан /72 а/ экин экиб ўлтурунг теб Бормас теганни аларга доруға қилди. Тақи ўзи Марвдин отланиб Нишопур тарафига равон бўлди. Андин сўнг уч мартаба Марвда халқ йиғилди. Тақи киргин тобди. Хар киргинда эллик минг, олтмиш минг киши ўлди.

ТЎЛИХОННИНГ НИШОПУР БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Марвни олгандин сўнг Тўлихон отланиб Нишопур келди. Нишопур халқи қозиларини хонга юбориб омон тиладилар. Хон омон бермади. Тақи улуг уруш қилиб Нишопурни олди. Тақи халқини қатли ом қилди. Хотун ва ёш ўғлондин бошқа минг-минг етти юз қирқ минг кишини ўлтурдилар.

ТҮЛИХОННИНГ ҲИРОТ БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Тўлихон Нишопурни хароб қилгандин сўнг, Ҳирот устига юрди. Ҳиротга яқин еткандин сўнг Занбур отлиг навкарини элчи қилиб, Ҳиротнинг акобир ва ашрофлариға айтиб юборди ким, бизга эл бўлинг, то ўзингиз ўлуб ўғлон ушоқларингиз ўлжа ва асир бўлмагай. Ул вақтда Султон Жалолоддин Малик Шамсиддин Муҳаммад теганни Ҳиротда ҳоким қилиб, юз минг киши анга таъйин қилиб кетиб эрди. Малик Шамсиддин Муҳаммад Тўлихоннинг элчисини ўлтурди. Таки қалъадорлик ва уруш асбобини тайёр қилмоқға машғул бўлди. Тўлихон элчини ўлтурганин эшитиб қазаб бирлан отланиб келиб Ҳиротни қабади. Етти кун уруш бўлди. Андаг уруш бўлди ким қонлар сув ўрниға окди. Тўлихоннинг /72 б/ минг таки етти юз улуг беги ўлди. Саккизланчи куни мўғуллар ҳужум қилиб келди. Малик Шамсиддин Муҳаммаднинг лашкари ҳам ҳужум қилиб, қалъадин чиқиб улуг уруш қилдилар. Ул урушда Малик Шамсиддин Муҳаммадга ўк тегиб шахид бўлди. Тўлихон икки юз киши бирлан Ҳиротнинг дарвозасиға чолиб келди. Таки бошиндин тўлғасини олиб қалъадаги халққа қичқириб айтди: «Ҳирот халқи билинг ва яна огоҳ бўлинг, мен Чингизхон ўғли Тўлихон турурман. Агар ўзингиз ўлмай ўғлон ушоқингиз асир бўлмай, фароғат бўлайин тесангиз қалъадан чиқиб мени кўрунг ва манга эл бўлуб хар йилда Султон Жалолоддинга бературган молнинг ярмини Чингизхонга беринг теб. Бу сўзни эшиткандин Ҳирот халқи икки фарик бўлдилар. Султон Жалолоддин халқи эл бўлмасмиз ва қалъани анга бермасмиз тедилар. Аммо шахр халқи дарвозаларни очиб ўзлари бориб Тўлихонни кўрдилар. Хон ҳам шахрга кириб Султон Жалолоддиннинг ўн икки минг кишисини ўлтурди. Таки шахр халқининг гуноҳини бағишлаб Малик Абу Бакр теганни ҳоким қилиб ўз мулозимларидин Мингтой теган мўғулни доруға қилиб ўзи отаси тарафига мутаважжих бўлди-да, Толқонда отасиға қўшулди. Тўлихон кеткандин сўнг Малик Абу Бакр бирлан Мингтой дод ва адл қилиб ўлтурдилар. Ул вақтда Ғазнин бирлан Бомённинг орасинда /73 а/ Султон Жалолоддин бирлан Чингизхоннинг нўёнларининг орасинда улуг уруш бўлди. Таки нўёнлар ёмон бостуруб мўғуллардин кўп киши ўлуб эрди. Ул уруш тамом Ироқ ва Ироқайн ва Хуросон ва Мовароуннаҳрда шойиъ бўлди. Халқ андаг хаёл қилдилар ким Чингизхон Султон Жалолоддин бирлан ҳеч рўбарў бўла билмагай. Ул ваҳхдин Ҳирот халқи Малик Абу Бакр бирлан Мингтой доруғани ўлтуруб Чингизхон бирлан ёв бўлдилар. Малик Муборизиддин теганини ҳоким қилдилар. Бу хабарни хони кишваристон эшитгач, Тўлихонга эътироз қилди. Айтди ким, агар сен ул халқни ўлтурсанг эрди, мундаг фитналар бўлмас эрди теб, аччиғи келиб Илчиктой нўёни саксон минг киши бирлан Ҳирот устига юборди. Таки Ҳиротни олиб бир кишини тирик қўйманг теди. Илчиктой нўён отланиб келиб Ҳиротни қабади. Ҳирот халқи олти кунгача қаттиг урушлар қилдилар. Мусулмон ва кофирдин сонсиз киши ўлди. Ахирул амр қалъанинг тўрт тарафининг хар тарафиндин йигирми минг киши

қалъага югуриб қалъани олдилар. Таки катлиом қилдилар. Минг-минг олти юз минг кишини даражаи шаҳодатга еткурдилар. Хиротнинг қалъасини ер бирлан яксон қилдилар. Хиротда ўн беш киши тирик қолди. Андин ўзга бир киши қолмади.

ЧИНГИЗХОН ИНИ ВА ЎҒЛОНЛАРИ БИРЛАН МЎҒИЛИС— ТОНҒА /73 б/ ҚАЙТМОҚНИ КЕНГАШ ҚИЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон Эрон юртини тамом олиб, душманларнинг баъзиси ўлуб, ва баъзиси қочқандин сўнг, хоннинг қаҳри ва ғазаби андак паст бўлди. Бу ҳолда Хитой тарафидин хабар келди ким, хитой халқи ёв бўлуб, Чингизхондин юз уюрди. Хон бу хабарни эшитгач, ўғлонлари умароларини чакириб кенгаш қилди. Таки Чигатойхонни Кеч ва Макран тарафига юборди, то Султон Жалолиддинни топиб қўлга қайитгай ва Угадойни Ғазнин тарафига юборди ким, Султон Маҳмуд Сабуктегиннинг юртини масаххар қилгай. Чингизхоннинг ўзи Турон юртига қайтмоқ бўлди. Угадой коон отасининг ҳукми бирлан Ғазнин бориб авлоди Сабуктегиннинг юртини мусаххар қилиб, Туронга қайтди. Чигатойхон таки Макран бориб, ул юртларни хароб қилиб, халқни ўлжа ва асир қилиб Султон Жалолиддиндан ҳеч хабар топмай Бухоро, Тошканд ва Самарқанд тарафига қайтди.

ЧИНГИЗХОННИНГ ЎЗ ЮРТИГА ҚАЙТҚАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон баҳор вақтинда ўз юрти тарафига қайтди. Йўлда вилоятлар ва касабчаларга ҳоким ва доруғалар таъйин қила-қила келиб, Аму сувиндин ўтуб, Бухорога келди ва атрофга юборган шаҳзодалар ва нўёнлар тамом келиб қўшулдилар. Хони кишваристон Бухоро халқиға киши юбориб айтди ким, менга бир донишманд мулла киши юборинглар. Андин бир неча сўзлар сўрай турурман /74 а/ теб. Бухоро халқи кози Ашраф теган бирлан яна бир воизни юбордилар. Чингизхон алардин сўрди ким, сизлар нечук мусулмонсизлар теб. Алар айтдилар ким, мусулмонлар худойнинг бандаси турурлар. Худой бир турур, бемисл ва бемонанд турур. Чингизхон айтди, ман ҳам тангримни бир билурман. Таки айтдилар, пайғамбар тангрининг элчиси турур. Тангри таоло ўзининг амрини ва нақийини бандаларига айтмоқ учун юбориб турур. Чингизхон бу сўзга ҳам қойил бўлди. Андин сўнг ҳар кунда беш вақт намоз ўқуб тангриға бандалик қилурмиз тедилар. Ани ҳам яхши кўрди. Андин сўнг ўн бир ой ошни ҳар вақт хоҳласак ермиз. Аммо бир ой кундуз ош емасмиз, аммо кеча ермиз тедилар. Муни ҳам хуш кўрди. Андин сўнг, худойнинг Макка отлиғ эви бўлур. Агар қувватимиз етса, анга борурмиз тедилар. Чингизхон анга қойил бўлмади. Айтди ким, тамоми олам худойнинг юрти турур. Бир ерни тахсис қилиб бормоқ не турур теда. Андин сўнг

аларға рухсат берди. Бухоронинг аҳоли ва маволиси хондин тархон ёрлики тиладилар. Хон ҳам иноят юзиндин ул халқға тархон ёрлики берди. Бухородин кўчуб Самарканд борди. Тақи Дашти Қипчоқға Жўчихонға элчи юборди-да, айтди ким, фарзанди азиз тамоми лашкаринг бирлан отлангил. Тақи Даштнинг жонуварларини бизнинг тарафимизга қовуб келтургил, то шикор /74 б/ қилгаймиз. Аввалида айтиб эрдуким, шаҳзодалар Хоразм устига борганда, Чингизхон айтиб юбориб эрди, Жўчи бирлан Чигатой Угадойни ўзларига муқаддам билиб, анинг ҳукмидин чикмасулар теб. Ул сабабдин Жўчихон Хоразмни олгандин сўнг хоннинг бу сўзига номус қилиб, Дашти Қипчоқ бориб, даштнинг тамом элини ўзига мусаххар қилиб, овлаб ва қушлаб юруб эрди ким, отасининг элчиси келиб отасининг айтган сўзларин айтгандин сўнг, Жўчихон тамом лашкари бирлан отланиб даштнинг тамом жонуворларин олдиға солиб келиб, отасиға кўшулди. Тақи кўп пешкашлар тортди, отдин юз минг от пешкаш қилди. Анинг йигирми мингги бўз, йигирми мингги кўк, йигирми мингги тўруқ ва йигирми мингги қора ва йигирми мингги чипор эрди. Чингизхон ҳам Жўчихонға иноят ва илтифотлар қилди. Жўчихон иниларига яхши ширин забонликлар қилди. Андин сўнг Чингизхон Шаҳзодалар бирлан яхши шикорлар қилиб, Жўчихонға юрт маслаҳатидин кўп насиҳатлар қилиб ёвға ва элга нечук қилурининг кенгашин айтиб, дашт сари узатди. Тарихи Рашидийда андағ айтиб турур ким, Урганчга инилари бирлан борганда Чингизхон Угадойнинг тилиндин чикмасун тегани учун Жўчихоннинг кўнгли оғриб эрди /75 а/ Ул сабабдин Урганчни олгандин сўнг Қипчоқ ва Рус ва Черкас ва Булгар, ва Мажар ва Бшқирд, бу юргларни олмоқға машғул эрди. Чингизхон ўз юртиға қайтганда Жўчихонға неча мартаба киши юборди келсун теб. Ул вақтда Жўчихон хаста бўлиб эрди. Узр айтиб юборди. Чингизхон узрина инонмай каттиғ оғриди. Жўчихон бир кун кўчуб бора эрди, бир овли ерга тушди. Ўзи хаста, бекларина буюрди ким овланг! Овлар овлаб юрий эрдилар ким, бир мангит ўтуб Чингизхон қотиға бора эрди. Буларни кўруб Жўчихонни бирга хаёл қилиб кетди. Тақи бир неча кундин сўнг Чингизхон қатиға борди. Чингизхон Жўчининг хасталикин сўради. Ул манкит айтди ким, хаста ва соғ эркинин билмадим. Фалон ерда ов овлаб юрий эрди. Хон бу сўзни эшитгач, аччиқланиб Жўчихоннинг устига отланур бўлди. Ул маҳалда хабар келди ким, Жўчихон вафот топди деб. Хон билдики манкитнинг сўзи ғалат турур. Манкитни хар чанд изладилар, топмадилар. Хон ўғлининг ўлганиға бир неча таъзия тутуб, андин сўнг ўз юртиға келиб ўғлон-ушокин кўриб хушхол бўлди. Ул вақтда хабар келди, Танқут ҳокими Шийдурку ёв бўлди теб. Хон улуг чирик бирлан отланиб Шийдуркунинг устига борди. Шийдурку ҳам лашкари бенихоят /75 б/ бирлан келиб хонга рў-барўй бўлди. Улуг уруш бўлди, ахирул амр Шийдурку қочти. Тақи бир мазбут қалъада қабалди. Чингизхон вилоятини талаб, хароб қилиб нусрат бирлан қайтиб ўрдусиға тушди. Ул вақтда Шийдуркунинг элчиси келди. Айтиб юбориб турур ким агар гуноҳимдин ўтсалар, мен бориб кўрар эрдим, вале бу шарт бирлан мени ўзларига фарзанд

қилғайлар-да, онт ва шарт қилғайлар. Чингизхон бу сўзларнинг тамомини қабул қилиб, кўп иноятлар этиб, элчини қайтариб юборди. Элчи хон эшикидин отланиб кетгач, хонга бир хасталик ориз бўлуб йикилди.

ЧИНГИЗХОННИНГ ХАСТА БЎЛУБ ЎҒЛОНЛАРИГА НАСИХАТ ҚИЛИБ ДУНЁДАН ЎТКАНИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон Хитой устига юруганда, бир воқеа кўруб, андин ажойиб кўруб эрди. Ўзининг яқинда ўларин жазм билиб эрди. Ногоҳ хон хаста бўлди. Ўзининг ҳолидин хабардор бўлуб, ўғлонларини ва умароларини олдиға келтуруб, Жўчихон ул вақтда ўлуб эрди, анинг ҳам ўғлонларини келтуртди. Тақи насихатлар килди ва ўғлонлариға айтди ким, зинҳор бир-бирингиздин дунё маслаҳати учун озурда хотир бўлманг. Агар ҳар қайсингизнинг кўнглинда бир зарра нифок бўлса, албатта ани кўнглингиздан кетаринг! То душманнинг макридин амон бўлғайсиз. Тақи Ўгадойни менинг ўрнимға подшоҳ /76 а/ қилиб барчангиз анга тобиъ бўлуб, анинг чор ва булчориға ҳозир бўлинг теди. Ўғлонлари ва умаролари бирлан Ўгадой қооннинг орасинда ҳам аҳднома ёздирди-да, айтди ким, мен ўлсам, кишиға билдурманг. То Шийдурку халки бирлан келгунча. Шийдурку келгач, халқи бирлан ўлтурунглар. Андин сўнг менинг ўлганимни зоҳир қилинг теди ва руҳининг куши танининг қафасидин учуб кетди. Шаҳзодалар отасининг васиятиға амал қилиб, хоннинг ўлганини кишиға билдурмадилар. Бир неча вақтдин сўнг Шийдурку лашкари бирлан келди. Шаҳзодалар Шийдуркуни лашкари бирлан тутуб ўлтурдилар. Тақи Чингизхоннинг ўлганини зоҳир қилдилар-да, жазаъ ва фазаъ кўп килдилар. Чингизхон бир кун шикор қилиб юруганда бир улуғ дарахтнинг остиға келди. Тақи айтди ким, агар мен ўлсам мени бу дарахтнинг тубинда кўюнглар. Хон ўлгандин сўнг, хонни ўликини бир сандуқға солиб, сандуқни шул дарахтнинг остинд кўйдилар. Ул ерни Бурхон қолдуи дерлар. Хонни кўйгандин сўнг у ерда кўп дарахтлар пайдо бўлди. Андаг кўп бўлди ким, ўқ урс ўтмас эрди. Ул ер тамоми подшоҳлар ва умароларнинг мақбарас бўлди. Чингизхон тарих олти юз йигирми тўртда, тўнқуз йилинда дунёдин нақл қилди ва тақи тўнқуз йили дунёға келди ва тўнқуз йили хон бўлуб тахти салтанатда ўлтурди /76 б/ Хоннинг муддаъ умри етмиш уч йил эрди ва йигирми беш йил подшоҳлик қилди. Уч ой ўткунча атроф ва жавонибдин халқ келиб шаҳзодаларға таъзия еткурдилар Азадан фориг бўлгандин сўнг, ҳар ким кўшли кўшиға кетдилар. Аммо салтанат маслаҳатидан ҳеч сўзлашмадилар.


ЧИНГИЗХОННИНГ БАЪЗИ МАСАЛЛАРИ ВА БИЛИКЛАРИ ВА РАСМ ВА ҚОИДАЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон ўн минг кишини бир кишиға топшурди. Тақи анга туман ақаси от кўйди ва минг кишини бир кишиға топшуруб ҳазора от кўйди. Юз кишини бир кишиға топшуруб сад от кўйди.

Ун кишини бир кишига топшуруб дахча от қўйди. Таки ёрлик қилди ким, ҳеч кишининг ҳазора, сад ва дахчаси яна бир овнинг ҳазора, сад ва дахчасина қўшулмасун.

Агар ҳар иши бўлса, халқ ани умарои туманга, умарои туман, умарои ҳазорага, умарои садга, умарои сад умарои дахчага ҳавола қилсун теди. Таки ҳукм қилди ким, эру хотин бийғиз то игнагача сақласунлар ва таки ҳар турлук салоҳ ким уруш кунинда даркор бўлур, бир камсиз сақласунлар. Ҳар ким хилоф ҳукм қилса ғазоби подшоҳона бирлан адаб берур эрди. Таки ҳар ўғули ким отасининг ва ҳар ини ким ақасининг сўзин ва насиҳатин қабул қилмас эрди ва ҳар хотунким эрининг иттифоқи бирлан бўлмас эрди, ҳар куёви қайнини оғритур эрди ҳар ўғрики ўғрилиқдин ўзга иш қилмас эрди, ҳар ёмонликни ўзига пеша қилиб эрди. Бу айтилганнинг барчаси Чингизхоннинг замонинда мундаг ишларга ҳаргиз кадам қўймади. Таки ул ким ҳар ким оқил ва баҳодир эрди, ани лашкарга бош қилди. Ҳар кимки чусту чолок эрди ани йилкига юборди. Ҳар кимки беақл ва суст эрди, ани чўпон қилди. Анинг учун иши кун кундин яхши бўлуб, давлати зиёда бўлди. Таки айтур эрдиким, туман ақаси, ҳазора, сад, ва дахча ҳар йилнинг аввалинда ва охиринда мени кўруб ва биликимни эшитса, ул киши улуғ лашкарга бош бўлабилур. Ҳар қачон мундаг қилмаслар, алар халқга бош бўлмоқга ярамас турурлар. Андаг киши бир тошга ўхшарким, ани бир сувнинг ўртасига ташлагайлар. Ул ботиб кетиб, ҳеч кўрунмагай Таки айтур эрди ким, ҳар киши ўн кишини тартиб бирлан ясаса, улуғ лашкарни ҳам ясар ва таки ҳар ким ёмонликдин ўзининг ичини пок қилса, мулкдин ўғрини ҳам пок қилур. Таки ҳар киши улуғлар қатиға борса, андин сўз сўрамай сўзламасун. Агар сўз сўрмай сўзласа, анинг сўзини эшитсалар не хўб, агар эшитмасалар совук темирга чўкуч ургантек бўлур. Чингизхоннинг 77 б/ мундаг сўздин сўзлари кўп эрди. Анинг барчасини ёзар бўлсақ бир улуғ китоб бўлур. Бу сабабдин қусур қилдук.





ТЎРТИНЧИ БОБ

ЧИНГИЗХОННИНГ УЧУНЧИ ЎҒЛИ ЎҒАДОЙ ҚООННИНГ ВА ЧИНГИЗХОННИНГ НАСЛИНДИН ҲАРКИМ МЎҒУЛИСТОН— ДА ПОДШОҲЛИК ҚИЛСА АНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон вафот топгандин икки йилдан сўнг Дашти қипчоқдин Жўчихоннинг ўғлонлари ва Чигатой ва Тулихон ўғлонлари бирлан ва машрик тарафиндин Билгадой нўён ва Илчидой нўён ва барча беклари йиғилиб келиб Чингизхоннинг битиб берган ахдномасин чиқариб, хоннинг айтган васиятларин айтиб, Ўгадой хонлиқ сенга муқаррар турур тедилар. Ўгадой айтди, мендин улуглар бор, амакимни ва ё ақам Чигатойни ва ё иним Тўлини хон кўтаринг теб. Қирк кунгача мунозара бўлди. Қирк кундин сўнг барчалари биз Чингизхоннинг сўзини ўзга қила билмасмиз теб, Чигатойхон ўнг қўлини, Тўлихон сўл қўлини олиб, Ўгадой Қоонни тахт устунга ўлтуртдилар. Мўғул расми бирлан аёллар туруб, улуг тўй қилиб муборак бод қилдилар. Тарих олти юз йигирми еттида эрди, Чингизхондин сўнг баъзи ерларда фитналар пайдо бўлуб эрди, барчасин дафъ қилиб, Султон Жалолиддин дафъи учун Чурмағун бекни ва Айтмасни уч туман киши бирлан Эронга /78 а/ юборди. Султон ул маҳалда хинддин келиб, Қирмон ва Шероз ва Озарбайжон ва Табризни олиб ва ўзга шаҳарларни мусаххар қилиб, ёнига кўп киши йиғиб, ўзига куч ва қувват пайдо қилиб эрди. Чурмағунбек бир пора киши бирлан Айтмасни илгари юбориб эрди. Султон Жалолиддин аларнинг кела турганларин билиб, қочиб Диёрбакр ва Курдистон кетди. Курдлар от ва тўнига бўлуб ўлтурдилар. Баъзилар айтиб турурлар ким қаландар бўлуб кетди. Воллоху аълам, хоразмшоҳийлардин оламда киши қолмади.

ЎҒАДОЙ ҚООННИНГ ХИТОЙ БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Тарих олти юз тақи йигирми еттида, рабиъ ал-аввал ойинда Ўгадой Қоон ва Чигатойхон, Тўлихон сонсиз чирик бирлан Хитой тарифига юрди. Қорамуран теган сувнинг лабинда бир шаҳр бор эрди. Ул шаҳрга келди. Анинг халқи қирк кун қабилиб, кўп уруштилар. Ахирул амр шаҳрнинг халқи ажаб танг бўлуб, омон



тилаб, шахрни аларга топшурдилар. Хитой сипоҳиндин ўн икки минг киши кема бирлан қочиб кетди. Андин ўзга кўп халқни қатлиом қилиб ўғлон ва ушоқини банда қилиб, Хитойнинг яна бир шахрина мутиважжих бўлдилар. Ўгадой Қоон Тўлихонни ўн минг киши бирлан илгари юборди. Таки анинг ортиндин оҳишта-оҳишта юриди. Ул вақтда Хитой подшоҳи Олтанхон бу хабарни эшитиб, умаролариндин бир-иковни юз минг киши бирлан /78 б/ қарши юборди. Бу юз минг киши Тўлихонга йўлуқуб, Тўлихоннинг лашкарини оз кўруб, айлана ёқни қабадилар. Ул ҳолда Тўлихон хабардор бўлди ким иш мушкул бўлуб турур. Фикр қилди. Таки ядачиларга ҳукм қилди. Яда қилинлар теб. Ядачилар уч кеча кундуз яда қилдилар. Ёзнинг иссиғ кунинда қор бирлан ёғмур ёға бошлади. Андағ совуқ бўлди ким кўп киши қўлини қўйнидин чиқара билмади. Тўлихон кўрди ким Хитой лашқари совуқдан ожиз бўлуб турур. Чирикига ҳукм қилди ким Хитой лашқарига атрофдин от солинлар теб, Мўғуллар атрофдин от солдилар. Таки Хитой лашкарини бостилар. Бу юз минг кишидин беш минг киши қочиб қуртулди. Ўзгалари ҳамма қатлиом бўлди. Бу хабарни Олтанхон эшитгач, андағ айтиб турурким бир улуг ўт ёндурди. Таки ўғлон ушоқи бирлан ўтга ёниб ўлди. Алқисса Тўлихон Хитой хонининг ўлганини ва хитойни мусаххар қилганини қоонга арза дошт қилиб юборди. Қоон ҳам Хитойга келиб жамиъ вилоятларини мусаххар қилиб, Маҳмуд Ялавақни анда доруға қилиб қайтди. Ул вақтда Тўлихон хаста бўлди. Таки ўлди. Отасиндин сўнг ўн тўрт йил подшоҳлик қилиб отасининг ортиндин кетди.

ЎГАДОЙ ҚООННИНГ ШАҲЗОДАЛАРНИ РУС ВА ЧЕРКАС ВА БУЛҒАР ТУРО/79 а/ ВА БАШҚИРД ВА ЎЗГА ВИЛОЯТЛАРНИ ФАТҲ ҚИЛМОҚҒА ЮБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ўгадой Қоон Хитойни мусаххар қилиб қайтгандин сўнг тарих олти юз ўттуз учда, бичин йилинда Жўчихоннинг ўғли Боту ва ўзининг ўғли Куюк ва Тўлихоннинг ўғли Мангуча Чигатойхоннинг ўғлонбарини Рус, Черкас, Булғар, Турон ва Башқирд ва таки ўзга вилоятларни фатҳ қилмоқ учун юборди. Таки ўзи Қора Қурумда Хитойдин келтурган устодлар ва наққошларни олдиға келтуруб яхши эвлар ва кўшқлар ясатди. Барча шаҳзодалар ва беклар ул кўшқнинг атрофинда ўзлари учун эвлар бино қилдилар. Андин сўнг заргарларга олтуиндин ва кўмушдин фил суврати ва шер суврати ясатиб, ҳар қайсининг олдинда кўмушдин хавзлар ясатди. Фил бирлан шернинг оғзиндин хавзларнинг ичига шароб тўқулур эрди ва таки ёғоч бирлан кесакдин тўрт девор солдурди ким, ҳар қайсининг узунлиқи икки кундук ер эрди. Анга дарвозалар қурдуруб эрди. Ҳар вақт шикорға завқ қилса навқарлари отланиб ўн кундук ердин жонуворларни қовуб келтуруб шул деворнинг ичига солур эрдилар. Ўгадой Қоон ани шикор қилур эрди. Таки ул ким шаҳзодалар етти йилдан сўнг борган вилоятларни олиб қайтиб келдилар. Яна Ҳирот вайрон /79 б/ бўлуб эрди. Қооннинг ҳукми бирлан янгидан обод қилдилар ва бурунқидин ҳам яхшироқ бўлди.

ЎГАДОЙ ҚООННИНГ ЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Подшоҳи Гити стон Ўгадой Қоон Хитойни фатҳ қилиб ва шаҳзодалар ҳам ўзга вилоятларни фатҳ қилиб, келгандин сўнг, қоон атроф ва жавонибга киши юбориб, айтди ким, тамоми қариндош ва уруқум келсунлар ва менинг инъомимни олиб, бир неча кун менинг бирлан айш ва ишратга машғул бўлсунлар теб. Ул шикта ҳар тарафдин халқ гуруҳ-гуруҳ бўлуб келдилар. Таки Ўгадой қоон ўрдусинда андағ жамият бўлди ким, оламда харгиз мушдағ бўлмай эрди. Қоон бу халқ бирлан кўп айшлар қилиб, инъомлар берди. Бир неча кундин сўнг халққа рухсат берди. Хар ким ўз манзилига кетдилар. Бу халқ кеткандин сўнг, қоонга баякбор хасталиқ ориз бўлди. Таки дорул фанодин дорулбақоға кетди. Муддат подшоҳлики ўн уч йил эрди. Етти юз ўттуз тўккуз эрди.

ПОДШОҲИ ЭРОН ВА ТУРОН ЎГАДОЙ ҚООННИНГ БАЪЗИ ҚИЛИҚЛАРИ ВА АФЪОЛЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Бир киши бор эрди. Муҳаммад пайгамбарнинг динига мункир эрди. Бир кун Қоонга келиб айтди ким, бу кеча бир туш кўрдум. Чингизхон менга айтди ким, бориб Ўгадойга айтғил, мусулмонларни ўлтурсун. Қоон айтди, бу сўзни сенга Чингизхон ўзи айтдиму ва ё тиламоч айтдиму? Ул киши айтди, Хоннинг ўзи айтди. Андин /80 а/ сўнг Қоон сўрди ким, сен мўғул тили билурмусан теб. Ул киши билман теди, Қоон айтди, бу кишини ўлтурунг теди. Анинг учун ким сўзни ёлгон айта турур. Чингизхон мўғул тилиндин ўзга тил билмас теди. Таки Ўгадой Қоон ёрлик қилиб эрди ким, ҳеч киши қўйни бўғизлаб ўлтурмасун, синасиндин ёриб ўлтурсун теб. Бир мусулмон бозордан бир қўй олиб келтуруб эшикни илиб бўғизлади. Ул вақта бир мўғул бу мусулмонни анг деб том устиндин эвига тушуб мусулмоннинг илкени ва бўйинини боғлаб Қоонга олиб келди. Қоон яхши тафаҳхус қилди. Таки мўғулни ўлтурунг теб ҳукм қилди-да, айтдиким, бу мусулмон ҳукм тутуб эшикни беркитиб турур. Аммо сен ёрлик тутмай бировнинг эвига берухсат кирибсан. Таки бир муфлис темурчи бор эрди. Бир кун тўрт беш паз ясаб, пазларни қўлига олиб, қооннинг ўтатурган йўлинда турди. Қоон отланиб ўтуб бора эрди, ким, ногоҳ бу темурчига кўзи тушди. Бир ясавулга айтди ким, бориб ул кишининг аҳволин сўрғил теб. Ясавул келиб анинг аҳволини сўруб пешкаш келтурган пазларни олиб Қоон ёнига борди. Қоон ул темурчининг хар пази учун бир ашрафи берди. Таки ул ким бир қари киши бор эрди. Анинг фарзанди ва қариндоши йўқ эрди. Бир кун қооннинг даргоҳига келиб арз қилди ким, кўлумда дастмоям бўлса савдогарчи /80 б/ лик қилур эрдим теб. Қоон икки юз ёстук олтун беринг, савдогарчилик қилсун теб ҳукм қилди. Халқ айтди, бу қари киши бўлғай, ўлум холинда турур. Мунга мунча олтунни бермак даркор эрмас ва таки мунинг фарзанди ва қариндоши йўқ тедилар. Анда

Қоон айтди ким, бу киши бир умид бирлан келиб турур. Муни махрум қўймоқ бизга лойиқ эрмас теди. Тақи айтди, ўлмасиндин бурун олтуни қўлига тез беринг баякбор ўлмасин теди. Хазиначилар шул соати қариға келтуруб икки юз ёстук олтуни санаб бериб, бўлғач, ул қари ўлди. Тақи ул ким бир муфлис киши келиб, Қоонга арз қилди ким, даст моям йўқ теб. Қоон ул кишига беш юз ёстук олтун берди, дастмоя қил теб. Ул киши бу беш юз ёстук олтуни олиб кетиб харж қилди. Тақи яна дастмоям йўқ теб келди. Қоон яна беш юз ёстук олтун берди. Аз вақт ўткандин сўнг яна дастмоям йўқ теб келди эрса, халқ айтдилар, подшоҳим бу кишига не чоқли олтун берсангиз харж қила турур, бермаган яхши. Қоон сўрди ким, нечук харж қила турур. Айтдилар ким олтуни вилоятнинг халқига сотиб пулини емак-ичмак ва киймакка харж қила турур. Қоон айтди, андаг бўлса яна менинг хазинамага келур теди. Тақи ул кишига яна беш юз ёстук олтун берди. Тақи эмди кўп исроф қилмағил теди. Ўгадой Қооннинг мундаг қилиқларини /81 а/ ёзсак бир китобга сиғмас. Ул сабабдин мухтасар қилдук.

ЎГАДОЙ ҚООННИНГ ХОТУНЛАРИНИНГ ВА ЎҒЛОНЛАРИ— НИНГ ЗИКРИ

Ўгадой Қооннинг тўрт мўътабар хотуни ва олтмиш Қумаси бор эрди. Улуғ хотунининг оти Бурақчин, иккинчи хотуни Туракина Маркит халқиндин эрди. Баъзилар айтиб турурлар ким Туракина Ўйратнинг улуғи Тайирсуннинг хотуни эрди. Тайирсунни ўлтурсанда ўлжа қилиб, Ўгадой олиб эрди. Туракина кўрклук эрмас эрди. Аммо Ўгадойга эрклик эрди. Учунчи хотуни Мунга, тўртунчи хотуни Чачин эрди. Қооннинг етти ўғли бор эрди. Беш мўътабар ўғли Туракана хотундин бўлуб эрди. Икки ўғли Қумадин бўлуб эрди. Қооннинг улуғ ўғлининг оти Куюк, анинг юрти Қумақ теган ерда эрди. Баъзилар Манграқ ва Имал теб турурлар. Аммо Ўгадойнинг вали ал-аҳди Ширамун теган набираси эрди. Вале Туракина хотуннинг ўғлонлари отасининг фармониға мухолафат қилиб Куюкхонни Қоон қилиб отасининг маснадида ўлтуртдилар. Бовужуд ул марази мазмана бирлан гирифтोर эрди. Анинг уч ўғли бор эрди. Бу тафсил бирлан аввалғининг оти хожа Ўғул, онасининг оти Қумаш, иккинчи ўғлининг оти Бағу, ул ҳам Қумаш хотундин бўлуб эрди. Анинг бир ўғли бор эрди. Чиёт отли. Учунчи ўғлининг оти Уку эрди /81 б/. Анинг ўн ўғли бор эрди. Ўгадой Қооннинг иккинчи ўғлининг оти Кутан турур. Анинг юрти Шақкут турур. Учунчи ўғлининг от Кучу турур. Аммо бу ажойиб доно ва оқил эрди. Аммо Ўгадой Қооннинг тириклигинда ўлди. Тўртланчи ўғлининг оти Қорачар турур. Бешланчи ўғлининг оти Қаши турур. Анинг учун Қаши от қўйдилар ким, ул Тангкут вилоятига Қаши теб айтур эрдилар. Чингизхон Қашини олғанда бўлуб эрди. Анинг учун Қаши от қўюб эрдилар. Ул кўп шаробхўр ва фосик эрди. Ул

сабабдин йигитликда ўлди. Алқисса Куюкхон отасининг ўринида /тўрт йилдин сўнг рабъалохирда сана салоса ва арбаин ва ситта миа — яъни 743 йили/ подшоҳ бўлди. Тақи хазинанинг эшикчини очиб қариндош ва бегона ва фақир ва мискин улуғ ва кичикка андаг инъом берди ким, ҳеч ким мундаг килмамиш эрди. Аммо дини насороға ривож берур эрди. Муддати подшоҳлики бир йил эрдик дунёдин рихлат килди.

МАНГУ ҚООННИНГ ЗИКРИ

Куюкхон ўлгандин сўнг Чингизхоннинг наслиндан ҳар киши ким бор эрди, Тўлихоннинг хотуни Сурқикти бегининг халқ бирлан яхши маош қилганидин, Тўлихоннинг ўғлонлариндин бирисини подшоҳ килмокға рози эрдилар. Жўчихоннинг ўғли Боту ҳам алардин подшоҳ бўлмакға ризо эрди. Бовужуд Чингизхоннинг набираларининг орасинда Ботудин салтанат ва ҳашаматда ортук киши йўқ эрди. Боту /82 а/ Дашти Қипчоқда эрди. Боту подшоҳ-зодалар ва нўёнлар ва умароларға киши юборди ким, Дашти Қипчоқда ҳозир бўлинглар. Иттифоқ бирлан бировни тахтда ўлтуруб, хон кўтарали теб ва баъзилар келмай айтиб юбордилар ким, Чингизхоннинг юрти Келуран турур, биз Дашти Қипчоқға бормасмиз, теб. Ул вақтда Сурқукти беги ўғлонлариға айтди ким. Дашти Қипчоқда амакинғиз Ботунинг оёки оғриб ётиб турур ани бориб сўранг, теди. Сурқукти бегининг ўғлонлари Мангу Қон, Хулағухон, Кубилай Қоон ва Мука Уғил Дашти Қипчоқ бориб, Ботуни мулозимат килдилар. Боту Мангу Қоонни кўрғач, шахзодалар ва нўёнлар ва умароларға айтди, хонликға Мангу Қоонни муносиб кўраман, сизлар не айтамыз теди эрса, барча халқ қабул қилиб, муносиб турур тедилар, тақи хон килдилар. Тақи айтди ким келур йил Мавзуъи Келуранда тамом халқ жамъ бўлуб, янғидан Мангу Қоонни хон кўтаринглар, Филжумла бир йилдан сўнг барча халқ йиғилиб Мавзуъи Келуранда Мангу Қоонни хон кўтардилар. Етти кунгача тўй килдилар. Ҳар кунда икки минг араба шароб ва арақ уч юз йилки бирлан сифир икки минг қўй қабоб қилур эрдилар. Тарих олти юз қирқ саккизда хон бўлди. Ширамун бошлиқ Куюкхон ўғлонлари Мангу Қоонни /82 б/ ўлтурурмиз теб иттифоқ килдилар. Тақи бир неча арабаға аслаҳа юклаб Ширамунни беш юз киши бирлан илғари юбордилар ва ўзгалари ортиндан бормок бўлдилар. Вақт топғач Қооннинг устиға қуулғайлар. Аммо Қоон айш бирлан эрди, оламдин хабари йўқ. Ногоҳ Қооннинг навкарлариндин бир кишининг теvasи йўқолди. Ул киши теvasин истай чикиб эрди, теvasин истаб юруганда ногаҳ Ширамуннинг ўрдусиға егиб келди-да, арабада турган аслаҳаларни кўруб қайтиб келиб, қоонға хабар килди. Қоон ҳам Менгсар нўённи икки минг киши бирлан юборди, хабар олғил теб. Менгсар нўён Ширамуннинг лашкариға келди. Ширамун они кўрғач изтиробда бўлди. Тақи айтди ким биз Қоонни кўрмак кела турурмиз теб. Менгсар айтди, агар Қоонни кўрмакка боратурған бўлсанг, тур менинг бирлан

хамроҳ бор теди. Заруратдин Ширамун Менгсар бирлан қўшулуб, Қооннинг ўрдусига борди-да, Қоонни кўрди. Қоон уч кун Ширамун учун мажлис қилди. Таки тўртланчи куни устунда ўлтуруб, Ширамуннинг атакасин ва бекларин келтуруб қистади эрса, ҳамаси қилган иттифокларини айта бошладилар. Қоон Ширамуннинг кишилариндин /83 а/ саксон кишини ўлтурди. Ширамун бирлан Қуюкхоннинг ўғлонларини қариндошлиқ боисиндин афв қилди. Андин сўнг тамом шахзодалар ва нўёнлар ва умароларға инъомоти ғайри мукаррар бериб, ҳар қайсини ўз манзилингизга боринг теб рухсат берди.

МАНГУ ҚООН ҚУБИЛАЙ ҚООННИ МАШРИҚ ТАРАФИНДА- ГИ МАМЛАКАТЛАРГА, ХУЛАГУХОННИ МАҒРИБ ТАРА- ФИНДАГИ МАМЛАКАТГА ЮБОРГАНИНИНГ ЗИКРИ

Мангу Қоон Батуни лақаби Сайинхон турур, анинг саъйи бирлан тахтда ўлтурғандин сўнг умури мамлакатни саранжом бермакка машғул бўлди. Машрик тарафинда яна неча мамлакат бор эрди эл бўлмаган ва мағриб тарафинда ҳам бир неча мамлакат бор эрди эл бўлмаган. Кубилай Қоонни машрикға, Хулагуни мағриб тарафига юборди. Таки ўзи сонсиз лашкар бирлан Чинмочин устига юруди ва Чин юргини бир камсиз олиб бир улуг баланд қалъа бор эрди. Ул қалъани қабади. Ҳар чанд қасд қилди, ола билмади. Қиш ўтди. Таки ёз бўлди. Ҳар чанд иссиғ бўлди. Умаролар арз қилдилар ким ҳаво иссиғ бўлди. Бу лашкарнинг кўприги афунат боисиндин ўлди. Эмди, алҳол қайти қиш келмак керак. Қоон қабул қилмади-да, бу қалъани олмай кетман теди. Андин сўнг анга бир хасталиқ ориз бўлди. Таки саккиз кун бистари /83 б/ меҳнатда ётди-да, тўкқузланчи куни ўлди.

ҚУБИЛАЙ ҚООННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Кубилай Қоон Тўлихоннинг тўртинчи ўғли турур. Мангу Қоон ўлганда Хитойда эрди. Ногоҳ Мангу Қооннинг ўлганин эшитти. Таки кўп азалар тутди. Азадин фориг бўлғандин сўнг ёниндаки шахзодалар ва нўёнларнинг иттифоқи бирлан хонлик маснадида ўлтурди-да дод ва адлға машғул бўлди. Анинг бир иниси бор эрди, Ортук Бўка. Ани Мангу Қоон Қорақурумда ўрдусига таъйин қилиб эрди. Ул ҳам Мангу Қоондин сўнг хонлик маснадинда ўлтуруб Кубилай Қоонға ёв бўлуб, Кубилай Қооннинг элчиларин ўлтурди. Дашти Қилчокда Сайинхон ўлғандин сўнг иниси Бурка Уғул хонлик маснадинда ўлтурди. Ортук Бўка улуг лашкар бирлан Бурканинг устига келиб урушдилар. Бурка бости. Ортук Бўка қочиб Қорақурум келди. Ул вақтда Кубилай Қоон Ортук Бўканинг хабарин эшитиб Қорақурум келди. Ортук Бўка Қооннинг кела турганиндин хабардор бўлуб қочиб кетди. Бир неча вақтдин сўнг отини оғириб, тўнин тўздуруб Кубилай Қооннинг даргоҳига келди-

да, узр айтди эрса, қоон ҳам гуноҳини ўтди. Ул ҳолда Хулагу ва Бурка ва Олғудин элчи келди ким, биз Кубилай Қоонга тобиъ бўлдуқ ва анинг ҳоқлиқиға ризомиз теб. Қоон тақи Жайхундин то Миср ва Шомғача Хулагуға берди. Дашти Кипчок бирлан ҳар вилоятки Сайинхонга таллуқ эрди Буркага берди. Олтайдин то Амуя сувининг канориғача Олғуға берди. Олғу Чифатойхоннинг набираси турур. Андин сўнг Кубилай Қоон тамом Хитой вилоятларини олди. /84 а/ Мўътабар ровийлар ривоят қилиб турур ким, Хитойнинг мамлақати андағ мамлакат турур ким, улуғлиқда ва кенглиқда ва халқининг кўплигинда ва ободонлиқда ер юзинда андағ мамлакат йўқ турур. Вақтики Чингизхони кишваристон Хитой мамлақатини мусаххар қилди, Хонбалиғ ким Хитойнинг бир улуғ шахри турур ва Хитой подшоҳларининг пойтахти эрур. Бу шахарнинг халқини қатлиом қилиб, қалъани вайрон қилди. Вақтики салтанат Мангу Қоон бин Тўлихонга етишди, Хитойнинг анча мўғула тааллуқ вилоятларини иниси Кубилай Қоонга берди. Қоон ҳам Хонбалиқни обод қилиб қасд қилди ким пойтахт қилғай. Тақи кўнлиға ким, ул шахрни қадим подшоҳлар пойтахт қилиб, аларнинг оти бирлан машхур бўлуб турур. Эмди бир шахр солиб, ани пойтахт қилайин теб, Хонбалиқнинг ёнинда бир шахри азим солди. Тақи отини Иду қўйди. Ул шахрни мураббаъ солиб эрди. Ҳар деворининг ўн етти бурчи бор эрди. Ҳар бурчининг ораси олти минг кадам эрди. Ҳар ерда мевалиқ ёғочдин ва алвон гуллардин келтуруб, бу шахрнинг атрофинда экиб, яхши боғлар ва бўстонлар қилдилар. Ўн йилда андағ обод бўлди ким, қалъанинг ичинда бир қариш ер қолмади иморат солмаган ва тақи ул шахрнинг ўртасинда бир улуғ сарой солди, анинг отини Қарши қўйди. Ул саройнинг устунлари яшм тошиндин эрди. Деворлари ва фаршлари рухам тошиндин. Покизалиқда оламда андағ ер йўқ эрди. Тақи ул саройнинг атрофинда тўрт кат мураббаъ девор солди. Ҳар деворнинг ораси уч юз кадам эрди. Аввалғи деворини кирёс қилиб эрди. Иккинчи деворининг ичинда умаролари ўлтутур эрди. Учланчи /84 б/ деворининг ичинда сакловда бўлатурган халқ ўлтурур эрди. Тўрланчи деворининг ичинда ўзининг хоссалари ўлтурур эрди. Саройнинг ичинда ўзи ўлтурур эрди. Аммо киш бўлганда қоон саройда ўлтурур эрди. Тақи ул шахрнинг шимол тарафинда бир улуғ рудхона бор турур. Тақи бу шахрнинг яқинида бир дарёча бор эрди. Ул дарёчанинг атрофини яхши мазбур қилиб, ул рудхонаи мазкурдин ариқ қазир, бу дарёчаға сув келтурур эрдилар. Бу дарёчада киштилар таъйин қилиб, гоҳ ул киштиларга миниб сайри дарё қилур эрдилар. Гоҳ балиқ овлағанларини тамошо қилур эрди. Аммо Хонбалиқға бозургон келур бўлса, киштиий бирлан кела билмас эрди. Анинг учун ким дарёйи муҳитдир бир шохча сув айрилиб келиб, Чин вилоятинда тамом бўлуб эрди. Бозургонлар шул сув бирлан киштиийға ўлтурур келиб, Чиндин чиқар эрди. Тақи андин отға, тевага юкланиб қирқ кунда Хонбалиқ келур эрдилар. Бир кун Кубилай Қоон Хитойнинг ҳақимларин ва донишмандларин йиғиб айтди ким, мамлакатнинг ободонлиқи бозургон келмак бирлан турур. Бу шахрға бозургон


осонлик бирлан кела билмай турур. Анга яхши фикр қилиб, анинг иложини қилинг! Бир неча кундин сўнг ҳукамолар келиб арз қилдилар ким, Чин шаҳрининг ва Чингсой шаҳрининг рудхоналариндин сақа олиб бир улуғ ариқ қаздуринг. Шу ариқнинг ичи бирлан бозургонлар киштига миниб фароғат келурлар тедилар. Андин сўнг Кубилай Қоон Чиндин то Иду шаҳри ким Хонбалиққа муттасил турур. Бир улуғ ариқ қазурди. Узуни қирқ кунлук, эни ўттуз қадам эрди. Қоон буюрди ким ариқнинг /85 а/ икки тарафиндаги туфроқни олиб йироқ ташладилар. Бу ариқнинг икки тарафига тошдин баланд девор солдурди. Таки ариқнинг икки тарафига дарахт тикдурди. Бозургонлар Чиндин ва Чингсой ва Зитундин то Хонбалиқ келгунча сояда келур эрдилар. Таки ариқнинг икки тарафига тоғ тошиндин тарош қилиб фарш тўшадилар. Таки Чиндин то Хонбалиққа келгунча ариқи мазкурнинг икки тарафинда ошхоналар ва уйлар ва дўконлар ва работлар солдилар. Таки бу улуғ ариқдин кичик ариқлар чиқариб кентлар ва қалъалар ва боғлар қилдилар. Эмди бу Иду теган шаҳр ким мўғул они Хонбалиқ дер, мунинг васфини ва ободонлиқини баён қилур бўлсак бир улуғ китоб бўлур, мухтасар қилдук. Таки Хитой халқининг расми ул турур ким улуғ мулклар ва улуғ шаҳрлар ва ўрта шаҳрлар ва қасабчилар ва бандарлар ким кишти келиб, андин чиқар ва кентларга лақаб қўюб турурлар. Вилоятларнинг лақаби тўккуз бўлур. Ҳар қайсисининг мартабаси бир-бириндин улуғ бўлур. Аввалги мартабани кинг дерлар, иккиланчи мартабани зу дерлар. Бу аввалги мартабадин паст бўлур. Учланчи мартабани фу дерлар. Тўртланчи мартабани жу дерлар. Бешланчи мартабани бун дерлар. Олтиланчи мартабани кун дерлар. Еттиланчи мартабани ҳин дерлар. Саккизланчи мартабани чин дерлар. Тўккизланчи мартабани сун дерлар. Маълум бўлсунким бу шаҳрларнинг ва ҳокимларининг мартабаси бир-бириндин паст /85 б/ бўлур. Аммо Румтек ва Эронтек мамлакатни кинг дерлар. Истанбул, Миср ва Исфаҳонтек шаҳрларни зу дерлар. Ало ҳазол қиёс ва қасабчаларга чин дерлар. Кентларга сун дерлар. Бандарларга боту дерлар. Аммо мундаг зобита ва мундаг тартиб дунё юзинда Хитойдин ўзга ерда йўк турур. Таки ҳар умаро ким вазирлик ва ноибликқа лойиқ бўлса, анга чингсонг дерлар. Сипаҳсоларга тойфу дерлар. Таки икки минг, уч минг кишини бир кишига топшуруб аларнинг яхши ва ёмонини андин сўрайтурган умароға Такши дерлар. Вазирки тожикдин ва уйғурдин бўлса, анга кинжон дерлар. Мундин мартабаси паст умароға ючанак дерлар. Мундин мартабаси паст умароға зучанак дерлар. Мундин пастга хамчанак, мундин пастга самий ва мундин пастга Канжун ва мундин пастга Қанжун дерлар. Таки бир расми ултурур ким подшоҳ ўзининг ўрнига олти ноиб қўяр ул ноибларнинг мартабаси бир-бириндин баланд бўлур. Бу ноиблар кунда девонхонада ўлтуруб даъвогар ва гуноҳкорни сўрар. Даъвогар ва гуноҳкор сўрайтурган ерни лин дерлар. Агар бир киши гуноҳкор бўлса, ани аввалки ноибнинг олдиға олиб келурлар. Бу ноиб анинг гуноҳини сўрар. Таки анинг холини хатға ёзиб гуноҳкор бирлан

/86 а/ хатни иккиланчи ноибга юборур ким, бу ноибнинг мартабаси аввалки ноибдин баланд бўлур. Мунинг даъво сўрайтурган ерина ўса дерлар. Бу ҳам гуноҳкорнинг гуноҳини сўрар. Таки хат ёзиб гуноҳкор бирлан учланчи ноибга юборур. Мунинг мартабаси иккиланчи ноибдин баланд бўлур. Мунинг даъво сўрайтурган ерига халсун дерлар. Бу ҳам сўраб дафтарга ёзиб тўртланчи ноибга юборур. Анинг даъво сўрайтурган ерига тунжун дерлар. Бу ҳам гуноҳкорни сўраб дафтарга ёзиб бешланчи ноибга юборур ким, мунинг даъво сўрайтурган ерина руштои дерлар. Лашкарнинг иши бу ноибга тааллуқ турур. Бу ҳам гуноҳкорнинг яхши ёмонини сўраб дафтарига ёзиб олтиланчи ноибга юборур. Элчилар ва савдогарлар ёрлик ёзмок ва мухр килмок анга тааллуқ турур. Бу ҳам ул гуноҳкорнинг яхши ва ёмонини сўраб воқеотни дафтарга ёзиб еттиланчи девонхонага юборур. Ул девонхонага шинак дерлар. Бу девонхонада ўлтуруб даъво сўрайтурган девон ул ноиблардин улуғ бўлур. Бу девон гуноҳкордин гуноҳини сўрар. Таки анга лойиқ сиёсат қилур. Маълум бўлсун ким шинак ҳар шаҳрда бўлмас. Улуғ шаҳрларда бўлур. Аммо ҳар шинакда тўрт чанаксанг нависандалар ва аҳли мансаблар бирлан ўлтурурлар. Таки /86 б/ шинаклар учун таъйин қилган умаролар ва навкарларини хатга олурлар. Ҳар навқари ким бир йилда неча кун хизматдин қолган бўлса, шул чокли пулни алуфасиндин кам қилурлар. Агар узрсиз тақсир хизмат қилса, анинг амалин олиб ўзини эшикдин қувалар. Кубилай Қоон ўн икки шаҳрда шинак қилдурди. Ул шинак чанакдука мўғул анга Хонбалиқ тер, иккиланчи шинак чурча, учланчи шинак Кўкай /Кўки/ ва Байқўбка иккиси ҳам улуғ шаҳр турур. Тўртланчи шинак тамкинак, бешланчи шинак бинакху, олтиланчи шинак чанаксанг, еттиланчи шинак фужу, саккизланчи шинак лавкинфу, тўккизланчи шинак кунгли. Ўнланчи шинак ноци, ўн бирланчи шинак кинхонқиф, ўн иккиланчи шинак қамжу. Бу мазкур бўлганларнинг барчаси улуғ шаҳрлар турур. Эмди шинакнинг маъносини баён қилали. Шинак темак девонхона темак бўлур. Ҳар шинакнинг улуғлиғи бир кент чоклик бўлур. Мунинг атрофига чаҳор бурча девор солиб ичинда хуқралар ва саройлар ва манзил ва яхши ерлар солиб девон анда ўлтуруб даъвогарнинг ва гуноҳкорнинг даъвосини ва гуноҳини сўрар. Ўттуз беш йил /87 а/ подшоҳлик қилди. Таки вафот топди. Муддати умри етмиш уч йил эрди. Анинг ажойиб ва ғаройиб иши қўп эрди. Анинг барчасини айтсақ бу китобга сизмас бўлди. Анинг учун мухтасар қилдук.

ТЕМУР ҚООН БИН ЧИМКИМ БИН ҚУБИЛАЙ ҚООННИНГ ХОҲ БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Қооннинг Чимким отлиғ ўғли бор эрди. Ани валиаҳд қилиб эрди. Ул қооннинг тирикликдинда ўлди. Анинг Темур қоон отлиғ ўғли бор эрди. Ажаб баҳодир ва жувонмард эрди. Қоон ани валиаҳд қилиб эрди. Туркистоннинг ҳукумати анда эрди. Қооннинг

анин эшитиб Хонбалиғ борди. Хонбалиғда ани хонлик масна-
да ўлтуртдилар. Оламни адл дод бирла сўрди ва кўп вилоятлар-
фатх қилди. Жувонмардликда якто эрди. Бир йил Хитойда кўп
ёғиб ют бўлди. Тақи тамом халқнинг йилки ва тева ва сиғир ва
кирилди. Тамом халқнинг ўлган молининг пулини берди.
Мунингтеқ юз минг яхши ишлар қилиб эрди, мухтасар қилдук,
и йил подшоҳлик қилди. Ахирул амр илллати саръ ва лақваға
ифтор бўлуб дорул фанодин дорул бакоға кетди.





БЕШИНЧИ БОБ

ЧИНГИЗХОННИНГ ИККИНЧИ ҰҒЛИ ЧИҒАТОЙХОННИНГ ВА АНИНГ АВЛОДИНДАН МОВАРОУННАХР ВА ҚОШҒАРДА ПОДШОҲЛИҚ ҚИЛҒАНЛАРНИНГ ЗИКРИ /876/

Чиғатойхон хайбатлик ва сиёсатлик подшоҳ эрди. Оқил ва доно эрди. Чингизхон Мовароуннахрни ва Хоразмнинг баъзисини, билоди уйғур ва Кошғар, Бадахшон, Балх, Ғазнин то Синд сувиғача анга бериб эрди. Бу айтилған вилоятнинг ҳеч қайсисига ўзи борған йўқ. Аммо доруғалар кўюб эрди. Ўзи Ўгадойнинг қатинда эрди. Мулла Саккокий анинг надими эрди. Бир кун Саккокий дуо ўқуб бир лашкар кўргузди ким, ул лашкарнинг ўзи ва салоҳи ўтдин эрди. Чиғатойхон беихтиёр ваҳм қилди. Чиғатойхоннинг бир вазири бор эрди. Саккокий бирлан ёмон эрди. Бир кун вақт топиб Саккокийдин ғийбат қилиб бандлаб зиндонға солдурди. Ахирул зиндонда ўлди. Андак ясоқлар пайдо қилди ким, тамом халқ андин танг бўлдилар. Ахирул амр бир хасталиққа учради ким табиблар иложиндин ожиз бўлдилар, ахир тарих олти юз қирқда дунёдин ўтди.

ЧИҒАТОЙХОННИНГ /88 а/ ХОТУНЛАРИ ВА ЎҒЛОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чиғатойхоннинг хотуни ва кумалари кўп эрди. Аммо икки хотуни мўътабар эрди. Бирининг оти Ясулун турур.

Кўнқиратнинг подшоҳи Куба нўён теганнинг қизи эрди. Чиғатойхоннинг мўътабар ўғлонлари андин бўлған турур. Яна бирининг оти Туркан Хотун турур. Ясулун хотунининг синглиси турур. Ясулун ўлгандин сўнг олиб эрди. Чиғатойхоннинг етти ўғли бор эрди. Бу тартиб бирлан: аввалғининг оти Мутукан. Ясулун хотундин туғуб эрди. Иккинчи ўғлининг оти Мучи, учинчи ўғлининг оти Баладши, тўртинчи ўғлининг оти Сайинбилга, бешинчи ўғлининг оти Сарман, олтинчи ўғлининг оти Ясумунка, еттинчи ўғлининг оти Байдар.

ЧИҒАТОЙХОННИНГ АВЛОДИНДИН МОВАРОУННАХРДА ПОДШОҲЛИҚ ҚИЛҒАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Чиғатойхон ўлгандин сўнг Қора Хулагу бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Муборакшоҳ бин Қорахулагу бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Аммо Муборакшоҳ тифл эрди. Онаси Арғана хотун мамлакатнинг яхши ва ёмонини сўрар эрди. Андин сўнг Алғу бин Байдар бин Чиғатой подшоҳ бўлди. Андин Баракхон бин Ясунту бин Мутун бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Тақи икки йилдин сўнг мусулмон бўлди. Анга Султон Гиёсиддин лақаб қуйдилар /88 б/ ул киши ким Чиғатой авлодиндин Мовароуннахрда Нури имонга мушараф бўлди, ул эрди. Андин сўнг Беги бин Сарман бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Буға Темурхон бин Қудағай бин Бузай бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Дуйчечан бин Барокхон бин Ясунту бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Кунчахон бин Дўйчечан бин Барокхон хон бўлди. Андин сўнг Талиғу бин Қудғай бин Бузай бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Андин сўнг Эсан Буға бин Дўйчечан хон бўлди. Андин сўнг Кўпак бин Дўйчечан хон бўлди. Андин сўнг Дўй Темурхон бин Дўйчечан хон бўлди. Андин сўнг Тарма Ширин бин Дўйчечан хон бўлди. Тақи мусулмон бўлди. Тамоми улуси Мовароуннахр анга табъият қилиб мусулмон бўлдилар. Ул Барокхоннинг мусулмон бўлгани айтилиб эрди. Барокхон ўлгандин сўнг тамоғ мусулмон бўлганлар қайтиб аввалги динларига кириб эрдилар, аммо Тарма Ширин бирлан мусулмон бўлганлар қайтмадилар. Андин сўнг Бўрон бин Дўй Темур бин Дўй Чечан подшоҳ бўлди. Андин сўнг Чанакши бин Абукан бин Дўй Чечан подшоҳ бўлди. Андин сўнг Ясун Темур бин Абукан бин Дўй Чечан подшоҳ бўлди. Чанакчи бирлан Ясун /89 а/ Темур бир ота ва бир онадин туғуб эрди. Ясун Темур Чанакшини ўлтурмакка иттифок қилиб эрди. Онаси бу хабарни Чанакшига айтди. Андин сўнг Чанакши бирлан Ясун Темур саф тортиб уруштилар. Ясун Темур Чанакшини босиб ўзини ва лашкарини ўлтурди. Тақа онасининг икки эмчакини кести. Андин сўнг Ўгадойхон наслиндин Али султон деган Чиғатойхон авлодиға голиб бўлди. Тақи Мовароуннахрда подшоҳ бўлди. Андин сўнг Муҳаммад бин Пўлод бин Кунчак бин Дўй Чечан подшоҳ бўлди. Андин сўнг Қозон Султонхон бин Ясур бин Ўрак Темур бин Буға Темур бин Қудағай бин Бузай бин Мутукан бин Чиғатойхон подшоҳ бўлди. Маълум бўлсинким Чиғатойхон авлодиндин Мовароуннахрда йигирма бир киши подшоҳлик қилди. Андин сўнг ҳар икки Чиғатойхон авлодиндин подшоҳ бўлди, умаролар хон ясаб хонлик маснадинда ўлтуртдилар. Аммо оти хон бўлди. Ва лекин ҳукумат маслаҳатиға ҳеч нимарсага ихтиёри бўлмади. Бу сўзнинг ростлиқиға бу гувоҳ турурким Қозон Султонхон ажаб подшоҳи ғаюр эрди. Ҳар вақт умаролар кўрунушға борур бўлсалар ўелон ушоклари бирлан хўшлашиб ва бажаллик тилаб борур эрдилар. Бу сабабдин халқ анга осий бўлдилар. Тақи туниб халқиндин Амир Қазған теган Қозон /89 б/ Султонхонға тиг тортди. Бу иккиси муқотала қилдилар. Қозон Султонхон Амир Қазғанни босиб, анинг тобиъларини қатлу

горат қилиб келиб, Қарши қишлади. Амир Қазған қочиб қутилди. Аммо Қаршида кўп қор ёғди-да Қозон Султонхоннинг лашкарининг отлари тамом қирилди. Амир Қазған бу ҳолдин хабар топиб лашкари бениҳоят бирлан келиб Қозон Султон бирлан муҳораба қилди. Таки Амир Қазған музаффар бўлиб, Қозон Султонхонни даражаи шаҳодатга еткурди.

Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон наслидин Мовароуннаҳрда то Қозон Султонхоннинг шаҳодатигача юз таки тўққуз йил салтанат сурдилар. Йигирма бир тан эрдилар. Алқисса Амир Қазған Донишмандчахон бин Қайдухон бин Тайши бин Ўгадой коон бин Чингизхонни хон қилди. Икки йилдин сўнг ани ўлтурди. Андин сўнг Баёнқулихон бин Сурғу бин Дўй Чечан бин Барок бин Ясушу бин Мутукан бин Чигатойхон бин Чингизхонни хон қилдилар. Амир Қазған ўлгандин сўнг ўғли Абдуллоҳ Баёнқулихоннинг хотунига ошиқ бўлди. Таки хонни бегуноҳ ўлтурди-да Темуршоҳ бин Ясуи Темур бин Бўка бин Дўй Чечан бин Барокхон бин Ясунтухон бин Мутукан бин Чигатойхонни хон қилди. Амир Абдуллоҳ ўлгандин сўнг анинг биродарзадаси амир Хусайн бин Бисалай /90 а/ бин Амир Қазған туняит одил султон бин Муҳаммад Пулод бин Кунчак бин Дўй Чечан бин Барокхон бин Ясунту бин Мутукан бин Чигатойхонни хон қилди. Вақтики Амир Темур Амир Хусайннинг қасдиға отланғанда Амир Хусайн Хондин бадгумон бўлиб хоннинг қўлин-оёкин боғлаб дарёга ташлаб ўлтурди. Таки андин сўнг Қабул Султон бин Дурчи бин Илчикдой бин Дўй Чечанни хон қилди. Андин сўнг Амир Темур Тарағай барлас Балх устунда Амир Хусайн бирла муқотала қилиб, Амир Темур музаффар бўлиб, Амир Хусайн бирлан хонини ўлтурди. Андин сўнг Амир Темур Суюрғитмишхон бин Донишмандчахон бин Қайду бин Тойши бин Ўгадой коон бин Чингизхонни хон қилди. Суюрғитмишхон ҳақ раҳматига кетгандин сўнг анинг ўғли Маҳмуд Султонни отасининг ўрунда хон қилдилар. Қозон Султонхондин сўнг айтилған хонларнинг оти хон эрди ва бас, ҳеч ишга ихтиёри йўқ эрди. Алқисса ҳар ерда ҳар қабиланинг улуғи ўз олдина хон кўтардилар. Мулуки тавойиф кўп бўлди. Амир Темур бин Тарағай барлас қариндош-уруғини йигиб бир соат муқотала ва муҳорабадин фароғат бўлмади. Ул замонда Чигатойхон наслидин Тўқлик Темурхон теган Кошғарда азим эшонхон бўлуб эрди.

Мовароуннаҳрнинг ахборотини эшитиб ҳавас қилиб лашкари бениҳоят бирлан Мовароуннаҳрга келди. Бир неча /90 б/ халқ тобиъ бўлди. Бир неча халқ хоннинг қўлинда ўлди. Бир неча халқ қочиб кетди. Амир Хусайн бирлан Амир Темур қочиб Некудари Ҳазора ичига бордилар. Тўқлик Темурхон бир йил Мовароуннаҳрда турди. Илёс хожа отлиғ ўғли бор эрди. Мовароуннаҳрнинг ҳукуматини анга берди. Таки ўзи Кошғар қайтиб кетди. Бир йилдин сўнг ўлди. Анинг ўлган хабарини эшитиб Амир Темур бирлан Амир Хусайн келиб Илёсхожахон бирлан муқотала ва муҳораба қилдилар. Илёс хожа қочиб Кошғар кетди. Андин сўнг Мовароуннаҳрда бу икки амирдин ўзга улуғ киши йўқ эрди. Ахирул амр бу икки амир Балх устунда муҳораба қилдилар. Амир Темур Музаффар бўлиб, Амир Хусайнни ўлтуруб Мовароуннаҳрда якка ўзи бўлди. Суюрғитмишхонни

зохирда хон қилиб тахтада ўлтуртди. Маънода ўзи хон эрди. Хутбани анинг отина ўқур эрди. Суюргитмишхоннинг ёлгончи султондин йигирми икки йил ўткандин сўнг хон ҳақ раҳматига кетди. Андин сўнг Амир Темур анинг ўғли Султон Маҳмудхонни хон қилди. Султон Маҳмуд Амир Темурни ва анинг авлодини андағ азиз ва улуғ тулар эрди ким, ҳеч важдин Амир Темурнинг хотирига ғубор ўлтурмас эрди. Кеча ва кундуз қуръон ва намоз ўқуб рўза тутуб Амир Темурнинг /91 а/ дуоий давлатини қилиб ўлтурур эрди. Амир Темур ёрлиқларнинг тўғрисида одил Маҳмудхон ҳукминдин Амир Ғозий сўзимиз теб ёздурур эрди. Тўйда ва ийдларда Амир Темур хонга кўрунуш қилиб, адаб бирлан чўк тушуб ўлтурур эрди. Элчи келганда ҳам Амир Темур хонни кўрунуш қилиб адаб бирлан ўлтурур эрди. Алқисса Амир Темурнинг султондин ўттиз уч йил ўтуб ва умриндин олтимиш етти йил ўткандин сўнг Рум устига борди. Таки Илдириим Баязид бирлан рубаруй бўлиб субҳидамдин ярим кечагача урушти. Илдириим Баязид қочти. Маҳмудхон анинг ортиндин қавди. Таки тангласи пешин ортиндин етиб Илдириим Баязидни тутуб Амир Темурнинг олдиға олиб келди. Амир Темур ул йил Румда туриб Илдириим Баязид бирлан Маҳмудхонни ўлтуруб хутбани ўз отиға ўкутиб ва сиккани ўз отиға қокдурди. Андин сўнг қайтиб Самарқанд келди. Таки Хитой мамлакатининг устига отланди-да Ўтруп келганда, дорул фанодин дорул бақоға рихлат килди. Муддати умри етмиш бир йил ва муддати салтанати ўттуз олти йил эрди. Тарихи хижрий саккиз юз еттида эрди.

ТЎҚЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ МУСУЛМОН БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Чигатойхон авлодиндин Элхожа лақаби Эсан Буға бин Дуй Чечан бин Барок бин Ясунту бин Мутукан бин Чигатойхон Мовароуннахрда /916/ туғуб эрди. Қошғар, Ёркенд, Олатоғ, Уйғуристон мамлакатинда Чигатойхон наслидин ҳеч подшоҳи ноғиз фармон йўқ эрди. Ул сабабдин умарон муғул йиғилиб кенгаш қилиб Бухородин Эсан Буғани келтуруб Қошғар, Ёркенд ва Олатоғ ва Мўғулистонда подшоҳ қилдилар ва подшоҳи азим бўлди. Анинг Сотилмиш хотун теган хотуни бор эрди. Анинг ҳеч ўғлони бўлмас эрди. Ул сабабдин Манглай отли канизи бор эрди. Ани ўрдуда саклаб, анга боқар эрди. Ногоҳ ул канизак хондин ҳомила бўлди. Хон шикорға кетканда Сотилмиш хотун ул канизакни Шира ўғул теган муғулға берди. Таки айтди ким сен бу мулкда турма кўчуб Мўғул юртиға бориб анда сокин бўлғил, теди. Ул мўғул бу сўзға амал қилиб кўчиб кетди. Аммо ул канизакнинг хондин ҳомила бўлганини тамом халқ билиб эрди. Хон шикордан келганда ул канизни сўрди, эрса, тамом воқеотни айтдилар. Хон Сотилмиш хотунға ҳеч сўз темади. Анинг учун ким муғулнинг қондаси туруп ким подшоҳ неча хотун олса, бир хотунини ўзгаларига ҳоким қилур эрдилар. Бу хотун ўзға хотунларға ҳар нимарса теса анга сўз темас эрдилар. Анинг учун анга сўз темади. Бир неча кундин сўнг Эсан Буға хон ўлди. Чигатой авлодиндин подшоҳлиқға лойиқ киши қолмади. Ҳар қабила ўз олдиға бир хон


кўтардилар. Мулуки /92 а/ тавойиф кўп бўлди. Эсан Буғахоннинг Амир Пўлодчи теган амири бор эрди. Манглай хотуннинг ҳомила кетганидин хабардор эрди. Тоштемур теганга уч юз кўй берди озук учун. Таки айтди, ҳар вақт сен Манглай хотундин ва анинг ҳамлидин хабар топуб келсанг ҳадсиз ва ниҳоятсиз танга берурман теб ваъда қилиб Тоштемурни юборди. Тоштемур ҳам оламни гашт қилиб ғузари мўғул юртига тушди. Ногоҳ бир маҳаллага келиб, Бу маҳалла кимнинг маҳалласи турур теб сўради. Шира ўғулнинг маҳалласи турур тедилар. Тоштемур Манглай хотуннинг ҳамлининг хабарин сўради. Манглай хотуннинг Эсан Бўғадин бир ўғли бўлди. Отини Тўқлук Темур қўйдилар ва Шира ўғулдин бир ўғли бўлди. Анинг отини Темур Малик қўюб турурлар. Иккиси ҳам маҳаллада ўйнаб юриб эрди. Алкисса Тоштемур кўп ҳийлалар қилиб Тўқлук Темурхонни Амир Пўлодчига келтурди. Андин сўнг Амир Пўлодчи дўғлат Тўқлук Темурхонни хон кўтариб мўғул расминча тўйлар қилди. Тўқлук Темурхон оз вақтда Кошғар, Ёркенд, Олатоғ ва Уйғуристонни олди, андин сўнг Муовароуннахр мамлакатини тахти тасарруфга киргузуб Илёсхожа отлиғ ўғлини Самарқандда қўюб ўзи қайтиб келиб ҳақ раҳматига кетди. Ул киши ким Чингизхон наслидин Кошғарда /92 а/ мусулмон бўлди ул эрди. Мусулмон бўлмоқининг сабаби бу эрди ким бир кун ўти қилдурди. Таки шикор қилиб юруб эрди, ногоҳ бир жамоатга назари тушди, кўчуб келиб ўлтуруб эрдилар. Хон ҳукм қилди, шу жамоатнинг қўлун ва бўйнуни боғлаб олиб келинлар теб. Ясавуллар бориб боғлаб олиб келдилар. Хон айтди ким менинг ёрликимни тутмай менинг шикоргоҳимда не қилиб юрубсизлар. Аммо хон ёрлик қилиб эрди: «Шикоргоҳда киши юрумасун», теб. Бу боғлаб келтурган халқнинг улуғи Шайх Жамолиддин теган эрди. Шайх Шужоъуддин Бухорийнинг авлодидин бўлар. Ота-онадин соҳиб ҳол турурлар. Шайх айтдилар: Биз мусофирмиз, подшоҳнинг ёрлик қилганини билганимиз йўқ. Катак теган ердин кўчуб келамиз. Хон сўрди ким тожикмусиз теб. Шайх айтди ким тожикмиз тедилар. Хон тожикдин ит ҳам ортук турур теди. Шайх айтдилар имон бизда бўлмаса, итдин ҳам кам турурмиз тедилар. Бу сўз хоннинг кўнглинга асар қилиб бир ясавулга буюрди ким, мен қайтиб тушкандин сўнг бу тожикни олиб келгайсен теб. Хон қайтиб тушкандин сўнг ясавул ул шайхни хон олдига олиб борди. Хон хилватда ўлтуруб эрди. Хон айтди: «Сен имонсиз киши итдин ҳам кам турур тединг, ул сўзнинг маъноси не турур. Имон теган /93 а/ не турур», теди. Шайх имонни андағ таъриф қилди ким, хоннинг тошдай қаттиғ кўнгли мумдай юмшоқ бўлди ва куфрни андағ мазаммат қилди ким хон куфрдин безор бўлди ва кўп йиғлади. Таки шайхга айтди, алҳол мусулмонликни ошқора қилсам, халқни йўлга келтура билман. Сабр қилғил таки ҳар вақт маврусий мамлакатларимни олсам албатта менинг ёнимга кел, теб кўп муболағалар қилди. Шайх қайтиб ўз қўшига келди. Бир неча вақтдин сўнг шайх хаста бўлдилар-да ўғиллариға васият қилдилар. Айтдилар ким бу хон улуг подшоҳ бўлғуси турур. Албатта кўркмай хоннинг қатига бориб, менинг саломимни етқургил. Таки менинг бирлан аҳд қилганини айтғил, зинҳор кўркмағил теди. Таки дорул фанодин дорул бақоға

кетди. Шайхнинг ўғилларининг оти Рашидиддин эрди. Шайх аларни валиаҳд қилдилар. Андин бир неча йил ўткандин сўнг, хон Қошғар, Тошкенд, Ёркенд, Уйғуристон, Андиган /Андижон/, Самарқанд, Бухоро ва тамоми Мовароуннахрни олди. Шайх Рашидиддин отасининг васиятини айтмоқ учун хоннинг ўрдусига келди. Ҳарчанд саъй қилди, хонни кўра билмади. Бир кун субҳ содик бўлганда ўрдунинг ёнига келиб баланд овоз бирлан азон айтди. Хон бу овозни эшитиб киши юборди, бориб шул кичқурган кишини олиб кел теб. Бориб шайхни олиб келди, Хон айтди, сен /93 б / бизни чучук уйкудин не учун уйғатдунг теди. Шайх Рашидиддин оталарининг ҳар нима айтган сўзларини бир-бир хонга баён қилдилар. Хон ўзи калимаи шаҳодатни айтиб мусулмон бўлди. Таки умароларни чақириб мусулмон қилди. Аммо бир беги бор эрди Чурос отлиғ. Ул айтди мунда бир паҳлавон бор турур. Бу тожик анинг бирлан кураш тутсун. Агар ани йиқса мен мусулмон бўлайин теди. Ҳар чанд хон манъ қилди, қабул қилмади. Шайх Рашидиддин айтди, Амир Чурос яхши шарт қилди. Паҳловонни олиб келинг кураш туталинг теди. Муғулнинг паҳлавонини олиб келдилар. Шайх анинг бирлан кураш тутуб талашиб юруганда шайх паҳлавоннинг кўкракина бир салло урди. Паҳлавон беҳуш бўлиб йиқилди. Бир замондин сўнг паҳлавон ўз ҳолина келиб калимаи шаҳодатни айта-айта ериндин турди. Таки шайхнинг оёқига йиқилди. Ул ҳолни кўруб Амир Чурос мусулмон бўлди. Ул кун юз олтмиш минг киши мусулмон бўлди. Чигатой элининг ичинда ислом ошқора бўлди. Бир неча кундин сўнг Амир Пўлодчи вафот топди. Тўқлуқ Темурхонни хонлиқ мансабида ўлтурғузиб эрди, ўзи амирул умаро эрди. Андин етти яшар ўғил қолди. Худойод отлиғ. Отасининг мансабини анга берди. Аммо Амир Пўлодчи беш ақа-ини эрди. Учланчи инисининг оти Қамариддин эрди. Ул ажаб бебок эрди. Аммо азимул жусса паҳлавон эрди. Алқисса бир кун хон кўруниш /94 а/ хонада ўлтуруб эрди, келиб Қамариддин арз қилди. Амир Худойод тифл турур. Мундаг улдуғ элга сардорлик қилиб бошқора билмас. Анинг мансабини менга беринг, то ул эл бошқарғудай бўлғунча менда турсун теди. Хон ани қабул қилмади. Ул сабабдин Қамариддин хондин оғриб кўнглунда сақлади. Тўқлуқ темурхон тарих етти юз ўттузда таваллуд тобди. Ун олти ёшинда Амир Пўлодчи дўғлатнинг саъйи бирлан келиб хон бўлди. Йигирма тўрт ёшинда нури имонга мушарраф бўлиб мусулмон бўлди. Ўттуз тўрт ёшинда Тангрининг ҳукмини битқариб, дорулфанодин дорул бақоға кетди. Хоннинг вафотидан сўнг Қамариддин дўғлат хуруж қилиб Илёсхожа бин Тўқлуқ Темурхонни шахид қилди. Ул кун Тўқлуқ Темурхоннинг наслиндин улдуғ ва кичик ўн саккиз кишини даражаи шаҳодатга етқурдилар. Таки эътиборли кишиларини қўйди ким ҳар ерда Тўқлуқ Темурхоннинг наслиндин мавжуд бўлса ўлтурунг теб. Андин сўнг Қамариддин ўзига хон от қўюб хутба ва сиккани ўз отига қилди. Аммо Тўқлуқ Темурхондин бир сут эматурган уғлон бор эрди. Анинг онасининг оти Амир Оға эрди. Амир Оға хотун бу уғлонни олиб Амир Худойод қашиға борди. Амир Худойод бу ўғулни кеплади. Ҳарчанд Қамариддин киши юборди, бермади. Ул вақтда Амир Темур лашқари бениҳоят бирлан

Қамариддиннинг устига келди. Булар муқотала мужодалага машғул бўлганда Амир Худойдод Тўқлук Темурхоннинг ўғлини /94 б/ энагалар таъйин қилиб, аларга топшуруб, бир неча эътиборли кишилар бирлан кўхи Бадахшонга юборди, анда сокин бўлунглар теб. Алқисса Амир Темур Қамариддиннинг устига беш мартаба келди. Ҳар келганда саф оройлик қилиб урушур эрдилар. Алқисса Амир Темур сўнгки келганида Қамариддин иллоти истискоға учраб эрди Амир Темурнинг келатурганини эшитиб бир неча халқ қочтилар. Анинг учун ким Қамариддинда бир нафасдин ўзга хусни ҳаракати йўқ эрди. Биззарура бир неча кунлик озук бирлан Қамариддинни бир канизакка топшуруб бир улуг биша бор эрди, анга юбордилар. Бир неча кундин сўнг эшиттилар ким Амир Темурнинг келатургани галати эрмиш теб. Халқ қайтиб ерлик ерина келдилар. Қамариддин учун бишага киши юбордилар. Ул кишилар бишага бориб Қамариддинни чандон истадилар ким, андин осор ва аломат топмай қайтиб келдилар. Ахир маълум бўлди ким Қамариддин Малики Жаҳимнинг хизматиға боруб турур. Алқисса ул ўғлон ким кўхи Бадахшонга юбориб эрдилар, анинг оти. Хизрхожа турур. Ул Хизрхожани келтуруб отасининг ўрниға хон қилдилар. Ул вақтдин то бу вақтгача ҳар подшо ким Кошғар Ёркендда бор Хизрхожахон бин Тўқлук Темурхон бин Эсан Буғахон бин Дуйчечан бин Бароқхон бин Ясунту бин Мутукан бин Чигатойхон бин Чингизхон /95 а/ нинг наслинди турурлар. Оқ манқит қабиласидин Қутлуккиё теган бир киши бор эрди. Анинг бир ўғли, бир қизи бор эрди. Қизни Темурбек ўғлон олди. Темур Қутлукхон андин вужудға келди. Ўғлининг оти Эдигай турур. Ул Тўқтамишхонга навкар бўлди. Вақтики Тўқтамиш Ўрусхондин қочиб Темурбийнинг ёниға Самарқанд келди. Ортиндин Эдигай манқит келди, айтди ким Ўрусхон жамъи лашкар қилиб бу тарафға мутаважжиҳ бўлди, теб. Темурбийнинг мадади бирлан Тўқтамишхон Ўрусхонни босиб Жўчихоннинг халқиға эга бўлуб шаҳри Саройда хонлик тахтинда ўлтурди. Темур Қутлукхон ҳадди Тамизга еткандин сўнг Эдигай манқит Тўқтамишхондин айрилиб Темур қутлукхонга кўшулди. Анинг учун ким Темур қутлукхон Эдигай манқитнинг хоҳарзоласи эрди. Темур Қутлукнинг кўнглинда подшоҳлик дағдағаси бор эрди. Ул сабабдин Тўқтамишхонга гарданкашлик қилур эрди. Тўқтамишхон ани тутуб ўлтурмакка қасд қилди. Темур Қутлукхон андин қочиб Темурбийнинг ёниға келди. Эдигай манқит Темур Қутлукдин айрилиб қолиб эрди. Олти ойдин сўнг Эдигай манқит Темур Қутлукға келиб кўшулди. Бир неча вақтдин сўнг Амир Темур Эрон мамлакатига отланди. Тўқтамишхон Мовароуннаҳрни холи топуб Самарқандға келиб бир неча мусулмонларни шахид қилиб, қатл ва ғорат қилиб, қайтиб /95 б/ кетди. Амир Темур бу хабарни эшитиб қайтиб келиб Самарқандда турмай Тўқтамишхоннинг устига отланди. Бориб Атил сувининг бўюнда Тўқтамишхон бирлан уруштилар. Ахир Амир Темур нусрат топуб Тўқтамишхон қочиб кетди. Темурбий кўп халқни қатлиом қилди. Юқорида айтиб эрди ким Темур Қутлукхон Тўқтамишхондин қочиб Амир Темурнинг қошиға келди теб. Шул Темур Қутлук бир чирикда Амир Темур бирлан ҳамроҳ эрди. Келиб Амир Темурга арз қилди

ким Тўқтамишхон менинг маврусий халқимни зўр бирлан олиб эрди. Эмди андағ эшитаман ким аларнинг барчаси сиҳхат ва саломат эрмиш. Агар рухсат берсангиз аларнинг барчасин сизнинг хизматингизга олиб келур эрдим теб. Амир Темур таки Темур Қутлуқға рухсат берди. Темур Қутлуқ элини Атил сувининг буюнда топди. Таки кўчуруб Амир Темурнинг тарафига равон бўлди. Бир неча манзил келгандин сўнг Эдигай манкит Темур Қутлуқхонға айтди ким, бу халқни Темурбийға элтканингда не фойда. Темурбий бу халқни Самарқандға олиб бориб хар қайсини бир ерга юборур. Сен аввалкидек Темурбийға навкар бўлиб юурсен теди. Темур Қутлуқ ўғлон Эдигай манғитнинг сўзина амал қилиб қабиланинг оқсақоллиларин йиғиб айтди, ким, сизларни Темурбий ўлтуруб, ўғлон-ушоқингиз асир қилур теди. Анда халқ айтдилар биз сени /96 а/ учун бор турурмиз. Йўқ эрса биз Темурбийни танимасмиз тедилар. Андин сўнг Темур Қутлуқ ўғлон элини олиб қайтди. Таки бориб бир гўшада ўлтурди.





ОЛТИНЧИ БОБ
ЧИНГИЗХОННИНГ КИЧИК ЎҒЛИ ТЎЛИХОННИНГ
НАСЛИНДИН ЭРОН ЮРТИНДА ПОДШОХЛИК
КИЛҒАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Куюкхон бин Ўгадой Қоон ўлгандин сўнг Мангу Қоон бин Тўлихон хон бўлди. Тақи халқиндин Ўйрат Арғун ақа теганин Хуросонға ҳоқим қилиб юборди. Арғун аканинг ҳукматиндин ўн йил ўтқандин сўнг, Арғун ақа ўлди. Андин сўнг Мангу Қоон ўзининг иниси Хулағухонни лашқарининг бешдин бирини бериб Эрон мамлақатининг ҳукуматини берди. Ул Эронға келиб жамоаи мулоҳадани ва халифа Муътасимни ўлтуруб, аларнинг мулкини тахту тасарруфга киргизди. Андин бориб Шом мамлақатини олди. Тақи тўққуз йил подшоҳлик қилиб дунёдин ўтди. Андин сўнг Абақахон бин Хулағухон аъми /амаки/ Қубилай Қооннинг ҳукми бирлан отасининг ўрнунда ўлтурди. Ўн етти йил хонлик қилиб отаси кейинидин кетди. Андин сўнг Аҳмадхон бин Хулағухон подшоҳ бўлди. Анинг подшоҳлиқиндин икки йил ўтқандин сўнг Арқун бин Абақахон бин Хулағухон ани ўлтуруб, анинг еринда ўлтурди. Ул ҳам етти йил подшоҳлик қилиб дунёдан нақл қилди. /96 б/ Андин сўнг Арғунхоннинг иниси Кунжайту бин Абака бин Хулағухон хон бўлди. Анинг подшоҳлиқиндин тўрт йил ўтқандин сўнг Бойду бин Тарағай бин Хулағухон ани ўлтуриб, ўрнинда хон бўлди. Анинг подшоҳлиқиндин саккиз ой ўтқандин сўнг Фазанхон бир Арғунхон бин Абақахон бин Хулағухон ани ўлтуруб, анинг ўрнунда подшоҳ бўлди. Тўлихон наслиндин Эронда ул кишики дини исломға мушарраф бўлди, ул эрди. Дини Исломнинг шуҳратиға кўшиш қилди. Куфр пинхон бўлди. Бутхоналарни ўтға ёқди. Анинг сабабиндин Эроннинг жамиъ мўғули дини исломға мушарраф бўлди. Подшоҳлиқиндин тўққуз йил ўтқандин сўнг тарих етти юз тақи бирда дорул фанодин дорул бақоға кетди. Муддати умри ўттуз йил эрди. Андин сўнг Улжайту бин Арғунхон бин Абақахон бин Хулағухон подшоҳ бўлди. Ўн уч йил подшоҳлик қилиб вафот топди. Андин сўнг Абусаидхон бин Улжайтухон подшоҳ бўлди. Абусаидхон отаси ўлганда ўн икки ёшинда эрди, ул сабабдин бир неча вақт зимоми ихтиёрин Амир Чўпон Салдузға берди. Подшоҳлиқиндин ўн тўққиз йил ўтқандин сўнг ҳақ раҳматиға кетди.

ХУЛАГУХОН НАСЛИНДИН ЭРОН МАМЛАКАТИДА АБУСАИДХОНДИН СЎНГ УМАРОЛАР ХОН КИЛҲАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Маълум бўлсунки бу хонларнинг оти хон турур /97 а/ Мамлакат маслаҳатида ҳеч ихтиёри йўқ турур. Таки Сулдузнинг умаролари ким аларни чўпонилар дерлар.

Абусаидхондин сўнг умаролар Арпахонки Ортук Бўка бин Тўлихон наслиндин эрди, хон кўтардилар. Али Ўйротки Бағдод ҳокими эрди, Мусо бин Али бин Бойду бин Тарағай бин Хулағухонни хон қилди. Арпахон бирлан урушиб ғолиб келди. Таки Арпахонни ўлтуруб мамлакатини тахту тасарруфига киргузди. Ул вақтда Шайх Ҳасан Жалайирки анга Шайх Ҳасан Бузург дерлар, Румнинг ҳокими эрди. Ул Мусохоннинг хон бўлганини эшитиб Муҳаммад бин Йўлқутлук бин Темур бин Анбарчи бин Мангу Темур бин Хулағухонни хон қилиб Румдин ва Гуржидин лашкари азим жамъ қилиб Эрон тарафига мутаважжих бўлди. Келиб Табриз устинда Мусохон бирлан урушиб ғолиб келди. Али Ўйратки, ўйрот халқининг улуғи эрди, ўлди. Мусохон қочиб ўйрот элининг ичина борди. Ул вақтда Шайх Али бин Амир Али Қўшчики Хуросон ҳокими эрди. Бу хабарни эшитиб Хуросонда ўлтурган тамом мўғулни жамъ қилиб Бастом бордилар. Чингизхоннинг иниси, Жўчи қайсарнинг наслидин Таға Темур теган Мозандаронга ҳоким эрди, ани келтуруб хон қилдилар. Таки Муҳаммадхонки Шайх Ҳасан Жалайирнинг хони эрди, анинг устига юрудилар. Озарбайгон келганда ўйрот халқи бирлан Мусохон келиб Тағай Темурга /97 б/ қўшулди. Шайх Ҳасан Жалайир бу хабарни эшитиб қаршу келди. Бу икки гуруҳ саҳройи Гарим /Карам/ рудда муҳораба қилдилар. Шайх Ҳасан Жалайир музаффар бўлди. Мусохон урушда ўлди. Таға Темур Шайх Али бин Амир Али қочиб Хуросонга кетдилар. Шайх Ҳасан бин Темуртош бин Амир чўпон Сулдузки, анга Шайх Ҳасан Кучак дерлар. Абусаидхоннинг амри бирлан Румнинг бир тарафинда ҳоким эрди. Ул ҳам бу хабарларни эшитиб лашкари бениҳоят бирлан Шайх Ҳасан Жалайирнинг устига юрди. Бу икки гуруҳ Нахчиван устинда урушдилар. Шайх Ҳасан Кучак музаффар бўлди. Муҳаммадхон урушда ўлди. Шайх Ҳасан Жалайир қочиб Султония кетди. Шайх Ҳасан Кучак Соттибек Хотун бинти Султон Муҳаммад ҳар бандани Табризда тахтда ўлтиртди. Таки Шайх Ҳасан жалайир илгари келиб Шайх Ҳасан Кучакка тобиъ бўлиб сулх қилдилар. Таки бир йилдин сўнг Шайх Ҳасан Кучак Соттибек хотунни иъзл қилиб Сулаймон бин Муҳаммад бин Санака бин Юшумут бин Хулағухонни хон қилди. Таки Соттибек хотунни анинг никоҳига киргизди. Бир неча вақтдин сўнг Амир Шайх Ҳасан бузург Амир Шайх Ҳасан Кучакдин рўйгардон бўлиб Бағдод борди. Таки Жаҳон Темур бин Олафранг бин Қунжайтухон бин Абақхон бин Ҳалағухонни хон қилди. Таки лашкар жамъ қилиб келиб Шайх Ҳасан Кучак Сулдуз бирлан мукотала қилди. Шайх Ҳасан Кучак музаффар бўлди Шайх Ҳасан бузург /98 а/ жалайир қочиб Бағдод келди. Таки хонни иъзл қилди ш ўзи хон бўлди. Андин сўнг Шайх Ҳасан Кучакнинг бир араб



хотуни бор эрди. Ул хотунга Якубшоҳ теган ошиқ эрди. Хотун ҳам анга ошиқ эрди. Бир кун Якубшоҳ бир гуноҳ қилди. Анинг учун Шайх Ҳасан ани зиндонга солди. Бу хотун хаёл қилди ким ани бу хотун бирлан иши бор теб, зиндонга солган бўлмай. Ул сабабдин бир кеча Амир Шайх Ҳасан маст бўлиб келиб ётгонда бу араб зан Шайх Ҳасаннинг мойсиндин тутуб товлай-товлай ўлтурди. Андин сўнг Шайх Ҳасан Кучакнинг иниси Малик Ашраф теган акасининг ўрунда ўлтурди. Хулагухон наслиндин Ануширвон теганини хон қилди. Бир неча вақтдин сўнг ани иъзл қилиб ўзи хон бўлди. Хутба ва сиккани ўз отига қилди. Бу Малик Ашраф ажаб бебок эрди. Муслмонлар анинг сабабиндин ҳар тарафга қочиб кетдилар. Қози Муҳиддин Бардаъий қочиб Дашти Қипчокга Жонибекхон қошига борди. Таки Жонибекхоннинг олдинда Малик Ашрафнинг бебоклигини андаг баён қилди ким Жонибекхон ва жамиъ халойиқ зор-зор йиғладилар. Ахирул амр Жонибекхон лашкари бениҳоят бирлан Малик Ашрафнинг устига отланди. Озарбайгнин келиб Хўйнинг устунда Малик Ашраф Сулдуз бирлан муҳораба қилди /98 б/ Таки Музаффар бўлуб ва Малик Ашрафни ўлтуруб хазина ва дафинасина соҳиб бўлди. Бу воқеа тарих етти юз таки эллик тўққузда эрди.





ЕТТИНЧИ БОБ

ЖҮЧИХОН АВЛОДИНДИН ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ПОДШОХЛИҚ ҚИЛҒАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Аввал Жўчихонни баён қилали. Жўчихоннинг онасининг отини Бўртақучин дерлар. Бўртақучин ҳамила эрди. Чингизхон йўқлукда Маркит халқининг хони Чингизхоннинг эвини чобти. Тақи Бўртақучинни ўлжа қилиб олиб кетди. Ўнгхоннинг хотуни Бўртақучининг эгачиси эрди. Ўнгхон бирлан маркит хонининг орасида дўстлик бор эрди. Ул сабабдин Ўнгхон Бўртақучинни тилаб олиб Чингизхонга юборди. Анинг учун ким Ўнгхон бирлан Чингизхоннинг отаси Есугай баходур дўст эрди. Алқисса Бўртақучин йўлда Жўчихонни туғурди. Ул ерда гахвора йўқ эрди ким ани солғайлар. Алқисса эти оғримасун теб хомирдин бир нимарса таъбия қилиб, анинг ичига солиб олиб келдилар. Чингизхон бу ўғулни кўруб хушхол бўлуб, бизга жўчи келди теди. Мўғул тилинда жўчи теб янги келган меҳмонни айтурлар. Ул сабабдин отини Жўчи қўйдилар. Маълум бўлсун ким Жўчихон отасидин аввал ўлди. Анинг зикри Чингизхоннинг достонинда тахрир топуб эрди. Анинг учун мухтасар қилдук.

БОТУХОН /99 а/ БИН ЖҮЧИХОННИНГ ЗИКРИ

Чингизхон Жўчихоннинг ўлганин эшиткандин сўнг ажаб паришон бўлуб аза тутди. Ул вақтда мамлакат маслахати учун ўғлонлари ва умаролариға ҳамма панд ва насиҳат айта бошлади ва васиятомиз сўзлар сўзлаша бошлади. Филжумла азадин фориг бўлғанидин сўнг Ўтжикинға айтди ким, сен Дашти Қипчоқға борғил. Тақи Жўчихоннинг иккиланчи ўғли Боту ва лақаби Сайинхон турур. Ани отасининг тахтида ўлтуртуб, инилари ва умароларни анга тобиъ қилғил. Агар инилари ва умаролари сўзунгни тутмасалар, ўзунг анда турғил. Тақи менга арза дошт юборғил, биз анинг фикрини қилали теб юборди. Ўтжикин Ботухоннинг ўрдасиға яқин етканда Боту хабар олиб ўғлонлари ва иниларини пешвоз юборди. Ўзи ҳам аларнинг ортиндин пешвоз чиқиб Ўтжикин бирлан кўрушуб азани тоза қилдилар. Уч кундин сўнг Ўтжикин Ботухонни отасининг

тахтинда ўлтуртуб Ботунинг инилари ва умароларига Чингизхоннинг айтган сўзларини айтди. Тамом халқ қабул қилдилар. Андин сўнг улуғ тўй қилиб Мўгул расми бирлан Ботуға оёқ бердилар. Боту ҳам аларға оёқ берди ва кўп инъомлар берди. Ул вақтда Чингизхоннинг ўрдусиндин бир киши келди ким, хон ўлди теб. Бир замонда андаг аза тутуб йиғлашдилар ким дару девордин /99 б/ гиривлар чикди. Алкисса азадин фориг бўлгандин сўнг Ботухон мамлакатни кичик иниси Тўқай Темурға топшуруб, беш иниси Ўрду, Шайбан, Берка. Чимбай, Баракчаларни олиб ва Ўтжикин бирлан қўшулуб Чингизхоннинг тахтгоҳи Қорақурум тарафига мутаважжих бўлдилар. Келиб Қорақурумда жамиъ умаролар ва шахзодаларға қўшулдилар. Таки улуғ аза тутудилар. Азадин фориг бўлгандин сўнг, Ботухон ва жамиъ шахзодалар Чингизхоннинг васияти бирлан Ўгадой коонни тахтада ўлтуртуб, улуғ тўй қилиб коонға оёқ бердилар. Коон ҳам шахзодалар ва умароларға оёқ бериб, хазинанинг эшикин очиб андаг инъом берди ким, ҳеч дарвиш қолмай ҳама гани бўлдилар. Хитой мамлакатидин бир неча мулкнинг подшоҳлари ёғи бўлуб эрди, коон ул тарафға отланур бўлди. Таки Ботухонға ҳукм қилди ким бу сафарда менинг бирлан ҳамроҳ бўлғил теб. Ботухон ҳам беш иниси бирлан отланди. Ул сафарда коон ул мамлакатларнинг барчасини қатл ва горат қилиб қайтиб Қорақурум келди. Таки Ботухонни ўрус ва черкас ва булгар ва яна ўзга қалъаларға номзод қилди. Ўзининг ўғли Куюкхон ва Тўлихоннинг ўғли Мангу коон Чигатойнинг ўғли Байдарни бу сафарда Ботухонға хизмат қилинг ва мадад беринг теб қўшти. Ботухон буларни олиб отланиб ўзининг тахтгоҳига келди. Ботухоннинг иниси Тўқай /100 а/ Темурхон бу жамоатни меҳмон қилди. Уч кеча-кундуз сақлади. Андин сўнг Ботухон бу жамоатни қирқ кеча-кундуз меҳмон қилди. Бу қирқ кеча-кундузда бир дам айш ва ишратдин холи бўлмадилар. Андин сўнг лашкар жамъ қилмокға тугачилар атрофға юборди. Андак фурсатда андаг лашкар жамъ бўлди ким ҳадди ва ниҳояти йўқ эрди. Маълум бўлсун ким Жўчихоннинг тахтгоҳи Дашти кипчоқда Кўк Ўрда теган ер эрди. Маълум бўлсин ким Жўчихоннинг тахтгоҳи Дашти кипчоқда Кўк Ўрда теган ер эрди. Маълум бўлсун ким Ботухоннинг мажар, башқирд, рус, курил ва намаш, бу юртларни олгани ва ўзининг ўлганини мундин туманда айткумиз турур.

БЕРКАХОН БИН ЖЎЧИХОННИНГ ДАШТИ КИПЧОҚДА ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ботухон ўлгандин сўнг Мангу коон Ботухоннинг Сартақ ўғлонини хон қилди. Ул хануз хонлик маснадида ўлтурмасдин бурун вафот тобди. Андин сўнг иниси Улакчини хон қилдилар. Улакчи ҳам оз муддатда вафот топди. Андин сўнг Мангу коон Беркахон бин Жўчихонни хон қилди. Беркахон хон бўлганидин сўнг улуғ тўйлар қилиб кўп инъомлар берди. Тамом ақа ва иниларига Ботухон берган улусни берди. Коонға кўп пешкашлар юборди. Андин сўнг худойи таоло бир кун Беркахоннинг кўнглига мусулмонликнинг муҳаббати-

ни солиб, ўз динининг ноҳақ эрканин билди. Алқисса бир кун отланиб ақасининг солган шаҳри ким оти Саралжиқ турур, анда борди. Кўрди ким Бухородин кўп қарвон келиб турур. Ул қарвоннинг ичиндин /100 б/ икки яхши кишини бир авлоқ ерга чақириб, элгуб мусулмонлиқнинг тарик ва одобини сўрди. Бу кишилар мусулмонлиқни яхши баён қилдилар. Ул подшоҳи комкор, яъни Беркахон сидқи дил бирлан мусулмон бўлди. Андин сўнг кичик иниси Тўқай Темурни чақириб бу сирни анга ҳам айтди эрса, ул ҳам мусулмон бўлди. Андин сўнг дини исломни ошкор қилиб, ҳар ерда кофир бўлса, анинг бирлан ёмон бўллуб, анинг қасдинда бўлди. Ахирул амр анинг зоти шарифинда куланж иллати пайдо бўлди. Тақи тарих олти юз тақи олтмиш тўртда ҳақ раҳматига кетди. Муддати подшоҳлики йигирма беш йил эрди.

МАНГУ ТЕМУРХОН БИН ТЎҚАЙ БИН БОТУХОҲНИНГ ЗИКРИ. АНДИН СЎНГ ТЎДА МАНГУ БИН ТЎҚАЙ БИН БОТУХОҲ, АНИНГ ЗИКРИ. АНДИН СЎНГ ТЎҚТАҒУХОҲ БИН МАНГУ ТЕМУРХОННИНГ ЗИКРИ

Беркахон ўлгандин сўнг Мангу Темурхон хон бўлди. Тақи эл улусни забт қилмоқға машғул бўлди. Ака ва иниларига Ботухон дастурига амал қилди. Тақи Оқ ўрда теган амлакатни баҳодирхон бин Шайбанхонға берди. Кафа ва Қирим вилоятини Ўрон Темур бин Тўқай Темурга берди-да, ўзи Булғар мамлакатига отланди. Тақи икки йилдин сўнг музаффар бўлиб қайтиб келди. Андин сўнг сонсиз чирик бирлан Абакахон устига отланиб, Эрон мамлакатига борди. Тақи Абакахон бирлан сулҳ қилиб қайтиб келди. Ҳамиша бир-бирига пешкашлар /101 а/ бирлан бориш ва келиш қилур эрди. Тарих олти юз саксонда Абакахон дунёдин нақл қилди. Анинг ўрнига Аҳмадхон бин Ҳулағухон подшоҳ бўлди. Бу Аҳмадхон мусулмон эрди. Бир неча вақтдин сўнг Арғунхон бин Абакахоннинг кўлинда шаҳид бўлди. Андин сўнг Арғунхон бин Абакахон подшоҳ бўлди. Дашти қилчоқда Мангу Темурхон Арғунхоннинг подшоҳ бўлганин эшитиб тўқай ва Таргуйтой /Таркутой/ теган икки бегини бош қилиб саксон минг киши бирлан Арғунхоннинг устига юборди. Арғунхон ҳам бу хабарни эшитиб Амис Тўғачар теганини лашкари бенихоят бирлан илгари юборди. Тақи ўзи ортиндин отланди. Бу икки лашкар Қорабоғ устунда урушдилар. Мангу Темурхоннинг халқи бостуруб қочиб кетдилар. Бу хабарни Мангу Темурхон эшиткадин сўнг ичи ғусса боғлаб ўлди. Андин сўнг Тўда Мангу бин Ботухон подшоҳ бўлди. Бу Тўда Мангухон бисёр зулм ва бедод қилмоқни оғоз қилди. Тўқайғухон бин Мангу Темурхон анинг зулминдин қочиб кетди. Тақи бир неча вақтдан сўнг кўп лашкар жамъ қилиб келиб Тўда Мангу бирлан урушиб Тўда Мангунинг лақарин босиб, Тўда Мангунини ўлтуруб ўзи подшоҳ бўлди ва кўп юртларни олиб, ота ва ақасининг дастури бирлан /101 б/ амал қилиб ахирул амр дорул фанодин дорул бақога риҳлат қилди. Муддати подшоҳлики олти йил эрди. Шаҳри Саройжиқда мадфун бўлди.

БЕРДИБЕКХОН БИН ЖОНИБЕКХОННИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Жонибекхон ўлгандин сўнг Табриздин Бердибекхон Саройжик келди. Уч кун аза тутдилар. Азадин сўнг тамом шаҳзодалар ва умаролар Бердибекхонни хон қилдилар. Бу Бердибекхон ажаб золим таъб, фосик, ичи қора ва бад нийят киши эрди. Ақа ва инисин-да; қариндош-уруғин-да ҳеч киши қўймай ўлтурди ким, юрт ўзумга боқий қолғай теб. Билмади ким дунё фоний турур. Ахир подшоҳлиғи икки йилға етмай тарих етти юз олтмиш иккида вафот топди. Сайинхон авлоди Бердибек-да мунқатиъ бўлди. Ҳоло ўзбек ичинда масал турур: «Нор бўйни Бердибекда кесилди». Андин сўнг Жўчихоннинг ўзга ўғлонларининг авлоди подшоҳлик қилдилар.





САККИЗИНЧИ БОБ

ЖЎЧИХОН БИН ЧИНГИЗХОННИНГ БЕШЛАНЧИ ЎҒЛИ ШАЙБАНХОННИНГ АВЛОДИНДИН ТУРОДА ВА ҚОЗОҚДА ВА ҚИРИМДА ВА МОВАРОУННАҲРДА ПОДШОҲЛИҚ ҚИЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, анинг ўғли Шайбанхон, анинг ўғли /103 а/ Баҳодирхон, анинг ўғли Жўчи Буқа, анинг ўғли Мунка (Муига) Темур, анинг ўғли Бекқўнди ўғлон, анинг ўғли Али ўғлон, анинг ўғли Ҳожи Муҳаммадхон, анинг ўғли Маҳмудақхор, анинг ўғли Абақхон, анинг ўғли Кулликхон, анинг ўғли Шамай Султон, анинг ўғли Урон султон, анинг ўғли Баҳодир Султон. Маҳмудхони мазкурнинг бир ўғли Муртазахон, анинг ўғли Кўчимхон, бу жамоатнинг насли Кўчимхонда мункатить бўлди. Бу Кўчимхон Туро вилоятинда қирк йил подшоҳлик қилди. Узун ёш тобди. Ахир икки кўзи нобино бўлди. Тарих минг тақи уч йилда Кўчимхоннинг қўлидин Турони ўрус олди. Кўчимхон қочиб манғит халқининг ичига борди. Тақи ҳақ раҳматига кетди.

ТЎҚАЙ ТЕМУР НАСЛИНДИН ҚИРИМДА ПОДШОҲЛИҚ ҚИЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, анинг ўғли Тўқай Темур, анинг ўғли Ўзтемур, анинг ўғли Сарича, анинг ўғли Кунчак ўғлон, анинг ўғли Тўқлихожа ўғлон, анинг ўғли Тўйхожа ўғлон, анинг ўғли Тўқтамишхон, анинг саккиз ўғли бор эрди, бу тартиб борлан: Жалолиддин, Жабборберди ва Кепак ва Каримберди ва Искандар ва Абу Саид ва Кўчак ва Қодирберди. Тўқлихожаи мазкурнинг инисининг оти Тўқлак Темур, анинг ўғли Чина, анинг ўғли Хасан ўғлон, ани ичкили Хасан /103 б/ дерлар. Анинг ўғли Муҳаммадхор, анинг ўғли Тоштемур, анинг ўғли Фиёсиддинхон, анинг ўғли Ҳожи Герайхон, анинг саккиз ўғли бор турур. Бу тартиб бирлан: Давлатёр ва Нуридавлатхон ва Жайдархон ва Қутлуқ замон ва Келдиш ва Менгли Герайхон, ва Ёмгурчи ва Ўзтемур. Қиримнинг подшоҳлари Ҳожи Герайхоннинг наслидин турур. Алҳод ернинг йироқлиқидин билиб бўлмас ким Қиримда Ҳожи Герайнинг қайси ўғлининг насли турур подшоҳлик қилатурған.

ТЎҚАЙ ТЕМУРНИНГ НАСЛИНДИН ҚОЗОҚДА ПОДШОХ БЎЛГАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, анинг ўғли тўқай Темур, анинг ўғли Ўзтемур, анинг ўғли Хожа, анинг ўғли Бадақли ўғлон, анинг ўғли Урусхон, анинг ўғли Қўйирчиқхон, анинг ўғли Бароқхон, анинг ўғли Абусайид лақаби Жонибекхон, анинг тўққуз ўғли бор турур. Бу тартиб билан: Ирончи ва Махмуд ва Қосимки Муҳаммадхон Шайбоний билан урушиб Муҳаммадхоннинг шаҳид бўлмоқига боис ул бўлди. Андин сўнг Итик ва Жонин ва Қанбар ва Таниш ва Ўсак ва Чадак.

ЖЎЧИХОННИНГ ЎН УЧЛАНЧИ ЎҒЛИ ТЎҚАЙ ТЕМУРНИНГ НАСЛИНДИН МОВАРОУННАХРДА ПОДШОХ БЎЛГАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг ўғли /104 а/ Жўчихон, анинг ўғли Тўқай Темур, анинг ўғли Ўзтемур, анинг ўғли Абай, анинг ўғли Нумған, анинг ўғли Қутлук Темур ўғлон, анинг ўғли Темур Қутлукхон, анинг ўғли Темур султон, анинг ўғли Муҳаммадхон, анинг ўғли чавақ Султон, анинг ўғли Манқишлоқ Султон, анинг ўғли Ермуҳаммад султон, анинг ўғли Жони Султон, анинг ўғли Динмуҳаммад Султон, анинг ўғли Надир Муҳаммадхон, анинг ўғли Абдулазизхон ўзбек. Ҳисобдонлар анда айтиб турурлар ким Абдулазизхоннинг оталари ва Қирим подшоҳларининг оталари, қозоқ подшоҳларининг оталари Жўчихон бин Чингизхоннинг ўн учланчи ўғли Тўқай Темурхоннинг наслиндин турур. Тақи Темурхоннинг наслиндин турур. Тақи Ҳожимхоннинг ва Абдуллахоннинг ва Кўчимхоннинг оталари Жўчихон бин Чингизхоннинг бешланчи ўғли Шабайхоннинг наслиндин турур. Маълум бўлсун ким бу уч хони мазкур ҳамаср эрдилар. Бир-бирининг сўнгиндин дунёдин нақл қилдилар. Жўчихоннинг ўғлонларининг ўзгалари ва юртлари юқорида айтилди. Саккизланчи боб билан тўққузланчи бобда.

ЖЎЧИХОННИНГ БЕШЛАНЧИ ЎҒЛИ ШАЙБАНХОННИНГ АВЛОДИНИНГ ЗИКРИ ТУРУР

Бир икки боб андак мундин қуйирокда айрилуру. Бу ерда иккисин қўшуб бир айтмоқ зарур эрди. Анинг /104 б/ учун айтилди. Жўчихон мажар ва Бошқирд ва Ўрус ва Курил ва Намаш бу юртларга отланайин теб элга жар қилдурди. Етти йиллиқ сафар яроғининг ғамини есунлар теб. Хануз лашкар йиғилмай эрди, бемор бўлиб ўлди. Ул ҳам айтилиб эрди. Чингизхоннинг ул вақтда тирик эрканин. Набираси оти Боту ва лақаби Сайинхон, анга ҳукм қилди, отанг на ерга борайин теб ният қилған бўлса, сен отанг ўрнига бош бўлиб борғил теб. Сайинхон чирикин йиғиштуруб юруганда Чингизхон тақи ўлди. Икки йилдин сўнг Ўгадой Қоон хон бўлди. Ул тақи Сайинхонга амр қилди отлан теб, отланди. Тақи ўруснинг вилоятларин ола-ола Маскав борди. Анда Курил ва


Намаш ва ўруснинг подшоҳлари йиғилиб чиб қилдилар-да, ўр қаздилар. Улуғ уруш бўлди, то уч ойгача. Ахир бир кун Шайбанхон акаси Сайинхонга айтди: «Менга ўз навкаримдин бошқа беш-олти минг киши бер. Кеча ёвнинг ортинда бориб буқайин. Тангла эрта бирлан сизлар олдиндан уруш солинг. Мен ортиндин бўлайин». Тангла шундақ қилдилар. Уруш кизган вақтда Шайбанхон кўтарила чоғди. Тақи ўрнинг лабига келди. Шайбаннинг ўзи отади: тушуб ўрдин ўтди. Ўрнинг ичиндин тўгарак барча ерга арабани темур занжирлари бирлан беркитиб эрдилар. Занжирларни /105 а/ кесди, арабаларни бузди. Барчаси пиёда найза бирлан қилични жубаладилар, олдиндин. Сайинхон ва ортинда Шайбанхон. Шул ерда етмиш минг киши ўлтурдилар. Ул юртларнинг барчаси Сайинхонга тааллуқ бўлди. Ул сафардин қайтиб тушкандин сўнг Жўчихоннинг улуғ ўғли оти Ўрда ва лақаби Ичан. Ул бу сафарда ишимизни битурган сен бўлдинг теди. Тақи иниси Шайбанхонга жулду теб ўн беш минг эвлик эл берди. Отаси ўрнида ўлтурган кичик ақаси Сайинхон жулду теб, ул сафарда олган ўлжа вилоятларидин Қурил юртини берди. Байри элиндин кўшчи ва найман ва қорлиқ ва буйрак бу тўрт урук элни эл берди. Тақи айтди ким, ўлтурур юртунг ақам Ичан бирлан менинг орамизда бўлсун. Ёз Ёзина Иргиз совуқ ва Ўр, ва Илк то Ўрал тоғинача ёйикнинг кун туғуш тарафини Яйлагил. Қиш бўлганда Орақум, Қорақум ва Сир сувининг бўйини, Чу сувининг, Сари сувининг оёқини кишлагил, теди. Шайбанхон Қурил юртина бир ўғлини, яхши бекларини ва эли бирлан кўчуруб юборди. То ўғул-ўғулгача ул юрт Шайбанхон ушбу айтилган юртларни ёйлаб ва кишлаб ўлтурди. Тақи неча /105 б/ йилдан сўнг ўлди. Андин ўн икки ўғли бор эрди. Отлари бу тартиб билан битилди: Байнал, Баҳодир, Қадак, Балка, Чирик, Меркан, Қуртка, Аёчи, Сайилғат, Санчар, Мажар, Қуйинчи. Иккинчи ўғли Баҳодирхон отаси ўрнинда ўлтурди. Анинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Жўчибуға ва кичикининг оти Қутлукбуқа.

Жўчибуға отаси ўрнида ўтурди. Анинг тўрт ўғли бор эди. Отлари мунлар турур: Бодақил, Бектемур, Янқичар, Ясбуға. Жўчибуға бу дунёдин ул дунёга кеткандин сўнг, улуғ ўғли Бадақил отаси тахтинда ўлтурди. Анинг бир ўғли бор эрди. Минг Темур отлиғ. Ул ажаб баҳодир ва туғушлиқ ва ақиллик эрди. Ул сабабдин ани Кулук Минг Темурхон дер эрдилар. Кулукнинг маъноси турлуғатинда бу турурким, бир кишининг бир таянган нимарса бўлса айтсам ким, ушбу нимарса агар бор бўлса мен ҳеч ёмонла юзин кўрман теб. Шул нимарсага кўнгли инонса ани кулук тер.

Минг Темурхоннинг олти ўғли бор эрди. Отлари мунлар турур: Элпак, Жанга, Пулод, Севинч, Темур, Тунгабек, Қўнди. Отаси Минг Темур ўлгандин сўнг ўғли Пулод анинг ўрнинда ўлтурди. Анинг икки ўғли бор эрди, Иброҳим ва Арабшоҳ. Ўзбек ул иккисининг отини абё араб тер.

ШАЙБАНХОН НАСЛИНДИН МОВАРОУННАХРДА ПОДШОҲ БЎЛҒАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Чингизхоннинг ўғли Жўчихон, анинг ўғли Шайбонхон, анинг ўғли Баходир, анинг ўғли Жўчибуқа анинг ўғли Бодақил анинг ўғли Мунка Темур, анинг ўғли Пулод, анинг ўғли Иброҳим ўғлон, анинг ўғли Давлат Шайх ўғлон, анинг ўғли Абдулхайрхон. Анинг ўн бир ўғли бор эрди. Улуғ ўғлининг оти Муҳаммад, лақаби Шохбахт. Ўзи шоир эрди. Шайбонхоннинг наслиндин бўлган учун ўзига Шайбоний таҳаллус қилиб эрди. Шохбудақ султони мазкурнинг кичик ўғли оти Маҳмуд Султон, анинг ўғли Убайдуллохон. Абулхайрхони мазкурнинг иккиданчи ўғлининг оти Хожа Муҳаммад. Аммо ўзбек ани Хўжуғам тентак дерлар. Анинг ўғли Жонибек. Ул ҳам беақл киши эрди. Анинг ўғли Исқандархон. Ул ҳам кам ақл киши эрди. Аммо анинг икки хунари бор эрди. Андин сўнг қарчиғай солмоқға ва ани сақламоқға яктойи жаҳон эрди. Андин сўнг қарчиғай солмоқға ва ани сақламоқға яктойи жаҳон эрди. Анинг ўғли машҳури маъруф Абдуллохон. Анинг ўғли Абдулмўминхон. Бу жамоатнинг насли Абдулмўминхонда мункатиъ бўлди. Маълум бўлсун ким Абдулхоннинг ҳикояти оламда машҳур эрди. Ул сабабдин батафсил баён қилмадук.





ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

ЖУҶИХОН БИН ЧИНГИЗХОННИНГ /106 б/ БЕШЛАНЧИ УҶЛИ ШАЙБАНХОННИНГ АВЛОДИНДИН ХОРАЗМДА ПОДШОҶЛИҚ ҚИЛҶАНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Отлик ўзбек ул иккисининг отини абё араб тер. Пўлод ўлгандин сўнг отасидин қолған элларни иккиси бўлушуб, икки оға-ини бир ерда қўчуб ва қўнуб ёйикнинг бошин ёйлаб ва Сирнинг оёқин кишлаб тотулик бирлан умр ўтказдилар. Араб ўлгандин сўнг ўғли Ҷожи Тўли отаси ўрнинда ўлтуруб элға подшоҳлик қилди. Анинг бир ўғли бор эрди, Темур Шайх отлик. Ҷожи Тўли ўлар бўлғанда Темур Шайхни ўрниға ўлтуртуб кетди. Темур Шайхнинг йигитлик вақтинда қалмоқдин икки минг киши келиб элин чопиб қайтди. Темур Шайх кейинидин қува бориб, чирики йиғилмасдин бурун етиб урушти. Тақи бостурди-да, анда шаҳид бўлди. Ҷеч фарзанди йўқ эрди. Элни ёвға чобтирди. Тўрасиндин айрилди ва подшоҳиндин Ини ва ўғул қолмади. Уч умидсизлик бир-бирининг устина бўлди. Бу сабабдин ён ёноша ўлтурған халқ ўзға тўраларға кетди. Анда уйғур халқининг оқсақоллари йиғилиб ўрду эшикина келдилар. Тақи хонимға киши юбордилар. Тақи айтдилар ким эл барчаси кетди. Биз тақи кета турурмиз. Тузларин баҳил қилсунлар. Яна бир сўзимиз бу ким, хоннинг хотунлари ва қумалари кўп эрди /107 а/. Муни яхши қарасунлар, агар бирисининг бўюнда бўлса кетмалинг. Ул бўлғунча ўлтуралинг. Бу сўзни эшиткандин сўнг хоним айтди: «Ўзгасининг бўюнда йўқ. Менинг уч ойлик ўғлоним бор». Бу сўзни эшитгандин сўнг уйғур халқи ўрду бирлан бирға ўлтурди. Найман халқи кетиб эрди. Бу сўзни эшитгандин сўнг ўзға тўраға бориб навкар-да бўлмади, қайтиб ўрду қатиға-да келмади. Ўзға эллар бориб ўзға тўраларға навкар бўлди. Хоним олти ойдин сўнг бир эркак ўғул топди. Отини Ёдгор қўйдилар. Уйғур халқи бир кишини юбордилар, юруб барча кетган эллардин севинчи тилағил теб. Ул киши ул найман халқина борди. Онлар бир корақашқа от севинчи бердилар. Тақи қайта қўчуб ўрду қатиға келдилар эрса, янғи тўқған ўғлонни энагаси қўтариб отасининг кўрунушоҳонасина келтуруб тўрда ўлтурди.

Сўл мўғул расминда ўнғдин улуғ бўлур. Анинг учун ким бадан мулкнининг подшоҳи юрак турур. Юракни тангри таоло сўл ёқда



яратган турур. Найманни уйгур меҳмонсен теб сўлда ўзидин юқори ўрун берди. Бу вақтгача Найманнинг юқори ўлтурмоқликнинг сабаби ул турур. Андин сўнг отасиндин қолган навқарлари умид қилгани келдилар. Эшиқда боши бутун, энгли ва ёқали эл уйгур бирлан найман бўлди. /107 б/ Ул иккисининг Ёдгорхон ўғлонларина қорачиман темақлигининг маъноси ул турур ким, ўзбек лугатинда Қорачи темақликнинг маъноси ул турур ким, яъни Қорачи яхшини ва ёмонни, келурни ва кетарни, эмгақлини ва эмгақсизни ҳеч кишига тараф тутмай кўргил темақ бўлур. Ёдгор йигит бўлди. Андин тўрт ўғил бўлди. Аввал Берка, иккинчи Абулак, учунчи Амнак, тўртунчи Абак. Амнакнинг маъноси бу турур ким ул вақтда мўғул тили кўп унут бўлуб кетмай эрди. Лафзи жон араб тили турур. Тожик хуш дер. Ўзбек тин дер. Мўғул амин лер. Ул Амнакнинг кофи араб анга кофи тасғир дер. Ул кичкина маъноси-на бўлур. Ўзбек ани гина дер. Гоҳ ердагина дер, нечук ким кичик отни отгина ва кичик кишини кишигина дер. Анинг маъноси хонгина темақ бўлур. Эмди айта турган сўзумиздин қолмалинг. Ёдгорхоннинг улуғ ўғли Берка Султон ажойиб туғушли тўқган йигит эрди. Айтурлар ким анинг кўкракини худойи таоло бити яратган эркандур. Тўшнунг сўнгақларининг орасинда кўмурчаги бўлур. Анинг ҳеч кўмурчаги йўқ яклаҳт жўйсиз бир тахта эркандур. Берка султон Абулхайрхон бирлан маосир эркандур. Берка султоннинг йигитлиги ва Абулхайрхоннинг қарилиқи, иккиси бир вақтда аркандур. Темурбий авлодиндин Мовароуннаҳрда /108 а/ Абусаид мирзо ўз қариндошлариндин Абдуллатиф мирзони ўлтурубтур. Таки юртга эга бўлубтурур. Абдуллатиф мирзонинг ўғли Мирзо Муҳаммад жўги қочиб Абулхайрхонга бориб турур. Абулхайрнинг хотуни Абдуллатиф мирзонинг синглиси эркандур.

Муҳаммад жўгининг аммаси бир неча вақт хон эшикинда турган сўнг Мовароуннаҳрдин бир киши бориб турур. Султон Абусаид Мирзо Самарқанддин отланиб Хуросон кетди. Андин нари Мозандаронга ҳам борурман теб. Бу сўзни эшитқандин сўнг Мирзо Муҳаммад жўги хондин кўмақ илтимос қилиб турур. Хон Берка султонни чакириб айтиб турур. Мирзо Муҳаммад жўги биздин кўмақ тилай турур. Менинг ўғлонларим-да ва якин иниларим-да бу ишни бошқарғутек киши йўқ. Сен менинг ўғлум сен. Ўз чирикинг бирлан отлан. Мен ҳам чирик қўшайин. Берка султон хоннинг сўзин қабул қилиб Муҳаммад Жўги мирзони, ўттиз минг киши бирлан отланиб Тошкент келиб турур. Отасиндин ва ўзиндин қолган, Абусаид мирзодин кўнгли ярим бўлган чигатой эли бузулуб Муҳаммад Жўги Мирзога келдилар. Андин Тошкентга бориб кирди. Андин Шоҳруҳияни бориб олди. Андин Сир сувини ўтиб Самарқандга борди. Абусаид мирзо Хуросон кетганда Самарқандда /108 б/ ўз ерина арғун Арундин Амир Мазид теганни қўюб кетиб эрди. Ул ўзина тааллуқ киши бирлан Самарқанддин чиқиб ясов ясаб урушти. Берка Султон Муҳаммад Жўги Мирзони чигатой лашқари бирлан тўп қилди. Ўзи сўл бўлди. Абулхайрхоннинг қўшқан чирикина Бешқанд ўғлон теганни бош қилиб ўнг

килди. Урушти худойи таало Берканинг қўлун юкори қилиб, Муҳаммад Мазид аргуннинг туғини паст қилди. Уруш шаҳр икиндида эрди. То шаҳрнинг дарвозасига еткунча чиғатой лашкарин қиличдин ўтказа бордилар. Таки қайтдилар. Амир Мазид қўлга тушмай шаҳрга кирди. Таки дарвозалар ва бурчларга кишилар таъйин қилди. Кабал ярогин еди. Таки Хуросонда Абусаид мирзога воқеотни битиб арзадошт юборди. Султон Абусаид мирзо арзадоштни кўргач, Хуросон лашкарина ҳукм қилди, тез йиғилсунлар! Йиғилгандин сўнг оғир чирик бирлан ўзи Самарқанд сари юрди. Муҳаммад Жўғи мирзо Кўфин ва Карминага келди. Бухоро ва Сўғд ва Самарқанднинг ичиндин ўзга барча Мовароуннаҳр вилоятлари Муҳаммад Жўчига муяссар бўлди. Барчасина доруғалар юборди. Ул вақтда хабар келди ким Абусаидхон улуг лашкар бирлан Балхга келди теб. Муни эшиткандин сўнг барча улуг ва кичикўлтуриб кенгаш қилдилар. Берка султон айтди, шукр тангрига /109 а/ Тошкенд ва Туркистон ва Мовароуннаҳр қўлимизда турур. Ўзбек ва чиғатойнинг оғир чирики олдимизда ҳозир. Ҳеч нимадан камимиз йўк. Аму сувининг ёқасина боралинг, Ёвни ўтказамали, агар ўтса урушади. Чиғатой бийлари айтди, мундин қайтиб Сирини кечали. Таки Шохруҳияда турали. Мовароуннаҳрни сақлай билмасмиз. Туркистон бирлан Тошкендни сақласак бизга етар. Муҳаммад Жўғи мирзо Берка султоннинг сўзининг маъқул эрканин билди. Аммо ўз элининг сўзини ёқа билмади. Таки Карминадин кўчуб Шохруҳия сари юзланди. Чиғатойнинг қора ёмони Абусаид мирзонинг келурига тоб келтурмай кочти теб хаёл қилди.

Таки шул кун ик бузулуб Абусаид мирзога кетмак бирлан бўлди. Берка султон айтган сўзин тингламаганга ачиқланди. Яна кўрди ким чиғатойдин ҳеч киши қолмади. Мовароуннаҳр юрти ёвнингки бўлди. Навкарлар яна ҳукм этди, чопинг сўғдни теб. Кўфиндин чопавулни кўяберди. Уч кун туруб, тирик молни ҳайдай билган чоқли, ўлукни юклай билган чоқли олиб эвиге келди. Муҳаммад Жўғи мирзо Шохруҳияга борди. Абусаид мирзо бу хабарларни эшитиб кетидин борди. Ул Шохруҳиянинг қалъасина қабалди. Абусаид мирзо тўрт ой қабаб ўлтурди, олабилмади. Ахир Хожа /109 б/ Убайд Самарқанддин бориб орада юруб онг ичиб Муҳаммад Жўғи мирзони қалъадин чиқариб, Абусаид мирзога кўрунуш қилдурди. Ул сўзига вафо қилиб Муҳаммад Жўғини ўлтурмади. Аммо Хуросоннинг Ихтиёридин теган қалъасинда банд қилиб қўйди. Бу воқеа тарих саккиз юз олтмишда эрди.

МАНҒИТ МУСОБИЙНИНГ БЕРКА СУЛТОН ЭШИКИНА КЕЛИБ КўМАК ТИЛАГАНИНИНГ ЗИКРИ

Мусобий бирлан Қўжаш мирзо иккиси ёв бўлиб уруштилари. Қўжаш мирзо ғолиб келди. Мусобий қочиб чиқди. Таки ўз-ўзгина ва қатидаги кишиларига кенгашти, қайда борсам мен бу ўчумни олурман теб. Агар бу иш келса Берканинг қўлиндин келур, ўзга

кишининг қўлидин келмас теб, Берка /Бурга/ Султоннинг ўрдусига келди. Таки ахволини арз қилди. Берка султон айди, яхши келдинг ва хуш келдинг. Қўлумдин келганин аямайман. Отам хон бўлсун. Сен эшикинда улуғ бий бўл. Тўрт ёкдағи элни ва халкни келтурди. Улуғ тўй қилди. Отаси Ёдгорхонни оқ кийизга солиб хон кўтардилар. Ўзбек ичинда машхур турур. Абулхайрхон, Ваққосбий, Ёдгорхон, Мусобий теган сўзнинг маъноси бу турур. Андин сўнг сафар яроғин қилиб Мусобийни олдиға солиб бошчи /110 а/ қилиб отланди. Қиш куни эрди. Қор улуғ тушти. Бора-бора отлари ориқ бўлди ва озуклари тавсулди. Халқ кайтмоқни ўхшатдилар. Султон қайтман теди. Бир неча кундин сўнг лашкар бурунқидин хароб бўлди. Ахир Мусобий бошлиқ барча беклари келиб султонға арз қилдилар ким «Ёмон ют бўлди, отсиз пиёда на ерга борурмиз. Бу йил бўлмаса, келур йил бўлсун. Қайтмоқлик давлатга муносиб турур тедилар». Султон айди: «Ушбу кун ва тангла юрали. Агар хабар билсак, анга амал қилали. Хабар билмасак қайтали», теди. Таки эрта бирлан эрди, отланди-да юруди. Олдинда бир қир бор эрди. Қирнинг устунга чиқти эрса, нари ёкда бир чуқур ерда кўп эл кўрунди. Қирдин қайтиб отдин тушти. Таки икки кишини юборди, элдин хабар олиб келинг, теб. Онлар бориб бир товарчини олиб келдилар. Андин хабар сўрдилар эрса, ул айди, Қўжаш мирзонинг эви турур. Отландилар. Таки гофил бориб мирзонинг эвина қуюлдилар. Қўжаш мирзо қўлга тушти. Султон ани ўлтурди. Элни чобти. Кўп ўлжалар олди. Қолғани бокинди. Малой хонзода теган Қўжаш мирзонинг бир қизи бор эрди. Ани Берка /Буркан/ султон олди. Ул қиш анда қишлади. Таки ёзи бирлан эвиге қайтиб тушти.

ЁДГОРХОННИНГ ВАФОТ ТОПҚАНИ /110 б/ ВА БЕРКА СУЛТОННИНГ ШАҲИД БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Бу воқеотдин бир неча йил ўткандин сўнг, Ёдгорхон вафот топди. Андин сўнг Абулхайрхон таки ўлди. Абулхайрхон туғишли, дўстларни кулдириб ва душманларни йиғлатиб юруган киши эрди. Тўрт ёниндағи ўлтурган қаринтошларининг ҳеч қайсина тези ўтмаган ва қўли етмагани йўқ эрди. Ул сабабдин барчаси бош кўтардилар. Таки Абулхайрхоннинг агарчи ўғли ва набираси кўп эрди, андағ ҳам бўлса кўп душман қўл суқти. Таки ўғлонларининг бир нечасин ўлтурди.

Қолганлари тўрт ёкға қочдилар. Кўп элининг барчасин тўрт ёкға тўздурдилар. Ул вақтда, «Отанг эвин ёв чопса бирга чоп», теган қари сўз турур. Бу сўзга амал қилиб Берка /Бурка/ султон таки бир ёкда қўл суқуб эрди. Бу воқеотдин бир неча йиллар ўткандин сўнг, Абулхайрхоннинг набираси Шохбахтхон туғишли йигит туғди. Таки ота юртиға келди. Озган ва тўзган элни йиғди. Берка /Бурка/ султон билан ота-бобоси нечук сулук қила турган бўлса, бу ҳам шундақ қилиб юруди. Душманлиқин ҳеч зоҳир қилмади. Бир йил Сирнинг оёкин қишлаб эрдилар, Шохбахтхон

Берка /Бурка/ Султондин бир тўқай юкори кишлаб эрди. Бир кун Шохбахтхон халкина жар килди. Бу кун /III а/ барчалари келиб эшикда ётсунлар. Тангла эртанг бирлан овға бораман теб. Навкарлари йиғилгандин сўнг тун ярими бўлди теганда отланди. Таки Берканинг /Бурканинг/ ўрдуси сари юруди. Навкарларина айтди: «Тонг бирлан бориб Беркани /Буркани/ айвонида босарман хеч киши ўлжаға бўлманг. Эвни тўгарак қаманг. Таки Беркани /Буркани/ қўлга сола кўрунг». Айтганиндай тонг отганда келиб ўрдунни кабаб, султонни изладилар эрса, топмадилар. Қул ва дадакдин сўрдилар эрса, онлар айтди: «Сиз келгунча бор эрди. Сиз келган сўнг ҳар кайсимиз бир тарафга қочдук. Султонни билмадук қайда кетганин».

Эмди султонни айталинг. Султон ўрдуда яланғоч ётиб эрди, от оёқининг овози келди. Яланғоёқ қиш пўстинини орқасина солиб югуруб ташқари чикти. Кўрди эрса ёв турур. Эви тўғайнинг ичинда эрди. Эшикининг олдинда қамишли улуг қўл бор эрди. Кун совук эрди. Қамишнинг ичина югура берди. Бузнунг устунда бора юрганда оёқина қамишнинг чўгири урди. Таки ёрди. Қони хеч тўкмади. Қолинг қамишнинг ичина борди. Таки оёқини пўстин этакина чирмаб ўлтурди. Шохбахтхон қочганларни бир-бир тутуб Беркани /Буркани/ излаб /III б/ ва сўраб юрий эрди. Берка /Бурка/ султоннинг бир иноқи бор эрди. Уйғур уруғиндин Мунақа отлиғ. Ул ҳам қочиб эрди. Берка /Бурка/ султонни излаб юрган кишиларнинг бирисина учради. Ул киши кимсан деб сўради. Мунақа айтди: «Мен шул излаб юрган кишингман». Мунақа пиёда, ул отлиғ эрди. Отдин тушуб тутмоқға кўрктида, от устунда туруб кичкура берди, булан мунда, булан мунда теб. Бу овозни эшитган ул анга, ул анга қичқурди. Берка /Бурка/ султонни излаб юрган кишиларнинг барчаси йиғилиб Мунақабийни тутуб Шохбахтхон олдиға олиб бордилар, Беркани /Буркани/ тобдук теб. Хон ва эшик халқининг барчаси танурлар эрди. Хон бу Берка /Бурка/ эрмас, Берканинг Мунақаси турур теди. Таки айтди: «На учун мен Беркаман /Буркаман/ тединг!» Сен Мунақа бийсен. Айтди «Кўп тузун ичиб, эмгакин тортиб, бир ерда ўсиб эрдим. Ани излаб юрган кишилар менинг устумга йиғилсунлар. Ул ёй бўйи душмандин ажрасин теб бир иш қилибман. Қолганин сен яхши билурсен», теди. Шохбахтхон ул қилган ишини яхши кўруб, қонин бағишлаб инъом берди. Андин сўнг барчалари Беркани /Буркани/ изламак бирлан бўлдилар. Ул кечаси бир бармоқча қор ёғиб /II2 а/ эрди. Бир киши овулнинг четинда бир яланг оёқнинг изин олиб излаб бора эрди. Қўлга кирган сўнг ул кишининг оёқиндин бузнинг устунга қизил қон оқаберди. Қонни из оралаб келди эрса, бир одами киши қалинг қамишнинг ичинда ўлтуруб турур. Муни кўрди. Таки йўлдошларина кичқурди. Беш-ўн киши йиғилиб тутуб Шохбахтхон олдиға олиб бордилар. Шул замон Султонни шаҳид қилиб, эвин човуб ва талаб қайтиб эвиге кетди. Қуваш мирзонинг кизи Берка /Бурка/ султоннинг кўчи эрди. Анинг бўйинда султондин икки ойлик ўғлони бор эрди. Ани Абулхайрхон ўғли Хожа Муҳаммад Султон ўлжа қилиб олди. Ул етти ойдин сўнг бир

эркак ўғил туғурди. Анинг отини Хонибек қўйди. Анинг ўғли турур. Искандархон, анинг ўғли машхур маъруф Абдуллахон. Анинг ўғли Абдулмўминхон. Хожа Муҳаммад султон кам ақлрок киши эрди. Ани хўжуғам тентак дерлар эрди. Ёмонлики бу ғоятда эрди ким, авулдаги заифаларға ўтға мой солиб сенинг ўғлунг бўлур. Сенинг кизинг бўлур. Сенинг фалон нимарсанг фалон бўлур теб, фол боқиб қўшнақлик қилур эрди. Ул ўғлоннинг ўзидин бўлганин ва ё ўзгадин бўлганин билурдай ақли йўқ /П2 б/ эрди. Аммо ўзга халкнинг барчаси Хўжуғам тентак Берканинг /Бурканинг/ ўғлини ўзимники теб ўғил қилиб юрур дерлар эрди. Малой хонзода ўзининг фойдаси учун ростини айтмади. Бизнинг оқсақолликларимиз айтурлар эрди: «Абдуллахон улуғ отаси Берканинг /Бурканинг/ қонини Абулхайрхон ўғлонлариндин бирина ўнни ва йигирмани олди. Бизнинг жамоат ўзининг яқини эрдик. Билмасликдин ани ҳам кирди, Ўзи ҳам ўлди.

Ўғли кейининдин кетди. Насли қолмади. Юртини ётқа берди. Эмди Берканинг /Бурканинг/ ўғлонларин айтилинг. Андин сўнг тангрим буюрса иниларини айтилинг.

БЕРКА СУЛТОННИНГ ЎҒЛОНЛАРИ ЭЛБАРС ВА БИЛБАРСНИНГ ЗИКРИ

Берка /Бурка/ султондин икки ўғил қолди. Улуғининг оти Элбарс ва кичигининг оти Билбарс. Халқ ичинда машхур оти Беликач эрди. Эмчак эма турган вақтда хаста бўлиб, икки оёки маъб бўлур эрди. Тизиндин туманининг жони йўқ эркандур. Бу икки ўғул эрликка етишдилар. Иккиси ҳам туғишли яхши йигитлар бўлди. Ота юртида юрудилар. Шохбахтхон Мовароуннахрни олди. Эл кейинидин кетти. Ул юртда Ёдгорхон ўғлонларидин ўзга киши қолмади.

Эмди Элбарсхоннинг Урганчни нечук олганини айтилинг. Шохбахтхон Мовароуннахрни олди. Султон Хусайн мирзо Ҳиротда /П3 а/ ўз ажалиндин ўлди. Шохбахтхон бориб Хуросонни Султон Хусайн мирзонинг ўғлонларининг қўлиндин олди. Султон Хусайн мирзонинг ўғлонлари ва набиралари қўп эрди. Иккиси ва учиси қочиб кутулди. Ундин ўзга барчасини ўлтурди. Ул вақтда Урганч Султон Хусайн мирзоға тааллуқ эрди. Шохбахтхон Урганчга доруға юборди. Бу воқеотдин беш-олти йил ўтқандин сўнг Шох Исмоил келиб Марвда Шохбахтхон бирлан урушуб босиб ўлтурди. Ани эшитгандин сўнг Шохбахтхоннинг Урганчда қўйган доруғаси Урганчни ташлаб кетди. Шох Исмоил барча Хуросоннинг вилоятларина доруға юборди. Хоразмға уч доруға юборди. Бири Хевақ ва Ҳазорасбга, бири Урганчга ва бири Вазирга. Урганч ва Вазирга юборгани иккиси бир тукған эрди ва асли араб эрди. Урганчда турганининг оти Субхонқули ва Вазирда турганининг оти Раҳмонқули эрди. Раҳмонқули араб Вазирга келгандин сўнг Вазирнинг ақобирларин йиғиштируб улуғ ош бериб барчасиға хильят берди. Ул вақтда Вазирнинг қозиси Умар отлик ақлик ва олим

қори киши эрди. Бу ҳокимни келиб кўрмади. Ошға чарлаганда бормади. Беморман теб ётиб юрди. Ҳоким ош берган кун /113 б/нинг тангласина қози Умар киши юбориб арбоб бошлик уч тўрт ақобирни пинҳони чарлади. Тақи айтди, янги келган ҳокимнинг берган сарупоси қутлук бўлсин ва янги динингиз ҳам қутлук бўлсун. Бу ақобирлар танг қолиб айтдилар, янги дин теганингиз не турур? — қозидин сўрдилар. Қози айтди, ханузгача подшоҳингиз шоҳ Исмоилнинг ва бу ҳокимингизнинг на дини ва мазҳаби борини эшитмаймусиз. Онлар онт ичиб айтдилар, бизга бир неча йилдан бери ҳар ким Хуросон подшоҳи бўлса, андун доруға келур. Биз муни ҳам шундақ хаёл қила турурмиз. Қози айтди: «Ўн уч-ўн тўрт йил бўлди ким шоҳ Исмоил бу мазҳабни ихтиёр қилғали. Бу бир ботил мазҳаб турур теди. Тақи бир-бир баён қилди. Ҳоло бу доруғанинг кишиси оз ва биз кўп, кўркканиндин зоҳир қилмай турур. Бир неча вақт туруб ихтиёрингизни олган сўнг ул сиз ақобирларга сабби саҳобани таклиф қилур Сизларни ўзинингки қилган сўнг авомға таклиф қилур. Қилмаганин ўлтурур. Тез ғамингизни емасангиз мусулмонликдин айрилиб, кофир бўлдунгиз!» — теди. Бу сўзни эшитгандин сўнг барча Вазирнинг ақобирлари ушбу фикр бирлан бўлдилар. Бир икки йил ўтди. Ҳеч иш қилабилмадилар. Ул вақтда Боқирғанда Сайид Ота наслиндин Сайид Ҳисамиддин қаттол теган /114 а/ бир яхши киши бор эрди. Анга бориб айтдилар, сизни подшоҳ қилали, тақи қизил бошни қирали теб. Ул айтди менинг подшоҳ бўлурумға халқ букун қабул қилсалар ҳам, сўнг қойил бўлмаслар. Агар сиз бу ишни ростингиз бирлан қилур бўлсангиз, мен бир асил яхши подшоҳ топиб берайин теди эрса, Вазир халқи ани ким турур теб сўрдилар. Хожа бир неча йилда бир қаррат орқаға ўзбек ичина бориб, халқнинг пиёзини олиб келур эрди. Ул Элбарсхоннинг аслини ўзининг яхши ва ёмонлиқини барча нарсаларни бир-бир баён қилди. Андин сўнг Вазир халқиндин икки яхши киши ва хожанинг бир кишиси хожанинг китобатин ва Вазир ақобирларининг арзадоштин олиб Элбарсхонға бордилар. Элбарсхон иниси Билбарс бирлан отланди. Тақи Вазирдин борган кишиларни ўзиндин илғари юборди. Улар келиб Вазир халқиға хабар қилдилар. Ақобирлар барчалари йиғилиб ўлтуруб киши юбордилар. Ул киши келиб Элбарсхонға айтди, бандалиқдин сўнг халқнинг арзадошти бу ким, қалъадин кўрунмасдай ерга кечаси бирлан келсунлар, тақи буксунлар-да, бизга киши юборсунлар, Элбарсхон андақ қилди. Элбарсхонға борган ақобирларнинг кишиси Элбарсхоннинг /114 б/ келганин айтди. Андин сўнг улуғ ва кичик барча йиғилдилар. Тақи дарвозаларға киши таъйин қилдилар-да, қалъа ичинда турган қизил бошни қирдилар. Ҳеч киши қутқазмадилар. Тангласина Элбарсхон келди. Барча халқ хоннинг олдина қаршу бордилар. Тақи келтуруб шаҳрда ҳоким ўлтуратурган эвга тушурдилар. Элға совун солдилар. Улуғ тўй қилиб ўзбек ва сарт барчаси йиғилиб иттифоқ бирлан тарих тўққиз юз ўн бирда ва кўй йилинда Элбарсхонни хон кўтардилар. Қадим Вазирға тааллуқ ҳоким ўлтуратурган вилоятлар кўп эрди. Бузула-бузула Элбарсхон келган чоқда уч ҳоким нишин

ер қолиб эрди. Аввал вазир, иккинчи янги шахр, учунчи Тирсак. Элбарсхон Вазирда бўлди. Янги шахрни иниси Беликач султонга берди. Тирсакка ҳоким қўйди-да ўлтурди.

ЭЛБАРСХОННИНГ УРГАНЧНИ ОЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Вазир халқи қизилбошни қирганда бир етим бир вайрон хонада яшурунуб ётди. Таки кеч бўлгандин сўнг дарвозадин чикти. Таки Урганч келди. Аввал ҳам айтиб эрдук, Урганч ҳокимининг оти Субҳонқули араб, Вазир ҳокимининг оти Раҳмонқули араб теб. Субҳонқулининг олдига келиб анча кўрганни баён қилди. Субҳонқули Урганчнинг ақобирларини чарлаб айтди: /II5 а/ «Вазирда шундақ воқеот бўлган эрмиш. Неча йилдин бери сиз халқнинг тузунгизни ей турарман. Эмди сизнинг ризойингиз менинг кетмаклигимда бўлса кетайин. Агар турмоқликимда бўлса турайин. Урганч халқи айтдилар: «Алҳамдулиллоҳ шоҳ Исмоилдек подшоҳ тахт устунда турур. Тамоми Ироқи замин ва Хуросон анинг қўлинда. Сен келгали тўрт-беш йил бўлди. Сендин ҳеч зўр ва зулм кўрганимиз йўқ. Орқадин бир беш-ўн ўзбек Вазирга келди темак бирлан сен подшоҳ олдина на деб борурсен ва бир сени на деб юборурмиз. Ўзбекнинг эви ва эли йўқ. Бир ерда қарор қилиб турмас. Беш-ўн кундин сўнг Вазирни талар ва чопар-да, қайтур кетар. Анинг учун на теб изтироб тортатурурсиз дедилар эрса, Субҳонқули айтди: «Агар бу сўзларни ростингиз бирлан айта турган бўлсангиз, менинг олдимда барчангиз онг ичинглар. Улуғ ва кичик барча ўлтуруб Субҳонқулининг олдинда онг ичтилар, «Сенга ёмонлик соғинмасимизга; Агар ўзбек келса олдинда туруб урушуримизга теб. Андин сўнг Субҳонқули ракибдориға айтди: «Бир ракиби танга келтургил» теб. Ул олиб келди. Ўрта ерда қўйди. Субҳонқули ақобирларга боқиб айтди: «Бир етти йилдам /II5 б/ йигит топинг, Вазирга бориб ушбу воқеотни яхши билиб келгай». Хануз онлар кишининг отин тутмай эрдилар, қоравул халқининг девонлар теган жамоасидин бизлар кичик эрканда Авазқизил ўкуз теган бир киши бор эрди. Шунинг отаси туғушлуқ йигит эркандур. Шул қўпа келиб, бу хизматни мен қилайин теб турур. Анда Субҳонқули айтиб турур, сен бориб келганда айтқан хабарингга мен шунда инонурманки, бу танггани олурсен ва сабби саҳоба қилурсен дебтур. Ул танггани олиб ва сабби саҳоба қилиб, Вазирга бориб ва келиб ҳар на бўлган воқеотни бир-бир айтибтур. Элбарсхон Вазирда уч ой тургандин сўнг олдикиб Урганч устига келибтур. Субҳонқули Урганчнинг қўмакин қўлиға олиб, шахрдин ярим фарсанг чиқиб урушубтур. Элбарсхон босиб ўлтура-ўлтура шаҳарга келиб кирибтур. Субҳонқули барча навкарлари бирлан ўлубтур. Андин сўнг Элбарсхон эвина ва элина киши юбориб қўчуруб олиб келиб тур. Хевақда турган қизил бош ҳам Урганч ҳокими Субҳонқулидай сартқа кенгаш солибтур, кетарин ва турарин. Кетарина ризо бўлмаё саклаб турурлар. Урганчдин ўзбек юрт-овули келиб Хевақни чопар эркандур. Шунинг бирлан

ўлтурубтурлар. /Иб а/ Элбарсхоннинг навқари озлик қилиб тур. Ёдгорхоннинг элининг кўписи Абулак ва анинг ўғлонлари қатинда қолиб турур. Бир кун бекларин қакириб айтибтур: «Бир оз эл бирлан мунда келдук. Элимизнинг кўпи қариндошларимиз қатида қолди. Эмди сизларга ўхшаса қариндошларимизни қақирсак деймиз теди. Анда барча беклар айтдилар, биз сизни мундин илгаррак киши юборурму эркан теб кўнглимизга келур эрди. Уйғур уругиндин бир қари киши бор эрди. Анга эв ичинда ўрун тегмай ташқари ўлтуруб эрди. Ул еридин кўпди ва хон олдига келди. Тақи қўл қовуштуруб туруб арз қилди. Бурунки ўтган ўзбекнинг аҳли тажрибалари айтиб турурлар: «Тўранинг давлатли бўлурунини нишони ул турур ким навқарга меҳрибон бўлур ва бадавлатининг нишониси қариндошга меҳрибон бўлур». Элбарсхонга ул сўз ёмон келиб турур. Ўтирган беклар барчаси ул кишини сўқуб икки қариндошни бир-бири бирлан ёмон қилиб хушомад айтиб орада сўз юрутатурган шундақ мардақлар турур. Тангла қариндошларингиз келган сўнг шундақ бузук сўзлай /Иб б/ турган ёмонлардин бирни иккини ўлтурмасангиз тузук бўла билмассиз деб турурлар.

АБУЛАКХОН ВА АМНАКНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНИНГ УРГАНЧГА КЕЛИБ ХЕВАК, ҲАЗОРАСБ ВА ХУРОСОН ЭТАГИНИ ОЛҒАНИ. АБУЛХОН, МАНҚИШЛОҚ ВА ДЕХИСТОНДА ЎЛТУРҒАН ТУРКМАНЛАРНИ РАЪИЯТ КИЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Ул вақтда Ёдгорхоннинг тўрт ўғлининг барчаси ўлган эрқандур. Анинг ўғлонларина киши юбориб айтиб турур. Биз келиб Вазир бирлан Урганчни олдук. Хевак ва Ҳазорасбдин қизилбош кетмай турубтур. Агар мунда келиб, тангридин тиларман, тесалар эл кўп вилоят десалар Хуросон, тузда ўлтурган эл десалар Абулхон ва Манқишлоқда туркман бор. Борган киши бу сўзларни айтқандин сўнг Абулакхоннинг бир ўғли Амнакхоннинг олти ўғли эви ва эли бирлан кўчуб Урганч келиб турурлар. Элбарсхон Вазирни ўзи олиб Урганчни буларга бериб турур. Андин сўнг Амнакхон ўғлонлари Хевак, Ҳазорасбни кўп човуб хароб қилганина қизилбош кўрқуб қочибдур. Андин сўнг Хевак, Ҳазорасб ва Катни олишиб Хуросонга отланиб човуб турурлар. Ул вақтда шоҳ Исмоил ўлуб /И7 а/ турур. Ўзбек кўрқунчиндин Хуросон тоғининг шимол тарафидаги сарҳадларнинг кун туғуши Маҳначача ва оёки Дурунғача барчасин ҳокимлари ташлаб қочиб турурлар. Ўзбекнинг ери кенг бўлуд турур. Хар тўра бориб бир неча вилоятни эгаллаб тур. Андин сўнг қибласи Хуросонга, кун ботиши Абулхон бирлан Манқишлоқга қайта-қайта йўртиб човуб турлар. Элбарсхоннинг иниси Беликач султонни юқорида ҳам айтдук, эмчак эматурғанда маъюб бўлуд икки тизиндин куйи жони йўк. Бутина ёпуша битган эрқандур. Ул сабабдин отқа ўлтурабилмай арабага минар экандур. Бир киши фароғат ўлтуруб ётқундек қудалақ арабанинг тегаражекина темур қоплатиб йилдам арғимоқ отларни екуруб, тўрт беш

баходир йигитларга бошин еттуруб ҳамиша Абулхон ва Манкиш-лоқға йўртар эркандур. Кезатиб ёзмас мерган эркандур. Арабанинг ичинда ётиб тик юкунуб туруб ўнгли ва сўлли отқанига кўз эгармас эрканди. Улуғ ёв бўлганда ўзи йигитларга бош бўлуб эровул бўлуб эркандур. Араба бошин олиб юруган йигитлара булай юр, алай юр, илгари юр, Кери /117 б/ қайт теб айтур эркандур. Отлиғ киши бирлан бирга теб тенг юруб урушур эркандур. Арғимоқ от юккан юк сер кудалақ отлиқ кишидин қолмас эркандур. Туркманнинг бир нечаси раъият бўлиб мол берур эркандур ва бир нечаси ёв бўлуб эркандур Раъиятчилигина на миқдор мол берури қарор бермагандурлар. Гоҳ кўп ва гоҳ оз берур эқандур. Тангрим буюрса Сўфёнхоннинг ҳикоятида туркманнинг молина қарор берилгани айткумиз турур. Бир неча йил шундақ қилиб ўлтурдилар. Беликач султон ўлди. Андин сўнг Элбарсхон ҳам ўлди. Элбарсхондин етти саккиз ўғил қолди. Улуғининг оти Султонғози, иккинчи Мухаммад ғози, Ўзгаларининг отлари маълум эрмас. Беликач Султондин беш-олти ўғул қолди. Улуғининг оти Султон хожи, ўзгаларининг оти маълум эрмас. Элбарсхон Вазирни олғандин сўнг, юртни қизил бош қўлиндин олдим теди. Тақи бўлган ўғлонларининг барчасина ғозий от қўйди. Фалон ғози ва баҳмон ғози. Иниси Беликач султондин бўлган ўғлонларининг барчасина хожи от қўйди. Фалон ғожи ва баҳмон хожи теб. Ул вақтда Ёдгорхоннинг набираларининг ичинда Беликач ўғли Султонхожидин /118 а/ ёшқа улуғроқи йўқ эрди. Ани янги шахрдин Вазирга келтуруб хон кўтардилар. Султонхожининг эли ва навқари оз эрди. Эл, мол ва юртнинг ихтиёри Элбарсхоннинг қўлинда эрди. Ул ўлғандин сўнг улуғ ўғли Султонғози султоннинг қўлинда бўлди. Ул ақлик, туғушлук ва бўйни берк йигит эрди. Ул замонда эл ичида бу сўз машхур эрди ким, султон хоҳ яхши ва хоҳ ёмон хукм қилса, Султон ғози ёрлиқидур, чора не темак. Аммо ёмон айби шул ким бахил эрди. Султонхожихонға икки улуш бериб эрди, Бириси хонлиқнинг оти, иккинчи шилан ошининг олди. Ул тақи бир йил туруб отаси кейинидин кетди. Андин сўнг ёшға улуғи Абулакхоннинг ўғли Ҳасанқулихон эрди. Хон кўтариб Урганччи анга бердилар. Барчаси бир Ёдгорхоннинг ўғли эрдилар. Андақ ҳам бўлса Ёдгорхоннинг уч ўғлининг ўғлонлари эрди. Уч гуруҳ бўлуб, уч бошқа отлаиб тушарлар эрди. Бириси Элбарсхоннинг ўғлонлари ва иниси Беликач султоннинг ўғлонлари Мунларнинг кичиклариндин бошқа садақ боғлағанлари Ҳасанқулихон замонида ўндин /118 б/ кўп бўлди.

Барчасининг боши Султонғози султон. Амнакхоннинг олти ўғли бор эрди. Улуғи Сўфён, иккинчи Бучға, учунчи Аваниш, тўртунчи Қол, бешинчи Ақатой ва олтинчи Оғанай. Бу олтисининг ўғлонлари кўп эрди. Ҳасанқулихон замонида олтисиндин бошқа садақ боғлағани яна олти бўлуб эрди. Ҳасанқулихон отадин ёлғиз эрди. Ўғлонлари кўп эрди. Аммо садақ боғлағани Билол отли бир ўғли бор эрди. Ота ўғул иккиси ҳам туғушсизроқ кишилар эрди. Бир тарафда Элбарсхоннинг туғушли кўп ўғлонлари Ҳасанқулихонни ёлғуз ва Урганчнинг хосилини кўп, Ҳасанқулихон оз чиқиб

урушгүтек куввати йўқ, беилож бўлди. Таки Урганч шаҳрина кабалди. Урганчнинг улвақта эрк кальаси йўқ эрди. Андин сўнг Эшсултон эрк солдурди. Барчаси келиб Урганчни қабадилар. Таки барча тўралар ясови бирлан Хуросон дарвозасина келдилар. Ҳасанкулихон дарвозадин пиёда чиқиб, хандақга орқа бериб ясади. Ташқарикилар отли ва ичқарикилар пиёда улуг уруш тушди. Чошт вақтиндин то пешингача Амнакхонинг кичик /119а/ ўғли Оғанай султон шул вақтда йигирма ўзган йигит эрди. Эртадин пешингача урушуб ола билмаганларина номус килиб чопучиларга бош бўлуб чобди. Таки ёвга етган ердин қайтмади. Кўп пиёдадинг ичина кириб хандақ лабинда найза бирлан киши санчиб йикди. Кўп пиёда ўқ бирлан аввал отини уруб чикдилар. Андин сўнг ўзини йикиб бошин кесдилар. Пиёдадинг олди найза бирлан ўқ, орти қалъа қочиб кетар ери йўқ. Ҳар чанд зўр қилдилар бўлмади. Ахир қайтиб кўшларига тушдилар. Урганчнинг бурчин санадилар. Тўралар навкарларина лойик бурчларни олишиб кўнгилларини Урганчни олмай қайтмасликга қарор бериб ўлтурдилар. Ҳасанкулихоннинг ва бир нечаларнинг ажали ва бир нечаларнинг эмгакина Оғанай султон ўла қолди. Ул ўлмаса эрди, Ҳасанкулихонда қонлари, ўчлари йўқ эрди. Шояд бир неча кун турғандин сўнг бир сарҳад бериб Урганчдин чиқариб юборгайлар эрди ё эсан-омон ёт юртга узатиб юборгайлар эрди. Оғанай султоннинг ўлгани йитмас яра ва эмсиз огрик бўлди.

Урганч улуг шахр. Тез-ўқ қахатлик бўла қолди. Бир эшакнинг қалласи қирқ-эллик танга бўлди, топилмади. Чиғирик теса Урганч сартларининг аччиғи келур. Анинг маъноси ул турур ким /119 б/ Урганчнинг муллолар теган жамоати бўлур. Уларнинг бир давлат-манд яхши кишиси бор эрди. Раъиятдин бир кишининг анинг бирлан иши бор эркандур. Ул звига кириб борса қўрар ким муллоларнинг оқсақолликлариндин беш-олти киши ўлтуруб турур. Эв эгаси эшакнинг закарини табақга солиб йилқининг ўтурган қазисин тўрғагандек чиғирик-чиғирик тўрғай турур. Халқнинг аҳволи икки ойда шундақ бўлди. Андин сўнггисин мўндин қиёс қилинг. Халқ бузулиб чиқа бошладилар. Киши оз қолди. Улуг шахр ва оз киши қалъага ясови етмади. Тўрт ой бўлганда олдидилар. Таки Ҳасанкулихонни ва улуг ўғли Билот Султон бирлан иккисини ўлтурдилар ва ёш ўғлонларини онаси бирлан Бухорога юбордилар. Бу вақтда ул жамоатдин Сўғдда ўн беш чоқли киши бор эрди.

СҮФИЁНХОННИНГ ЗИКРИ

Сўфиёнхонни хон кўтардилар. Таки Урганчни бердилар.

Вазир, Янгишаҳр, Тирсак, Хуросон, Дурун, Мэнкишлоқ турк-манини Берка/Бурка/ султоннинг набиралари Султонғози султон бошлиқ олдидилар. Сув бўюнда Хевақ ва Ҳазорасб ва Кат ва Бўлдумсоз ва Пингичка тов бўюнда Богобод ва Нисой ва Обивард ва Чаҳордех ва Маҳна ва Чача. Аму дарёсининг бўюнда ўлтурган

ва Абулхонда ва Дехистонда /120 а/ ўлтурган туркманларни мунларнинг барчасини Амнакхоннинг тўрт ўғли олди. Таки маротиб бирлан бўлушиб тинг кўнгил бирлан ўлтурдилар. Сўфиёнхон туркманга киши юборди. Ул вақтда эрсари халки Абулхонда ўлтурурлар эрди. «Тангри буюрукинда закот бермак фарз турур. Ҳар йилда моллариндин закот берсунлар. Мен киши юбориб чоптурмайин». Бу сўзни қабул қилиб ҳар йилда молларининг закотларин бериб боқиндилар. Бир неча йиллар бериб турдилар. Бир йил Сўфиёнхон киши юборди. Ҳар йилда улуг уруқларга бир киши ва кичик уруқларнинг иккисини ва учисина бир киши юборур эрди. Бу йил ҳам шундақ қилди. Йўлга чиққандин сўнг санадилар, яхши ва ёмон қирқ киши бўлди. Илгари бориб ҳар киши бир уруғнинг молини битқариб юруб эрдилар, туркманнинг йигитлари сўзлаштилар, таки ҳар қайсиси ўз уруғина келган баротдорни ўлтурдилар. Бир неча вақтдин сўнг бу ҳабарни хонга етқуздилар, хон туркманнинг бу қилган ишига қаттиқ аччиқлатиб тўрт иниси бирлан отланди. Таки Абулхон борди. Ул вақтда Урганчдин Абулхон бормоқ бу авулдин ул овулга боргантек эрди. Анинг учун Аму суви Урганчнинг /120 б/ калъасининг тубиндин ўтуб Абулхон тоғининг кун туғушина бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин ўргулуб, кун ботишига бориб, андин ўтуб ўғурча бориб Мозандарон тенгизина қуяр эрди. Таки ул ким Аму дарёсининг икки тарафи то Ўғурча борғунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахтистон эрди. Баланд ерларга чиқир /Чиғир/ қуарлар эрди. Молли халқ кўкавун ва чибин вақтинда бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетарлар эрди. Чибин ётқандин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди.

Пешгоҳдин то Қари кичитгача сувнинг йкки тарафинда адақли, хизир эли ўлтурур эрди. Қари кичитдин то Абулхон тоғининг кун ботишигача икки тарафинда Али эли ўлтурур эрди. Андин то тенгизга қўйган еригача тевачи халки ўлтурур эрди.

Эмди айта турган сўзумиздин қолмалинг. Эл четина келгандин сўнг тўралар тўп-тўп бўлуб ҳар қайсиси бир ердин чопавулни қўя бердилар. Эрсари бирлан Хуросон салури аралаш ўлтурур эрдилар, андақ чопдилар ким, суруб юруй билмадилар. Ўғлон ушоқини асир қилдилар. Йироқда қайси қочиб қутулди. От етган ерда /121 а/ чопилмай қутулгани бир бўрк кир бор турур. Абулхоннинг қутб тарафинда. Абулхон бирлан анинг ораси отлига уч кунлук йўл бўлур. Ани Чўтақ дерлар. Айби шул турур ким ичинда суви бўлмас, йўқ эрса ёв келиб юз йил қабаса ола билмас. Бир йўли бўлур юкли тева чиқатурган. Фақир ани кўп кўрубман, бориб анга қабалдилар. Чапавул йиғилгандин сўнг хон бориб Чўтақни қабади. Туркман бир кун-икки кун ўлтурди. Сувсизликдин қилурга ут келди. Оқсақолликлари тоғдин тушиб Оқатой султоннинг кўшини сўруб келдилар. Таки Ақатойхонга кўрунуш қилдилар. Таки арз қилдилар ким андағ эшитибмиз, ўзбек расминда эв юрт кенжа ўғулники бўлур эрмиш. Ота бошлиқ барча ақалар кенжа ўғулни сийларлар эрмиш, теб. Амнакхоннинг ўғлонларининг эмди қолган

кенжаси сени турур теб эшитамиз. Бизнинг қўлумиз таки сенинг этакинда. Агар сен бизнинг гуноҳимизни ақаларингдан ўтуруб олсанг, барчамиз онт ичалинг ўғул-ўғул, қиз-қизимизгача Ақатойхоннинг тухминдин ҳар ким бўлса, анга саркашлик қилиб, рўй гардон бўлмасимизга, тедилар.

Ақатойхон ул кишиларни қайта юбориб, барча ишга ярар кишиларин чақиртиб келтуртди. Онлар Ақатой султоннинг олдинда /121 б/ ушбу айтилган сўзларни айтиб Курьондин онт ичтилар. Ақатой султон туркманларни қўшунда ўлтуруб ақаси Сўфиёнхон катиға бориб. Туркманларнинг гуноҳин ўтунди. Ақаси ўтди. Андин Аванишхон, андин Қолхон қўшиға борди. Барчаси айтдилар, сенга бағишладиқ ва ўтдук, нечук қилуригни сен билурсен тедилар. Қайтиб қўшиға келди. Кўрган-эшитганин туркманларга айтди. Мунлар сеvingандин юраклари ёрилуғга келди. Андин сўнг туркманларга айтди: «Ақам худ гуноҳларингизни ўтди. Эмди, сизлар журмона немина берурсизлар». Онлар айтди: «Сиз немина тесангиз, биз они бералинг». Ақатой султон сўрди: «Хоннинг навкарлариндин неча киши ўлтурдунгиз», — теб. Туркманлар ҳисоб қилиб айдилар: «Яхши-ёмон қирқ киши». Хон айтди, андағ бўлса, бу йил худчопилдингиз. Тангрим буюрса келур йил ҳар кишининг қони учун ақамға минг қўй беринг. Андин сўнг нечук бериб олуригизни ақам бирлан ўзларингиз сўзлашурсиз, бўлгай теди. Онлар жонлари бирлан қабул қилдилар. Таки ўн олти минг қўйни эрсари, ўн олти минг қўйни Хуросон салури, саккиз минг қўйни така ва сариқ ва ёвмут /ёмут/ бермак бўлдилар. /122 а/ Бу айтилган элларнинг барчаси бир урук турур. Жумласина ташки салур дерлар. Хон қайтиб Урганчагу тушди.

Келур йил баротдор юборди. Қирқ минг қўйни бир камсиз бериб, ўн беги бахшилари баротдорнинг олдиға тушуб кўп пешкашлар бирлан келиб, хонни кўрдилар. Иккинчи йили киши юбориб тилади эрса, тақи бердилар. Шул қирқ минг қўй уларнинг бўйнинда неча пуштлар қолди.

Эмди ўзга туркманларнинг бературған молларини ҳам мундин олиб қолмалинг. Ушбу ерда айталинг. Бу воқиятдин бир неча йил ўткандин сўнг, ўзга туркманларнинг бошларина ва молларина лойиқ мол бературған туркманларнинг бошининг, молининг юзиндин ҳисоб қилиб, ички салурға ўн олти минг қўй, мундин бешқа подшоҳлик шиланда сўймоқ учун минг олти юз дўна қўй. Мунга қозон қўйи теб от қўйдилар. Ул ўн олти минг қўйиға барот қўйи теб от қўйдилар. Ул ўн олти минг қўйиға барот қўйи теб от қўйдилар. Таки навкарга бердилар. Туркманнинг ҳар уруқина не миқдор барот қўйи солсалар, анинг тошиндин қозон қўйи даҳ як олдилар. Барот қўйини навкар олиб кетар. Пас подшоҳнинг шиланхонасинда ўлтурмакка қўй бермассинму тедилар.

Ҳасан элина ўн олти минг барот қўйи ва минг олти юз қозон қўйи солдилар. Анинг ўн икки /122 б/ мингини игдир ва човулдур кўтарди. Тўрт мингини ушоқ эллар кўтарди. Арабачиға тўрт минг барот қўйи ва тўрт юз қозон қўйи солдилар.

Кўкланга ўн икки минг барот қўйи ва минг икки юз қозон

қўйи солдилар. Адақлига ўн икки минг барот қўйи ва минг икки юз қозон қўйи солдилар. Аму сувининг ёқасинда экин экиб ўлтурган уч урук туркман бор эрди. Ани уч эл дерлар эрди: Хизир элининг адақлиси, али эли ва тевачи. Мунларнинг экинлариндин даҳ як олдилар. Тевачи бирлан Али элина мол ҳам солиб олдилар. Адақ элина навкар солдилар. Бир неча йил ўткандин сўнг Сўфиёнхон ҳақ раҳматига кетди.

БУЧҒАХОННИНГ ЗИКРИ

Бучғахонни Урганча келтуруб хон кўтардилар. Сўфиёнхоннинг беш ўғли бор эрди. Аввал Юсуф, иккинчи Юнус, учунчи Али, тўртинчи Ағиш, бешинчи Паҳлавонқули. Бу бешисина Хевакни бердилар. Бучғахон замонинда Бухорода Убайдхон бор эрди. Ул неча қаррат Хуросон устина бориб вилоятларни олди. Қолғанини ўзбек ҳамиша йуртуб ўлжа-асир қилатурур эрди. Абивард, ва Насой ва Дарун Урганч ўзбегининг қўлунда эрди. Мунлар ҳам отланиб то йил кўпрукинача чопарлар эрди. Бири қайтса, бири борур эрди. Хўжанд /123 а/ бирлан Исфарайин Нисойдин орада қўнуб боратурган ер бўлур. Ул иккисининг ҳокимлари экин эка ва мол сақлай билмаслар эрди. Қиш ва ёз қурғанининг ичинда қабалиб ўлтурурлар эрди. Бу сабабдин шоҳ Таҳмосиб бисёр танг бўлди. Таки Бучғахонга элчи юборди. Сўзи буким: «Мен хонга ўғул бўлайин дейтурурман. Темурбий Чингизхон авлодина куёв бўлди эрса, ханузгача ани Темур Кураган дейтурурлар. Мен ҳам Чингизхон авлодина кураган бўлмокни кўнглим излай турур, то Хункордек улуғ душманам айтқай ким шоҳ Таҳмосиб ўзбек подшоҳининг қизин олди; яхши ярашди», — теб. Бучғахоннинг қизи йўқ эркандур. Ақаси Сўфиёнхоннинг бўй етган қизи бор экандур, Ойиша беги отлик. Шунни берали теб турурлар. Қизнинг туққан ақалари беш эрканин айтдук. Онларнинг ичинда Ағиш султон одами фақир, дарвеш ниҳод мужик йигит эркандур. Ани бош қилиб тўққуз киши юбориб турурлар. Мол олғали Қазвинда бориб шоҳни кўруб турурлар. Шоҳ бекларини қарши чиқариб улуғ йиғин қилиб кўруб сийнинг ва ҳурматнинг ҳаддин кетариб турур. Ағиш султонга Хўжанд шаҳрини бериб турур. Ўттуз йил Хўжандда /123 б/ ҳукумат қилиб ўлди. То ўлгунча Хўжанддин отланиб ҳеч ерга сафар қилмади. Бучғахонга тўққуз олтин хишт, тўққуз қумуш хишт, тўққуз чодар боши зарбофт, оёки чўптордин тўшаки бирлан, бир мажлиснинг асбоби барчаси олтин-қумушдин, тўққуз от эгари ва югани бирлан, минг йипак қумаш юборибтур. Хон ҳам қизни подшоҳларга лойиқ асбоб бирлан узатибтур. Фалак бир неча Ўргулгандин сўнг Бучғахон вафот топди.

АВАНИШХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Аванишхонни Урганчада хон кўтардилар. Бучғахоннинг уч ўғли бор эрди. Аввалғининг оти Дўстмуҳаммад, иккинчининг оти Эшмуҳаммад ва учунчининг оти Бурам, ани Эшдўст дерлар эрди.

Ул иккисина Катни бердилар. Аванишхоннинг уч ўгли бор эрди. Улуғи Динмуҳаммадхон, андин кичиги Маҳмуд, андин кичиги Алисултон. Динмуҳаммадхоннинг онасини манғитдин келган бозургондин сотиб олиб эрди. Чехраси қора эрди. Ўзи айтур эрди, манғит фалон мирзо теганнинг қумадин тўққан қизи эрдим. Манғит юрти бузулди. Мени бир киши ўлжа қилиб савдогарга сотди. Икки кичик ўглининг онаси манғит мирзоларнинг қизи эрди. Динмуҳаммадхонни эмчақдин айрилган /124 а/ дин сўнг Али султоннинг онаси Бийимга топшурди. Ҳар подшоҳ ким манғит мирзоларининг кизини олса, ани бийим дерлар эрди. Бийим Динмуҳаммадни кўп забун сақлар эрди. Динмуҳаммадхон олти яшар ўғлон эрканинда ўғлонлар бирлан ўлтуруб қалъа ясаб бир нечасини қалъанинг ичинда кўюб ва бир нечасини тошинда кўюб айта эрди: «Юрунлар қалъага ҳар қайсингиз бурун чиқсангиз инъом берурман ва кўркуб қолганингизни ўлтурурман. Бийим кулди. Таки айтди: «Кўтига бок, бу туғманинг сенга шаҳр ва қалъа ўрнина тош ва турпоқ бор». Динмуҳаммадхон кўпа келиб қайтиб кўлини қовуштириб таъзим қилди. Бийимнинг қаҳри келиб мен муни сўкаман, бу менга таъзим қила турур, теди. Динмуҳаммадхон айтди: «Сиз менга тош-турпоқ бор дейтуурсиз, муни оғзингизга тангри сола турур. Шаҳр ва вилоят тош-турпоқдин бўлур». Шул ниятина лойиқ худойи таоло анга берди.

Динмуҳаммадхон ота кўлунда ўн тўққуз яшади. Отаси анга ҳеч нимарса бермади. Ул вақтда Хуросон этаки то Астрободгача Урганч подшоҳларина тааллуқ эрди. Ани тоқ бўйи, Урганчни сув бўйи дерлар эрди. Иккиси бир подшоҳининг юрти эрди.

Урганчнинг талабди йигитлари Хуросонга бориб қизилбошга йўртуб, мол топиб келурлар эрди.

Динмуҳаммад султон бир неча йигит /124 б/ ларни кўлига олиб Астробод бориб Мозандарон йўртарман теб отасиндин рухсатсиз қирқ киши бирлан отланиб кетди. Сув ёқаси бирлан Чекдалиқ тўғайига борди. Андин Динор теган қудуқга борди. Андин отланиб бора юруб эрди, бир киши учради. Олти тева ва ўттуз кўйи бор. Қайда борасан? — теб сўради. Ул киши айтди: «Муҳаммад ғози султоннинг фалон теган кишисининг навқари турурман. Туркманга баротга келиб эрдим, баротимни битуруб қайтиб Дурун бораман» теди. Ул вақтда Дурун ҳокими Илбарсхоннинг ўғли Муҳаммад ғози султон эрди. Кўйининг ичинда бир сари серка бор эрди. Динмуҳаммад султон айтди: «Ушбу серкани бизга бергин, йўлимизга яхши; тангрим буюрса қайтганда савғо берали». Ул киши қабул қилмади. Султоннинг аччиқи келди. Ул кишини боғлатиб урдурди. Тевасин ва кўйин барчасини олди. Таки юруй берди.

Биз кичик эрканда оқсоқоллиқлар айтур эрди: «Ёмон ишни бу оздур, мундин не бўлур» — теб қилғучи бўлманг. Бизнинг юртимиз бир сари эчку сабаб бўлуб бузулган турур. Айтган эчкулари ушбу эчку турур. Бузуқлукни айтқумиз турур.

Динмуҳаммад султон Астробод борди. Таки уч тўрт қаррат қизилбошга йўртуб кўп ўлжа бирлан отаси қатига қайтди /125 а/.

Эмди қўйин олдурган баротдорни айтди. Ул киши бориб бегина айтди. Беги бориб Муҳаммадғози султонга айтди. Султон Динмуҳаммад султоннинг бу қилган ишига қаттиқ аччиқи келиб ҳисоб қилиб қайтур вақтинда йўлларига кўп кишилар таъйин қилди. Ул кишилар биқлаб турдилар. Тақи келгандан гофил тутдилар. Навкарларининг ўлжасин ва байирисин олиб кўп изолар бериб қўя бердилар. Динмуҳаммад султонни тутуб Муҳаммад ғози султон олдига олиб бордилар.

Ул тақи бир эвга солиб эшикин беркитиб бир неча кишини таъйин қилди. Қочурмай сақланг теб. Навкарларининг кўписи пиёда йиқила кўпа қайтиб эвларига кетди. Бир неча ҳақиқатлиси султонни бандда кўюб юртга бориб не айтурмиз теб, Курдишда улуг йўлнинг устинда ўлтурган элларда гадоилик, сақолик қилиб юрудилар. Эвларига борган навкарлари бошлариндин ўтган воқеотни айтдилар. Бу сўзни Аванишхонга етқуздилар. Хон ҳеч нимарса темади, анинг учун ким Динмуҳаммадга ота кўзи бирлан қарамай эрди. Тақи бири ул ким хон ул вақтда эллик ёшга етиб эрди. Али султоннинг онаси хон бирлан ҳам синни санад эрди. Муҳаммад Ғози султоннинг кўркли яхши сингелиси бор эрди. Ани тоза олиб эрди. Динмуҳаммад султонни бир неча кун сақлангандин сўнг, қўлина айру урди. Уйгур ҳалқиндин Ришов Худойберди теган навқари бор эди анга топшурди, беш олти киши қўшди. Худойбердига айтди: «Оёқини отнинг қорниндин боғла кеча кундуз ётма тез олиб бор. Хонга менинг дуомдин сўнг айт, андаги эшиттукким, бу туғма хондин рухсатсиз кетган эрмиш. Мунда келиб шундақ ишлар қилди. Анинг учун танбия қилдим». Андин сўнг Ришов Худойберди беш-олти киши бирлан султонни олиб илғаб кетди. Кечалар юруганда ҳар ерда ким эл бор бўлғай теб гумон қилса, анда баланд овоз бирлан чарлар эрди. Ғарази бу ким навкарларимдин бу элнинг ичинда мени сақлаб ётқани бўлса овозимни эшитиб таниб келгай.

Ҳар қачон султон чарласа Худойберди «Ришов» дер эрди. Анинг бу сўзи Султонга ўқ қиличдин ёмонрок келур эрди. Худойбердининг бу сўзни айтмоқлик одати эрди. Анинг учун Ришов Худойберди дерлар эрди. Динмуҳаммад султоннинг мундин хабари йўқ, мени масхара қилатурур теб кўнглига келур эрди. Курдиш келдилар. Саҳар вақти кўп эл ўлтурур эрди. Султоннинг қозоқлариндин беш-олти киши бор эрди. Ушбу элнинг ичинда эрди. От оёқининг овози келган сўнг қозоқлар кўпди. Ул вақтда султон чарлади. /126 а/ Барчаси овозин таниб югуруб келдилар. Худойберди тушар вақт бўлди, элга тушали теди. Султон айтди: «Мен элга тушмаққа номус қиламан. Бир замон юриб тушали. Худойберди қабул қилиб юруб, тонг отғанда тушди. Тақи ётди. Қатиндағи кишиларнинг барчаси ётдилар. Султоннинг қозоқлари кейинидин келди. Бириси султоннинг айрисин синдурди. Султон Худойбердининг қиличин олиб чобди. Бўйнина кишига бирисин ўлтурдилар, қонина қум солдилар. Ўлуқларни юқлаб йўлдин йироқ элтиб кўмдилар. Султон барча навкарларина онг берди, бу ишни кишига айтмаслиқга.

Андин Урганч келиб отасин кўрди. Отаси хабар сўрганда

айтди: «Мухаммад ғози султон аввал оғриған кишидек иш қилиб эрди, сўнг от-тўн берди, яхши сийлади. Узр айтиб узатди». Отаси инонди. Шул куни бозордин бир мухрканни келтуруб отасининг отина мухр қазурди. Отасининг кўчи Мухаммад ғози султоннинг синглининг отина бир мухр қазурди. Аваншхоннинг тилидин бир хат бититди: «Мухаммад ғози султонға кўпдин кўп дуодин сўнг ул ким синглинг хаста, ўлар-ўлмасин тангри яхши билур. Сенинг дийдорингдин ўзга орзуси йўк». Сингли /126 б/ нинг тилидин бир хат бититди: «Акамға кўпдин-кўп бандалиқдин сўнг ул ким неча кундин бери беморман. Бу хасталиқдин яхши бўлурман тегал ҳеч умидим йўк. Эмдиги муродим ва орзум шул турур ким, сени бир кўруб ўлсам. Тез кела кўргил ким дийдор қиёматға қолмасун». Бу икки хатни бир эътиборли навкарининг қўлина бериб қолған сўзларни ўргатиб қўш от бериб юборди.

Тақи ўзи бирлан бирга отланиб юрт-ўғулға борған йигитларни қатига йиғиштируб онлардин бошқа тақи ўн-йигирма йигитни ўзига ёр қилиб ҳар кунда тобқан бўлғанини йигитлар бирлан еб-ичиб кўзини Хуросон йўлига тикиб турди.

Динмухаммад султоннинг кишиси хатларни олиб борди. Мухаммад ғози султон хатларнинг мазмунини маълум қилғандин сўнг отланиб Урганч сари илғади. Урганчнинг дарвозасиндин кириб хоннинг ҳовлисинда келиб отдин тушуб синглининг қатига югура берди. Мухаммад ғозининг қони тўқулмақ керак. Хон шул кун эрта бирлан қарчиғай сола чиқиб эрди. Динмухаммад султоннинг кеча-кундуз қараб турғани, ул Мухаммад ғози султоннинг келганидин хабар тониб навкарларнинг олдиға тушуб югура берди.

Ёз куни чошт вақти эрди /127 а/ Мухаммад ғози Султон сингли ўлтурған саройнинг эшикидин кириб борди. Сингли ақасининг келганидин хабари йўк, кўргач ериндин кўпуб қарши келиб иккиси кўрушти. Султон айтди, худойға шукр яхши бўлубсен, сенинг хатинг борди, дийдор қиёматға қолмасун теб. Андин бери кеча-кундуз ётмай келаман. Сингли айтди, бемор бўлганим йўк. Хат ҳам юборганим йўк. Бу сўзни эшиткандин сўнг кўрқуб, ўлтурмай югуруб қайтиб чиқди. Губур-губур қилғандин Динмухаммад Султоннинг оёқининг овозин эшитди. Андин сўнг бир бало борин жазм билди. Хавли эшикина бормоқа кўрқуб ўзга тарафға югуруб бора эрди. Бир улуғ эшиқ учради. Югуруб кирди. Кўрди ким ахтаҳонада ҳеч киши йўк. Чикқали ер қаради. Топмади. Қулоқ солиб турди. Югуруб юрган кўп пиёданинг оёқининг овозин эшитди. Кўрқунчи қолиброқ бўлуб яширинурға ер излади. Беилож бўлғанидин отнинг тўда қилиб қўйған куруқ майда сиргини бор эрди. Анинг ичини қазди. Занбилни устига тортиб кириб ётди. Динмухаммад султон кирқ-эллик навқари бирлан югуруб отаси эвиге келди. Барчалари ёйилиб изладилар, топа билмадилар. Дадақлардин сўрди /127 б/ ҳеч қайсиси билмади. Бириси айтди, шу тарафға кетканин кўрдум. Шул тарафға Динмухаммад султон югуруб берди. Ҳар навқари бир эвга кириб изладилар. Бириси хонлиқ ахтаҳонаға кирди. Охурларни қараб юруб эрди, кўрди ким

сиргининг устунда бир пора қизил эски ётур. Бу нимина эркан теб якин келиб кўрса, қизил чўбтор тўннинг этаки эрканин билди. Тақи югуруб келиб Динмуҳаммад султонга хабар қилди. Ул тақи бориб занбилнинг остиндин чиқариб бошин кесди. Шул соат бу иш шаҳрининг ичинда фош бўлди. Урганч бирлан Вазирнинг ораси олти ёғоч ер бўлур. Султон ғози султоннинг навкарларининг Урганчда юруганларининг бириси шул куни бориб Султон ғози султонга айтди, султоннинг кичик хотуни Сўфиёнхоннинг кизи эрди. Сўфиёнхоннинг Али отли ўғли синглини кўргали бориб эрди. Султон ғози султон инисининг ўлганин эшитгач, ҳеч кишига кенгаш қилмай, фикр қилмай қаринтош ачкикина чидай билмай, шул соат эвинда ётган қайин ақаси Али султонни тутуб ўлтурди.

Аванишхон овдин келди. Муҳаммад ғози султоннинг ўлуқин кўрди. Динмуҳаммад қайда турур? — теб сўради. Айтдилар Муҳаммад ғози султонни ўлтурган соати навкарлари бирлан сиздан кўрқиб /128 а/ отланиб қочти, билмаймиз не ерга кетганини.

Хон иниларим ва бекларимга кенгашиб юрт маслаҳатина қайси иш яхши бўлса ани қилайин теб туруб эрди, Вазирдин киши келди Султон ғози султон Али султоннинг ўлтурди теб.

Бу сўзни эшиткандин сўнг не қилурини билмай, ҳайрон бўлуб туруб эрди, инилари Қолхон, Ақатайхон, ақаси Сўфиёнхон ва Бучахоннинг ўғлонлари бу хабарларни эшитиб Султон ғози султоннинг эли Аванишхонни чопар теб Вазирга уркетти. Аванишхоннинг эли ҳам Урганчга уркетти. Амнакхоннинг ўғлонлари навкарлари бирлан Урганчга йигилди. Элбарсхоннинг ўғлонларининг эли Вазирга йигилди. Ҳарчанд Аванишхон ярашали теб айтди. Инилари ва ақасининг ўғлонлари ва навкар халқи қабул қилмадилар. Вазир устига юрдилар. Султон ғози султон Янги шаҳрда Беликач султоннинг ўғлонларина ҳар кунда бир киши юборур эрди, тез кела кўрсунлар теб, онлар муна бордук дерлар эрди, аммо етишмаслар эрди. Онлар келмасдин бурун Амнакхон ўғлонлари Вазирга бордилар. Вазирнинг кун туғушинда қирнинг этакинда бир фарсанг ерда Кумкенд отли бир кенд бордур. Ул вақтда ажойиб ободонлик эрди. Султон ғози султон Вазирдин отланиб Кумкенд келди. Султон ғози /128 б/ султон бирла уруштилари. Аванишхон бости. Шул куни жовни қувалай келиб Вазирга кирдилар. Улуғ ва кичик Элбарсхоннинг ўғлонлариндин Султон ғози бошлиқ ўн олти хонни ўлтурдилар. Султон ғози султоннинг кўчи кўп эрди. Хуросоннинг Бурма теган еринда туркманни чопқанда Улуғ тўба Зайналбек теганнинг қизин олиб эрди. Андин икки ўғул ва икки кизи бор эрди. Улуғининг оти Умар ғози султон ва кичигининг оти Шер ғози султон. Улуғ қизининг оти Зухра хоним ва кичигининг оти нунаш хоним. Ул ўрдасини Ақатой султоннинг навкарлари ўлжа қилдилар. Умар ғози султон ўн беш ёшинда ва Шер ғози султон ўн икки ёшинда эрди. Амнакхоннинг ўзга ўғлонлари ҳар қайсиси ўзлари ўлжа қилган султонларнинг эвларин таладилар ва ўғлонларини ўлтурдилар. Қизларин ва хотунларин ўлжа қилдилар. Ақатой султон ҳеч нимарсасин олмади ва ўғлонларин ўлтурмади. От ва тева бериб қошига тўрт — беш киши қўшуб бек кизи, хотуни,

икки ўғли ва икки кизи бирлан Бухорога узатди. Беликач султоннинг ўғлонлари янги шаҳрдин отланиб Вазир яқинига келдилар эрса, эшитдилар ким Султон ғози султон /129 а/ жовга қарши чикиб Кумкенд борди теб. Илғаб Кумкенд келди. Урушда ўлган ўлукларни кўрдилар. Тақи воқеот не эрканин билдилар, қайтиб эвларига бормадилар. Урганч усти бирлан Бухорога юрий бердилар. Ул жамоатнинг насли Бухорода кўп бўлуб эрдилар. Тарих тўккуз юз ўтгуз тўккузда ул жамоатдин Урганчда киши қолмай мунқатиъ бўлди.

Тоғ бўйи ва Сув бўйи Амнакхоннинг ўғлонларига қолди. Аванишхон Урганчда ўлтурди. Андин ўзга вилоятларни ва туркманларни маротиб бирлан олишдилар. Тақи тинч кўнгул бирлан ўлтурдилар. Дурун Муҳаммад ғози султоннинг вилояти турур. Сенинг ўлжанди теб, Динмуҳаммад султонга бердилар.

СУЛТОН ҒОЗИ СУЛТОН НЕЧА ОРҚАДА ЁДГОРХОНГА ЕТКАНИ ВА АНИНГ ЎҒЛОНЛАРИ БУХОРОГА БОРИБ, АНДИН КЕЛИБ ХОНИ ОЛИЙ НИШОН МУҲАММАД МУСОХОННИНГ ОНА ЮРТЛАРИГА ЭГА БЎЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Ёдгорхоннинг ўғли Берка /Бурка/ султоннинг ўғли Элбарсхон, анинг ўғли Султон ғози султон, Султон ғози султоннинг икки ўғли бор эди. Умар ғози султон ва Шер ғози султон. Умар ғози султоннинг ўғли Аваз Ғози султон. Анинг ўғли Муҳаммад ғози султон, анинг ўғли Шоҳ ғози султон. Аларнинг ўғлонлари Таваккал султон ва Қосим султон ва хони олийшаън Мусо Муҳаммадхон. Ўзга ўғлонлари Иброҳим султон ва Умар ғози султон ва Сайид ғози султон. Алардин ном ва нишон қолмади. Тарих хижрий минг юз ўн олтида бичин йили хони олийшаън давлат бирла тахтга ўлтурдилар. Тақи Умар ғози султондин бери ўткан ота-бобалари хаводисоти даврон учун Бухорога кетиб, бу тарихномада йўқ эрдилар. Барча қариндошлар бир тарихда бўлмоқликни лозим билиб аларни /129 б/ ҳам бу тарихга дохил қилдилар.

УБАЙДХОННИНГ УРГАНЧНИ ОЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Султон ғози султоннинг ўғли Умар ғози султон туғушли яхши йигит эрди. Бухорога борғандин сўнг Убайдхон хизматинда бўлди.

Хамиша хондин мадад тилади. Убайдхон тақи Урганчнинг бузулганин эшитти. Агар борсам ярми Амнакхоннинг ўғлонлариники бўлса, ярми меники бўлур теди.

Тақи барча Абулхайрхоннинг ўғлонлари отланмоқга иттифок қилиб Тошкенддин Бароқхон, Самарқанддин Жуванмардхон, Хирордин Хамза Маҳдий султоннинг набиралари, Бухородин Убайдхон барчаси отландилар-да Урганч келдилар.

Амнахоннинг ўғлонларининг Хевак, Ҳазорасбада ўлтургани барчаси тура билмай қочиб Аванишхон қатига бордилар. Аванишхон тақи Урганчда тура билмай барчаси бирикиб қир тарафина қочтилар. Убайдхон Урганч келди. Аванишхоннинг кейинидин киши юборди. Вазирнинг шимол тарафинда Баёт қири теганда Аванишхоннинг кейинидин етди. Барчасини тушурди. Аванишхонни Умар ғози султонга берди. Қонлинг теб Умар ғози султон Аванишхонни ўлтурди. Акатойхонни Убайдхон сақлади. Қолхонни Ҳамза Махдийнинг набиралари Ҳисор тўралари сақлади. Урганчни Убайдхон Абдулазиз отлиғ ўғлига берди. Ул Урганчда туриб қолди. Сарт ва туркман барча раъиятнинг товукнинг оёқин синдурмай ерли еридин тебратмади. Ўзбекнинг урукларин санади. Тақи тўрт бўлди. Бир бўлагини Убайдхон, бирини Ҳисор тўралари, бирини Самарқанд тўралари /130 а/ ва бирини Тошкенд тўралари олди. Тақи ҳар қайсиси ўз элина киши кўюб, суруб қайтиб кетди. Аванишхоннинг ўғли Маҳмуд ва Али султон жов кўлина тушмай қочиб Динмуҳаммад султон қошига Дурунға борди. Али султон етти ёшинда эрди. Сўфиёнхоннинг ўғлонлари Юсуф ва Юнус булар ҳам жов кўлина тушмай Динмуҳаммад султон қатига бордилар. Тўранинг ва қоранинг барчасининг жов кўлина тушмагани Дурунда Динмуҳаммад султон қатига йиғилдилар. Акатойхоннинг ўғлонларининг Ҳожимхондин ўзгаси кичик эрдилар. Ота-онаси бирлан Бухорога кетдилар. Ҳожимхон ўн саккиз ёшинда эрди. Жов келиб элга аралашқандин сўнг қочиб чиқа билмади. Ҳар нимарсанинг маъносин била турган ақллик киши отасининг бир яхши наварии бор эрди, дўрман элиндин, Жонсайид отли. Анинг эвиги борди. Бир кўҳна телпак ва чакман кийди. Кўлина кўрук олди. Жонсайиднинг йилқисин боқди-да юрди.

Дўрман халқини Самарқанд тўралари ўлжалаб эрди. Айдаб Қизил работ олиб бориб, анда ўлтурдилар. Уч ой ўтқандин сўнг, таний турган урганчлилар бири-бирини айта бошладилар: «Акатойхоннинг ўғли Ҳожи муҳаммад султонни кўрдум. Жонсайиднинг йилқисин бокиб юрур». Кун-кундин бу сўз зиёда бўлди. Жонсайид /130 б/ султонга айтди: «Урганчининг бу ерда ўлтурганлари сени билдилар. Эмди бу кун тангла бу сўз Убайдхонга етар. Не айтасан?» — теди. Ҳожим султон айтди: «Агар қўлунгдин келса ўзунг йўлдошлик қил, келмаса от бер. Динмуҳаммад султон қатига кетайин».

Жонсайид тўрт от олди. Икки отни иккиси минди. Жонсайид олдинда ва икки хуржинни остина солиб Ҳожимхон кейининда улдуғ йўл бирлан Урганч келдилар. Кема ул вақтда Урганч бирлан Вазирнинг орасиндин юрур эрди. Кемадин ўтуб Дурунда Динмуҳаммад султон қатига борди.

ДИНМУҲАММАДХОННИНГ УБАЙДХОН БИРЛАН УРУШҚАНИНИНГ ЗИКРИ

Ҳожим султон келгандин сўнг барчаси ўлтуруб кенгаштилар. Тақи Урганч устина юрудилар. Курдуш келдилар. Тақи хизир

элининг адоклисининг яхшиларин чақиртиб айтдилар: «Юрт излай борамиз, агар мадад берсанг, Тангри таоло юртни бизга берса, сени тархон қилали, сўл ёқда ўрун берали. Яхшингни навкар қилали. Ўзбекнинг бир яхши уруғи нечук бўлса сен ҳам шундак бўл», теб, тўралар шарт қилдилар, тақи юрудилар.

Адоқлидин минг киши қўшулди. Ўз навкарлари икки минг киши; уч минг киши бирлан пешгоҳ келдилар. Тақи кенгаш қилдилар, агар Урганч борали тесак, Убайдуллахон ўғли Абдуллазиз султон бор. Тақи ул ким Аму сувини ўтмак жовдин /131 а/ ҳам ёмонроқ. Хевақда жов-да йўқ, сув-да йўқ тедилар. Хевак келдилар. Хевақда бир доруға бор эрди. Беш-ўн кишиси бирлан ани тутуб ўлтурдилар. Ҳазорасбонинг доруғаси қочти. Бу воқеотни эшиткандин сўнг Абдулазиз султон Урганчни ташлаб отаси қатига қочти. Убайдуллахон бу ишга қаттиқ номус қилиб чирик чақиртиб Урганч устига юруб Тева бўйнига келди. Тақи ўзи турди. Бир улуг беги бор эрди. Ўғлон уруқиндин ани бош қилиб барча лашкарини Динмуҳаммад султон устига юборди. Ани эшитиб Динмуҳаммад Хевақдин отланди. Барча навкарлари айтдилар: «Биз уч минг киши, жов қирқ минг киши. Урушмоқлик давлатга муносиб эрмас турур. Қайтиб Дурун борали. Убайдхон ўзи Урганчда турмас қайтиб кетар. Тақи келали, Урганчга келмак ва қайтмоқ Убайдхонга мушкул турур, бизга осон». Динмуҳаммад султон сўзларини тингламай отланди. Барча бийлар човуб Динмуҳаммад султоннинг олдина чиқиб отдин тушуб икки юз-уч юз киши қатор юкунуб ўтунамиз қайт тедилар. Динмуҳаммад султон ҳеч жавоб бермай босиб ўтди. Тақи отланиб човуб олдина чиқиб шундак қилдилар. Бу қаррат ҳам жавоб бермай босиб ўтди. Тақи шундак қилдилар. Бу қаррат бийларга яқин келгандан отдин тушти. Бир овуч турпокни /131 б/ ердин қарпаб олди деди: «Тангрим, жонимни сенга топшурдум, танимни турпокга топшурдум» теб, турпокни қўйлакининг ёқасиндин қўйнига қўюб кўпа берди-да, бекларга қараб айтди: «Мен ўлдум, агар сизларнинг жонингиз мендин ортуқ бўлса, урушга борманг, агар менинг бирлан баробар бўлса қолманг», теди, тақи отланиб юруй берди. Халқдин андақ ғирив қўпди ким ер ва кўк садо берди. Барчалари йиғлай-йиғлай Динмуҳаммад султоннинг кейининдин кетдилар. Жовдин хабар келди ким бу кун Ҳазорасбдин ўтиб кўнди теб ва тақи муни эшитдилар ким кеча кўчуб кундуз ёта турур теб.

Динмуҳаммад султон ул охшом гарданхост берди. Анда бир чуқур қўлнинг ўрни бор турур. Ул урушдин бери ани «Шикаст кўли» дерлар. Анда бориб қўлнинг кун ботишинда отдин тушуб ўлтурди. Тақи қоравул солдилар. Саҳар бўлуб эрди муна келди теб қоравул келди.

Отланди-да икки бўлунди. Бирини Сўфиёнхоннинг ўғли Юсуф султон бош бўлди. Бирини Динмуҳаммад султон бош бўлди. Ақатойхоннинг ўғли Ҳожи Муҳаммад султон Динмуҳаммад султон катинда бўлди, Аванишхоннинг ўғли яхши бўлуб ўтган Али султон саккиз ёшинда эрди. Ани беш-олти яхши кишиларга топуштуруб бир чет ерда қўюб айтдилар: «Агар бизнинг ишимиз ёмон бўлса,

бу ўғлонни /132 а/ олиб коч, то чароғумиз сўнмасун». Андин сўнг тангрига ёпушуб йўлнинг икки тарафинда буқуб турдилар. Лашкар келиб ўтаберди. Байрам ўғлон ва Ҳофиз Қўнқират бошлик барча беклар бир ерда кела эрдилар. Андин билдилар ким ўттуз кирк машъалнинг шуъласи бир ерда чиқа эрди. Шул якин кела берганда икки тарафдин от солдилар. Лашкарнинг сўнг хабардор бўлгунча Байрам ўғлон ва Ҳофиз қўнқират барча бекларни ажали етканин ўлтүруб, етмаганининг бўйнин қўлин боғладилар. Лашкар қочаберди Йилдам йигитлар юз киши тушурдилар. Қўнқират Қунтуғар баҳодир олтмиш киши санчиб йикдим дер эркандур Ҳожи Муҳаммадхон айтур эркандур: «Уруш куни аввалиндин то охиригача Динмуҳаммадхондин ҳеч айрилмадим, Динмуҳаммадхон бирлан кўп лашкарнинг ичина кира қолдук. Отишиб юрганда Динмуҳаммадхоннинг қўлидин ёйи сачраб туша қолди. Билдим урушга кўзин олдуруб ёйнинг тушганин туймади. Отдин тушуб ёйни олиб қўлига бердим. Юзумга бокиб айтди: «Эй укам сенинг бирлан бизнинг орамизда бу бир сир бўлсун. Динмуҳаммадхон мендин икки ёш улуг эрди. Шул урушда ул йигирма ёшинда эрди. Мен ўн саккизда».

Жовдин айрилгандин сўнг тирик тушган бекларни Динмуҳаммад султон олдиға олиб келдилар. Бу фалон /132 б/ бек, бу фалон бек теб султоннинг олдиндин бир-бир ўтказа эрдилар, султон от устинда эрди бир бекни олиб келдилар. «Бу ким турур? » — теб сўради. Олиб келган киши: «Ҳофиз қўнқират», теди Анда султон айтди: «Сен Ҳофиз ҳамиша Убайдхон олдинда Урганчи мусулмон эрмас, кофирдур!» — дер эрмиш сен. Не сабабдин бизни кофир дей турурсен? » Анда Ҳофиз юкунди. Таки айтди: «Ушбу замон мусулмонлик бирлан кофирлик маълум бўлур». Султон ҳеч нимарса темади. Ҳофиз қўнқиратнинг бу сўзи шул кундин бери ўзбек орасинда масал бўлуб қолди.

Бекларнинг барчасин бир ерга йигиб Қолхон ва Ақатойхон бошлик Мовароуннахрга олиб кетган элнинг маслаҳатин сўзлаштилар. Беклар барчалари онт ичдилар; «Урганчдин олиб борган тўраларнинг, элларнинг барчасин юборали. Агар Убайдхон бу сўзумизни қабул қилмаса эвимиз ва элимиз бирлан сенга бузулуб келали теб». Бекларга от ва тўн бердилар. Яхши иззат ва ҳурмат қилдилар. Ҳожимхонни сен ақлик йигитсен теб, отангни ва элингни олиб келур киши сенсен, бу иш сендин ўзга кишининг қўлидин келмас теб таклиф қилдилар. Ул таки қабул қилиб бекларни олиб Убайдхоннинг кейинидин бориб Бухорода кўрди. Убайдхон яхши иззат ва ҳурмат қилди. Отасин ва элин /133 а/ берди. Андин Самарқанд бориб Жуванмардхонни кўрди. Ул ҳам шундақ қилди. Андин Хисор борди. Ул тўралар ҳам Қолхонни эли бирлан берди. Қолхонни отаси Ақатойхонни олиб Урганчдин Мовароуннахрда бир эвлик қўймай барчасини кўчуруб Урганч келди. Андин сўнг барчалари иттифоқ бирлан Урганчда Қолхонни хон кўтардилар.

ҚОЛХОННИНГ ЗИКРИ

Анинг замонинда Урганч ободон ва халқ тинч бўлди. Бениҳоят арзонлик бўлди. Қолхон хон бўлди, бир пулға бир нон бўлди тедилар. Бир неча йилдин сўнг ҳақ раҳматига кетди.

АҚАТОЙХОННИНГ ЗИКРИ

Ақатойхонни Вазирда хон кўтардилар. Қолхоннинг икки ўғли бор эрди. Бирининг оти Шайх Муҳаммад ва бирининг оти Шохназар. Ул иккисина Катни бердилар. Фалак бир неча ўргулгандин сўнг Амнахоннинг набиралари барчаси йигит етишдилар. Вилоят, эл ва мол керак бўлди. Улуғ ақалари Сўфиёнхоннинг беш ўғли бор эрди. Али отли ўғлини Султон ғози султон ўлтурди. Ағиш отли ўғли Хуросоннинг Хўжанд теган шахрини опасининг қалингина олиб анда бўлди, Юсуф отли ўғли қўлиндин қон олдурди. Қони тўхтамади, тақи ўлди. Икки ўғли қолди. Бирининг оти Юнус ва бирининг оти Паҳлавонқули. Бугчахоннинг Аванишхоннинг ва Ақатойхоннинг ўғлонлари /133 б/ барчалари бириқиб Сўфиёнхоннинг икки ўғлини Бухороға қуваладилар. Андин сўнг Қолхоннинг Катда ўлтурган икки ўғлини ҳам Бухороға қуваладилар. Андин сўнг Ақатойхон Вазирда бўлди. Урганчни султон олди. Тақи Маҳмуд отли бир ёмон ақаси бор эрди, анга берди. Ўзи Дурунни олди. Боғободни Хожимхонға бердилар. Нисой ва обивардни Динмуҳаммадхонға бердилар. Хевак ва Ҳазорасбни Бугчахоннинг икки ўғли Эш ва Дўстға бердилар. Тақи фароғат ўлтурдилар. Фалак яна бир неча ўргулди. Сўфиёнхоннинг ўғли Юнуснинг олғани Исмоилбий теганнинг кизи эрди. Ул вақтда манғитнинг бийи ул эрди.

Юнус Бухородин қирк киши бирлан отланди. Манғитда қайин отам қошига борурман, тақи Урганчга йўртарман теб, Катнинг шимол тарафиндин ўтиб, Тук қалъасина борди. Ул вақтда эл Урганчнинг атрофинда Вазир устуида ўлтурурлар эрди. Тукда эл бўлмас эрди. Ул кечаси Тукда кўнди. Эрта Тукнинг қалъасининг устуна чиқиб, қараб Урганчнинг қалъасин кўрди. Тақи қозокларина ул кўруна турган не қалъадур теди. Онлар Урганчнинг қалъаси турур тедилар. Юнус айтди: «Мундақ номардлик бўлурму? Отам юрти Урганчнинг қалъаси кўруна тургай. /134 а/ Тақи мен мундин манқитға кетгайман». Қозоклари сен не қилсанг биз турубмиз тедилар. Урганчга бормоқни қарор бериб, ул кун Тукда туруб кун ботқандин сўнг, илғаб ярим ахшамда Урганчнинг қибла тарафиндин келдилар. Тақи отдин туштиллар. Пиёда хандақ лабина келди. Ул вақтда Урганчнинг қалъасини кунда кеча машғал бирлан ўргулулб сакларлар эрди. Ичлариндин чиққан қозокнинг кўркунчиндин Юнус султон хандақ лабина келганда машғал бирлан бир неча киши ҳозир бош теб келди. Юнус султон ерга бағрин кўюб ётди. Онлар ўтқандин сўнг қалъа тубига келди. Бириси оғоч ташлаб қалъаға минди. Ул яна бирини қалъаға тортиб олди. Барчаси

қалбаға миндилар. Тақи сари Маҳмуд султоннинг эшикина келиб оҳиста эвина кириб тутдилар. Ул бир машхур тентак киши эрди. Али султондек яхши ичининг орқасиндин Урганччи еб ўлтуруб эрди. Анинг ўлуси ва тириси баробар, ҳам ораларинда қон йўқ эрди. Катина бир-икки кишисини кўшуб Вазирда Ақатойхон қатиға юборди. Урганчнинг ўзбек ва сарти келиб кўрдилар. Ул кунни ўзини хон кўтартди. Силоҳ ва раъият муниг келганин яхши кўрдилар. Ул тентакнинг сўзини ва қилиғини як кўриб, умрлариндин /134 б/ безор бўлуб эрдилар. Юнусхон ақли ва жувонмард ва ғаюр, ёрлики қатти киши эрди.

Маҳмуд тентак Ақатойхон қатиға борди-да, айтди: «Ақа, не учун турубсен, отлан». Юнуснинг катинда қирқ кишиси бор. Урганчнинг ўзбеги мениг навкарим. Раъият анга, бизга баробар, не учун турубсен? ».

Хон халқина кенгашти. Барчалари отланмоқни ўхшатдилар. Хон мулойим киши эрди. Ўзи ўхшатмай эрди, халқнинг сўзин йиқабилмай отланди-да Урганч келди.

Юнусхон қарши чиқди. Шайх Нажмиддин Кубро алайхирраҳманиг кун ботиш тарафинда уруштилар. Ёз кунни туш вақти эрди. Юнусхон бости. Ақатойхон қочиб бора эрди. Юнусхоннинг бир ўғли бор эрди. Қосим отли, Ақатойхоннинг қизиндин бўлган эрди. Ул навқарлари бирлан қовуб хоннинг кейининдин етиб бобосиға салом берди-да, айтди: «Бу иссиғда не ерга борасиз? Дарахт соясина тушунг. Бу кун турунг, сабо кетинг».

Хон айтди: «Отангнинг ичи қозоннинг кўтиндин қорароқтур. Менга яхшилиқ қилур бўлсанг, тегмағил! »

Уч-тўрт мартаба Қосим Султон айтқан сўзини айтди. Ақатойхон ушбу жавобни берди. Хон қайтмасин билгандин сўнг келиб бобосининг жиловиндин тутуб қайтариб шаҳрга олиб келиб /135 а/ арбобнинг эвига тушурди. Ғарази бу ким хонни арбобнинг эвинда ўлтурди теган овози бўлса, Урганч сартининг барчаси Ақатайхон ўғлонлари бирлан қонли бўлур, мендин айрилмас теб, бу хаёлға борди.

Арбобнинг оти Салмон эрди. Юнусхон Ақатойхонни Салмон арбобнинг эвинда сақлади. Тақи Вазирда ўғлонларина киши юборди: «Қари киши иссиқ кунда от чопқанда кўрсоқи оғриб турур. Юборайин тесам, мени қийнаб юборма, кетман. Ўғлумнинг қати бўлмаса, набирамнинг катинда ётибман»,— дейтурур. Уларға маълум бўлсун.

Ўнбеш кунгача хоннинг кўрсоқи оғрий турур теб катина киши киргузмай сақлади. Бир кеча уч-тўрт кишига ўргатди; хоннинг қўли ва оёқин боғланг. Қийизни кейиниядин юборинг. Тақи булганг, ўлгунча. Мундақ қилсангиз танининг ҳеч ерида қўқ ё ўзга нишон бўлмас, кейининдин қон келур. Ичи оғригани рост эрқандур дерлар.

Борган кишилар шундақ қилди. Сахар хоннинг ўлугин арабаға солиб Вазирга ўғлонлари қатиға юборди.

Ақатайхоннинг олти ўғли бор эрди, аввалғи Ҳожи Муҳаммад, иккинчи Муҳаммад, учунчи Пўлод, тўрттинчи Темур, бешинчи Оллоқули, олтинчи Сулаймон.

Акатойхон шахид бўлганда Ҳожи Муҳаммад бирлан Маҳмуд Хуросонда ва Богободда эрди. Тўрт ўғли ўзининг қатинда эрди. 135 б/ Икки ўғлина киши юбордилар, хоннинг шахид бўлганин йтиб. Бу хабарни эшиткандин сўнг иккиси отланди. Тақи Вазирдаги иниларина киши юборди. Отлансун! Фалон кунни ўрганча толушали, теб.

Ҳожимхон Урганчнинг кун туғушида Фотма хотун тўғайиндин му сувини ўтуб юруди. Вазирдаги ўғлонлари ҳам отландилар.

Юнусхон муни эшиткандин сўнг кеча Урганчдин чикиб, Бухорога кечти. Қатинда навкар қолмади. Хар қайсиси бир арафга кетди. Боратуруб ўғли Қосим султон отасиндин адашти. Итаси тўғри Бухорога кетди. Ўғли кеча юруб, тангла бир берк амишнинг ичинда бора эрди, бир чунгил сув учради. Ул вақтдин ери ани хон чунгили дерлар, Бурул қири бирлан Қўйғуннинг расинда бўлур. Ул кун анда ётди. Қатинда бир кишиси бор эрди, анга айтди: «Бир ердин озук олали, йўқ эрса мундин Бухорога зуксиз нечук борурмиз», теди. Навкари айтди, сен мунда ўлтур, бени ҳеч киши танимас, элга бориб озук олиб келайин теб, тланиб кетди.

Тақи илғаб Урганчга Ҳожимхон олдина келди. Тақи кўрганин йтди. Ҳожимхон киши юбориб тутуб келтуртиб ўлтуртди.

Сўфиёнхоннинг ўғлонлари барчаси ўлди, ҳеч насл қолмади.

Қолхоннинг ўғлонлари ўлди. Онлардин ҳам ҳеч насл қолмади.

Аванишхон ўғлонлари Хуросонда бўлди. Акатойхон ўғлонлари ўрганч /136 а/ бирлан Вазирда бўлди.

Бучғахоннинг ўғлонлари Эш, Дўст, ва Бурам, Хевак ва Қазорасб ва Катда бўлди.

Дўстни хон кўтардилар. Фақир ва дарвеш ниҳод киши эрди. Иниси Эш жовга баҳодир, навкардин молин аямас, ақли миёна, тусулмонлики оз, туғуши ҳаддин ва ниҳоятдин ташқари; ҳамиша илатурган илш кишининг хотуни ва қизина бокмоқ; ўзининг эмгак илиб юруган яхши кишиларнинг хотуни ва қизина бокар эрди. Иш султоннинг хотири учун ақаси Дўстни хон қилдилар. Хевак қамчиқя, менга Урганчни беринглар, теб тилади.

Бермадчилар. Эш султон Хевакдин лашкар тортиб Урганч стина отланди. Қум қалъа яқининда Чурнук теган ерда Ҳожимхон кўп. Эш султон оз эрди, орқасин дарёга берди, бир юзина раба тортди. Саккиз кун уруштилар. Ҳеч қайсиси голиб келмади. Эш султон ўзга эллардин тирик тушган кишини от ва тўн бериб ўяберди. Уйғур ва наймандин тушканин уқубат бирлан ўлтурди. Хир яраш қилдилар. Ҳожимхон Урганч қайтди.

Эш султон Хевак бориб уйғур, найманни қувалади. Анинг рина дўрмонни ясади. Бир неча вақтдин сўнг тақи отланиб Урганч орди. Ҳожимхон инилари бирлан қарши чикиб Тук қалъаси ирлан Урганчнинг орасинда уруштилар. Эш султон яна бурунқи-ек араба олиб бориб эрди, куран тортиб /136 б/ урушти. Бир афта уруштилар. Ҳеч қайсиси голиб келмади.

Эш султон бир кеча отланиб Ҳожимхонга билдурмай Урганчга ориб кирди. Шаҳрда сартдин ўзга киши йўқ эрди. Акатойхон

Ўғлонлари Вазирга бердилар. Эш султон Урганчда ўлтурган ўзга элни ўз ихтиёрина қўяберди. Уйғур ва найманнинг молин олди. Ўғлон ушоқин Вазирга қувалади. Иккиси икки ерда жов бўлиб турдилар. Таки иккиси ҳам Али султонга киши юбориб чақиртдилар. Султон Нисойда эрди. Киши борғач отланди. Таки Ҳожимхон қатиға келди. Андин сўнг Ақатойхоннинг ўғлонлари Али султондин Мухаммадхон ўлуб эрди. Ўғли Абулсултон барчалари келиб Урганчни қабдилар. Тўрт ой бўлганда сахар вақтда қалъага югуруб миндилар. Эш султон отли ва навкарлари пиёда жовга қарши юруб бора эрдилар. Дўрман халқиндин Тинали отли байири навқари бор эрди. Анинг бир қиз сингли бор эрди. Эш султон ул қизга зўр бирлан боқиб эрди. Тиналининг кўнглинда анинг кинаси ҳамиша бор эрди. Жов қалъа устина минди. Эш султон қалъага яқин келганда Тинали султонни ўқ бирлан отди. Отининг субасина тегди. От тулади-да, йиқилди. Томнинг кунжина султоннинг ўртан йилики тегди, таки синди. Навкарлари ҳар қайсиси бир тарафга қочтилар. Хевақ /137 а/ сартиндин Чибикли паҳлавон теган кучли баҳодир яхши йигит бор эрди. Эш султон анга тарбият қилиб ҳамиша ўзи бирлан бирга олиб юрур эрди. Чибиклидин ўзга киши қолмади. Ул султонни йиқилиб ётқан ердин кўтариб ўлтуртди. Синған оёқин узатди. Ул вақтда жов келди. Чибикли султоннинг устинда туруб ўлгунча чопушти. Кўплаб ўлтурдилар. Эш султонни ҳам шул ерда ўлтурдилар.

Ақаси Дўстхон Хевақда эрди. Киши юбориб ани ўлтурдилар.

Эш султоннинг икки ўғли бор эрди.

Улуғ ўғлининг оти Шоҳқули ва кичигининг оти Тоҳир. Онларни Бухорога юбордилар. Анда борғандин сўнг иккиси ҳам ўлди.

Бучғахоннинг уч ўғли бор эрди. Учисиндин ҳам насл қолмади.

Бу воқеот тарих хижрий тўққуз юз олтмиш бешда, йилқи йилининг оёки эрди, Ҳожимхонни хон кўтардилар. Ул вақтда ўттуз тўққуз ёшинда эрди. Таки Вазирни бердилар. Урганч ва Ҳазорасб ва Катни Али султонга бердилар. Ул вақтда Ақатайхоннинг Оллоҳқули ва Сулаймон отли бу икки ўғли ўлуб эрди, тўрт ўғли ҳаёт эрди. Отлари бу ким, Ҳожи Мухаммад ва Маҳмуд. Бу иккиси бир онадин бўлган Пўлод ва Темур, бу иккиси бир онади бўлган.

Маҳмуд султон ақаси Ҳожимхон қатинда Вазирда бўлди. Пўлотга Хевақнинг ярими ва туркмандин Улуғ туба ва Кўнишни бердилар. Темурга Хевақнинг ярими (137 б) ва туркмандин Қора ва Бакавулни бердилар. Таки тинч кўнгул бирлан ўлтурдилар.

ДИНМУХАММАДХОННИНГ ЗИКРИ

Қолхонни хон кўтарғандин сўнг Динмухаммадхонга Нисой бирлан Обивардни бердилар. Динмухаммадхон бир ерда фароғат турғудек киши эрмас эрди. Ҳамиша қизилбошни чопти. Ул сабабдин Шоҳ Таҳмосиб лашкар юборди. Динмухаммадхон Нисойда эрди. Келган лашкар Обивардни олиб, ҳоким кўюб қайтиб кетди. Динмухаммадхон танг бўлди. Анинг учун бориб Қазвинда

Шоҳ Таҳмосибни кўрди. Таки олти ой турди. Бу умидга бориб эрди ким. Обивардни қайта бергай. Шоҳ Таҳмосиб тағофил урди. Бир муҳраканга Шоҳ Таҳмосибнинг отина муҳр қаздурди. Обивард ҳокимининг отина ҳукм бититди. «Обивардни Динмуҳаммад султонга суюрғал қилдук. Ёрлик кўргач топшурсун»,— теб.

Шоҳ Таҳмосиб овға кетканда бир кеча отланди. Таки юруй берди. Кетганини Шоҳ Таҳмосибга айтдилар. Шоҳ айтди: «Ўзи келиб эрди, ўз кетди» — теди.

Динмуҳаммад Обивард келди. Таки ёрликни ҳокимнинг кўлига берди. Ҳоким дарвозани очаберди. Ул бориб эвигга тушти. Кеча ётди. Тангла дарвозага киши таъйин қилди. Таки қизилбошдин бир киши кутқармай барчасини ўлтурди. Таки Обивардда фароғат ўлтурди.

Бу воқеотни Шоҳ Таҳмосиб эшиткандин сўнг (138 а) улуг лашкар бирлан отланиб Динмуҳаммадхон устина юруди. Динмуҳаммадхон эшитди ким, Шоҳ Таҳмосиб яқин келди,— теб. Қирқ-эллик киши бирлан отланиб шоҳга қарши кетди. Шоҳ ул вақтда Машҳаднинг шимол тарафинда бир қора сув бўлур, анга келиб эрди. Қоравуллар Динмуҳаммадхонни кўруб Шоҳга хабар олиб бордилар. Инонмади. Таки бир қоравул борди, анга ҳам инонмади. Таки бир киши келди, муна Динмуҳаммадхон эшикка келди,— теб.

Шоҳ чодирнинг танобигача қарши келди. Динмуҳаммадхон келиб эгин тутаберди. Шоҳ бир кўлин бўйнина солиб ва бир кўлин кўнглакининг ёқасиндин солиб юракина тутуб турди. Юраки ҳеч урмай эрди. Хоннинг юзина боқиб, юракинг тошдин ўлсун кара Динмуҳаммад теди. Ул куни улуг тўй қилди. Сабоҳий кўп инъомлар берди. Таки Обивардни сенга бердим ва қилган ишларингнинг барчасини ўтдум теб, ўзатди. Таки ўзи Қазвинга қайтиб тушди.

Динмуҳаммадхоннинг таки бир қилган иши бу турур ким, Марв-шоҳ жаҳонни Убайдхон найман Йўлим бий теганга бериб эрди. Эшик халки Йўлим бийдин хонга кўп ғийбат айтдилар. Таки ёмонхотир нишон қилдилар. Йўлим бий бу сўзни эшитди. Таки хондин кўркти. Хон неча мартаба киши юбориб чақиртди, бормади. Келмасин билгандин сўнг ўттуз минг киши (138 б) юборди, тутуб олиб келинг! — теб. Лашкар Марв устина келгандин сўнг Обивардда Динмуҳаммадхонга киши юборди. Марв уларнинг пешкаши, мени бу балодия кутқарсалар, теб. Бу сўзни эшиткандин сўнг Обиварддин отланди. Таки Мурғоб оёқина келди. Ҳукм қилди. Ҳар киши уч дарахтнинг шохини кесдилар. Иккисини икки канжурғага ва бирисини отнинг қуйруқина боғлатди. Таки ҳар кишини бир ердин юрутди.

Марвнинг ери юмшоқ ер бўлур. Қоравулларга айтди, бугун жовнинг қоравулини кўрунг. Агар йироқ ҳам бўлса. Ул куни озгина юруб кўнди. Қоровуллар жовнинг қоровулин кўруб келди. Тангла кўчти. Таки яна озгина юруб кўнди. Жовнинг қоравуллари бориб айтдилар, Динмуҳаммадхон улуг лашкар бирлан келатурур, оҳиста кўчуб.

Муни эшиткандин сўнг киши юбордилар. Ул киши Динмуҳам-

мадхоннинг қоравулин ва лашкарнинг чангини кўруб бориб, улу лашкар кела турур теди. Бу сўзни эшиткандин сўнг ичимизда Йўлимбий, жов тошимизда Динмуҳаммадхон. Икки жовнинг ўртасинда нечук ўлтурурмиз теб кўчуб Бухорога кочтилар. Динмуҳаммадхон Марвга бориб, подшоҳлик қилиб ўлтурди. Ўзининг авзон жовга баҳодир, жувонмард, ҳеч мол сакламас эрди. Навкарга меҳрибон эрди. Феъли кичик, баъзи вақтда қилики деваналарга ўхшар эрди. Анинг қилган ишларини кўзи бирлан кўрмай, эшитган (139 а) киши инонғудек эрмас турур.

Тарих хижрий тўққуз юз олтмишда сигир йилинда Марв шаҳринда, қирқ ёшинда вафот топди. Икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Поянда Муҳаммад ва кичигининг оти Абул Муҳаммад. Ани Қолхони қилиб эрди. Поянда Муҳаммад султон кам ақл эрди. Бир кун отаси кўрунушда ўлтурганда келиб юкундида, айтди: «Менинг ёшим Абул Муҳаммаддин улуғ. Ани хон дейтурурлар ва мени султон. Сизнинг ҳукмингиз бирлан айтаמידурлар ё ўзлари айтаמידурлар?»

Хон бу сўзга не айтури билмай туруб эрди. Хоннинг бир яхши беги бор эрди, Турумчи отли, туркманнинг Лайна (Лабна) уруғиндин, бениҳоят ақли киши эрди. Анинг айтқан яхши сўзлари кўп турур. Ул айтди: «Мунинг тўрасини, подшоҳим, мен берайин?»

Хон айтди: «Андақ қил!» — теди. Турумчи Поянда Муҳаммад султонга боқиб айтди: «Сизни худойи толо берганда отангиз султон эрди. Укангиз дунёга келганда отангиз хон эрди. Кишининг отаси не бўлса — ўғли шул бўлур. Султондин тўққанни султон дерлар ва хондин тўққанни хон дерлар», — теди. Бу сўз аҳмақга маъқул бўлди, кўпуб кетди. Ул ҳам отасиндин сўнг вафот топди.

Поянда Муҳаммадхоннинг бир ўғли бор эрди, Турсун Муҳаммад отли. Марвда подшоҳ эрди. Бениҳоят, туғушли, яхши йигит эрди. Йигирма уч ёшина етганда, ўз навкарлариндин бир неча киши кеча ётқан еринда пичоқ бирлан (139 б) санчиб ўлтурдилар. Фарзанди йўк эрди.

Абул Муҳаммадхон отаси ўлгандин Марвда хон бўлди. Бир ўғли бор эрди. Жалол отли. Ул Хуросон устина лашкар тортиб борди. Тақи тўрт тарафга чапавул юборди. Тақи ўзи Машҳад устинда йигирма кун турди. Тамом Хуросоннинг қизил боши Машҳадга йиғилди. Шаҳрнинг шимол тарафинда Қора сувнинг ёқасинда икки лашкар уруштилар. Қизилбош ғолиб келди. Жалолхон бошлиқ ўн миңг ўзбекнинг бошин кесди. Абулхон ёлғуз ўғлиндин айрилгандин сўнг бемор бўлди, ҳеч ким ани бемор эрканин билмадилар. Машҳаддин табиб келтурдилар. Ул айтди: «Бу якка ўглиндин айрилиб турур. Яна ўғли бўлса яхши бўлур, йўк эрса бўлмас. Халқ айтдилар, фарзанд зўр бирлан ё мол бирлан муяссар бўлур нимарса эрмас, Марвда бир заифа бор эрди, Пайпайча отли, хотунлар орасинда даф қоқиб, нақш айтиб юрур эрди. Ҳеч эрга борган эрмас эрди. Тўрт яшар ўғли бор эрди. Ўғлини бекларнинг олдина олиб келди-да, айтди: «Бир кеча хон менга нақш айтурдилар-да, менга майл қилдилар. Ҳомила бўлуд, шу ўғулни топдум. Бу вақтгача хоннинг ҳарамлари хонимидин

кўрқуб айта билмай эрдим». Беклар ўғлонни табибга топшурдилар. Табиб хон қатиға олиб борди. Хон ул вақтда кишини яхши танимай эрди. Табиб ўғлонни, хонни ялонғоч қилди. Хоннинг кўйинина солди. Устина юрқан ёпиб (140 а) ётқузди. Таки хонга кичқуруб айтди: «Бу сизнинг ўғлунгиз турур». Кунда уч вақт шундақ қилди. Хон кун-кундин илгари бўлди. Таки яхши бўлди. Ани ўғул қилди. Нурмухаммад от кўйди. Йигит бўлди. Андин сўнг Абулхон ўлди.

Нурмухаммадни хон қилдилар. Ул бир неча йил подшоҳлик қилди. Анинг замонинда Ҳожимхоннинг инилари ва ўғлонлари Урганчдин бориб Марвни чоғиб: «Сен лўли бачча қачон бизнинг қаринтошимизсан?» — теб, кўз озор берур эрдилар. Бу ихонатга чидай билмай бориб Бухорода Абдуллахонга Марвни пешкаш қилиб кўрди.

Абдуллахон Нурмухаммадни олиб улуғ лашкар бирлан отланиб Марв келди. Нурмухаммаднинг ғарази бу эрди ким Абдуллахон Марвни бериб мени қайта юборур, анинг отина хутба ўқуб ўлтурсам, Ҳожимхоннинг ини, ўғли менга тегабилмас.

Ул тегани бўлмади. Таки ул ким Абдуллахон Марвни олғандин сўнг жониндин кўрқти, таки бир кеча қочиб Урганчга Ҳожимхон қатиға келди. Тангрим буюрса айтқумиз турур. Ҳожимхон бирлан қизил бошга борди. Беш йил қизилбошда турган сўнг Абдуллахон ўлди.

Нурмухаммадхон келиб Марвни олди. Ўзининг эмгак қилиб Жон тортқан ўзбек халқини кирди. Сарт билан туркманни ясади. Муни эшиткандин (140 б) сўнг қизилбош подшоҳи Шох Аббоси мозий келиб Марвни қабади. Қирқ кундин сўнг бечора бўлуб чиқиб Шох Аббосни кўрди. Шох Марв, Обивард, Нисой ва Дурун барча Нурмухаммадхонга тааллуқ вилоятларга ҳоким қўюб қайтиб кетди. Нурмухаммадни элтиб Шерозда бир маҳкам ерда сақлади. Нурмухаммад анда ўлди. Динмухаммадхондин ҳеч насл қолмади.

АВАНИШХОННИНГ ИККИ ЎҒЛИНИНГ ЗИКРИ

Улуғ ўғлининг оти Маҳмуд эрди. Ани сари Маҳмуд султон дерлар эрди. Бениҳоят тентак, ғайратсиз, номуссиз, кўрқок ва сорон. Яхшилиқдин анга худойи таоло заррача нимарса берган эрмас эрди. Анинг учун сари Маҳмуд дерлар эрди, ким, Амнакхон авлодинда то ушбу вақтгача эркакдин ва киздин шул тентакдин ўзга сари ё оқ, ғайр аз гандумгун ҳеч бўлгани йўқ турур. Тамомиси бир ранг бўлган турур. Ул нопок бир кун кўп халқ бирлан, бўза ичиб ўлтурган эрқандур. Бир киши келиб турур, муна жов келди теб. Барча халқ отқа югуруб турурлар. Ул югуруб келиб хумларда турган бўзани пичок бирлан нишона қила эрмиш; бу хумнинг бўзаси бу нишона-да теб, эв эгасини топшура эрмиш. Ул ўлди. Насли қолмади.

Кичик (141 а) ўғли Али султон тоғ бўйинда Нисой ва Обивард, сув бўйинда Урганч ва Ҳазорасб ва Кат анинг қўлинда эрди. Сув

бўйи, тоғ бўйи, бу икки юртда бўлган тўра ва қоранинг ихтиёри Али султоннинг кўлинда эрди. Ҳар йилда ҳутнинг бошинда Урганчдин отланиб Хуросонни човуб ёйлоқларда ёйлар эрди. Чопатурган ерларининг чети йел (сел) кўпруги, Туршиз, Турбат ва Жом ва Ҳаргирд, Олған вилоятлари Журжон, анинг пойтахтини кабуд жома дерлар, Жожирим, Кирайлу, Астробод лашкари қирк мингга етти. Куз ақраб бўлганда қайтиб Урганчни кишлар эрди. Отлана турган кўп ўзбекнинг барчасининг отини дафтарга битиб алуфа берур эрди. Оёқ навкарина ўн олти кўй берур эрди. Ул туркманнинг кўйин улаша турур эрди. Етмаганина Хуросонни чопарда панж якиндан берур эрди.

Бир йил оз киши бирлан Ўқли кўкландин арот олурман теб Астробод борди. Таки навкарларин юбориб барот олмоқға машғул бўлди.

Эмди қизилбошни айтали. Шох Таҳмосиб ҳар йилда эшитур эрди: «Али султон келиб фалон вилоятни чопти» — теб. Тағофил қилур эрди. Бу йил киш Бадрхон теган бегина ҳукм қилди. Ўн икки минг кўрчини ол! Таки Хуросон бор! Ҳар қачон Али келса, анинг бирлан рўй-барўй бўл! Аммо бу (141 б) сўзни кишига айтма, то Али султон эшитмасун! От устина минганда айт! — теди.

Бадрхон отланиб Бастом келди-да, эшитди ким Али султон оз киши бирлан келиб Астрободда туркмандин барот олиб ётур. Ҳар навкари бир туркманнинг эшикинда, султон қатинда ҳеч киши йўк, теб.

Илғаб Астробод келди. Қизилбошнинг қорасини кўруб султонға хабар қилдилар. Қизилбош ўн икки минг киши, султон уч минг киши эрди. Хабар эшитган замони отланиб гургон сувининг ёқасина келди. Фақир ани кўрубман. Икки лаби жар бўлур. Баъзи ерлари юз қари бўлур. Фалон гузар, фалон гузар теган. Қадимда чопиб ясаган гузарлари бўлур. Баланд жарнинг лабина лашкарни тушурди. Жар тарафина киши тушурмади. Кўшинни тўрт қат ва беш қат ҳалқа тушурди. Жар лабиндин бир улуг йўл қўйди. Кўшнинг тошиндин от югура олмасдай тўрт кўз қаздурди. Отларни ва теваларни маҳкам боғлатди. Ул вақтда қизилбош етиб келди. Таки уруш солди. Ҳар ердан беш юз ва минг, тўп-тўп бўлуб чобти. Ўзбек пиёда югуруб ўқға тутаберди. Қизилбош тўрт кўздин ўтабилмади. Ҳар қачон қизилбош чобқанда ўзбек қарши югуруб уруб қайтарди. Ҳар қачон милтиқға тутғанда кўшға кириб теванинг (142 а) паноҳинда буқуб ўлтурди. Қизилбош ожиз бўлди.

Ўқли халқининг беги Абабек теган, ўн беги, бахши ва эл яхшилари уч юз киши бирлан султонни кўргали келиб эрдилар, лашкарнинг ўрта ериндаги туз ерда отларин тутуб ўлтуруб эрди, Абабек бориб султонға арз қилди. Уруш баробар бўлди, турди. Сизда отли киши йўк, қизилбош қочқанда қуваламоқға. Қайтиб бориб еринда тура турур. Менга рухсат беринг, отланиб бир тарафдин уруш солайин. Султон рухсат берди. Абабек отини тийиб дарвоза қўйған ердин чиқди. Абабек султон қатиндин рухсат олиб қайтғанда ўлтурған халқ айтдилар: «Мунга не учун рухсат берасиз? Бизни оз кўриб қизилбошға кўшулмоқға боратурур».

Султон айтди: «Қизилбош ўн икки минг киши турур. Уч юзи ортуқ бўлсун. Ўзи келган кишига ёмонлик қилмоқ номардларнинг иши турур. Мен ўзумни худойга топшурубмен».

Абабек отланди. Тақи қизилбошнинг бир тарафиндин уруш солди. Қизилбошдин зўр кўрганда, ўзбекка орқа берди. Қайта берганда сўнгиндин юруб отиб чопаберди. Беш-олти мартаба шундақ қилган сўнг уруш гарм бўлди. Ўзбекнинг барчаси тўшли тўшиндин юруб уруша брди.

Абабек қизилбошнинг орқасина айланди. Ўзбек (142 б) юруб уруша, юруб уруша ясовға етти. Абабек орқасиндин, ўзбек пиёда олдиндин оллоҳ, оллоҳ теб қизилбошга аралаша қолди. Тоб келтуруб турабилмай қочти. Тева ва қўшини пиёда олди. Тақи қайтиб келиб отланди-да, қизилбошнинг сўнгина тушди. Қун ботғунча қовди. Қизилбошдин Бадрхон бошлиқ оз киши кутулди. Султоннинг мирохури айтур эркандур: «Султонға келган отнинг тўккуздин бирин олур эрдим. Мен етти юз от олдим. Ўзга ўлжани мундин қиёс қилинг».

Бу воқеотдин ўн беш ўн олти йил ўтгандин сўнг Урганчдин кузнинг бошинда отланди. Хуросоннинг Хўжанд жулкосина бориб кишлади. Бу ният бирлан ким, баҳор отланиб бориб Ироқни чопайин; Шоҳ Таҳмосиб келса урушайин.

Улуғ чилланинг ичинда икки яғринининг ўрта ерина куйдурги чикди. Муни кишига айтмади. Куйдурур вақти ўткандин сўнг йиқилди. Халқ кўрали теганда кўрсатмади. Анинг учун ҳаёси андақ голиб эрди ким, таҳорат қилганини ҳеч киши кўрган эрмас эрди. Ахир халқ айтдилар, тўнингизни кесиб кўрали, анга ҳам ризо бўлмади. Зўр бирлан тўнини чок қилдилар. Тақи кўрдилар, ўт кутури вақти ўтуб турур. Доғ қилдилар, фойда қилмади. Ҳақ раҳматига кетди. Тарих тўккуз юз етмиш олтида сигир йилинда қирқ ёшинда эрди.

Султоннинг тарихини бир шоир назм қилиб турур.

Қитъа (143 а)

*Сарвари Хисравон Али султон,
Онки дар даҳр номи у фош аст.
Аз дами офтоби шамшираш,
Шоҳ Таҳмос ҳам чу хаффош аст.
Рафт он шах зи оламу акнун,
Ҳар тараф фитнаи зи авбош аст.
Соли тарихи фавтишон гўфтам,
Ваҳ кам аз қотили қизилбош аст.*

АЛИ СУЛТОННИНГ СИФАТИ

Али султон яхши киши эрди. Ҳожимхон айтур эркандур: «Едгорхон замониндин то бу чоқғача Алидай киши тўкгани йўқ. Қилиқли оғзи ор ва жовға баҳодир ва жуванмард сурфали, саранжомли, навқарнинг аҳволина яхши қарайтурган, одил сиё-

сагли, бўйни берк, хаёси хаддин, ниҳоятдин зиёда. Бу ғоятда ким, ўлуб боратурғанда оталиқи Отабой теган жони бормикан, йўқмикан кўрайин теб, кўлин юрқаннинг остина солиб, оёқин тутубти. Улуб боратурған киши кўзин очиб айтиб турур: «Ўлмасдин бурун обрўйимни ва ҳаёمنى кетардинглар».

Адолати мундақ ким Хуросон отланиб боратурғанда туғчининг оти йўқолибти. Лашкар кўчганда иниси отини изламак учун юртқа қайтиб борганда бир кўшда кўчқарнинг калласи ётқан эркандур. Олиб ёнина боғлаб қайтиб лашкарга келганда, бир киши таниб даъво қилиб, султонға юкунуб турур. Ул киши юртдин топтум деб турур. Кўчқар эгаси ҳамин замон (143 б) кўшиндин олдим теб, каллани олиб келиб турур. Султон теванинг жиҳозиндин остуртуб, ўлтуртуб турур.

Бир қаррат султон отланиб полизнинг канориндин ўтуб боратурғанда бир чехра отдин тушуб икки қовун олиб турур. Қовун эгаси югуруб бориб султонға арз қилиб турур. Султон шул ерда туруб чехрани келтуртуб бир улуг ёғочни кўмдуруб, чехрани остуруб, жони чикқандин сўнг кесиб турур.

Султоннинг икки ўғли бор эрди. Улуғининг оти Исқандар ва кичигининг оти Санжар.

Исқандар отасиндин олти ойдин сўнг ўлди. Санжар девона эрди. Андақ ҳам бўлса, Найман Қулмухаммад бий эмгак этган эгамнинг ўғлиди, теб Нисойда подшоҳ қилди. Султонни саккиз кунда бир кўрунушга чиқарур эрди, то киши аҳволини билмасун теб. Гоҳ ўзи султон қатина кириб қайтиб чиқиб, султон мундақ тедилар, андақ тедилар теб айтур эрди. Гоҳ султоннинг маҳрамлариндин бирисина ўргатур эрди. Ул Қулмухаммад бий ўзининг меҳмонхонасинда ўлтурганда келиб айтур эрди: «Отабек султон сизга бир неча хизмат буюрдилар. Муни бек парвона бўлуб еткурсин. Масалан фалонийға минг танга инъом қилдилар. Худойқулға беш минг танга, Оллоқулини шоҳға элчиликка борсун, тедилар. Ул (144 а) пешкашни бетаъйин қилсун. Ҳар нимарса ким хазинада бўлса, олиб берсун. Бўлмаганин ўзга ердин олиб бериб, қийматини девонлардин ҳавола қилсун. Фалон амални Худой Назарга берсун, тедилар. Қулмухаммад бийнинг Санжар султоннинг ҳақинда қилған ишларининг қайси бирин айтайин. Ўзгаларини мунинг юзиндин қиёс қилинг.

Йигирма беш йил ушбу равиш бирлан Санжарни подшоҳ қилиб ўлтурди. Авдин сўнг Санжар ўлди. Насл қолмади.

ҲОЖИ МУҲАММАДХОН БОШЛИҚ АҚАТОЙХОННИНГ ЎҒЛОНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Олти ўғли бор эрди. Аввалғи Ҳожи Муҳаммадхон. Иккинчи Маҳмуд султон, учунчи Пўлад султон, тўртинчи Темур султон, бешинчи Оллоқули султон, олтинчи Сулаймон султон.

Оллоқули йигирма икки ёшинда ўлди. Сулаймон ўн саккиз ёшинда ўлди. Маҳмуд султон қирк ёшинда ўлди. Олти ўғли қолди.

ввал Мухаммад, иккинчи Амин, учунчи Али, тўртинчи Мухаммад мин, бешинчи Араб, олтинчи Окбобо, Амин бирлан Мухаммад мин отасиндин сўнг ўлдилар.

Колган тўртисини ва Мухаммад султоннинг икки ўғли бор эрди, адхудо қилган улуғининг оти Шоҳ Али ва кичигининг оти Шоҳ ахт, ул иккисини, бу тўрт ўғулдин бўлган уч-тўрт ёш ўғлонлар бор эди, бир яшар ва икки яшар, барчасини Абдуллахон шахид алди. Али султон ва Араб султоннинг заифаси ҳомила эрди. Ул кки заифага (144 б) киши таъйин қилиб сақлатди. Бирини киз эурди, ани кўяберди ва бири ўғул туғурди, ушул кунини ўлтурди.

Темур султон қирқ ёшинда ўлди. Уч ўғли бор эрди. Аввалги Мухаммад султон, иккинчи Қодирберди султон, учунчи Абулхайр султон. Учисини ҳам Абдуллахон ўлтурди.

Пўлод султоннинг тўрт ўғли бор эрди. Аввал Бобо султон, иккинчи Хамза султон, учунчи Қўпчи султон, тўртунчи Пахлавуқула султон. Пўлод султонни уч ўғли бирлан Абдуллахон шахид алди. Пахлавуқула султон отасиндин беш йилдин сўнг ажали тиб ўлди.

ПЎЛОД СУЛТОННИНГ СИФАТИ

Пўлод султон ақлсиз ва ғайратсиз, тентак киши эрди. Биз кичик эрканда андин кўп нимарсалар нақл қилурлар эрди. Анинг қилган ишлари халқ ичиндин унут бўлуб кетмасун. Уч-тўрт нақл қилалди. Анинг икки одати бор эрди. Бирини сўзлаганинда бир эрми айтур, тақи «Шалф рў» дер эрди ва бири икки кичик бармоқини юмуб, ўрта бармоқини бош бармоқининг устунда кўюб, икки кичик бармоқина уруб, шарқ-шарқ овоз чиқарур эрди. Нечук қилмас ҳарам масҳаралар ва маъракагирлар қилурлар. Икки кўлини шундақ қилиб «шалф рў» дер эрди. Ҳар қилган сайин бир шалф рў дер эрди.

Бир қаррат сўрди ким Хуросонга қарвон кета турган борму? — деб. Қарвон туна кун кетди тедилар. Бир кишига ҳукм этди. Оро! — Тақи қарвоннинг (145 а) барчасини қайтариб олиб кел. Ул киши Соғча қудуғинда қарвон кейининдин етиб, қайтариб Хевакга қайтиб келди. Ул мусулмонларнинг кўнглина бу маъқул бўлди ким, тбатта султон Хуросон бирлан хов бўла турур. Йўқ эрса, агар ўзга ш учун бўлса, бизнинг биримизни қайтармоқ керак эрди. Қарвон элқининг барчасини султон олдина олиб келдилар. Султон юзларини боқиб, кўлларини шарқ-шарқ этиб, «менга бир етти поки» — «шалф рў» — тўрт-беш қаррат шуни муқаррар айтди. Қарвон халқи қўшмадилар. Султоннинг наварқарлари айтди: «Менга бир поки айтур, ўзга нимарса керакмас» дейтурурлар, боринг кетинг.

Тақи ул ким Абдуллахон Урганч юртина ул келди. Аввал элганда ола билмай, Янги ариқдин қайтиб кетди. Абдуллахоннинг ариқда турғанда ёш йигитлардин беш юз киши боқиб турмали, бу кун жовнинг қоравули бирлан шуқумлашали теб тланиб кетиб турурлар. Пўлод султон мен ҳам борурман теб,

отланибти. Иниси Темур султон ёш ўғлонларга қўшулуб қайда борурсен? — теб, манъ қилиб турур. Барча беклар ҳам манъ қилиб турурлар. Қабул қилмай кетибти. Ул бориб қоравуллар бирлан урушганда ғолиб келибтилар. Уруш қизғандин сўнг айрила билмадилар. Жовнинг кўмаки кўп келибти. Қайтиб қочиб турурлар. Пўлод султон барчадин илгари қочиб келиб отдин тушуб, Хевақнинг (145 б) дарвозасинда бўсоғанинг устина миниб туруб, кулочини ёйиб, «келур бўлсанг, кел! Жов шахрга нечук кирарсан эмди» — теб, фарёд қила эрмиш.

Уч заифаси бор эркандур. Аввалғининг оти Азизхоним. Элбарсхон набираси. Ул куни анинг эвина келибти. Тақи заифаларга ўзини таъриф қилибти. Бу кун жовга мундақ уруштум ва андақ уруштум. Эмди сабодин нари мундақ қалурман ва андақ қилурман теб. Азизхоним бу сўзларига ёт заифалардин шарманда бўлуб ўлтурган эркандур. Азизхоним кўюнг эмди, тебти. Султоннинг қаҳри келиб, сўкубти, хоним жавоб берибти. Анда «Бўқ ёма мегажин» — тебти. Хоним: «Мегажиннинг эри қабон бўлур», тебти. Тақи чўбмолни кўтариб ҳавола қилганда туруб қочаберибти. Баланд суфадин йиқилиб пинжиги пора-пора бўлубти. Бу микдор айтдуқ ётар.

ИНИСИ ТЕМУР СУЛТОННИНГ СИФАТИ

Ақли оз, сўзи бенамак, аммо қилган ишларининг барчаси яхши жовга баҳодир, одил, то ўлгунча киши эвина меҳмон бўлиб ош емайдуру. Бир қаррат Ҳазорасбдин ақасини кўргали Хевақга келибти. Пўлод султоннинг оталики уйғур, Индибой теган. Пўлод султоннинг оғзи, тили ва ихтиёри, тўра қилиб юруган ул эвинда кўп ош, асбоб (146 а) ва кўп пешкашлар таъйин қилиб, Темур султон ақаси Пўлодни кўруб қайтқанда султоннинг олдина чиқиб, бир тор кўчада юкунуб, эвина чакирибти. Султон ёт устунда ҳеч жавоб бермай турубти. Индибой эмгак қилган бир қари қулунгман, бу вақтгача киши эвина тушмаганингни билурман. Мени ўзга халқдин ортуқи сийлар теган умидим бор. Йирокдағи ва ёвукдағи айтқайки Темур султон ҳеч киши эвина тушмас эрди. Индибойнинг эвина тушуб ошини еди, тегайлар тебти.

Киш қуллари эркандур Султоннинг устунда, зарбофт, тошли, олтун тугмали киш пўстини бор эркандур, чиқариб рақибдорина ишорат қилибти. Ул олиб оталиқнинг орқасина солибти. Отини камчилаб юрүй берибти.

Султон айтур эркандур, ўн беш ёшима етқанда, бир кун беш-ўн йигит бирлан отланиб Вазирнинг ур дарвозасиндин чиқиб сайр қилиб юруб эрдим. Бир авулга келдим. Эв эгаси бир замон отдин тушуб, отланинг теб эвина таклиф қилди. Ул кишининг хогирий йиқа билмай туштум. Бир қўй ўлтуруб келтурди. Анинг ўчасин отамга олиб келдим — Отам сўрди: «Бу не эт турур? Қатимда борган кишилар айтдилар; «Султон сайрга чиқиб эрдилар, бир бой (146 б) таклиф қилиб бир қўй суюб эрди. Шунинг ўчаси турур».

Шундак дегач, отам камчи олиб кел теди. Тақи айтди: «Менинг ёшим элликка етиб ҳанузгача киши эвина тушмайман. Сен ўн бешга етмай киши эвина тушуб, қўй есанг, йигирмага ётган сўнг, йилки ерсан, сендин не кўрса, навкарларинг шуни килур теди. Тақи кишига туттуруб ўз қўли бирлан юз камчи урди. Юзумдин кон равон бўлди. Оқ тўнум бор эрди, барча ери қизил кон бўлди. Андин сўнг қайтиб кўрунушхонадин чиқиб бора эрдим, улуг ақамиз Ҳожи Муҳаммадхон учраб, омонсусен Темур, не ҳолинг бор?» теди. Воқеотни баён қилдим. «Хўб қилибти, яхши қилибти отанг. Юзунгнинг қонини ювма, бу оқ тўнунгни чиқариб ташлама. Саба эрта келиб отангни кўр» — теди. Мен андақ қилдим. Отам аввал насихат айтди. Сўнг қилган ишина пушаймон бўлуб, узр айтди. Тақи туркманнинг тевачи уругини берди, сенинг энчинг бўлсун, теб. Ул вақтда тевачи беш-олти минг эвлик бор эрди. Шул куни худой таолони гувоҳ қилиб онт ичибман, «Мен ўлгунча киши эвина тушмайин, агар билсам навкарларимни ҳам тушурмайин», — теб.

МАҲМУД СУЛТОННИНГ СИФАТИ.

Ҳожимхон бирлан онаси бир эрди. Ақли, қилиқли, (147 а) сурфали, саранжомли ва дунёлика қўли қаттиқ. Муллоларнинг, дарвешларнинг ва шайхларнинг суҳбатина мойил, ҳамиша масала сўрган, нақли машойихга қулоқ солган, ҳисобдон, раъиятдин олатурган ва навқари бературган, молнинг барчасини ёдинда сақлаб била турган, ўкумаган, андақ ҳам бўлса кун, ой ва йилнинг ҳисоби ўн икки бурж ва ситора сакр ва рижол- ул-ғайбнинг ҳисобин барчасин била турган, шундақ эркандур.

ҲОЖИМХОННИНГ ЗИКРИ

Амнақхоннинг ўғлонлари орқадин Урганч келганда Ақатойхон садақ боғлаб келган йигит эркандур, келгандин сўнг туркманнинг раъиятчилик қабул қилганина дахл қилмай қабул қилмаганини чопарлар эркандур. Ақатайхон бориб кўкланг элини чопубти Анда чақирлар теган уруқининг ўн бегисининг қизи тушубди. Ани эвга олиб келгандин сўнг Ақатайхон никоҳ қилиб олибти. Хоннинг ул заифадин ўғлони кўл бўлубти. Анчи тургани Ҳожи Муҳаммадхон ва Маҳмуд султон. Уч қизни узатибди. Тарих тўққуз юз ўттузда Лу йилинда дунёга келибти. Уч қилган ишини аввал айтдук. Мунда ҳам айталинг Убайдхон Урганчни олиб элни Мовароуннаҳр элтганда, ўзини кишига билдурмай Сўғрдин қочиб Дурунда (147 б) Динмуҳаммадхон қатина бориб, отланиб юрт талаб қилмоқ керак теб, кенгаш бериб, Динмуҳаммадхонни отлантуруб келтуруб Хевақ бирлан Ҳазорасб орасинда Убайдхон бирлан уруштуруб, босмоқлика сабаб бўлган Ҳожимхон эрди.

Иккинчи, Убайдхоннинг бекларин ўлтурмай Убайдхон олдина олиб бориб, отасининг ақаси Қолхон ва отаси Ақатойхонни Урганч ўзбекидин бир эвлик қўймай, барчасини кўчуруб келтуруб, бузулган Урганчни тузатиб, юрт қилган Ҳожимхон эрди. Учунчи, отасининг ўлганин эшитиб Хуросоннинг Боғобод теган вилоятиндин илғаб, Урганч келиб, отасини ўлтурган Юнусхоннинг ўғли

Қосим султонни ўлтурган, отасининг қонини уч ойга қўймаган
Ҳожимхон эрди.

Урганчда Эш султонни ўлтуруб ва Хевакда Дўст султонни
ўлтуруб оқ кийизнинг бир кунжини Али султон ва уч кунжини уч
иниси тутиб Ҳожимхонни ўрта ерда ўлтуртуб, ўтгуз тўкқуз ёшина
етганда йилки йилинда тарих тўкқуз юз олтмиш тўкқузда Урганч
вилоятинда хон кўтардилар.

ХОЖИ МУҲАММАДХОННИНГ ХОН БЎЛҒАНИНДИН ТО ВАФОТ ТОПҒАНИҒАЧА

Ҳожи Муҳаммадхонни хон кўтаргандин сўнг, тўкқуз йилда Али
султон ўлди. Ҳожи Муҳаммадхон Урганчни олди. Маҳмуд Султон-
га Вазирни берди. Бу воқеотдин бир неча (148 а) йиллар
ўткандин сўнг Абдуллахон лашкар тортиб Урганч устига келди. Ул
вақтда Ҳожи Муҳаммадхон Хуросон бориб эрди. Пўлад султон
Хевакда ва темур Султон Ҳазорасбда эрди. Отланди теб хабар
келган сўнг Темур султон кўчуб Хевак келди. Ҳазорасбнинг
ўзбеки ва сартин куба тоқдин юқори ўлтурган ўзбеки ва сартин
барчасин Хевакга келтурди. Дарвозанинг олдинда улуг ўр кесди.
Урганч халқи Урганчда, Вазир халқи Вазирда қабалди. Саҳрода
ўлтурган ўзбек минг эвлиги ва икки минг эвлиги ҳар қайсиси бир
берк ерда чиқибди. Ҳар кунда Ҳожи Муҳаммадхонга бир киши
юбордилар. Таки ўлтурдилар.

Абдуллахон Қуланчи келди. Қоравуллари янги ариқда турар
эрди. Ун кун турғандин сўнг Ҳожи Муҳаммадхон келади теб
Хуросондин киши келди. Эшитиб чинин ва ёлғонин била
билмади. Таки эллик кишини юборди. Навхост беринг, андин Кум
қалъа боринг, андин эсам Маҳмуд отага боринг! Таки туринг! Агар
Ҳожи Муҳаммадхон келатурғани рост бўлса, чирикдин қайтқан
киши учрар, олиб келинг! Ул кишилар эсам Маҳмуд отага
борурлар. Катнинг чиғатойлариндин олти киши йўлукур. Ани тутуб
Абдуллахоннинг олдина олиб келурлар. Хон хабарни сўрар.
(148 б) Катлилар айтур, Ҳожи Муҳаммадхон Нисойда эрди.
Сизнинг келган хабарингиз борди. Шул кун отланди. Таки илғаб
келаяур, хондин Пешгоҳдин айрилдук. Туна кун хон Урганч
бориб тушди. Бу хабарни эшиткандин сўнг Абдуллахон киши
юборди, Пўлод султон бирлан Темур султонга ярашали теб. Булар
ҳам қабул қилди. Бу кундин сўнг бири-биримизга ёмонлик
қилмағали теди. Таки қайтиб Бухорога юруй берди.

АБДУЛЛАХОННИНГ ИККИНЧИ КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бу келмакликина уч нимарса сабаб бўлди.

Бириси ул ким Абдуллахоннинг овозасини эшитиб рум подшо-
ҳи Паёла подшоҳ теганни элчи қилиб юборди. Мен бу тарафдин
бўлайин, Абдуллахон ул тарафдин бўлсун. Таки Шайх ўғлини ўрта

ердин кўтарали, теб. Абдуллахон Паёла шоҳни яхши сийлаб кайтарди. Келганда Хиндустон йўли бирлан уч йилда келиб эрди. Паёла подшоҳ айтур, мундин Урганч борайин, андин туркман бориб, кемага ўлтуруб, Ширвон борсам, Истанбул бу йўлдин тўрт ойлик ер турур теб, Урганч келди. Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Муҳаммад Иброҳим султон барча молини олди. Румга етгудек харж берди. Тақи Манқишлоқга юбориб Ширвон кемасина солиб юборди. Абдуллахон мун и эшитиб ёмон оғриди. Тақи (149 а) ул вақтда Ширвон румли кўлинда. Мовареуннахрнинг дожилари ва савдогари кизилбош юзини кўрмагали теб Урганч усти бирлан Манқишлоқ бориб кемага ўлтуруб Ширвон боратурган.

Абдуллахон Урганчга келмасдин бир йил бурун, Ҳожи Кўтас теган кўп дожиларга ва қарвонга бош бўлуб Хевак келди. Пўлод султоннинг улуг ўғли Боба султон барча молларини олди. Тақи пиёда Бухорога қувалаб қўяберди.

Ҳожи Кўтас Абдуллахон отланганда бориб юкунуб арз қилур. Анда Абдуллахон айтур, Ҳожи Муҳаммадхон мендай подшоҳ, Урганч бошқа юрт, менинг навқарим эрмас теди. Анда Ҳожи кўтас айтди: «Тангла тангри кози бўлуб, пайғамбар шафоатчи бўлганда, сени тутуб юкунурман-да, айтурман «Худойим, Ҳожи Муҳаммадхоннинг кучи Абдуллахоннинг бир навқариндин ортуқ эрмас эрди. Абдуллахоннинг кучи ётар эрди, эринди. Тақи бориб менинг ҳаққимни олиб бермади», дерман. Хон айтибти: «Ҳожи, бир улуг ердин туттунг. Хўб-хўб, қўлимиздин келса қилали», тебти.

Учунчи сабаб ул ким Аванншхоннинг набираларининг барчаси ўлди. Абдуллахоннинг лўлидин туқган бир номаълум ўғли колди. Марв бирлан Обивард анга тааллуқ эрди. Ҳожи Муҳаммадхоннинг (149 б) иниларининг ўғлонлари ҳар йилда Марвни чопуб, хайф Марв бу лўли бачага теб, кўп озор бердилар.

Нурумхон озорга чидамай Абдуллахонга кетди. Бу хаёл бирлан ким, хутбани Ҳожи Муҳаммадхон отина ўқумасам, Абдуллахон отина ўқуғайин. Марвни менга берур, тақи қайта юборур, теб Абдуллахоннинг ўғли Абдулмўминхон Динмуҳаммадхоннинг қизиндин туқган эрди, бу нисбати ҳам бор.

Нурумхон бориб Абдуллахонни кўргандин сўнг Абдуллахон отланиб Марв келди. Марвнинг ўзбегини Бухорога сурмакка киши таъйин қилди. Марвага эга бўлди. Нурумхонга ичгаи шароби хумор қилди. Кайфиятнинг ғалат хаёли маълум бўлди. Бир кеча йигирма ўттуз киши бирлан қочиб Урганчга Ҳожи Муҳаммадхон қатина келди. Абдуллахон ул келганда Марв, Обивард ва Нисой ва Богободни олди. Дурунда Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли Араб Муҳаммад султонки фақирнинг отам бўлғай, ул колди. Дурундин ўзга Ҳожи Муҳаммадхон кўлинда Хуросондин вилоят қолмади. Абдуллахон қайтиб Бухоро кишлади. Урганч ўзбегининг оғзи ола бўлди. Ярми Абдуллахон келса урушали теди, ярми айтди, не учун урушамиз, Абдуллахон келса бузулуб борурмиз тақи яхшимиз, бек ва ёмонимиз навқар бўлурмиз. Ҳожи Муҳаммадхон элнинг урушмасин (150 а) билгандин сўнг Муҳаммад Иброҳим отли ўғлини Урганчда қўйди. Севинч Муҳаммад отли ўғлини, анинг икки

ўғлини, Муҳаммад Иброҳимнинг бир ўғлини ва ўзина тааллуқ навкарини олди. Таки Дурунга Араб Муҳаммад султон қатина борурман, таки бахори бирлан Нисойни жовларман теб, улуг чилланинг ичинда Урганчдин чикиб кетди. Ул вақтда Ҳазорасбда Темур султоннинг уч ўғли бор ва Хевақда тўрт ўғли бирлан Пўлод султон бор. Урганчда Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Муҳаммад Иброҳим султон бор. Вазирда Маҳмуд султоннинг тўрт ўғли ва икки садақ боғлаган набираси бор эрди. Кичик чилла бўлган сўнг Абдуллахон келади теган овоза бўлди. Хевақдин ўн, Ҳазорасбдин ўн киши Доруған отаға қоравулликқа юбордилар. Хутнинг аввали куни ўзгасини олдўруб, уч қоравул қочиб келди. Бу хабарни эшитгандин сўнг Муҳаммад султон айтди: «Абдуллахон мундин бурун келганда отам Ҳазорасбни ташлаб Хевақга эви, эли бирлан кўчуб борди».

Таки Хевақда улуг йиғин қилди эрса, Абдуллахон тура билмай қайтиб кетди. Ҳоло ҳам бўлса шундақ қилмоқ керак теб, Хевақга кўчти.

Тамом ўзбек султон бирлан кўчуб Хевақга келдилар. Икки кун тургандин сўнг бири-бирини инона билмай Ҳазрат Пахлавон (150 б)нинг мазорларина бориб Куръондин онг ичтилар, мунинг бирлан ҳам бири-бирини инона билмай Хевақда йиғин қилиб бирикиб туруб бўлмас. Вазирга борали, таки кучимизни бир қилали йиғин бир ерда бўлсун теб, эрта бирлан туруб Темур султоннинг уч ўғли, Пўлод султоннинг тўрт ўғли бирлан барча навкар халқи араба бирлан тўйга боратургандек намоз вақтидин кўчтилар. Туш қайтканда дарвозадин арабанинг сўнги чикди. Бўрёларни юклаб, товукларни арабанинг кўтига боғлаб кетдилар. Икки минг эвлик кўчнинг олди пешинда ва сўнги эл ётқанда Заҳ арикининг оёқина бориб кўндилар.

Ҳожамқули отли Абдуллахон сипаҳсолар қилган уч минг киши бирлан арабанинг кейинининг хануз қораси узулмай эрди, Хевақга келиб кирди. Таки дарвозаға келди. Жар чақиртди. Қолган ўзбек яхши ва ёмон барчаси келсун, инъом берайин, яхшиларина хондин сарҳад олиб берайин ёмонларин навкар қилайин теб. Халқ йиғилиб борди. Барчасининг отин хатға олди. Таки айтди: «Сахар отланурман, хондин умидли киши, жониндин ва молиндин умид қилган киши хоҳ ўзбек ва хоҳ раъият мендин колмасун», теди. Кеча туруб, сахар отланиб Пўлад султоннинг кетидин кетди. (151 а) Эмди Пўлад султонни айтали. Кеч пешин вақтда Хевақдин киши борди. Ҳожамқули Қушбеги келиб шаҳрга кирди, теб. Кўнгилларина ёмон келмади. Бўрёларни арабаға маҳкам боғлаб, товукларға дона ва сув бермак бирлан бўлдилар. Эрта кўчтилар. Улуг чошт бўлганда Олма отишқан қалъасина бордилар. Шул вақтда қоравул келди, жов етди, деб. Арабани бир ерга йиғдилар. Таки олдинда ясов ясадилар. Жов ясаб келди. Уруш солди. Кишини арабадин ва молдин чиқара билмадилар, Андақ уруштилар, таки кочтилар. Кўп молға бўлди. Таки киши тушира билмади. Пўлод султоннинг ўғли Қўпчи султонни тирик тушурди. Андин ўзга султонлар барчаси қочиб Вазир бордилар. Бир от ва бир камчи.

Икки кун тургандин сўнг Вазир султонлари айтди: «Абуллахонга биз ҳеч ёмонлик қилганимиз йўқ. Хожиларнинг ва қарвоннинг молин олиб ёмонлик қилган киши Боба султон турур. Муни ичимизда сакламағали теб, қуваладилар. Отаси Пўлод султон, икки иниси Ҳамза ва Пахлавонқули тўртиси Ҳожи Муҳаммадхоннинг кетидин Дурун бордилар. Маҳмуд султоннинг тўрт ўғли, икки набираси, Темур султоннинг уч ўғли Урганчдин Ҳожи Муҳаммадхон ўғли (151 б) Муҳаммад Иброҳим султон эви бирлан кўчуб Вазир келди. Анинг бирлан ўн тўра, кичикларин айтмайман. Буларнинг барчасина бош бўлуб турган Маҳмуд султоннинг Али отли ўғли бор эрди, бели маъюб, ўлтурганда ва юруганда тўн ичинда маълум бўлмас эрди. Отға миниб юруса дард қилур, тақи юруй билмас эрди. Барчаларининг тили ва оғзи ул.

Абдуллахон бориб кабади. Бир ойдин сўнг киши юборди. Боба султоннинг қилган ишина аччиқланиб келиб эрдим. Ул мунда йўқ. Қариндошман. Сизларнинг қилган гуноҳингиз йўқ. Мени келиб кўрунг, теб. Султонлар кенгаштилар. Тақи бири бирина айтдилар, Абдуллахон бирлан бизнинг орамизда қон йўқ ва кийна йўқ. Тақи ул ким Ҳожи Муҳаммадхон ўғлонлари бирлан Хуросонда тирик турганда, бизга ёмонлик қилмас, бориб кўрган яхши, тедилар. Тақи киши кўшуб юбордилар, беклар келиб онт ичсалар, чикиб кўрали, теб.

Абдуллахон Ҳасанхожаи накиб ва оталики Сархинбий ва девонбегиси Муҳаммад Боки ва Самарқанд ҳокими Ҳожибий ва парвоначиси Дўстимбий Аргунни юборди. Бу бешиси келиб тахта пул устинда ўлтурди-да, ўн султон, ўттуз-қирқ қора киши булар бирга ўлтуруб онт ичтилар. Беклар дарвозага келган вақтда халқ айтиб турурлар (152 а), бу келган кишилар элнинг боши ва юртнинг мадори турурлар. Абдуллахон буларнинг бирисининг тирноқини тамом Урганчга бермас. Тутали, тақи бирга келган кишиларининг кўлини хат берали. Биз буларни душманлик учун тутқанимиз йўқ, иззат ва ҳурмат бирлан саклармиз. Ҳар қачон улар давлат бирлан Бухорога бориб тушсалар, биз бу бекларни узатали тегали. Али султон айтиб турур, бу не сўз турурки, сизлар айтатурурсиз? Абдуллахон бирлан ҳеч қачон оғришмаган қариндошимиз. Урганчни бизга бериб кетар. Агар бермаса олиб борур. Тақи ҳар қайсимизга Урганч ва Вазирдин ортуқ ер берур. Ҳожи Муҳаммадхон ўғлонлари бирлан тирик турганда бизга ёмонлик қилмоқ кўнглинда бўлса, тақи қила билмас. Халқ кўп зўр қилиб турурлар. Тўра теган бедавлатларнинг бирисина халқнинг сўзи маъкул бўлмай турур. Онт ичиб ўлтурганда йигитлар хужум қилиб келиб турурлар, султонлардин рухсатсиз бекларни тутали теб. Оқсақолликлар манъ қилиб қайтартибтурурлар. Бекларнинг онтина инониб тўра ва қора бориб Абдуллахонни кўрдилар. Тўраларни, додхоҳ ясавули ва ҳам Сағирич ҳокими эрди. Эшимбий теганга топшурди. Ўзбекни сипаҳсалор Ҳожамқули қалмоқга топшурди. Ҳожамқули уруқ-уруқни, эв-эвни, хатға олди. Ўн эвликни (152 б) ва йигирма эвликни бир давлатмандга қафилга берди. Тақи Муҳассил кўюб сурди. Урганч бирлан Вазирни Сари ўғлон теганга

берди. Хевақни Дўрман Манглишбийга берди. Ҳазорасбни ўзига навқар бўлуб юруган бир Ҳожа бор эркандур. Ҳазорасбнинг Карвак теган кендин яна анга берди. Катни Урганчи туркманнинг баёт уруқиндин ўзининг мулла имоми бор эркандур, анга берди. Тарих ҳижрий минг тақи иккида йилон йилинда Урганч юртини олиб қайтиб Бухорога кетди.

Пўлод султон ўғлонлари бирлан Дурунда Ҳожи Муҳаммадхон қатиға борди. Улардин бир ойдин сўнг киши борди, Абдуллахон Урганчни олди теб. Ҳожи Муҳаммадхоннинг улуғ ўғли Севинч Муҳаммад султон, анинг ўғли Ибодулла, тақи бир ўғли Араб Муҳаммадхонки фақирнинг отам турур, анинг ўғли Асфандиёр султон, Ҳожи Муҳаммадхоннинг яна бир набираси. Муҳаммад Иброҳим султоннинг ўғли, Ҳожи Муҳаммадхоннинг яна бир ўғли, Муҳаммадқули султон барчаси уч-ўғил, тўрт набира, бир ўғли Абдуллахон бирлан Бухорога кетди.

Пўлод султоннинг уч ўғли, Динмуҳаммадхоннинг набираси Абдуллахонга Марвни пешкаш қилган лўли бача, буларнинг барчаси ўн бир тўра Ирок кетдилар, Шоҳ Аббос мозий қатиға. (153 а) Пўлод султон ёшим етмишга етганда кофир ичина нечук борайин, мен бир тентак кишиман, мени Абдуллахон не учун ўлтурур, теди. Тақи қайтиб Абдуллахон қатиға кетди.

Ҳожи Муҳаммадхон қатинда уч минг киши эрди. Барчалари эвларига қайтди. Яхши ва ёмондин Ҳожи Муҳаммадхон бирлан юз элик киши кетди. Абдуллахон Бухорога боргандин сўнг Пўлод султонни Кўпчи отли ўғли бирлан Ҳожи Муҳаммадхоннинг ўғли, Муҳаммад Иброҳим султонни, Темур султоннинг уч ўғли: Муҳаммад султон, Қодирберди султон, Абулхайр султонни, Маҳмуд султоннинг тўрт ўғли: Муҳаммад султон, Али султон, Араб Муҳаммад султон ва Оқ Бобо султон, Муҳаммад султоннинг икки ўғли, Шоҳали султон ва Шоҳбахт султон, бу айтқанимиз ўн икки садақ боғлағон, яна ўнға яқин кичиклар, барчасини бир кунда Сағирч вилоятинда Оқ сувнинг лабинда шахид қилди. Урганч ўзбегининг машҳур давлатманд кишиларина муҳассил кўюб молини олдуриди. Қора ёмоннинг киши бошиға ўттуз танга солди. Ул вақтда Абдуллахоннинг бир тангаси бир ашрафидин ортуқ. Топабилмай қочқаннинг тангасини кафил бўлган қишидин олди. Топа билмай ўғлин-қизин сотиб берган кўп бўлди. Бир қозондин ош ича турган ўн киши-ўн беш киши (153 б) бор эрди, барчасиндин бошқа-бошқа олди. Ўн яшар эркак ўғлонни бир элик битиди, Тақи танга солди.

Ҳожи Муҳаммадхон ини ўғлонлари бирлан бориб Қазвинда Шоҳни кўрди. Шоҳ Ҳожи Муҳаммадхонга қарши келди. Қўшина келганда отдин тушуриди. Қўлундин тутуб олиб бориб ўрнунда ўлтуртди. Қўл қовуштуруб туруб, яхши келдинг хуш келдинг, Хонбобо теди. Кўп инъом берди. Севинч Муҳаммад султон икки ўғли бирлан кофир ичинда тура билмон теб Румға кетди. Ўзгалари Ҳожи Муҳаммадхон бирлан уч йил турдилар. Йилон йили бориб эрдилар, ул йил турдилар, Йилки йили турдилар.

Қўй йили ялтироқ юлдузи туккан чоқда Абдуллахон ўғли

Абдулмўминхон Хуросоннинг тамом вилоятларин олиб эрди. Асфаройин теган вилоятда қизилбош кабашиб қолиб эрди, келиб ани кабади. Асфаройин ҳокими киши юборди.

Шоҳ Аббос улуғ чирик бирлан Қазвиндин отланиб Бастом келди.

ҲОЖИ МУҲАММАДХОННИНГ ИРОҚДИН КЕЛИБ УРҒАНЧНИ ОЛФАНИ. АБДУЛЛАХОННИНГ УЧУНЧИ ҚАРРАТ УРҒАНЧГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Ул вақтда Астробод туркманнинг Имир теган уруки Алиёрбек теганнинг қўлинда эрди. Бистом (154 а) бирлан Астробод кенди бири-бирига яқин бўлур. Султонлар Ҳожи Муҳаммадхон қатина келдилар-да, айтдилар, Астрободдаги туркман ўз элимиз. Эшитамиз Хевакда сипоҳдин олтмиш киши, Урганчда қирк киши бор эрмиш. Борсақ туркманнинг кўмаки бирлан юртни олиб, андин сўнг фалак нечук айласа, анга лойик иш қилур эрдик. Агар шоҳга айтсақ рухсат бермас, айтмай шу кеча кетали дейтурурмиз.

Хон ўхшатмади. Хоннинг сўзин тутмадилар. Ҳожи Муҳаммадхоннинг икки ўғли Араб Муҳаммад султон ва Муҳаммадқули султон, Пўлад султоннинг уч ўғли Бобо султон, Ҳамза султон ва Паҳлавонқули султон, элнинг олди ётқан чоқда отланиб кетдилар. Сахар туркманнинг қоравули турган ерга келдилар. Кун туш бўлганда Астробод келдилар. Ҳожи Муҳаммадхон эрта шоҳ қатига борди, таки воқеотни айтди. Шоҳ айтди: «Абдуллахон тирик турганда юртни талаб қилмоқ ўхшамас, агар олсалар ҳам бошларин берурлар. Энди улар мендин берухсат кетдилар. Қайтиб менинг қатимга келмакка уялурлар, ўзга ерга кетарлар, таки зойиъ бўлурлар. Сен Хонбобо уларнинг кейининдин бор! Айтгил, уялмасунлар, кўркмасунлар! Яна қайтиб менинг қатимга келсунлар» — теги.

Ҳожи Муҳаммад бу сўзни эшитган (154 б) дин сўнг икки набирасини ва қўшини кўюб яланг от бирлан илғади. Таки Астрободда кейининдин етди. Андин Куран тоғина келдилар. Така ва ёвмутдин эллик-олтмиш киши қўшулди. Ул вақтда Манқишлок бузулуб эрди. Эрсари манғитнинг кўп чоққан сабабиндин Кўрдуш ва Ўрта кудукга келиб ўлтуруб эрди. Эрсари ичина келдилар. Андин беш-олти юз киши қўшулди. Така ва ёвмут Маҳмуд султон ўғлонларининг раъияти эрди. Маҳмуд султон Ҳожи Муҳаммадхон бирлан онаси бир эрди. Ул сабабдин Ҳожи Муҳаммадхон ўғлонларина эгардилар. Эрсари Пўлад султон ва Темур султоннинг раъияти эрди. Улар Бобо султонга эгардилар. Пешгоҳ келгандин сўнг Ҳожи Муҳаммадхон икки ўғли бирлан Урганч кетди. Бобо султон икки иниси бирлан Хевак борди. Сари ўғлон Урганчнинг аркина кабади. Катинда эллик кишиси бор эрди. Кеча бўлгандин сўнг қалъанинг бир ерин тешиб кирдиларда, Сари ўғлон бошлиқ барча навқарин ўлтурдила. Така ва ёвмутдин беш-олти киши

қолди. Ўзгаси ўлжани олди. Тевасига ошлиқни юклади. Тақи эвиги қайтди. Бобо султон Хевакға борди. Ул вақтда Хевакнинг эрки йўқ эрди. Улуғ қалъага қабалди. Сарт қалъани бузди-да (155 а) Берди Манглишбийни юз кишиси бирлан ўлтурди. Ҳазорасб ҳокими, Кат ҳокими Бухорога қочти. Бобо султон бирлан келган эрсаридин ўн бешча киши қолди. Ўзгаси ўлжани олди. Тевасина ошлиқни юклади. Тақи эвиги қайтди. Бобо султон Хевакда ўн кун турди-да Хонқоҳ борди. Иниси Ҳамза султон Хонқоҳда ўн кун шароб ичар ман теб турди. Бобо султон Ҳазорасбга бориб яхши ва ёмониға саронжом бериб, қайтайин теб Ҳазорасбнинг жаҳон намоянда тушуб эрди, бир йигит қибла тарафина қаради, тақи эй бу келатурган кишиларни кўрунг, бири бу не кишилар турур теди. Бобо султон кўпуб бокди, кўрди ёв бир бостура, Ўбчум пўш кийимли, калта чипор отли, қиличи эгнинда, якка илгари кела турур. Анинг кейининдин бир чобдор отли, анинг кейининдин ўттуз киши бир тўп келади.

Бобо султон роҳ-равнинг усти бирлан дарвозаға югурди. Дарвозанинг бир тахтасини Бобо султон ёпди. Яна бирисини ёпмасдин бурун калта отли дарвозани уч қаррат чопди. Анинг кейининдин чобдор отли уч қаррат чопди. Иккиси ҳам қайта берди. Қалъанинг устундин тўфанг бирлан отдилар. Дарвозанинг олдинда тўфанг етмас ерда туруб йиғилди. Юз эллик (155 б) киши бўлди. Хабар сўрди. Сартдин бир сарт айтди: «Бобо султон қалъанинг ичинда, ташқарида сипоҳдин ҳеч киши йўқ. Иниси Ҳамза султон Хонқоҳда». Бу сўзни эшиткандин сўнг кейинига киши чоптурди. Бу тўрган юз эллик киши Хонқоҳға юруй берди. Туш вақтинда гофил Ҳамза султоннинг устига борди. Ул бозор ичига тушуб эрди. Пиёда туруб урушти. Эллик-олтмиш киши бўлди. Тушдин то эл ёткунча урушти. Эл ётур чокда ёв тўп-тўп пиёда бўлди. Тақи бир нечаси урушти, бир нечаси гофил томни тешиб ичкари кира қолди. Барчасини олиб шул ерда ўлтурди. Эмди бу ёвнинг нечук тез келганин айтали.

Абдуллахон тарихи ҳижрий минг тақи тўртда кўй йилинда чирикин келтуруб ялтироқ юлдузи тукған вақтда Бухородин отлаиди. Мундин илгари айтдук, ул кунларда ўғли Абдулмўминхон Асфаройинда эрди. Бу киш ўғлум бирлан Хуросон кишларман. Тақи агар ўхшаса баҳор Ироқ устина юрурман теб, Хўжамқулиға ҳукм қилди. Сен эравул бўл! Тақи Чаҳоржўйдин ўтатурман Кўрдушда ўрдакка қуш солайин теб. Хўжамқулиға тааллуқ лашкар сувдин ўтган вақтда, Ҳазорасб ҳокими қочиб борди-да, бу кун тўрт кун бўлди. Бобо султон (156 а) Ироқдин келиб Хевакда Манглишбийни ўлтурғали теб айтди. Шул замон қочиб келган хожани Абдуллахон олдига юбориб турур.

Хон хабарни сўргандин сўнг Хўжамқулиға ҳукм қилиб турур. Сен Урганч устига юр ва муна мен ҳам кейинингдин бордим теб.

Бобо султон Хевакни олгандин сўнг ўн уч кунда Ҳазорасбнинг дарвозасина ёв келди. Ҳамза султонни Хонқоҳда олгандин сўнг Хўжамқули етишди. Шул кечаси Ҳожи Муҳаммадхон устига юруди. Ҳожи Муҳаммадхоннинг кичик ўғли Муҳаммадхон султон

ёвга баходир, отқучи, туғушли яхши йигит эрди. Ул отасина айтди, сиз акам бирлан Урганчда турубсиз, мен бир неча кишини олиб Бобо султон қатиға борайин, теб, Урганчнинг чигатой ва туркмандиндин бир неча киши олди. Бухороға олиб борган Урганч ўзбекидиндин мангитға савдоға борурман, теб, бу ишлардин гофил кўп киши келиб эрди, бир икки юз киши топди. Таки Бобо султон қатиға теб дарё ёкаси бирлан Ҳазорасб кетди. Гофил чилпук қалъасининг рўбарўйи на келиб эрди, олдиндин жов чикди. Бир ерга йиғилиб турди. Ёв минг кишидин кўп эрди. Боши Хўжамқули қалмоқ келиб уруш солди. Тўгарак қабади. Таки ҳукм қилди. Султонни кутқарманг (156 б) тутунг теб. Кўп уруштилار. Ҳула ва ярала бўла, Муҳаммадқули султоннинг кишиси оз қолди. Султон айтди, мундаг урушсак биздин бир киши қолмас. Келинг халқ ўғли бир ердин чопуб чиқали. Эмгақлимиз ўлар, ўразлимиз кутулур. Султоннинг бу сўзини маъқул кўруб, барчаси бир ердин кўтарила чоптилар ёв икки ёрила берди. Боши бутун ёвдин чикдилар. Султон шул қочқандин отаси қатиға бормади. Мангит юртина борди. Мангитнинг бир бош мирзоси бор эрди, Кўчак отли. Анинг синглини Ҳожи Муҳаммадхон Муҳаммадқули султонға олиб бериб эрди. Қайин акаси Кўчак мирзонинг эвиги борди. Ул тутуб ўрусға юборди. Муҳаммадқули султон кўп йиллардин сўнг ўрусда ўлди. Муҳаммадқули султон бирлан босқидан чиққан кишилардин бир киши қочиб Урганчда Ҳожи Муҳаммадхон қатиға борди. Шул замон Ҳожи Муҳаммадхон ўғли Арабмуҳаммад султон бирлан қочтилар. Икки кун юруб, учунчи кечаси бир ерга тушуб етиб эрдилар, от оёқининг овози келди. Садақларин боғлаб отландилар. Ёв келиб қуюлди. Қўшларин ва Навқарларининг ярмини олди. Ўзлари оз киши бирлан қуртулди. Сабо чашт вақтинда яна (157 а) етди. Урушуа-уруша кетдилар. Яна қолган кишиларининг ярмин олди. Яримин бирлан уруша-уруша қуртулуб Астробод борди. Андин Қазвинда шоҳ қатиға бордилар. Ҳазорасбда Абдуллахон ўзи келиб, Бобо султонни тўрт ой қабаб олиб ўлтурди. Бобо султон қатинда ўз навқариндин ўн беш киши эрсари туркмандиндин уч киши бор эрди. Андин ўзга бариси Ҳазорасбнинг сарти эрди. Ҳазорасбнинг ҳам яхши халқи кенда қалъаға кирмай қолди. Қалъа ичинда қасба эрди.

ҲОЖИ МУҲАММАДХОН ЎҒЛИ АРАБМУҲАММАДХОН ВА СЕВИНЧ МУҲАММАД СУЛТОННИНГ КЕЛИБ ЮРТГА ЭГА БЎЛГАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Тарих хижрий минг таки олтида тақуқ йилининг оёқинда Абдуллахон ўлди. Ит йилининг аввалинда Қазвинда Шоҳ Аббосға Абдуллахон ўлди теб киши борди. Бу хабарни эшитқандин сўнг Шоҳ Аббос лашқарға жар қилиб отланиб Бистом келди. Ҳожи Муҳаммадхон Шоҳ Аббосдин рухсат тилади-да, айтди: «Абдуллахон ўлганидин сўнг ўзбек Абдулмўминхонни ўлтурур. Ул вақтда биз юртимизға яқин бўлмасак, бизнинг жамоатимиздин Мовароун-

наҳрда козoқ бўлoб юрoгaн кўп турур. Онларнинг бирисини халк келтуруб подшoҳ килурлар. Андин сўнг /157 б/ бизгa подшoҳлик етишмас», теди. Шoҳ Аббoс, Ҳoжи Мухaммaдхoннинг ўгли Мухaммaд Ибрoҳим султoннинг ўгли бoр эрди, Бурундук oтли, ул вақтдa йигирмa беш яшaр йигит эрди, aни oлиб кoлди. Ҳoжи Мухaммaдхoн ўгли Араб Мухaммaд султoн, aнинг ўгли Асфaндиёр султoнгa рухсaт берди. Асфaндиёр султoн ул вақтдa ўн уч ёшиндa эрди. Булар кеткaндин сўнг Нурумхoнгa хaм рухсaт берди. Ҳoжи Мухaммaдхoн Астрoбoд келди. Андин ўтуб Куран тоғинa келди, тaкa халкининг ичинa. Эмди не ергa кетарин билмaй хайрон бўлoб турoб эрди, ул кунлардa oтa вa ўғул иккисининг қaтиндa яхши вa ёмон ўн беш кишилари бoр эрди. Сарaтoн ичи кун иссиқ бир кун эртoнг нaмoзини ўқуб тоғнинг соясиндa ўлтуруб эрдилар Дурун гaрaфиндин икки oтдининг қoраси пaйдo бўлди. Якин келгaн сўнг танидилар, иккиси хaм нaймaн, Арабмухaммaд султoннинг Бухорoгa тушoб кетгaн нaвқарларидин эркaнин келиб хoнгa кўрунуш килдилар. Тaки қaйтиб юкунoб арз килдилар Абдулмўминхoн ўлди. Худойи тaоло сизгa узoқ ёш бергaй. Хoн бу вoкeoтни яхши тaқрир кил теди. Улар айтдилар, биз Марвдин кeлaмиз. Абулмўминхoнни кeчa кўчoб бoрa турғaндa Зoмин қaльясининг oлдиндa oтaсининг /158 а/ бeклари ўк бирлaн oтиб ўлтурдилар. Шул кeчaси мeн бeри кeтдим теб Марв хoкимининг кишиси келди. Биз сизни Ирокдa тoпaрмиз теб бoрa эрдик. Нисойдa хaбaр тoлдук, Шoҳ Аббoс Бистoм келди теб. Андин Дурун келиб сизнинг туркмaн ичинa келгaнингизни эшитдук. Тaки бaндаликқa кeлaмиз.

Шул сoат oтлaндилар. Тaки саккиз кундa Ургaнч келдилар. Ургaнч бирлaн Вазирни Ҳoжи Мухaммaдхoн oлди. Хевaк бирлaн Катни Арабмухaммaдхoн oлди. Ҳазорасбни Асфaндиёр султoнгa бердилар. Абдулaхoннинг Ургaнчдaн хaйдaб oлиб кетгaн ўзбегидин бир ўғлoн кoлмaди, бaрчaси келди. Ҳoжи Мухaммaдхoннинг улуг ўғли Рум кeтди теб юкoридa айтиб эрдук. Ул Румдa эшитди ким, Абдулaхoн ўлгaн эрмиш теб. Андин Ширвoн келди. Юртдин хaбaр oлaйин теб келгaндин сўнг не вoкeoт бўлгaнини эшитди вa билди. Тaки кeмaгa миниб Мaнқишлoкдин чикди, сичқaн йилининг бoшиндa. Ҳoжи Мухaммaдхoн ит йили келиб эрди. Ул икки йилдaн сўнг Ҳoжи Мухaммaдхoн Ургaнч бирлaн Вазирни aнгa берди. Ўзи Хевaдгa келиб кичик ўғли Арабмухaммaд султoн қaтиндa бўлди. Бир ўғли кoлди /158 б/ Ибoдиллa oтли. Бир йилдин сўнг ул хaм oтaси кейининдин кeтди. Ҳoжи Мухaммaдхoн тарих хижрий минг тaки ўн бирдa, бaрс йилининг oёкиндa саксон уч ёшиндa хaқ рaҳмaтигa кeтди.

АРАБ МУХАММАДХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ЗИКРИ

Ўғли Араб Мухaммaд султoнни хoн кўтардилар. Кат вилoятини, Ҳазорасб устигa Асфaндиёр султoнгa берди. Хoн бўлгaндин oлти oйдин сўнг кўш ёйиқ тeгaндa юрoгaн ўруснинг козoкиндин минг киши сарaтoннинг aввaли куни ғoфил келиб, Ургaнчнинг қaльясинa

кирди. Шаҳарда раъиятдин ўзга киши йўқ эрди. Хоннинг ўрдуси ва сипоҳ халқи Аму сувининг лабинда эрдилар. Хевақда хонга киши чобтурдилар. Етти кунда хон келди.

Урганчда раъиятдин минг кишини ўлтурди ва минг қиз бирлан жувонни олди. Минг арабага яхши моллардин юклади. Бўз ва бўёғли ва палос ва тўн ва тўшак-ястук мундағ нимарсаларнинг барчасини ўтга ёқди. Буларни саранжом қилгунча етти кун бўлди. Андин сўнг Урганчдин чиқиб дарё лабига юруди. Араб Муҳаммадхон олдиға бориб ўр қазди ва жибқиди. Икки кун уруштилар, учунчи куни жибни зўр қилиб олиб. Тақи босиб ўтди. Ўрус /159 а/ пиёда, бизнинг халқ отли илғаб икки фарсанг ер юзунда келиб яна ўр қазиб жибқидилар. Бизнинг халқнинг ғарази бу ким, иссиқ кунда чўлда ола кўрали; сувға борғандин сўнг тўғайда ўрус бир кунда қалъа солур. Андин сўнг ўрусға киши юборур. Андин кўмак келур. Ушбу ерда барчамиз қирилали теб, зўр қилдилар.

Ўрус юклаган сувини тамоғ килди. Уруштилар ўрус қон ича бошлади. Бешланчи куни қонни ҳам товсутти. Ўзбек ҳар ердин тўп-тўп бўлуб чобти. Ўрусни ўлтуруб-ўлтуруб қайтди. Ул арабадин чиқиб уруша эрди. Ахир арабанинг ичиндин чиқа билмади. Ожиз бўлди. Еттиланчи куни барча иттифок бирлан чобтилар. Арабаға келгандин сўнг отдин тушуб Куран ичига кириб қилични қўя бердилар. Халқ ўлжаға бўлғанда юз ўрус қочиб дарё лабига бориб Тук қалъасининг куйсида яғочдин қалъа солиб балиқ олиб едида ўлтурди. Араб Муҳаммадхон бориб қабади. Тақи ўнбеш кунда олди.

ҚАЛМОҚНИНГ АВВАЛ КЕЛГАНИ

Ўрусни олғандин олти ойдин сўнг қалмоқ келди. Мундин илғари ўзбек мусулмон бўлғандин бери ҳеч қалмоқ келгани йўқ эрди. Хожаккули /159 б/ бирлан Шайх Жалил тоғининг орасидин ўтуб сувнинг икки лабинда ўлтурган элни то Тук қалъасинача чобди ва Абуричидин чиқиб кетди. Араб Муҳаммадхон кетидин бориб асирни ва молни олиб қолди. Аммо қалмоқдин киши ола билмадилар.

ҚОЗОҚ КЕЛГАНИ

Тақи ул ким Мовароуннаҳрда юруган Элбарсхон ўғлонлариндин Хисрав султон теганини найман халқи бир кеча Хевақнинг ичига киргуздилар. Араб Муҳаммадхонни ўлтуруб Хисрав султонни подшоҳ қилали, теб. Кенгаш ичиндағи кишилардин икки киши келиб хонаға хабар қилди. Хисрав султонни тутуб ўлтурдилар. Келтурган кишиларнинг боши Найман Сўфи мирзо теган эрди. Ани ҳам ўлтурдилар. Ўзгаларига тегмадилар.

ИККИНЧИ ҚОЗОҚ КЕЛГАНИ

Бу воқеотдин икки йил ўтқандин сўнг уйғур халқиндин йигирма киши оқсақолиси Паношмирза теган барчаси Урганчдин Самарқанд бориб Хасанкулихон авлодидин Солих султон тегани сувнинг орқаси бирлан Урганчда ўлтурган ўзбек ичина олиб келдилар. Ани

эшитиб Араб Муҳаммадхон Хевақдин борди. Халқ хонга келди. Қозоқга бормадилар. Икки юз бориб эрди. Ул ҳам кочти-кетди. Солиҳ султонни тутуб келтуруб ўлтурди. Йигирма уйғурнинг ҳеч қайсисин ўлтурмади /160 а/ Мен қарачи халқим билан ёмон бўлман, ҳар ким ёмонлик қилса ани худога солдим. Туна кун Сўфи Мирзо Хисрав султонни келтурди эрса, ани ҳам мен ўлтурганим йўқ. Иниси Бобо мирзо подшоҳим сенинг душманинг ер юзинда бўлмасун теб, ўзини туккан иниси Бобо мирзо ўлтурди. Ҳоло ҳам бўлса уйғур халқи ўлтурурман теса ўзлари билур. Мен ўз қўлим бирлан тутуб ўлтурман, теди. Уйғур халқи ўлтура билмади.

Эмди Абулғозихон айта турур. Қадимий халқ бу замоннинг халқиндин яхши эрди. Агар эл ва халқ йиғилиб киши ўлтура билур бўлса ва ё гуноҳкор сўрай билур бўлса ва ё бир иш бошқармоқ қўлиндин келур бўлса, не учун бир мардга подшоҳ от қўюб эвининг тўринда ўлтуртуб, барча халқ ихтиёрларин анинг қўлина бера турурлар. Ахир отамиз хоннинг бошина ва барча юрт халқининг бошина хоннинг кенглиги ортук гуноҳларни афв қилгани теди. Мундин ўн йилдин сўнг иккинчи қалмоқ келгани. Бақирған устиндин яна бир минг қалмоқ келиб элни чопуб асир ва мол олиб кетди. Анинг кейининдин ета билмадилар.

Араб Муҳаммадхоннинг етти ўғли бор эрди: аввал Асфандиёрхон, иккинчи Ҳабаш султон, учунчи Элбарс султон, тўртунчи /160 б/ Абулғозихон, бешинчи Шариф Муҳаммад султон, олтинчи Хоразмшоҳ султон, еттиланчи Авған султон.

Асфандиёрхоннинг онаси ўз жамоатимиздин эрди.

Ҳабаш султон бирлан Элбарс султоннинг онаси найман қизи, иккиси бир онадан эрди.

Фақир онаминг жамоатини юкорида айтдум. Андаг ҳам бўлса яна айттали. Онаминг оти Меҳрбону хоним. Отаси Жонғози султон, анинг отаси Шерғози султон, анинг отаси Султон Ғози султон, анинг отаси Элбарсхон, анинг отаси Берка султон, анинг отаси Ёдгорхон. Отам бирлан онам иккисининг ҳам отаси Ёдгорхон турур. Шариф Муҳаммад султон бирлан Хоразмшоҳ султон иккисининг онаси бир Хожа Мавдуд Чиштиг авлодидин эрди. Чишт Ҳирогнинг кенди турур.

Авған султоннинг онаси Абулхайрхон авлодидин эрди.

Отамиз Араб Муҳаммадхон тахтга ўлтурганидин сўнг ўн тўрт йил бўлганда, Ҳабаш ва Элбарс жов бўлганининг аввали. Ҳабаш султон ўн олти ёшина етти. Элбарс султон ўн тўрт ёшина етти, иккиси ҳам Хевақда ўсти. Араб Муҳаммадхон Урганч бориб эрдилар. Хевақда давлат шаробина маст бўлган ўзбекнинг йигитлари Ҳабаш султон бирлан Элбарсни отлантуруб Урганчга ва Вазирга жар қила киши юбориб чирикнинг олди ва орти йиғилғунча Пешгоҳ /161 а/ теган қудукда, Урганчдин йилдам отлига бир кунлик ер бўлур, бориб ўн кун турдилар. Араб Муҳаммадхон киши юборди, қайтиб келсунлар, шаҳир Вазирни берайин, теб.

Бориб кўрмакка отамдин кўркаман. Чирикдин келганидин сўнг кўрарман, бўлғай теб борган кишини кайтарди. Ҳар ерда талабли йигит бўлса тўп-тўп бўлуб кетдилар. Араб Муҳаммадхоннинг

оталикларининг ўғлонлари ва вакилларининг ўғлонлари барчалари кетдилар. Шул вақтларда халқ хондин андағ кўрқар эрдилар ким, барча ўзбек бир йилгача эвина кириб хотун бирлан ётмасун теса, ҳеч кишининг ҳадди йўқ эрди, эв тарафина бир кадам кўя билгай. Хон кўрунушга чикиб халқга айтса, ини ва ўғлунгизни Ҳабаш қатига юборманг, агар ҳар ким юборса мендин яхшилиқ умид қилмасун, менинг бу сўзумни бир-бирингизга айтинг теб ҳукм қилса, киши юбориб Шаҳрларда ва бозорларда ушбу сўзни айтиб жар чорлатса, бир кишининг ҳадди йўқ эрди, эвиндин ташқари чика билгай. Ичиндин халқнинг кетганин ёмон кўрди. Тошиндин ҳеч нимарса айтмади. Халқ ўғлининг қатина борганини яхши кўради, хон агар ёмон кўрса, манъ қилур эрди, теди, тақи кетмак бирлан бўлди. Ул борғанди Хуросонни чопуб кайтди. Тақи /161 б/ отасига ҳар ўгли бир кишидин совғат юборди. Ўзи Урганча бир манзил ер келди. Чирикка борган кишилар эвли эвина кетди. Султонлар қатинда номусли ва орли йигитлардин етмиш ё саксон киши қолди. Шул вақтда уйғур Қурбон ҳожи теган, хоннинг андин улуғ беги йўқ эрди, ани юборди, ўғлонларим мени келиб кўрсун теб. Ҳожи сабохий пешин вақтинда қайтиб келди. Мен ҳам отамни кўрайин теб эшикка бориб эрдим, Ҳожи ҳам эшикка келди, хон қатина бирга кирдук. Хон, кўрган эшитганингни айт, Ҳожи! — тедилар. Не айтайин хоним, борганима пушаймон бўлдум. Юкориси Доруған ота куйиси Бақирған отагача ўлтурған ўзбек ўғлонларининг қатига йигилиб турур. Ит бошли ва сиғир оёқлидин ўзганинг барчаси бор. Мен бир оғиз отангиз чорлата юборди теб айтиб эрдим, минг ердин кичқурған овоз келди, ҳар қайсиси бир нимарса айтиб. Хоним иш ёмон бўлди. Ўзунг билурсен, менинг сенга жоним куйганда, ўзгаларнинг тўнининг этаки куймас. Эмди Хевакга кетакўр. Бу золимлардин йироқ бўл. Элимиз, халқимиз бир маслаҳат қилурмиз.

Бу сўзни эшиткандин сўнг, хоннинг кўли-оёки суст бўлди. Тили тутулди. От эгарла тевани юклатди. Кун боткандин сўнг отланиб /162 а/ Хевакга кетди.

Хондин ўзга барча халқ, биламиз, Ҳабаш, Элбарснинг қатинда етмишдин ортуқ киши йўқини. Худойи таолонинг амрина ҳеч чора қилиб бўлмас. Бир кишидин сўрмади, бу сўз ростму турур ва ёлғонму турур теб. Ҳабаш бирлан бизнинг хоннинг ораси эртонг кетган киши туш бўлмасдин бурун бориб келур эрди. То бир кишини юбормади кўруб кел, не миқдор кишиси бор теб, айтмади. Чирикдин келгани эвина кетди. Бурунки эвиндағиси келур фурсат бўлгани йўқ. Ҳабаш Урганч яқинина келганли икки кун бўлди. Бу кўп лашкар осмондин туштиму ё ердин чиқтиму, қайдин келди теб, кўнглига келмади.

Хон кетгандин сўнг Ҳабаш, Элбарс Қирон Қирини бориб тушди. Ул вақтда Маздеҳқон қалъасиндин то Бақирғаннинг бери юзи Куйғун теган ергача бугдой экилур эрди. Бизнинг хон Тук қалъасининг юкорисиндин бир ариқ қаздуруб турурлар. Фақир дунёга келмасдин бир йил бурун. Мезон бўлганда сакасни кўмарлар эрди. Бугдойни ўрған вақтда очарлар эрди. Бир неча йилдин сўнг ариқнинг кенглиги откан ўқ ўтмасдай бўлди. Сувнинг оёки Куйғун

борди. Андин Ачи тенгизига борди. Ёлғуз бугдой экилур эрди. /162 б/
Отли киши ўн кунда бугдойнинг Тошиндин айналиб кела билмас
эрди. Ул вақтда пул-пучак, ярим мискол кўмуш бир танга ерина юрур
эрди. Бир тангага ярим тева юки бугдой берурлар эрди. Бир мискол
кўмушга бир харвор бугдой берурлар эрди.

Энди айта турган сўзумиздин қолмағали. Ҳар ерда хоннинг онбор
килиб қўйган ошлики бўлса, отасина тааллуқ ихлосли навқарининг
ошликини олди. Таки навқарга берди. Муни эшитқандин сўнг ошлиқ
олмоқ учун Қора ёмоннинг барчаси борди. Яхшисидин ҳам борди.
Беклар орада юрудилар-да, хондин шахри Вазирни тавобий
туркманлари бирлан Ҳабаш, Элбарсга олиб бердилар. Андин сўнг
тўрт минг киши бирлан бориб Хевақда отасини кўрди. Таки қайтиб
Вазирга келди. Беш йил ота-ўғул бўлуб ўлтурдилар. Олтиланчи йили
Элбарс султон Обивардни чопарман теб отланиб Хевақ келди.
Отасини кўрмади. Чирикнинг олдин ва ортин, йиғарман теб Сағча
Кудуғина борди. Ул вақтда хон Хевақдин отланиб Урганч кетди.
Элбарс султоннинг қўйган кишиси кейининдин бориб хабар қилиб
турур эшитгач отланиб Хевақга келиб кирди. Хон ул вақтда
Рештобон Отада эрқандур. Хон /163 а/ қатинда шул куни ёвга
урушгудек кишидин ўттуз киши бор эрқандур. Саҳар Вақтинда
Хевақдин киши келиб турур, Элбарс султон келиб Хевақга кирди теб.

Хон қатиндаги хожаи оқиллар айтиб турурлар. Бориб Хевақнинг
дарвозасини тушмак керак. Сизни келади теб эшитқандин сўнг тура
билурми, чиқар-да кетар, теб Илғаб келиб Хевақнинг Хастагон теган
кендина тушуб турурлар.

Элбарс султон хоннинг Хастагон келганини эшитгач, беш юз
киши юборди. Бор таки отамни тутуб олиб кел, теб. Хон ҳавлига
қабалди. Элбарс султоннинг кишилари один тушуб тўрт тарафдин
уруш солди. Ул вақтда офтоб ботди. Коронгу бўлғандин сўнг, деворни
ҳар ердин тешти. Таки кирди. Хонни отга миндуруб жиловини олиб,
ярим кечада Хевақда Элбарс султоннинг олдина олиб келдилар.
Отасини бир эвга солди. Эшиқинда киши қўйди. Ўттуз йилдин бери
йиғилган хазинани олди. Таки итга ва қушга берди. Отасининг
бекларининг барчасини тутдуриб бўлган молларининг барчасини
олдуриди. Таки отасини тирик қуюб Хевақдин чиқиб эвиге кетди.

Элбарс султон отасин тутуб /163 б/ молин олиб юруганда,
Асфандиёр Султон Хазорасбда, Ҳабаш султон, фақир ва Шариф
Муҳаммад султон Урганчда халқни йиғиб турдук: Элбарс султон
устина юрумакни оқсақоллар ўхшатмадилар.. Анинг учун бизга
шиддат қилиб хонни ўлтурур. Бормасак молин олур, таки ташлар-да
кетар тедилар.

Элбарс султоннинг эви бизнинг эвимизга яқин эвга келди.

Асфандиёр султон Араб Муҳаммадхон бирлан бизнинг йиғин
қилиб ётқан еримизга келдилар. Элбарс султоннинг устига бордук.
Уруша билмади, қочти-да, беш-олти киши бирлан кирга чиқиб кетди.
Эвини ва элини чобдук. Барча султонлар хон қатиға йиғилдук.
Отамни кўрайин теб келдум. Ўрдуда якка намоз шом ўқуб туруб
эрдилар. Намоздин фориғ бўлғандин сўнг яқинлариға келиб
ўлтурдим-да, айтдум: «Элбарс султон беш олти киши бирлан

қирға чикиб кетди. Эмди не фикр қиласиз». Айтдилар, сенинг кўнглингга не кела турур? Мен айтдум: «Бу арабанинг улуғ йўлиндай кўринатурган нимарсадай. Аммо сиз ани қилмассиз».

Айт? — тедилар. «Асфандиёр султон бирлан фақирга ҳукм қилунг. Ҳабаш султонни ўлтурали-да, бориб Элбарс султонни Ўлтурали. Андин сўнг қолган беш ўғлингизнинг ҳеч қайсиси сизнинг ҳукмингизга тажовуз қилмаслар». Яхши айтасен /164 а/ Чин хожи отли оталиклари бор эрди. Анинг отин тутдилар. Мен анинг бирлан сўзлашайин: Сен бор, таки фалон ва фалон теб, беш кишининг отин тутдилар. Ондарга кенгаш, андин сўнг бориб Асфандиёр султонга кенгашди-да, ушбу кечанинг ичинда келиб менга жавоб бер! тедилар.

Мен бориб сўзлашиб келдум-да, айтдум. Асфандиёр султон бошлиқ барчалари айтдилар: «Биз бу чоқгача уларга айта билмай эрдук. Бу иш мундин илгари керак эрди. Холо ҳам бўлса кечка қўймасунлар. Яхши иноят қилиб турурлар теб, арз қилдилар тедум.

Хон айтдилар: «Мен Чин хожига кенгашдим эрса, ул айтади: «Ўғлонларингизнинг бирисин ўлтурсангиз, андин сўнг қолганининг ҳеч қайсиси сизга инонмас». Мен эмди қила билмайман, Абулғози. Мен айтдум: «Беш-олти йил мундин илгари Хуросондин келганда, Чин ҳожининг ақаси Қурбон ҳожини Ҳабаш султон бирлан Элбарс султонни чақирта юбордингиз. Иккисининг қатинда етмишдин ортуқ киши йўқ эрди. Сизга келиб айтди: Ит бошли ва сифир оёқлидин ўзганинг барчаси йиғилибти теб. Сизга ёлғон сўзлаб Хевақга қочирди. Муниинг ҳам ғарази Ҳабаш султон, Элбарс султонни уйғур, найманнинг жиёниди, улар бўлсун дейтурур. Таки бири ул ким /164 б/ Элбарс султоннинг эшикинда ихтиёр бўлуб турган Дўстум бирлан Эшим ул иккиси Чин ҳожининг яқин иниси. Элбарс султон ўлса ул ҳам ўлмак керак. Сизни тутуб, эвга солиб, молингизни олгандин сўнг, эмди не қолди. Тангла мундин ёмон кишилар бўлур, пушаймон қилурсиз, фойда бермас тедим. Бир соат фикр қилиб турдилар-да, мен бу ишни қила билмайман, қўй Абулғози тедилар».

Хондин умид узгандин сўнг отланиб ярим кечада Асфандиёр султон қатиға бордим. Воқеотни айтдум. Таки хон бўлмаса, не ерига сиз ўхшатсангиз, фақир қиламан, тедим. Айтди: «Андағ айтма Абулғози. Отам муносиб кўрмаган ишни, мен қил! — теб, ҳаргиз айтман». Эмди бу сўзни айтқучи бўлма тедилар. Қайтиб эвимга келдум.

Асфандиёр султоннинг навқарлариндин бир найман йигити менинг кеча бориб сўзлашиб қайтқанимни билиб бориб, Ҳабаш султонга хабар қилди. Андин сўнг менинг бирлан душман бўлди.

Отам Хевақ қайтиб кетди. Асфандиёр султон Ҳазорасб кетди.

Ҳабаш султон Элбарс султонга киши чобтурди. Отаси қайтди, кетди, тез келсун теб. Менинг сиррим ошқоро бўлди. Икки душманнинг ўрта еринда тура билмадим. Кўчуб отам кейининдин кетдим. Кат вилоятини инъом қилдилар.

Бу воқеотдин /165 а/ беш олти ой ўтгандин сўнг пушаймон бўлди. Ўғлонларидин ўтмаганига Асфандиёр султонга ва фақирга киши юборди отлансун теб.

Шариф Муҳаммад султоннинг онаси Урганча эрди. Хевакда отасин кўргали келиб эрди. Ани ҳам қайта юбормади. Отланди.

Ўғлонларимнинг катинда ўн ёмон фитна ангиз киши бор. Агар ани менга тутуб берсалар, ўғлумдур, жонимдур. Оғзиндин ўпарманда қайтурман. Агар ул ёмонлардин ўтмаса, мен ҳам ўғлонларимдин ўтарман. Тангри кимга берса ул бўлур, бўлғай, тедида юруди. Бу сўзни айтиб ўғлонларина киши юборди.

Хондин киши борган соати чирикни сурмакка киши таъйин қилдим. Кўшга киши таъйин қилдим-да, айтдим: «Сизлар сувни ўта турунг теб, отам қатиға бордум. Улар Хевакдин чиқиб Гандумкон теган кендга тушганлар эркандур. Халқ хануз ётмай эрди. Хон қатиға келдум. Қайдан келасан? — тедилар. Катдин тедим. Қачон кетдинг? — тедилар. Ушбу кун. Улуғ чошт бўлуб эрди. Не учун кўшунгни кўюб, илғаб келдинг? — тедилар. Кўнглимга бир нимарса келди, ани арз қилайин теб, келдим, айт тедилар. Сизнинг мундин боратурганингизни ул иккиси бу кун эшитур, ё сабо эшитур.

Таки элга сўзавул юборур. Сиз Асфандиёр султон бирлан сувнинг /165 б/ бери юзиндин юрусангиз. Менга амр қилсангиз, ушбу замон кетсам, намоз вақти Кат борсам. Андин орада бир ётиб, эл ичига борур эрдим. Ўзумнинг қатимда саккиз юз навкарим бор. Сахро ўлтурган ўзбекнинг яриминдин кўписи сизнинг ва фақирнинг элимдандур. Онлар беминнат менга келурлар, Ҳабаш султон бирлан Элбарс султоннинг эли кўрққаниндин келур. Агар бирдай иккидай Ҳабаш султон қатиға кетса, қозониғеча олдирурман. Мен сахрода ўлтурган ўзбекдин бошка Ҳабаш султон бирлан Элбарс султон катинда икки юз уч юздин ортуқ киши йўқти. Мен борғандин сўнг ул иккисининг қатиға киши юборман. Сиз йилдам юрунг. Бир ўк отмай қочиб кетар. Агар мундок қилмасангиз, сиз борғунча элнинг чирикин йиғиштуруб, қарши келиб урушар. Худой таолонинг кимга берури маълум эрмас.

Бу сўзларни кимдин ўрганиб келдинг сен? — тедилар. Ўзум айта турурман, ҳеч кимдин ўрганганим йўқ — тедим. Сенга бу сўзларни ўргатган кимди, номаъкул айтиб турур. Бор! Таки кўшинг бирлан менинг қатимга кел! — тедилар. Қайтиб бориб кўшни кўчуруб Хост минорасинда хон хизматиға бориб, андин кўчуб Эчки қум теган ерга туштилар. Ул куни яна арз қилдум: «Фақирни юборинг? Мени юбормасангиз, Шариф Муҳаммад /166 а/ султонни юборинг. Киши ёвни отмай чопмай олур бўлса, не зарурди, отишиб-чопишиб юругай. Ушбу ишни қилсангиз. Ҳабаш султон, Элбарс султон бир ўк отмай қочиб кетар. Йўқ эрса, иш ёмон бўлур тедим. Хон қабул қилмадилар. Хоннинг бекларина айтдим, улар ҳам менинг сўзумни маъкул кўрмадилар. Кўра-била бориб балога учрадук. Кўчуб Али султон қаздирган Тошли ёрмишнинг сакасина бориб эрдик, қоровуллар келди, жов қорасини кўруб. Андак юруб эрдук, жовнинг ўзи келди.

Таки урушти. Тез бостурдук. Араб Муҳаммадхонни тутуб Ҳабаш султон қатиға олиб бориб турурлар. Шул соат отасининг кўзун олдури-да, кишига топшуруб Хевакда ўрдуларига юборди. Ўзи Асфандиёр султонни қувалаб Ҳазорасб борди. Фақир Кат бордим. Андин Бухороға кетдим.

Асфандиёр султон, Шариф Муҳаммад султон ва Хоразмшоҳ султон Ҳазорасбнинг қалъасина қабалдилар. Ҳабаш султон Элбарс султон қирқ кун қабаб ўлтургандин сўнг киши юбориб яраштилар. Асфандиёр султон Макка теб кетди. Шариф Муҳаммад султонни олиб қолиб Катни бердилар. Хоразмшоҳ султон ўн икки ёшинда ва Афган султон ўн ёшинда эрди. Хевақда оналарининг қатинда юрудилар. Шариф Муҳаммад султон Катда тўрт /1666/ ой тургандин сўнг қочиб Бухороға фақирнинг қатимға борди. Асфандиёр султон бориб бурунки Шох Аббосни кўрди.

Ҳабаш султон отасини маъюб қилгани тарих хижрий минг тақи ўтгузда товук йилинда эрди.

Ҳабаш султон Урганч бирлан шаҳри Вазирда бўлди. Элбарс султон Хевақ бирлан Ҳазорасбда бўлди.

Араб Муҳаммадхонни ва уч ҳарамлари ва икки кичик ўғуллари бирлан Кум қалъада ўлтурдилар.

АРАБ МУҲАММАДХОННИНГ ШАҲИД БЎЛГАНИ ВА АСФАНДИЁРНИНГ ХОН БЎЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Бир йил бўлганидин сўнг Элбарс султон акаси Ҳабаш султонға айтмай отасини ва икки кичик инисини Хевақға келтурди. Асфандиёр султоннинг икки ўғли бор эрди. Улуғи уч ёшинда, кичиги бир ярим ёшинда. Хевақда Элбарс султон қатинда эрди. Кичик иниси Авғон султонни акаси Ҳабаш султонға юборди. Муни акам ўлтурсун теб. Отасини, Хоразмшоҳ отли инисини ва Асфандиёр султоннинг икки ўғли тўртисини бир ерда ўлтуртди.

Ҳабаш султон бу ёш ўғлоннинг не гуноҳи бор теб, ўлтурмай ўрус подшоҳина юборди. Авғон султон ўрус қўлинда ўтгуз йил тургандин сўнг ҳақ раҳматига кетди. Андин насл қолмади.

Шох Аббос мозий Асфандиёр султонға Хуросон этакина бор, юртунгни талаб қил, теб руҳсат берди /167а/ Ул Дурун келди. Андин Абулхон тоғина борди. Така ва сарикдан етмиш киши, ёмутдин ўн киши қўшулди. Ўзининг уч юз навқари бор эрди.

Ул вақтда Ҳабаш султон Аму суви, қибланинг тарафинда Тук қалъасининг рўбарўйинда ўлтуруб эрди. Ярим кечада келиб Ҳабаш султоннинг эвина бости. Эвинда йўқ эрди. Бир навқарининг эвина бориб меҳмон бўлуб ётиб эрди. Ёвнинг қарнайин ва сурнайининг овозини эшитди-да, отланиб қочиб иниси Элбарс султон қатина борди. Элбарс султон Ҳабаш султон бирлан иккиси Асфандиёр султон устина юрди.

Урганчда Араб Муҳаммадхондин қолган, фақирдин қолган ва Шариф Муҳаммад султондин қолган барчаси Асфандиёр султон эшикина йиғилди.

Бақирған остонасинда Сайид Ота авлодиндин бир киши бор эрди. Назар хожа дерлар эрди. Элбарс султон анинг кизин олди. Ул ёлғончи, дунё дўст, қалби айёр, сипоҳгарликнинг баъзи қондалариндин вуқуфи бор эрди. Ул Бақирғандин отланиб Асфандиёр султонға киши юборибти. Фақир бандаликка бордим. Аммо сендин икки кун

сўнг борурман, анинг учун якин ўлтурган баъзи элларнинг чириқини ола борурман. Элик киши бирлан отланиб йўлда Ҳабаш султон бирлан Элбарс султонга /1676/ тараф бўлгудек элларга тегиб чириқин олибтур. Тараф бўлмасдай элга тегмайди. Шул кунлар халқнинг барчаси отланиб Асфандиёр султоннинг келганини яхши бўлди, отасини билмаган золимлардин худой кутказди, теб гурух-гурух Асфандиёр султонга кела эркандур. Назархожа уч юз-тўрт юз кишини ўзи бирлан олиб келиб, элнинг Асфандиёр султонга кўмакка келатурган улуг йўлининг устинда, дарёнинг лабинда тушуб, бир тарафи дарё яна бир тарафга ўр казибти. Пиёда ва отли ўтмасдан Асфандиёр султонга кўмакка келатурган кишининг ва баъзисини сўз бирлан ва баъзисини зўр бирлан ўзини кўшуб айтибтур. «Худой кўрсатмасин Асфандиёр султон юрт олса эркагингизни ўлтурур ва урғачингизни Абулхон ва Манқишлоқ туркманига буюрур. Ул ўлжа қилиб олиб кетар. Агар менинг бу сўзимда ёлгон бўлса, тангрининг қаломи урсун мени»,— теб, ҳар кишининг олдинда Қуръондин бир оит ичибтур. Асфандиёр султонга келатурган кишининг барчасин қатига йиғди-да олди. Ўғлон-ушоқини туркман ўлжа этар теб оит ичгандин сўнг, кўрқти. Қора ёмоннинг йилки бирлан сиғирдан не ўзгалиги бор. Бир оқсақолли сайид ҳар кунда Қуръондин юз қаррат оит ичса, мен сизларнинг гамингизни ейман /168 а/ теса ким инонмас. Ҳабаш султон қочиб кетганда яхши навкарларининг барчаси қолиб Асфандиёр султонга санникиман теб юруб эрди. Назархожанинг йиғин этганин эшитгандин сўнг барчаси қочиб Назархожа қатига борди. Асфандиёр султон бориб урушти-да бостурди. Қочиб Манқишлоқ борди. Одамий халқдин кўп киши кейининдин борди. Туркмандин уч минг киши кўшулди. Қайтиб Урганч келди. Ўзбек яхшиси бузулиб борди. Йигирма икки кун ўр казиб урушти. Йигирма учданчи кун бости. Элбарс султонни тутуб ўлтурди. Ҳабаш султон қочиб Сир бўйинда ўлтурган қорақалпоқга борди. Анда тура билмай Йим сувининг ёқасинда манғит мирзолариндин Шайнак мирзо теган бор эрди. Ани Ҳабаш султон Урганчда ўлтурганда манғитдин тушган элларни Шайнакка бериб, бор таки отанг юртинда ўлтур! Ҳар тарафга кетганинг бўлса, сени юртга келди теб эшитса, келур. Сен эл бўлсанг, Ҳабаш султон юрт қилди теган яхши оти меники бўлур, теб Шайнакка кўп инъомлар бериб юбориб эрди. Ўзумнинг яхшилик қилиб узатиб юборган навкарим теб, Йим сувинда Шайнак мирзо қотига борди. Шайнак Ҳабаш султонни ва навкарларини тутди. Таки Ҳабаш султонни Асфандиёр /168 б/ хонга юборди. Навкарларининг отин ва тўнин олиб кўяберди. Асфандиёрхон Ҳабаш султонни келтургач ўлтурди. Ҳабаш, Элбарсдин ҳеч фарзанд бўлмади. Ҳабаш султонни ўлтургандин икки ойдин сўнг Асфандиёрхон уйғур, наймани қирди. Андин сўнг барча ўзбек бирлан ёв бўлди. Ўзбек уч бўлинди. Бириси манғит, бириси козок ва бириси Мовароуннаҳрга кетди. Уч йилдин сўнг уч тарафга боргандин Аму дарёсининг тенгизга бориб куйган ерина беш эвлик, ўн эвлик кела-кела уч минг эвлик йиғилди. Бухорода турган Урганчдин саккиз юз эвлик йиғилиб кўчуб Кат устиндин уч минг эвлик ўзбекка кўшулмоқга боратурганда Асфандиёрхон сувдин ўтуб,

ул ўзбекнинг барчасини кирди. Тарих ҳижрий минг ўттуз иккида тўнқиз йилинда хон бўлуб эрди. Ўн олти йил подшоҳлик қилиб ўн еттиланчи йилнинг аввали йилқи йилининг бошинда вафот топди.

Эмди мундин сўнг бўлган воқеот фақирнинг дostonларимда зикр топар, иншо оллоҳ таоло.

СОҲИБИ ЗАМОН ВА ХАЛИФАИ ДАВРОН АБУЛҒОЗИХОННИНГ ДУНЁГА КЕЛГАНИНИНГ ЗИКРИ ВА ТАҚИ ОБО ВА АЖДОДЛАРИНИНГ ОТЛАРИ

Урганч вилоятинда тарих ҳижрий минг тақи ўн тўртда топушқан йили /169 а/ ва асад буржи ва рабиъ-ул-аввал ойининг ўн бешинда душанба куни офтоб бирлан баробар тулуъ қилибмиз. Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, Хост кинорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қальасиға бориб, Сир тенгизина қўйған эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлубти. Раъият Урганч чўл ҳам бўлса ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муносиб ерларда экин экиб ўлтуруб, экинни олғандин Урганч борурлар эркандур. Биз дунёга келган йилининг аввал баҳоринда ўн етти киши ўрусға савдоға кетар. Қўш ёйиқ теганда минг қозоқ ўрус бор эканди. Йўлда анга учрай қолур, Иккисини ўлтурур, саклаған кишилардин Урганчнинг хабарин сўрар. Анинг бириси Туркистонлик эркандур. Ул айтур, Урганчнинг шаҳринда сипоҳдин бир киши йўқ, Сипоҳнинг яқин ўлтурғани отлиға бир қулдук йўл. Шаҳарда танҳо раъият турур. Бир тарафи чўл. Агар чўл йўлиндин юз минг лашкар борса, шаҳрга кирганда қўрар. Андин илгари кўрмас. Ёт юртли киши анча қўлиндин ва тилиндин келган саъй бирлан хушомадни қилди. Ўрус мунинг сўзина фирифта бўлиб, /169 б/ туркистонлини бошчи қилиб, минг киши келиб Урганчнинг мирзо дарвозасиндин кириб, аввал дўконда турған бир қассобға учраб, найзани ҳавола қилиб турур. Қассоб ани бир сипоҳнинг қули хаёл қилиб, «не бўқ епоан кускаш армани» тебти. Гофиллик бу гоятда, ул куни яхши ёмондин минг киши ултурубти. Отамиз ўрусдин бир киши қўймай кириб эркандур. Бу воқеотдин қирк кун ўтқандин сўнг биз дунёга келибмиз. Отамиз айтибти: «Бизға бир ғазот муяссар бўлди. Мунинг йўли ва қадами муборак бўлди ва тақи мунинг онасининг жамоатини ғозийлар дерлар, ул нисбати ҳам бор теб, отимни Абулғози кўюб турурлар.

Отамизнинг оти Араб Муҳаммадхон, анинг отаси хожи Муҳаммадхон, анинг отаси Акатайхон, анинг отаси Амнакхон, анинг отаси Ёдгорхон, анинг отаси Темур шайх, анинг отаси Чочи тўли, анинг отаси Арабшоҳ, анинг отаси Пўлод, анинг отаси Мангу Темурхон, анинг отаси Бодоқил, анинг отаси Жўчи Буқа, анинг отаси Баходир, анинг отаси Шайбанхон, анинг отаси Жўчихон, анинг отаси Чингизхон, анинг отаси Есугай баходир, анинг отаси Бартанхон, анинг отаси Қабулхон, анинг отаси Тумнахон, анинг отаси Бойсункурхон, анинг отаси Қайдухон, анинг отаси Дутумнанхон, анинг /170 а/ отаси Буқахон, анинг отаси Буданчирхон, отасиз

Аланкуво отли хотундин туғди. Аланкуво Юлдузхоннинг набираси эрди. Отаси йигитлигинда ўлди. Отадин туғуб қолди. Улуғ отаси Юлдузнинг қўлинда ўсти. Ул сабабдин отасининг оти халқ ичинда машхур эрмас. Юлдузхоннинг отаси Менгли Ҳожахон, анинг отаси Темуртошхон, анинг отаси Қалимачухон, анинг отаси Сам Савчи, анинг отаси Бўка Бундунхон, анинг отаси Қўчам Бурал, анинг отаси Қапчи мерган, анинг отаси Тимоч, анинг отаси Бичин Қаён, анинг отаси Қўймарал, анинг отаси Бартачна. Бартачна бирлан Қаённинг ораси тўрт юз эллик йил турур. Бу иккисининг орасинда ўткан кишиларнинг отларини билали теб кўп саъйи қилдук, муяссар бўлмади. Хеч тарихда топмадук. Арканақун ичинда бузукликда бўлди. Анинг учун топмай турурлар. Қаён, анинг отаси Элхон, анинг отаси Тейгизхон, анинг отаси Манглайхон, анинг отаси Юлдузхон, анинг отаси Ойхон, анинг отаси Ўғузхон, анинг отаси Қорахон, анинг отаси Мўғулхон, анинг отаси Аланчахон, анинг отаси Куюкхон, анинг отаси Диббақуйхон, анинг отаси Аблачахон, анинг отаси Тўтакхон, анинг отаси Турк, анинг отаси Ёфас, анинг отаси Нух пайгамбар алайҳиссалом, анинг отаси Камак, анинг отаси Матушалах, анинг отаси Идрис пайгамбар, анинг отаси Барат, анинг /170 б/ отаси Маҳлойдил, анинг отаси Қайнон, анинг отаси Ануш, анинг отаси Шиш пайгамбар, анинг отаси Одам сафиюллох.

Эмди онамиз тарафин айтилинг. Онамизнинг оти Мехрибону хоним, анинг отаси Жонғози султон, анинг отаси Шерғози султон, анинг отаси Султонғози султон, анинг отаси Элбарсхон, анинг отаси Бурка султон, анинг отаси Ёдгорхон. Ёдгорхонда отамиз бирлан онамизнинг отаси кўшулуру. Олти ёшқа етканда онамиз ҳақ раҳматига кетди. То ўн олти ёшқача Урганчда ота қўлинда бўлдук. Андин сўнг отамиз қадхудой қилди. Тақи Урганчнинг ярмини улуғ ақамиз Ҳабаш султонга ва ярмини бизга берди. Бир йилдан сўнг Ҳабаш ва Элбарс отли ақаларимиз бирлан орамизда низоъ бўлди. Ул сабабдин тура билмай Хевакга отамиз қатига келдук. Улар Катни инъом қилдилар. Аввал баҳор эрди, Катга бориб, олти ой тургандин отамиз бирлан отланиб Ҳабаш, Элбарс устига бодук. Ул воқеотни батафсил айтибмиз.

Бизнинг хон тўп бўлдилар. Асфанлиёрхонни сўл ва фақирни ўнг қилиб эрдилар, улуғ уруш бўлди. Фақир уч от йиқилгунча уруштум. Барча халқдин сўнг кетдим. Қатимда олти киши бўлди жов кўплаб /171 а/ етди. Қайтиб уруштук. Ул қирқ киши жов кўтарила от солди. Тақи аралаша қолди. Қочтим, қатимда бир киши бўлди. Ўзга кишиларимизнинг ҳар қайсиси бир тарафга кетди. Жов қолмай отқулаб гала юруб эрди, бириси ўқ бирлан оғзимга урди, энгақларимнинг сўнгаклари пора-пора бўлди, оғзимнинг ичи тўла қон. Дарёнинг лаби ва ер қалинг эрди. Бир улуғ юлғунни ургулдим. Жовнинг кўзи мени кўрмай, ўзга кишига тушти. Шул вақтда отимнинг оёки сичқаннинг инина кириб андақйиқилдим қим, отдин тўрт-беш қадам йироқ бориб туштум. От турди, тақи ғавғага қочти, юрий берди. Қатимдақи киши менга отини бериб, ўзи қолди. Ёш ўғлон яқка бора эрдим, кўнглимга айтдим, бу ёт жов эрмас. Қолғали биз ҳар ерга борсак, бу ерга борур, яхшиси ўлтурур қим, сув ёқасина бориб,

ўтмакнинг иложин қилайин теб, сув ёқасина келдим. Баланд жар, ҳеч ердин йўл топмадим. Юкори юрдум. Бир ердин йўл топиб тушиб кўрдум эрса, қуйида бир баланд ёрнинг тубинда уч киши ешина турур. Бизнинг киши эрканин билдум, таки қатиға келдум. Ҳеч қайсисин танимадим. Анинг бириси мени таниди. Аммо ҳеч нафъи тегмади ва ҳеч хизмат қилмади, ўз иши билан бўлди, Садаким ва қиличимни /171 б/ ешдим. Совутимни чикардим. Фўтамни ешайин теб эрдим, ёрнинг устиндин беш-олти жов келиб урма-ур теб отқулай берди. Ул учиси яланғоч бўлуб эрди, сувға тушуб юруй берди. Жов ёрдин тушайин теса йўл йўқ, ёрнинг устиндин ёлғуз мени отқулай берди. Совутни эгарнинг қошина солиб сарупойим бирлан сувға тушидум. Чобқанда кизиб келган от сув ичмак бирлан бўлди. Кўлумда камчи-да йўқ. Юз эмгак бирлан отни сувға солдум. Онамдин тукқандин бери от ёлдағаним йўқ эрди. Ёлдаб юрий бериб, кейинимга карадим. Олти киши хануз отатурур. Худойи тасло сақлади. Бириси тегмади. Бурунки ярадин оғзимнинг ичи тўла кон ташлайман, яна тўла эрди. Этикнинг ичина сув киргандин сўнг, хар аёким ўн ботмон бўлди. Барча сарупойим сув бўлди. Сувнинг ўрта ерина етганда, отимнинг кулоқи билан бурни кўрунди, ўзга ери ботди. Бир қари киши бор эрди. Ул айтур эрди, хар қачон жовдин қочқанда сарупой бирлан от ёлдасангиз, бир оёқингизни қуюшқандин ўтқариб, отнинг қуйруқина кўюнг! Бир оёқингизни узангида кўюнг! Ўзунгиз тик туринг! Бир қўлингиз бирлан эгарнинг кин қошина босинг! Бир қўлингиз бирлан отнинг жиловини кўтариб тортиб тутунг! Мундок қилмасангиз /172 а/ от совутли, саруполи кишини олиб чиқабилмас теб.

От ботиб боратурғанда шул кишининг сўзи ёдимға кела қолди. Шундақ қилдим. Отнинг то тўшигача сувдин юкори чиқти, таки ўқ отқандай юруй берди. Сувдин омон чикдим. Ул уч киши қатимға келди. Икки кунда Катга келдим. Навкарларимиздин ўн киши мендин илгари келиб, мени ўлди теб турганлар эркандур. Улар бирлан қўшулгандин сўнг от ва озук олиб Мовароуннаҳр кетдук. Самарқандда бориб Имомқулихонни кўрдум. Иzzат ва ҳурмат қилди. Яхши келдинг ва хуш келдинг, йигитсан юртунгга қайтиб борурсан, сипоҳнинг бошиға мундақ ишлар тушмай бўлмас, ғам емағил теб, кўнгил берди. Асфандиёрхон қочиб қизилбош борди. Менинг кичик иним олти ойдин сўнг Ҳабаш, Элбарснинг қатинда тура билмай, қочиб менинг қатимға келди.

Асфандиёрхон борғанда қизилбошнинг подшоҳи Шоҳ Аббос мазий эрди. Ул Асфандиёрхонға Дурун, Нисой бор Урганча киши юбор! Булхон туркманина киши юбор! — теб рухсат бериб узатди. Асфандиёрхон Дурун келди. Бизга киши юборди, келсун юртни бирга талаб қилали теб.

Имомқулихондин икки уч қаррат рухсат тиладук /172 б/. Ўзум кўмак бериб, юртунгни олиб берурман теди. Таки Асфандиёрхон қатиға борғали қўймади. Асфандиёрхон Урганча отасининг навкарлари ва ўз навқари эрди. Фалон ойнаинг, фалон куни теб ваъда қилди. Таки отланиб юруди. Ўзининг қатинда уч юз кишиси бор эрди. Абулхон туркмаиндин юз киши қўшулди. Ул вақтда Элбарс Хевақда

эрди. Урганчининг суви куруб чўл бўлуб эрди. Анинг учун Ҳабаш Тук қалъасининг рўйбарўйи Аму сувининг лабинда жиб қилиб ва ўр қазиб ўлтуруб эрди. Келиб саҳар вақтинда жиб ичинда келиб Ҳабашнинг эвини бости. Ҳабаш эвинда йўқ эрқандур. Эшитиб кочиб қуртулди. Асфандиёрхоннинг достонинда бу воқеотларнинг барчасини айтиб-миз. Урушиб, бостуруб Манқишлоқ бориб қайтиб келиб юртни олди. Элбарсни тутуб ўлтурди. Ҳабаш кочиб қуртулди.

Биз Имомқулихон қатинда икки йил турдук. Андин сўнг киши борди, Асфандиёрхон юртни олди теб. Имомқулихон рухсат берди. Шариф Муҳаммад бирлан Урганчга келдук. Асфандиёрни хон кўтардилар. Хевақ, Ҳазорасб ва Катни ул олди. Урганчни бизга берди ва Вазирни Шариф Муҳаммадга берди. Бу /173 а/ воқеотда тарих минг тақи ўттуз учда ва тўнқиз йили мезон буржинда эрди.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ЙИГИРМА БИР ЁШИДИН ТО ЙИГИРМА УЧ ЁШИДИН ЎТКАНИ

Биз йигирма ёшимизда эрдук. Келур йил сичқан йили куз экинин олғандин сўнг барча халқ Асфандиёрхонни бориб кўрмакликни муносиб кўрдилар. Шариф Муҳаммад султон бирлан кўшулуб отланур бўлганда бир кеча Шариф Муҳаммадни уч яхши кишиси бирлан ўзумнинг икки яхши кишимни чақирдим. Тақи айтдим, эмди борамиз. Сизлар не айтасизлар. Барчалари бормоқни муносиб кўрдилар. Асфандиёрхондин ҳеч кўркунчингиз борму? — теб сўрдум. Йўқ тедилар. Мен айтдим, сизлар шарт килинг, кишига айтмасликқа мен кўнглумга келганин айтайин, онт ичдилар. Мен айтдим, Асфандиёрхон юрт олғали бир йил бўлди. Қирдин келган туркманларнинг яхшиларин не учун рухсат бермай сақлаб турур. Албатта онларга килган бир ваъдаси бор. Биз борган сўнг Ўзбекни қирар. Иложи не турур? — теб сўрдилар эрса, айтдим, Асфандиёрхон қатиға биз бормасак, Хевақда турган ўзбекни қира билмас бормағали. Агар бормоқни ўхшатсангиз, Хевақга яқин етганда ўзбек ва туркман Асфандиёрхоннинг навқарларининг барчаси бизга қарши келурлар /173 б/ Туркманни шул ерда қирали. Тақи Асфандиёрхоннинг олдина борали. Бўйнимизга фўта солиб, арз қилали: «Туркман фикрсиз, кам ақл халқ ва ҳам бизнинг бирлан қири душман. Анинг учун жонимиздин кўрқтук. Тақи сиздин рухсатсиз бир ишни килдук. Анда Шариф Муҳаммад киноя юзиндин айтди: «Асфандиёрхонни ўлтурали Абулғози акамни хон кўтарали». Ўлтурган кишиларнинг барчаси менинг сўзумни ёмон кўрдилар, Шариф Муҳаммаднинг сўзин яхши кўрдилар. Уйғур халқиндин Қурбон ҳожи теганнинг ўғли Қулмуҳаммад теган менинг оталиқим эрди. Ул айтди: «Мундак сўзни айтманг. Агар айтқудек бўлсангиз, Асфандиёрхонни кўрмакка келдук. Кўргандин сўнг уч кун Хевақда турдук. Тўртунчи кун қайтиб кетали теб, от эгарлаб турган вақтда, хон ёрликидур, уйғур ва найманни ўлтур, ўзга элларга дохил мазоҳим бўлма! — теб, ҳар ердин қичқуриб то билганин ўлтура берди. Шул куни шаҳр ичинда уйғур наймандин юз ва ўзга ўзбекдин ўн кишини ўлтурди. Тақи барча

Ўзбекка чопавулни қўяберди. Уйғур ва найманнинг баҳонаси бирлан Ҳазорасбдин то Хост минорасигача ўлтурган ўзбекни чобти. Қорва теган ўзбекни ўлтурди. /174 а/ Этмаганнинг молин олди. Уйғур, найманнинг қари ва йигит ва янги туқган бир ойликинача ўлтурди. Шариф Муҳаммадни Урганчга юборди. Ҳар ерда уйғур найман бўлса ўлтурдил, теб. Мени олиб қолиб якка ўзининг катинда бир неча кишини таъйин қилиб кўз боғи бирлан сақлади.

Урганчнинг ўзбеки ўлтуруб кенгаш қилиб турурлар. Абулғози султонни нечук этсак қўлумизга олурмиз теб. Ахир шунга қарор берибтилар. Зўр бирлан муяссар бўлмас, бир тадбир қилали, шояд тақдирга мувофик тушгай теб. Шариф Муҳаммад бирлан қўшулиб борган туркманнинг яхши кишиларини чорлаб айитибтилар: «Барча ўзбек юрт ташлаб Бухорога кўчтук. Агар бизни Асфандиёрхон кетмасун деса, Абулғози султон бирлан Муҳаммад Ҳусайн бекни юборсун, Султон акасининг миннатини олиб ва бек барча туркманнинг миннатини олиб, ёмонлик йўқ теб, онт ичса турали, йўқ эрса, кетдук теб, кўчубтилар».

Элининг олди тўрт кўчуб, сўнги икки кўчкандин сўнг туркманлар инониб бир яхши кишисини Асфандиёрхонга чоптурубти.

Пешин намозини ўқуб, ўлтуруб эрдим. Урганчдин Тангриберди /174 б/ келди тедилар. Ул келган туркманнинг оти Тангриберди эрди. Анинг қўроқлики менинг етмаган ажалимга сабаб бўлди. Хонни ва туркманни қўрқутти. Шул замон Абулғози бирлан Муҳаммад Ҳусайнбек борсун теб ҳукм килди. Отланиб юрий бердук. Таки Урганчга келдук. Ул вақтда Урганчнинг қалъасини қўл бўлган сабабдин Аму сувининг қибла тарафиндаки лабинда Тук қалъаси рўбаруйинда қалъа солиб анда ўлтуруб эрдук. Қалъада ўзбакдин ҳеч киши йўқ. Мен бориб эвимга тушдим. Шариф Муҳаммад менинг қатимга келди.

Муҳаммад Ҳусайнбек бир сартнинг эвинда тушти. Шариф Муҳаммад бирлан бирга борган туркманлар, бек бирлан борган туркманлар етмиш-саксон киши бек қатинда бўлди.

Ўзбекнинг барчаси сувнинг нари юзида, анча ишга ярар кишилариндин ўтгуз киши мени кўргали келди. Бу айта турган сўзларимизнинг барчаси бир куннинг ичинда бўлган воқеа турур. Намози хуқтанни ўқуған сўнг барчалари йиғилиб менинг қатимга келиб юрт кенгашини қилдилар. Шариф Муҳаммад бошлиқ барчалари айтдилар: «Бу кеча тўрт ёкга киши юборали. Тонг отқанда минг киши дарвозада ҳозир бўлсун. Муҳаммад Ҳусайнбек /175 а/ бошлиқ бу туркманни қирали.

Таки Хевақдаки ўлтурган туркманни чопали. Бу киши Хевақнинг қалхасинин қабаб ётали. Баҳор олурмиз, — тедилар. Мен айтдим: «бу туркманни қира билмассиз. Эшитиб қочар. Кишина туркманнинг барчаси Хевақ устида турур. Ани ҳам ола билмассиз. Хевақ бориб ётсангиз эвингиз эгасиз бўлур. Қалмоқ келур. Таки ўғлон ва ушоқингизни олур кетар. Муҳаммад Ҳусайн бошлиқ туркманларни яхши сийлаб юборали. Шариф Муҳаммад қуюқ қалъада кишласун. Ўзбекнинг барчасини буз тўнғандин сўнг кўчуруб Шариф Муҳаммад

билан бизнинг орамызга келтурали. Хар беш юз эвлик ва минг эвлик бир жиб солиб кишласун. Қалмоқнинг икки йўлига қоравул солали. Хутнинг уни бўлганда бир кишига ўргатали. Отин терлатиб илгаб менинг катимга келсун. Таки айтсун: «Ён йўлга солган қоравуллардин келамаман. Туна кун кеча қалмоқнинг улуг қўлининг ўтин кўрдук, юлдуздай бўлуб турган. Қоровуллар ўзларида, қочти. Менга уч оти бериб эрдилар, иккисини йўлда ташлаб келамаман тесун. Шул замон мен мундин отланайин. Шариф Муҳаммадга киши борсун. Ул ҳам шул замон отлансун. Бир ерга йигилали. Ичимизда оз бўлса беш-олти юз туркман бўлур. Аввал ани қирали. Таки Хевак устина юрали /175 б/ бу вақтда Абулхон ва Манкишлокнинг туркмани ошлиқ олмоқ учун хевакга келиб, барчаси эвлик эвина кетар. Баҳор кўй кўзилар. Хевакда ўт бўлмас. Ранг чиқар. Хевак туркмани қумга кетар. Сарт экин эрмак учун кендли кендина кетар. Хевак ичинда Асфандиёрхон катинда кўп бўлса юз, оз бўлса эвлик киши қолур. Ғофил бориб, дарвозанинг оғзина тушали, тедим. Менинг сўзумни қабул қилмадилар. Кўп эмгакни менинг ва ўзларининг бошларина келтурдилар.

Муҳаммад Хусайнбек бизнинг қасд қилганимиздин хабардор бўлуб эл бир уклаган вақтда дарвозадин чикиб қочти.

Бизнинг кел теб ваъда қилган навқар халкимиз намоз вақти келдилар. Муҳаммад Хусайнбек ул вақтда икки манзил йўл кетиб эрди. Ҳеч фойда қилмади.

Улуг-кичик ўлтуруб кенгаш қилдилар. Мен айтдим: «Асфандиёрхонга киши юборали. Муҳаммад Хусайнбек ўзи кўрқти. Таки кочтида кетди. Агар бизнинг ёмонликимиз бўлса, бир улуг юрт ўттуз-кирк кишини шаҳарнинг ичиндин чиқариб қўяберурму эрдук. Агар дарвозани беркитиб турсақ не ердин чикиб кетар эрди, тегали» Асфандиёрхон бу сўзга инонур. Туна кун айтқан сўзумдур. Баҳор бўлган сўнг қалмоқнинг хавфи кетар. Ғофил бориб Хевакнинг дарвозасина тушали. Шариф /176 а/ Муҳаммад бошлиқ барча халқ менинг сўзумни қабул қилмадилар. Отланмоқни муносиб кўруб, Хевак устина юрдилар. Ёмон иш қилдингиз, юртни буздингиз теб, айта-айта икки кун сўнг кейинлариндин бордум. Хиканик ариқининг лабинда Тош кўпрук теган ерда бориб туштук. Туркманнинг оч-орики топиб ўлтурдик. Сартқа тегмадук. Ўзга кендларнинг барчаси Хевакга кўчуб эрди. Хонқоҳдин бир эвлик кўчмай эрди. Хар кунда бозор бўлуб турди. Кирк кун тургандин сўнг қалмоқ келди. Таки тўла элимизнинг тўртда-бешта бирини олди. Таки юрий берди. Халқнинг номусли кишиси қолди. Қора-ёмони эвина кетди. Ани туркман эшитди. Туркманнинг Абулхон ва Манкишлокдин кўмаки келди. Андин сўнг Хевакдин чикиб чашманинг устинда бизининг бирлан урушти. Бизнинг ясов турган ер туз бўлди. Анинг ясовининг орқаси олти ва етти ариқ бўлди. Уруш тарози бўлганда отли, пиёда оллоқ, оллоқ теб югурдук. Жов қочти. Жовнинг туғи олти ариқнинг ўртасинда эрди. Пиёдани туғнинг орқасинача ўлтура-ўлтура борди. Таки жов қочти. Эмди ўлжадин курук қолмайин теб отина югурди. Келиб отина миниб боқти эрса, жов етти. Ариқ/176 б/ нинг ўртасина бир ерга йигилиб, тўп бўлуб турубти. Бир сут пишим қараб турди.

Бизнинг хабаримиз йўқ, жовнинг бир улуши қочиб кеткан эркандир. Анинг бизнинг қора-ёмон билмади. Таки яна бир урушмоқга тоб келтура билмай қочти. Шариф Мухаммад бирлан иккимиз тўруб қолдук. Чирикнинг барчаси кеткунча туркман қараб турди. Таки андин сўнг ариқларни ўтуб, охиста юруди. Шул вақтда менинг қатимда ҳеч киши қолмади. Қўнглумдин айтдим:

«Бу халқ кўшка бориб, отдин тушуб бирикса яхши эрди. Агар андақ қилмаса бугун кун ботғунча жов қавар бўлса жон қолмас», тедим. Таки отнинг бошини кўя бердим. Ҳар ерда бир қичқурдим, жибга кир! Жибга кир! Агар кирмасанг тухмунг қолмас теб. Жибга келдим. Ўтгуз-қирқ киши кирмай кетди. Тўрт-юз, беш юз киши мендин илгари келиб кўшдин нари бирисини олиб, жибдин чиқиб бора юрий. Уруб қайтардим. Келгани жибга киргуздим. Отларнинг эгарин олдурдим. Бизнинг кишининг сўнги бирлан жов бирга келди. Пиёда жибдин чиқиб то кечгача уруштуқ.

Туркман милтик етмасдай ерга келиб тушти. Таки жибқиди. Олти кун уруштуқ. Еттиланчи кун киши юборди, ярашали теб. Яраштуқ. Бига онт берди /177 а/ Асфандиёрхон онт ичди, ёмонлик қилмайин теб. Биз айтдук, сен кўч, таки кун туғуш тарафина кет. Биз эвимизга кетали. Кўчи таки кетди. Биз жибдин чиқдук. Таки дарё ёқасина бориб қўндук. Эрта буздин ўтуб эвимизга келдук.

Чопилгандин қолган дарёнинг икки тарафинда ўлтурган ўзбек барчаси қуйи ёққа — Урганчга сари кўчти.

Эмди Асфандиёрхонни айтали. Анинг ярашқанининг хаёли бу ким, онт ичиб, ўзбекни жибдин чиқарали. Чиққандин сўнг шул соат дарё буйина еткурмай кейининдин бориб олали. Бу хаёл бирлан кўчуб, бизнинг юкори ёнимизга чиқди. Туркманга, турунғ Узбек чиққандин сўнг кейининдин борали теб, Асфандиёр айтибти. Туркман сўзини тингламай. Хонқоҳнинг сартини чобўғулни кўя берибти. Хон қатинда юз киши қолибти. Уч кунда Хонқоҳни чопиб, Ўлжани бўлушиб бир ерга йиғилиб. Андин сўнг Асфандиёрхон яхдин ўтуб бизнинг кейинимиздин юрубти. Бизнинг кейинимиздин кўчуб кела юрган элнинг бир кишиси хожа қўлинда жовни кўруб, элга хабар қилибти. Эл уркуб Бештўбанинг қирининг устинда бир юзи сув, бир юзи арабадин куран тортиб бўлуб, офтоб икки найза йўли чиққан вақтда келиб уруш солибти. Иккиси таки пиёда. Ўзум бориб синадим. /177 б/ Ўзбек тўрт юз эллик киши эрди. Туркман беш юз киши. Икки намоз орасинача урушти. Ўзбекдин йигирма киши ўлди. Юз киши ярали бўлди. Туркмандин етмиш-саксон киши ўлди. Икки юз киши ярали бўлди. Ул кечаси етти. Таки тангла қайтиб эвина кетди. Ул ёз Асфандиёрхон Хевақда ва Шариф Мухаммад бирлан фақир Урганчда бўлдук.

УРГАНЧ ЎЗБЕКИНИНГ БУЗУЛГАНИНИНГ ЭИКРИ

Эл-халқ кўнглини кўтарди. Кетали темақдин ўзга сў. айтмади. Ялтироқ юлдузи туққанридин сўнг тўп-тўп бўлди. Таки Бухорога ва Туркистонга кетди. Бир кетганнинг кейининдин киши юбордим. Қудура ани олиб келгунча, икки уч бўлаки кетди. Менинг

қатимда турған яхши халқ қора ёмонға сўз берди. Бу юрт бўлмас, не турубсен, кетакўр. Биз тақи кейинингдин бордуқ теб.

Оз-оз кета-кета, мезоннинг охири ва акрабнинг аввалинда уч тўр бўлди. Тақи бириси Бухороға ва бириси қозоқға ва бириси мангитға бир қаррат юрий берди.

Шариф Муҳаммад Бухороға кетти. Мен қозоқға кетдим Туркистонда Эшимхон қатинда уч ой турдим. Ул вақтда қозоқнинг хони Турсунхон эрди, Тошкенда. Ул Туркистонға келди. Эшимхон кўра борди. Мени эшиқда қўйди. Ўзи бориб Турсунхонға кўрунуш қилиб қайтиб келиб, менинг қўлумдин тутуб олиб бориб, кўрунуш /178 а/ қилдуруб айтди: «Бу Ёдгорхон ўгли Абулғози турур. Ҳеч қачон бизга келиб бу жамоатдин киши қўноқ бўлғони йўқ эди. Биздин борған кўп турур. Бу сизнинг хизматингизда бўлгани яхши» — теди.

Турсунхон, яхши айтасен, андақ бўлсун теб, мени ўзи бирлан бирга Тошкенд олиб кетди.

Тошкенда Турсунхон қатинда икки йил турдум. Эшимхон Турсунхонни ўлтурди. Қатаганни қирди.

Эшимхонға айтдим, сиз икки хондин фойда етгаймукан теб келиб эрдим. Сизнинг ишингиз мундақ бўлди. Эмди рухсат бўлса Имомқулихон қатиға кетайин тедим. Яхши айтасен, андақ қил! — теди.

Келиб Имомқулихонни кўрдум. Менинг Бухороға келганимни эшитиб туркман киши юборди. Абулғози султон келсун, ёт юртда юрумасун теб.

Турсунхон Имомқулихоннинг душмани эрди. Ул ўлгандин сўнг Имомқулихоннинг қатинда юруматқа юзум бўлмади ва тақи Имомқулихон икки қаррат Турсунхон қатинда юруб келганимни киноя бирлан изҳор қилди. Ўзбек халқина айтдим, мен бу юртда тура билмайман. Ҳар қачон бўлса, сизлар не айтасизлар тедин эрса, вақти андақ бўлиб турур. Туркман ичина бор! Ҳар қачон бўлса, сенинг қўнглунг биздин ўзга бўлур теган гумонимиз йўқти.

Аммо Шариф Муҳаммадға эътибор /178 б/ қила билмаймиз, қўнгли биздамиди ва ё туркмандамиди? Шул вақтда туркмандин яна киши келди, Асфандиёрхон туркман Абулғозини келтуради теб, бизга эътибор қилмай қочиб Ҳазорасб борди теб.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ХЕВАҚДА ТУРКМАН ИЧИНА КЕЛГА—НИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг мен беш-олти киши бирлан Хевақ келдим. Шариф Муҳаммад мендин икки ойдин сўнг Ҳазорасбда Асфандиёрхон қатиға келди. Ул иккиси бир бўлди. Тақи менинг бирлаң уруштилар. Мен ғолиб келдим. Сулҳ қилдилар. Олти ойдин сўнг Хевақда ғофил ўлтуруб эрдим, иккиси илғаб келиб дарвозаға яқин тушти. Ташқари ўлтурған туркманнинг қора-ёмони Асфандиёрхонға йиғилди. Ул беш минг киши бўлди. Менинг қатимда олти юз киши бўлди.

Бир кун йигирма киши Ҳазорасбга юрт ўғул юбордим. Эл чопиб, мол олиб кела турганда, мол эгаси юрт ўғулдин илгари келиб Асфандиёрхонга хабар қилибти. Шариф Муҳаммадни отлантуруб юрт ўғулини Абулғозиға қўшулмасдин бурун ол теб.

Юрт ўғулдин бизга киши келди, киши қаршилатинг теб. Бизнинг Шариф Муҳаммаднинг отланганиндин хеч хабаримиз йўк, юрт ўғулга юз киши юбордук. Хевакнинг гулбанбоғ кендининг қибла-тарафинда /179 а/ Шариф Муҳаммад юрт ўғулга учрабти. Шул вақтда бизнинг юборган юз киши ҳам етибти.

Шариф Муҳаммад Асфандиёрхонга киши юборибти кўмак учун бизга ҳам киши келди, кўмак учун бизнинг киши уруша Хевак сари юрубти. Шул вақтда иккисининг ҳам бўлган кўмакининг барчаси етишди тақи шул ерда уруш тушди. Бир эт пишим уруш бўлди. Шул вақтда жов қочти, Асфандиёрхонга келгунча қувдук. Сўз кўп, барчасин айтсак дуру-дароз бўла турур. Тақи яраштук.

Шул вақтда икки юз эвли ўзбекнинг яхши кишилари Бухородин кўчуб Кат усти бирлан Орол борди. Ани эшиткандин сўнг Асфандиёрхон Шариф Муҳаммад бирлан фақирни чорлаб, Шариф Муҳаммадга ҳукм қилди. Сен бу кеча қочиб ўзбек ичина бор. Биз билмаган бўлали теди. Шариф Муҳаммад қочиб кетди.

Сабоҳ туркманнинг яхшилари Асфандиёрхон қатиға бориб сўруб турурлар. Укангизнинг қетганини билурмусиз? — теб.

Асфандиёрхон онг ичибти. Билман. Бу Абулғозининг иши турур, теб. Барча туркман хоннинг бу сўзина инондилар. Анинг бир куни эрта сахар Асфандиёрхон киши юбориб туркманнинг яхши кишиларин бир-бир чакириб олиб Абулғози Бухородин ўзбекни киши юбориб /179 б/ Оролға келтурти. Мундин Шариф Муҳаммадни юборди. Мунинг маслаҳатин қилали тебти.

Менинг мундин хабарим йўк, уқлаб эрдим. Мен тонг откунча шаҳрда бўлган туркманнинг барчасини ўзининг қошина эркнинг ичина киргузуб, дарвозада киши таъйин қилибти. Бир киши эркдин /аркдин/ чиқарма теб. Менинг қатимда беш-олтидин ортуқ киши йўк. Тонг отқан сўнг мени тутдурди. Ўзининг эътиборли кишилариндин йигирма кишига мени топшурди. Қизилбошга элтиб бер теб. Ул кишиларга мени топшурди. Элтиб Обивард ҳокимина топшуруб қайтди. Ул элтиб Хуросоннинг беглар бегасина топшурди. Ул Ирок олиб кетди. Ул вақтда Шоҳ Аббос мозий ўлуб, набираси Шоҳ Сафо шул йили подшоҳ бўлуб эрди. Ҳамадонда бориб кўрдум: Исфаҳон юборди. Бир ҳавли берди. Емакима ҳар йилда ўн минг танга берди. Қочмасун теб киши таъйин қилди.

АБУЛҒОЗИНИНГ ИРОҚДИН ҚОЧИБ, ТО ХОН БЎЛҒУНЧА ВОҚЕОТЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Ирокда Исфаҳон шаҳринда ўн йил турдум. Ўн бир йил бўлганда қатимда уч кишим бор эрди. Онларга айтдим, эмди қочаман. Сизлар ҳамроҳлик қилинг. Андақ қилали тедилар. Емак учун берган барот бор эрди.

Андин минг танганинг баротини мени саклай /180 а/ турған кизилбошга бердим. Муни тез битказиб олиб кел, таки ўзунг учун бир далак сотиб ол. Агар танга зиёд келса, бергайсан, келмаса сенинги. Ул баротга кетди. Сахар бирлан кўпуб от бозориндин саккиз от олдим. Бир-бир келтуруб хавлида киши кўрмас эвларда яшурдим. Эл ётқандин сўнг барчасини эгарладим. Ичимизда форсий ва туркий билатурған киши бор эрди. Ани бек қилдим. Бир йигитни дастурхончи қилдим. Таки бир йигит ҳам хизматкор сувратинда ясадим. Ўзум от бокатурған сайис сарупойинни кийдим. Андин сўнг бир-биримизнинг сақолимиздин олдук. Таки отларни бир-бир таиқари чиқардук. Улуғ шахрларда ярим кеча бўлганда нақора қоқарлар. Ул вақтда нақора хонада нақорага оғоч кўйдилар. Отланиб юрий бердим. Дарвозага яқин келганда шилтир-шилтир қилиб дарвозанинг қуфлин очти. Дарвозани икки тарафга тортди. Чиқиб кетдим. Бистом келганда уч отим нав едида юрумади. Кеч пешин вақти эрди. Йўл устунда Бистомнинг Буйиш теган кендина келдим. Гўристонда уч киши ўлук кўя турур. Кимсен? — теб, сўрдим. Сайидман теди. Фақир киши эрди. Машҳад борамиз, отимизга ем олиб бер теб, кўлина ўн танга бердим. Уч отимиз семизлик қилиб юрумади /180 б/ кенд халқина хабар қил, от бирлан алишур тедим. Мир бирлан кўшулуб эвининг эшикина келдим. Деворнинг соясинда зилуча солдилар. Бегимиз тушуб анда ўлтурди. Бир йигит анинг олдинда қўл ковуштуруб турди. Бир йигит отларни тутуб турди. Мен уч нав ёған отти кўлимга олиб отка алишмоқ бирлан бўлдум, Мир арпа келтурди-да, халқга жар қилди. Бир сотанинг ичинда икки юз киши келди. Қирк-эллик от келтурдилар. Бозор бўлди. Икки отимни алишдим. Бир отим қолганда узун бўйли, оқ соқолли, етмиш ўзған киши келиб турди.

Бистомнинг икки йўли бўлур. Бириси карвон юрийтурған, бириси тоғ ичиндин юруб, икки кунда улуғ йўлга кўшулур. Ани ўзининг ерли халқиндин ўзга киши билмас теб эшитиб эрдим. Мирдин сўрдум, мундин Мағз теган кендга боратурған йўли не? Менга айтинг теб.

Келиб турған оксақолли қари киши кичқира берди. Эй халқ ўгли пешиндин бери сизларга икки-уч қаррат айтдим, менинг сўзумга инонмадингиз. Алҳамдуллиллоҳ вал минна, менинг сўзум рост бўлди. Бизнинг шу кенднинг кишисининг ўнда бири Мағз йўлин билмас. Улуғ йўл бирлан кетмай, Мағз йўлини бу киши не учун сўрай турур. Эй халқ ўгли бу киши ўзбекти (181 а) оҳнинг тутқунлариндин турур. Банддин чиқиб қочиб Самарқанд бора турур. Шу кун сабо мунинг кейининдин шохнинг қовғунчиси келур. Ҳар ким мунга от сотсангиз гуноҳкор бўлурсиз. Кўлингиздин келса муни тутуб Бистомга ҳоким олдина олиб боринг! Агар келмаса мунга от берманг!—теди. Барчаси тожик сўзлайдур. Хеч туркий билур киши йўқ. Мен ҳам ирок форсисини айтаман. Мен айтдим «Эй мунофик бир пешин вақтиндин бери юз ҳазҳон ва бўҳтонни гумон бирлан айтдинг. Мен тағофул уруб турдум, сени кўяр бўлғай теб. Сен турған сайин зиёда килдинг, кам қилмадинг.

Мундин илгари айтдук, бир навкар мени бек қилиб қалин

устунда ўлтуруб, олдинда бир йигит қўл ковуштуруб турди, теб. Мағз йўлини сўрайтурганининг маъноси ул ким Хуросиндин шоҳга киши келди. Чигатой Қандахарни кабади. Таки ўтуб келиб Қалъаи баст устунда Ирок ва Хуросон лашкари бирлан урунгида, бости теб. Шоҳ ҳукм килди: «Кулдин ва қурчидин киши колмасун! Барчаси маладкор босун» — теб.

Ул ўлтурган кишини Мухаммад Қулибек черкас дерлар. Юз бошидир. Мен асл исфахонли Хусайнийи махалласиндинман. Отам мен тукган вақтда (181 б) ўлубтур, онам бор. Аммо қарибтур. Уч йилдин бери Мухаммад Қулибекка навкарман. Бек Хуросонги кетар бўлганда, мен ҳам кетар бўлдум. Анда онам айтди, ўғлум отанг ўлганидин сўнг бир толиби илмни ўғул ўқундум, то сенин дуойи хайр килгай теб. Ҳамиша анинг озукин бериб ва тўшини тикиб, кирип ювар эрдим. Бистомнинг Мағз отли кендиндинман дер эрди. Йигирма йил Исфаҳонда илм таҳсил қилиб қайтиб кетди. Ўзум ҳам билурман. Аввал ҳар йилда хати онамга борур эрди. Уч йилдин бери ҳеч хат хабари бормай турур. Онам айтди: «Сен нечук ўғул бўлсанг, ул мулло ҳам мендек ўғлум турур. Анинг эвиги бор! Тирик бўлса хотин ва хабарин олиб кел. Ўлган бўлса, менинг учун фотиҳа ўқи. Агар мун килмасанг, сенга сутумни баҳл килман теди. Туна кун Мухаммад Қулибекдин рухсат тиладим. Бор тедилар. Анинг учун сўрайтурурман Мағзнинг йўлини.

Мен бу сўзни айтқач турган жамоатнинг барчаси рост айтадур, икки йилдин хат юбормагани.

Уларнинг отдин йикилдилар, оёқлари синиб эрди. Ушбу қушлар таёк бирлан ташқари чиқиб, ичқари кирдилар. Азиз ва мутабаррик кишидурлар. Улар Ҳамиша айта тургандурлар. Исфаҳонда бир ўғулли бева заифани она ўқундум. Йигирма йил менинг киримни юб, хизматимни қилди, теб. (182 а) Ҳамиша хат ва савгат юборатургандурлар. Аларни мулло Шоҳ Али дерлар. Гумон қилатурган оқсоқолига барчалари эътироз қилдилар. Ул киши менинг бу сўзум рост келгандин сўнг ҳеч дам ўрмай мулло Шоҳ Алининг бахонаси бирлан тўғри йўлни яхши фароғат сурдум.

Кендинг доруғасининг бир қули бор эркандур, кенд ичинда қўйган. Мени кочиб борудур теган оқсақолли киши қалъага киши юборган эркандур. Икки отни олишиб, тақи бир отни олайин теб туруб эрдим, кейинимдин келиб фўтамдин бир киши тутуб тортди. Юзина боқмадим. Эй ўғри, шоҳнинг душмани теб тортди ва суйради. Юзина боқтим. Гуржи кул менга ҳазил қиламисен, йўк эрса, ростингму турур?— тедим эрса, ростим турур теди.

Айтдим: «Бурнунгдин айрилайин теб турубсен. Ул ўлтурган черкас Юсуф ақанинг инилари Мухаммад Қули юзбонни тегандур. Бу чоққача ҳеч фарзанди бўлган эрмас турур. Шоҳ ҳукм килди, чигатой устина бор! — теб. Заифаси айтди: «Бу чоққача Машҳадда Имом қадамина борибсен. Биз худойи таолодин фарзанд тиласак теб, уч-тўрт қаррат айтиб эрдим, сен қилмадинг. Эмди беминнат бора турурсен. Мени таки олабор! Имомнинг остонасина (182 б) бош урайин теди. Ақа ҳарамларин ола келди. Ул вақтда йўл бирлан кўп тева, икки кажаба ўтуб бора эрди. Қўлум бирлан кўрсатдим:

Ул боратурған кўп тева бизнинг ақанинг тевалари турур. Яшил кажаба ҳарамлари. Янги сариқ кажаба бир хоссалари бордур, ани ҳам ола келиб турурлар, анигки турур. Оҳиста сўзла, ақа эшитмасун, эшитса, сени Бистом ҳокимнинг қатина олиб борур. Таки бурнунгни ва қулогингни кестурур, келиб орқамни қокди. Мен сенга мутуйиба қиламан. Қаҳринг келди. Кўп узр айтди. Таки бориб бир табак юзум келтуруб берди.

Андин сўнг нав йе-ған отни уч отга алишиб, тўғри йўлни яхши сўруб билиб эрдим. Шул йўлга тушуб юрий бердим. Келиб Хуросоннинг Маҳин теган кендиндин чиктим, Маҳиндин қарардим. Кум этакинда икки овул кўрунди. Маҳиннинг кендининг ичинда бир овул кўрунди. Кенд ичиндаги эвларнинг чигроки Хуросонда ясаған. Кум этакинда ўлтурған эвларнинг чигрокин туркман ясаған. Ани таниғандин сўнг катимдақи йиғитларга айтдим, кумда ўлтурған икки овул Абулхон ва ё Манқишлоқ туркандир. Кенд ичинда ўлтурған бир овул қизилбошга раъият бўлуб ўлтурған туркманлардиндур. Эвиндин танийман. Шул икки овулга борали, (183 а) теб юрий бердим. Бир овулнинг олдина келдим. Бир ёш ўғлон чикди. Не халқ турур бу ўлтурған халқ! — теб сўрдум. Қизилоёқмиз! — теди. Сиз Манқишлоқ ўлтурур эрдингиз, не сабаб бўлуб мунда келдингиз? — теб сўрдим. Айтди: «Бизни қалмоқ қобти-да, молимиз ва бошимиздин аюрди. Қолганимиз пиёда ёш ўғлонларимизни орқамизга кўтаруб, уч йил бўлди, мунда келдук. Бу йил эв қилибмиз. Келгандин бери ола-қўб қилиб ўлтуруб эрдук».

Бу яқинда эл борму? Кимлар бор? — теб, сўрдим. Туркманнинг эрсари теган уруқининг ўзум танийтурған беш-олти кишининг отин тутди. Эвининг йироқлиқини икки фарсанг солиқ берди.

Ул вақтда эв эгаси келди. Андин хабар сўрдум. Ул ҳам шундақ теди. Андин сўнг хотиржам ул тарафдин жамъ бўлди ким, бу туркманлар, ул туркманлардин эрмас ким, мени тутуб қизилбошга бергай. Ўзумнинг ким эрканимни айтдим. Андин сўнг таниди. Таки агрофда ўлтурған элларга хабар қилди. Барчаси йиғилиб келдилар, таки айтдилар. Куз вақти эрди. «Бу қиш мунда турунг! Ёзи бирлан бир маслаҳат қилали». Қиш турдум. Баҳор бўлған сўнг бизнинг еримиз тор, қизилбош вилоятининг ичинда ўлтурубмиз теб, Абулхон тоғинда така халқи ўлтуруб эрди, анда боринг тедилар. (183 б)

Абулхон тоғина бориб икки йил така халқининг ичинда турдум. Андин кетиб Манқишлоқ бордим. Ул вақтда Манқишлоқ туркмани бузулуб етти юз эвлик қолиб, ул ҳам қалмоқга тобиъ бўлуб туруб эрди.

Қалмоқнинг подшоҳи менинг келганимни эшитиб, яхши кишиларини юбориб мени олиб борди-да, бир йил сақлаб Урганчда ўлтурған ўз халқимиз ичина юборди.

АБУЛҒОЗИХОННИНГ ПОДШОҲЛИҚИНИНГ ВА ХЕВАҚНИ ОЛҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Тарих хижрий минг таки эллик иккида, йилон йилинда юртимиз ва элимизга келдим. Олти ойдин сўнг йилки йилининг аввалинда Асфандиёрхон вафот топди.

Асфандиёрхон ўлгандин бир йил сўнг Аму сувининг тенгизга қўйган еринда, ул ерни Орол дерлар эрди, тарих хижрий минг таки эллик тўртда қўй йилининг аввалинда фақирни хон кўтардилар.

Андин икки йил бурун барс йилининг оёқинда, хутнинг аввалинда кичик инимиз Шариф Муҳаммад султон вафот топиб эрди.

Асфандиёрхондин икки ўғул қолиб эрди. Улуғининг оти Юшан султон, кичигининг оти Ашраф султон. Ал вақтда Имомқулихон ўлуб, иниси Надир Муҳаммадхон акаси Имомқулихон ерига хон бўлуб эрди.

Биз туркмандин ақамизнинг ўғлонларин ва вилоятини тиладук, бермади. Таки Надир Муҳаммадхоннинг (184 а) отина хутба ўқуб Ашраф султонни юборди. Биз ёв бўлуб Хевақни икки мартаба чопдук. Андин сўнг Надир Муҳаммадхон Хевақ бирлан Ҳазорасбга ҳоким юборди. Асфандиёрхоннинг ўғлун ва қизин ва кўчин кўчуруб олиб бориб Қаршида ўлтуртди. Хевақ бирлан Ҳазорасбнинг амалотини Асфандиёрхон кимга берган бўлса, Надир Муҳаммадхоннинг келган илғор беклари шул кишидан аюрмади. Илғар келганнинг барчаси ҳар қайсиси бир вилоятнинг ҳокими ва ё курларнинг боши эрди. Ҳеч қайсисини билгулик муайян сен ҳоким бўл теб таъйин қилмай юбориб эрди. Ул сабабдин вилоятнинг амалоти ва ҳосили туркман қўлинда турди.

Биз Хевақни Оролдин отланиб келиб қўп чобдук. Бу воқеотдин беш ой ўтган сўнг Надир Муҳаммадхон Хисрав султон отли ўғлининг ўғли Қосим султон теганни Хевақга юборди. Ул ҳам Хевақнинг амалот ва маҳсулина ҳеч даҳл қилмади. Бурункидек туркман қўлуида турди. Қосим султон келди теб эшиткандин сўнг фақир Оролдин отланиб кеча юруб намоз вақти Хевақнинг дарвозасининг оғзинда Гандумқон теган кендина келиб чопўғул юбордим. Таки айтдим, Тошкўприқдан нари кетганингиз Хонқоҳда (184 б) сув лабинда Оролдин кема келтуруб эрдук, кема турган ерга йиғилинг теб айтдим. Чопўғул кетди. Қатимда мени қараб юз яхши киши қолди. От етган садақсиз ёш ўғлон ва ё ёвга зарари тегмас, қари ва маъюб шундақ кишиндин юз киши қолди. Ортукиси отларни ва қўшдаки нари-берини сақламоқ учун чопўғулнинг кейининдин бора эрдук. Хевақдин ёв чиқди. Хевақга келган улўғ ариқнинг шимол тарафинда биз юрдук. Қибла тарафиндин ёв юрди. Ёв етмасдин илғари улўғ ариқдир ўтуб ёвга қарши юруб ясадук. Бизнинг яхши ёмонимиз уч юз киши юз йиғирмаси садақли, ўзум пиёда бўлдум. Олтмиш киши менинг бирлан бирга тушди. Икки юз садақсизни тўп ясов қилдим. Йиғирми садақлини яровул, йиғирма садақлини ўнг, ясовнинг олдинда қўйдум. Йиғирми садақлини сўл ясовнинг олдинда қўйдум. Мулардин бошқа

Йигирми беш милтиқчимиз бор эрди, ўтган улўғ ариқ ўнг қўлинда бўлди. Милтиқчиларни пиёда қилдук. Онлар бориб бизнинг бирлан баробар турдилар. Биз ясаб бўлдук. Ул вақтда ёв етишди. Биздай бўлак-бўлак ясамади. Пиёда тушмади. Кўпликина орка берди. Бир бўлак қаз қанати ясаб келди. Таки турди. Қораси минг бор. Аммо (185 а) етти юз-саккиз юз совутли ва куёқли ва Ҷаҳор ойина ва дубулға ва бутлик ва тезлик кўзиндин ўзга очик ери йўқ. Шундақ кишиси бор. Бизда беш совутли киши бор. Ул беш йигит бизнинг эровулга чопти. Тойма баҳодир тойма теб кичкириб бизнинг бир икки йигит бирлан санчишиб қайтди.

Ул қайтиб ерина бормасдин бурун, ўн беш киши чобти. Бизнинг эровул ани-да қайтарди. Ул қайтиб ерина борғанда юз киши чобти. Ул етмасдин бурун бизнинг эровул қочти. Таки пиёда ичига кирди. Пиёданинг олди мен эрдим. Ўргатиб қўйиб эрдим, ўзга пиёдаларга бир кўзингиз ёвда бўлса, бир кўзингиз менда бўлсун теб.

Ёв ўттуз қадам ерга келгунча ўлтурдим. Андин сўнг тура келиб келган кишиларни ўқға тутдук. Шул вақтда ариқ ичинда ётқан бизнинг милтиқчининг бир нечаси бизга чобқан ёвни отқулади, ва бир нечаси ясовини бизга чопқон ёв аралаша билмади. Тутдук, шабоға қоча берди. Кейининдин оҳиста-оҳиста юрүрдүк. Ўнг буйранчи, сўл буйранчи, эровул барчаси менинг олдимга келдилар. Биз пиёда юрүдук. Туғини ариқ ичиндаги милтиқчи милтиқға тутди.

Биз отли ва пиёда ўқға тутдук. Ясов терина бошлади. Яна бир ўн қадам юругандин сўнг бузулуб (185 б) юрий берди, бизда отли киши йўқ, кейининдин юруб киши тушурмакка. Ёв қочиб Хевақға боргунча қараб турдук. Таки андин отланиб Тошкўприк келдук. Тур теган ерда бир аламон йўқ. Андин сув лабина кема турган ерга келдук. Аламоннинг барчаси ўлжаси бирлан йиғилиб турур ва бир нечаси эт пишуруб еб ўлтурур. Хони ва оксоқоллари кўнглинда ва ёнинда йўқ. Ул кун сув лабинда ётдук. Сабо сувдин ўтуб, бир неча кундин сўнг эвга бордук.

Маълум бўлсин ким Абулғозихони жаннат макон бу китобни тасниф қилиб ярмига (Барон Демезон нашрида «шул вараққа» деб кўрсатилган) етканда хаста бўлдилар. Ул вақтда ўғулларига васият қилиб турурлар ким, бу китобни нотамом қўйманг, итмомига савий қилинг. Ул сабабдин Абул Музаффар вал Мансур Анушахон ибн Абулғозихон марҳум ва мағфурий бу бандан бебизоат ва каминаи бенститотъатки Маҳмудий ибн Мулла Муҳаммад Замон Урганчий бўлғайман, бу китобни итмомга еткур, теб ҳукм қилдилар. Агарчи банди бу амри мушқилга лойиқ ва сазовор эрмас эрдим, андаг ҳам бўлса, бу ҳадиси набавийки, ал-маъмуру маъзурун турур, анинг мазмунига амал қилиб, бу шаҳаншоҳи олий жох ҳукми бирлан билганимга лойиқ бу китобнинг итмомига таважжих қилдим.

Надир Муҳаммадхон Қосим султонни ёниндаки беқлари бирлан чақиртуруб Бухорога элтди. Таки (186 а) Якуб Тавсат бошиқ бир неча халқни Хоразмга юборди. Ул келгандин сўнг хони жаннати макон яна Хевақни чобти.

Якуб Тавсат анга рӯ-барӯ бўла билмай боқиб қолди. Алқисса Бухоронинг беклари Надирхон бирлан ёмон бўлуб, Надирхонни Бухородин қавлаб юбордилар ва Надирхоннинг улуғ ўғли Абдулазизхонни Бухорода хон қилдилар. Надирхоннинг Хевакда турган халқи Хевакни ташлаб қочиб кетдилар.

Андин сўнг хони жаннатмакон Оролдин лашкар бирлан тарих минг эллик тўртда, товук йилининг аввалинда отланиб келиб Хевакга кирдилар. Ота юртига эга бўлдилар. Таки ҳар ерда қочган ва бусган туркман бўлса қайтиб келсун, қояғаларининг қонини ўтдун, теб мунодий қилдурдилар.

Ул вақтда туркман Фулом баҳодир ва Динмуҳаммад ўнбеги ва Ўрус ўнбеги теган сардорлари бор эрди. Булар кўп туркманни эви эли бирлан олиб қочиб Ҳазорасбнинг ортиндақи қумларда ўлтуруб эрдилар. Буларнинг жонсуси хоннинг мунодий қилдургани эшитиб бориб, ул туркманларга хабар бериб турур.

Андин сўнг ул туркманларнинг беш олти оқсақоли келиб хонни кўрдилар. Таки арз қилдилар ким бизнинг сиздин ўзга эгамиз йўк ва борур еримиз йўк, теб. (186 б) Хони жаннати макон ҳам айтдилар ким, биз ҳам сиз халқнинг гуноҳини ўтдук. Борган борди ва қолган қолди, теб.

Таки ул ким биз Ҳазорасбга бора турурмиз. Оқсақоллар бошлиқ тамом халқингиз бирлан келиб бизни кўруб инъом ва суюрғалимизни олинг тедилар. Таки бир неча кундин сўнг хон Ҳазорасб отланиб бордилар. Ҳазорасбнинг қалъасининг ташқарисига бир майдон ерда чодир тутиб ўлтурдилар. Туркманларнинг оқсақоллариға айтдилар ким, тангла улуғ ош берурмиз, сиз халқ тева эранни ва қаттиқ йиғиб олиб келинг, тедилар.

Алар ҳам, хуш бўлғай теб, эвларига қайтиб кетдилар. Сабоҳ бўлганда туркманлар гуруҳ-гуруҳ кела бошладилар.

Аммо Хони жаннат макон кенгаш қилиб эрдилар ким, туркман яхши йиғилгандин сўнг туркманга от тортар паллада қўл қўёлик теб, туркман яхши йиғилгандин сўнг туркманга қўл қўйдилар. Ул ерда минг-икки минг туркманни ўлтурдилар. Таки отланиб туркманнинг уйини чоғиб ўғлон-ушоқни ўлжа ва асир қилиб фатҳ ва нусрат бирлан қайтиб Хевак тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ ТАЖАН БОРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Аммо Хон Хевакга дохил бўлмасдин аввал кўп туркман кўчуб Тажан теган ерга (187 а) бориб жибқиб ўлтуруб эрдилар. Хони жаннат-макон ит йилининг охирида қамар жади буржинда отланиб Тажанда ўлтурган бир пора туркманларни чоғиб, ўғлон ушоқни ўлжа ва асир қилиб фатҳ ва Нусрат бирлан Хевакга қайтиб келдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ БОМИБУРМАДА БОРИБ КЎП ТУРКМАННИ КИРҒАНИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг Тажандин қочган ва Хевақдин борган ва Тажандин келган туркманлар бориб Бомибурма теган ернинг атрофинда ўлтуруб турур теб, хабар топдилар. Таки сичкон йили аларнинг устига отланиб бордилар.

Бу туркманлар хоннинг келганини эшитиб, эваларини Қоракусти теган ерга юбориб, Қохир хожани бош этиб, ўзлари яланг отлиғ бўлуб бориб, Бомибурмада йиғилиб, тошдин қалъа қилиб, хон бирлан урушмоқға таъйин бўлуб турдилар. Ул вақтда хони жаннат макон ҳам лашкар бирлан келиб, аларнинг рўбарўйинда тушдилар.

Аммо бир-бирларига элчилар юбордилар, сулҳ қилали теб. Алқисса элчи бирлан иш битмади. Ахирул-амр туркманлар хон бирлан саф тортиб уруштилари. Ул тошдин қилган жибнинг ичиндин чиқиб пиёдалаб, сурон солиб югурдилар. Келиб милтиқчиға аралашиб, андин ҳам ўтуб ясовға аралашдилар.

Аммо туркманларнинг чамали куюб эрди. Ул вақтда хони жаннат маконнинг ўнг буйранчиси бирлан сўл буйранчиси тойма-тойма теб туркманнинг устига /187 б/ от солди. Бу чамали куюб келган туркман қайтиб жибға қочаберди. Аммо жибға етмасдин бурун бир туркманни куткармай ўлтурдилар. Андин сўнг ўзбек баҳодирлари бориб туркманнинг жибига кириб туркманларни ўлтуруб ва кириб қайтиб, хон қошиға келдилар.

Хони жаннат макон ҳам шул замонда отланиб тонг субҳи содиқда Қорақусдида бориб, бу ўлган туркманларнинг овулиға чоповул қилиб туркманларнинг молини ва ўғлон-ушоқини ўлжа ва асир қилиб фатҳ ва Нусрат бирлан Хевақға келиб тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ ҚАЛМОҚ БИРЛАН УРУШҚАНИНИНГ ЗИКРИ

Сигир йилинда қалмоқ қавмининг қўшут уруғиндин Кўлда-лашнинг ўғли Дурчи Тойши теган келиб Кат вилоятини човуб, кўлина кирган ўлжани олиб қайтди. Ул вақтда қалмоқнинг тургаут уруғиндин Буён теган тўраси савдоға келиб эрди. Ани юртиға узатдилар. Таки қалмоқнинг кейининдин қавалаб ўнбеш кунда Югурукбош теган ерда пешин вақтида етиб уруш солдилар. Ул кеча шул ерда ётиб, эртаси қалмоқ урушиға тоб келтура билмай қочиб кетди.

Хони жаннат макон шул ерда тушуб ош пишуруб ичиб от ва теваларни суғортиб, қалмоқнинг кейининдин қавдилар. Ҳарчанд от ва тевасин ташлаб /188 а/ қочти, бўлмади. Ахирул-амр қутулмасини билгандин сўнг, барчаси йиғилиб бир чуқур ерда букуб туруб кўтарила от солди. Ул вақтда хон бир оз киши бирлан илғари ва ўзга халқ убай-жубай сўнг ғофил етиб келдилар. Отдин тушуб

йиғилур фурсат бўлмади. Ахирул-илож илгари ва келган йигитлар юз қайтармади. От устундин урушдилар. Худойи таборак ва таоло буларнинг таваккал қилганлариға фатҳ ва нусрат берди.

Қалмоқни милтиқ бирлан босдилар. Шул ерда тўрасининг қўлун милтуқ узди. Туғчисин ва туғун бир неча қалмоқни тушурдилар. Қолғани қочти. Сўнгиндин хуфтанғача қавуб тушурдилар. Ул кеча ул ерда сабоҳий катиб давлат ва нусрат бирлан неча кундин сўнг шаҳрга тушдилар. Андин сўнг туркманнинг байраж теган бтр қабиласи бор турур. Анинг улугининг оти Одий байраж эрди. Шул Одий байраж Хони жаннат маконға итоат қилмай, боғий бўлуб эрди. Ул сабабдин топишқан йили хони жаннат макон давлат бирлан анинг устига отланди. Аммо ул халқнинг эви Атрак кўраган теган сувнинг бўйинда эрди.

Хоннинг бу сафари ажаб сафар эрди. Бир неча кундин сўнг элга яқин келдим теб, хон кўшни ва озук ва емни бир ерда қўйдилар. Таки уч кунлик /188 б/ озук ва ем олиб элни мунда топарман, мунда топарман теб, етти-саккиз кун юрудилар. Элни тона билмадилар. Халқ ичинда андағ очлиқ бўлди ким, бир нонға бир от бериб тона билмадилар. Таки лашкар ҳар ерда бўлуниб-бўлуниб қолди. Ахирул-амр хони жаннат маконнинг ёнинда ўн минг кишидин тўрт юз киши қолди. Бу тўрт юз киши бирлан боратурғанда ногоҳ така халқиндин бир неча савдогар учради. Таки қочди. Шул ерда бир иккисини тутуб ўлтурдилар. Аммо бир Югурук отлиги қочиб кутулди. Анинг ортиндин қавлаб боратурғанда така Хонмирзонинг овулиға учраб келдилар. Таки ул овулни олдилар. Ани олиб қайтиб келатурғанда ногоҳ қоравуллари Байражнинг овулиндин савдоға боратурған така Авнаш теганин тутуб олиб келдилар. Ул айтди ким, Байражнинг овули мунда ўлтуруб турур, теб.

Бу хабарни эшитгач, хони жаннат макон шул тарафға юрудилар.

Ёнлариндаки кишилар чапавулға кетдилар. Хоннинг ёнларинда ўттуз киши қолди. Алиқисса хони жаннат макон бу ўттуз киши бирлан келиб от солди.

Андағ уруш бўлдиким, ҳаргиз мундағ бўлмай эрди. Ногоҳ хони жаннат маконнинг бир кули Одий байражни милтиқ бирлан узуб йикди. Андин сўнг бу ўттуз йигит кўтарила от солдилар. Таки туркман /189 а/ аларни ўлтуруб, ўғлон-ушокени ўлжа ва асир қилиб, хонға олиб келдилар. Хон ҳам бу йигитларға инъомлар берди. Таки бир неча кундин сўнг фатҳ ва нусрат бирлан қайтиб Хевакға тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ ЙИМРАЙЛИ ВА САРИҚ ХАЛҚИНИ БОРИБ ОЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг йилон йили йимрайли халқини бориб Кўжота теган ерда топиб чопдилар. Ул халқни ўлжа ва асир қилиб қайтиб Динор теган қудуқнинг устунда тушдилар. Баякбор сарик халқи билмай етиб келдилар. Тангрининг июяти бирлан буларни ҳам ўғлон-

ушоқи ва моли бирлан олди. Таки нусрат бирлан кайтиб Хевак туштилар. Андин сўнг туркманни кўп бориб чопдилар. Ҳар борғанда кўп ўлжа бирлан келдилар. Анинг тамомини баён қилсак сўз узоқ бўла турур. Анинг учун мухтасар қилдук

ХОНИ ГИГИСТОННИНГ ҚАЛМОҚ БИРЛАН ИККИНЧИ УРУШҚАНИНИНГ ЗИКРИ

Лу йили қалмоқнинг турғавут уруғиндин Мерган Тойши ва Ўқчуртэба Тағул теган бош бўлуб келиб, Ҳазорасбнинг бир неча кендларин чоғиб, Садур бориб, андин халқнинг моли Доруғанда эрмиш теб, бориб бу айтилган ерлардин Қўлларига тушган ўлжани олиб кайтиб турур. Ул вақтда бу хабарни эшитиб хон Ҳазорасб келиб Бухороға кетди бўлғай теб, /189 б/ Ёдғор инокни Абдулазизхонга элчи юбордилар ким, бориб хабар қилғил, гофил бўлмасун. Ул юборган элчи Доруған тушиға борғанда кўнглига келди ким, дарёдин ўтуб хабар олайин теб ўтуб хабар олди эрса, қалмоқ кайтиб кетиб турур. Кайтканин билғач илғаб келиб бу воқеотни айтди. Ул вақтгача орадин ўн кун ўтди. Бу хабарни билгандин сўнг ўлтуруб беклар бирлан кенгаштилар. Беклар қавмоқни ўхшатмадилар. Айтдилар ким: «Қалмоқ кетгали ўн кун бўлди. Анга етмак мумкин эрмас».

Хон ҳеч қайсининг сўзин қабул қилмай, отланиб қалмоқнинг кейининдин юрудилар. Бир неча кундин сўнг Эрдар тоғинда бир пора бўлуқуб қолғанин етиб олдилар-да хабар сўрдилар. Бу тушган қалмоқлар айтдилар: «Муна олдингизда борутурур». Буларни ўлтурдилар. Таки юрудилар. Шул кеча саҳар вақтда бир порасин яна олдилар. Андин сўнг қалмоқнинг тўралари қутулмасин билгандин сўнг кенгаштилар ким, не иш қилсак қутулғаймиз. Ахирул амр қарор бердилар ким, барчамиз бир юрусак бир киши қутқармай олур дедилар-да, бўлундилар. Ўрозлимиз қутулуб ва эмгақлимиз тутулғаймиз теб Мерган Тайши бир тўп, ўқчур тепа, тағул бир тўп бўлуб, Арган ва толғаниға бокмай қочди.

Хон таки кеча ва кундуз демай юруб Сангин работ теган ерда /190 а/ ўқчур тепа бирлан тағулнинг кейининдин етдилар. Таки ясаб турдилар. Қалмоқ урушға тоқат келтура билмай Сангин работга қабалиб, киши юбориб арз қилдилар ким: «Биз Абулғозихоннинг юрти эрканин билмаслигимиздин келиб эрдук. Абулазизхоннинг юртиға боратурғанимиз адашиб келибмиз. Эмди подшоҳ турурсиз. Ўлтурсангиз-да сиз билурсиз, тиргузсангиз-да сиз билурсиз. Биз бир гуноҳкор кул.» теб, Урганчдин олған молларин олдиға солиб садақ ва қиличларин бўюнларига осиб келиб, хоннинг оёқларина йикилиб онт ичиб ва шарт қилиб айтдилар ким: «Бу кундин буёқға сизга ва сизнинг юртунгузга ёмонлик қилмалинғ. Қалмоқдин ва ўзга халқдин, ҳар ким ёмонлик қилайин теса, кучимиз етса манъ эталинғ ва кучимиз етмаса хабар қилалинғ». — тедилар.

Хон айтдилар: «Сенларнинг ота ва акаларинг бизга ёмонлик килган эрмас эрди. Сенлар билмасликдин килдинг! — теб, гунохларин бағишлаб инъом ва суюрғаллар бериб, юртига узатиб, фатх ва нусрат бирлан кайтиб Хевак тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ БУХОРОҒА АВВАЛ МАРТАБА БОРҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Алқисса тамоми туркманни тахти тасарруфлариға киргузуб бир неча йил айш ва фароғатда бўлуб ўлтуруб эрдилар ким /190 б/ ногоҳ Балх хони Субҳонқулихондин элчи келди ким, акам Абулазизхон қасд килган эрмишким, мени ўлтургай, таки Балхин ҳам олгай, Эмди менинг отам ва акам сизсиз. Менинг сиздин ўзга пушти шапохим йўқ. Агар сиз анинг бирлан ёв бўлуб Бухорони чоғмасангиз, ул келиб Балхни ҳам олур ва мени ҳам бегуноҳ ўлтурур, теб.

Аммо Субҳонқулихон Абулғозихоннинг туқган инилари Шариф Муҳаммад султоннинг кизини олиб эрди. Хони жаннат маконға куёв эрди. Ул сабабдин бу сўзларни айтиб юбориб эрди.

Таки Абуллохоннинг ҳам келиб Хоразмни олиб, ўттуз таки икки подшоҳ, хама бу хони жаннат маконнинг қариндошлари эрди, ўлтуруб, ўғлон ва ушокни асир олиб кетганининг шиддати хотири ашрафларида туруб эрди. Балх хонининг сўзи ҳам анинг устига бўлди.

Таки кўй йили Бухоронинг устига отландилар. Кўкардлик теган ерга етканда Бекқули иноқни минг йигит бирлан Қорақўл устига юбордилар. Таки ўзлари суюнчболонинг устига юрудилар. Бориб суюнчи ва таки ўттуз-кирик кентни Бухоронинг дарвозасиғача чобдилар. Кўп мол олиб ўлжа ва асир қилиб кайтиб, кўкардлик тушдилар. Уч кундин сўнг Бекқули иноқ ҳам Қорақўлни яхши чопиб кўп мол олиб /191 а/ ўлжа ва асир қилиб хонға қўшулдилар. Бир неча кундин сўнг хони жаннат макон давлат бирлан кайтиб келиб Хевак туштилар.

ХОННИНГ ҚОРАҚЎЛНИ ОЛҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг шул йили Қорақўл устига отландилар. Таки бориб Қорақўлни яхши чопиб кайтиб Кўрдуш теган ерга тушдилар. Аммо Абулазизхон Қаршида эрди ва Бухоронинг ичиндаги беклар Қорақўлнинг чопилғонин эшитиб минг киши бирлан отланиб Кўрдушда хоннинг ортиндин етиб рў-барў бўлдилар. Таки уруша билмай қоча бердилар Ул беш минг кишиндин юз киши қочиб кутулди. Андин ўзгасининг тамомини тутуб ўлтурдилар. Бир неча халқ қочиб келиб Қорақўлнинг қалъасиға кириб қабалди. Хони гити стон ҳам кайтиб келиб Қорақўлнинг қалъасиға етиштилар. Таки қалъани олдилар. Бу қалъани торож қилиб ичига солдилар. Андин сўнг қалъани торож қилиб халқни ўлжа ва асир қилиб

Урганч тарафига мутаважжих бўлдилар. Бир неча кундин сўнг Хони жаннат макон фатх ва нусрат бирлан келиб Хевакга тушдилар.

ЧАҲОРЖҲЎЙ БОРҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг бижин йили отланиб Чаҳоржўйни чопиб, ўлжа ва асир қилиб, қайтиб Хевакга тушдилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ ЕЙЧИ /191 6/ БОРҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Тақуқ йилининг аввалинда камар ҳамал буржинда эрди ким, отланиб бориб Ейчини то Нарзамгача, бу тарафи Қора қўлгача чопиб кўп ўлжа олиб қайтдилар.

Абдулазизхон ва Қосимхон эшитиб, Бухородин отланиб Кўкардлик келиб, қочқундин хабар олиб рў-барў бўлурга тоқат қила билмай қайтиб қочиб, отларин кириб ва озукин ва от емисин ташлаб оч бўлуб, юз меҳнат ва машаккат бирлан Бухорога бориб турур.

Андин сўнг шул йили Кармина устига бордилар. Таки Карминани яхши чопиб, калъани олиб, торож қилиб, ўлжа ва асир қилиб дарёнинг кўпрусиндин ўтуб тушдилар. Бу кунда тангларда бизга ёв келур теб ҳеч кишининг кўнглунда йўқ эрди. Ул кеча андағ фароғат ётдилар ким, ўз эвлариндин яхшироқ, Аммо саҳар вақти бўлганда аксар халқ юкланиб, қўлига тушган от ва тева ва сиғир ва қўйни олдиға солиб илгару кетдилар. Таки тонг отаберганда кўп халқ кўчуб, ўлжаси бирлан илгари кетдилар. Аммо бу лашкар ўн беш минг киши эрди. Кун ёйилганда хоннинг қошинда бу ўн беш минг кишиндин қолгани юз киши йўқ эрди. Ҳожамберди оталик келиб хонга айтди ким, ажаб гофил ётибсиз. Турунг! Отланмоқ керак, теб. Анда хон бошлиқ тамом халқ, ёв қайда, биров қайда тедилар.

Аммо келишда Томликота теган ерга /192 а/ етганда, Авлиё уйгурнинг қўшиндин бир киши йитланди теб эрклик кишига айтдилар.

Аммо Туға булоқ теган ерда солиқ солиб эрдилар. Хон бошлиқ тамоми халқ гумон қилдилар. Ул киши азғашиб солиқға борди бўлғай теб. Аммо ул киши биздин уч кун аввал бориб, Абулазизхонга бу халқ кела турганиндин хабар берган эрмиш. Андин буларнинг ҳеч хабари йўқ эрди. Ногоҳ Бухоро тарафиндин гуруҳ-гуруҳ ёв чиқа бошлади. Ани кўриб хони кишваристон отландилар, таки кетган халқнинг ортиндин юруй бердилар. Аммо кетган халқнинг олдиндин бир улуғ арик келиб, тевалари ул арикдин ўта билмай йикилиб туруб эрдилар. Йироқдин қирк минг ва эллик минг кишининг қораси чоклик кўруна эрдилар. Шул ерга етганда, хоннинг ортиндин минг чоклик йигит етди ким, фарқи оҳан ва пўлжол эрди. Ани кўргач, хони жаннат макон отдин тушдилар.

Хоннинг ёниндаки халқ ҳам тушди. Аммо ул вақтда халқни йиқилиб турган тевага ва халқга юбордилар, кўмак учун:

Карнай ва туғни ҳам тевага юбордилар. Айтдилар ким, сенлар карнайни торта-торта турғил. Ёв ул теваларни ясов хаёл этиб, бизларни эролвул хаёл қилсун тедилар. Андин сўнг Ёдгор оталиқни бош қилиб, ёнлариндаки йигитлардин ўттуз йигитни ёв тарафиндин келган минг кишининг олдига юбордилар. Тақи ўзлари қолган пиёдани олдиларига қатор-қатор ясовлар ясадилар. Тақи турдилар.

Бу ўттуз /192 б/ йигит бориб оллоҳ ёр теб, ул минг кишига от солди. Ногоҳ ул минг киши қоча берди. Андақ соатдин сўнг ул минг киши қайтиб бу ўттуз кишига от солди ва бу ўттуз киши ҳам қоча берди. Келиб ясовга етмасдин бурун, бу ўттуз киши яна қайтиб от солди.

Ал қисса булар етти мартаба бир-бирини олдига солиб қоваладилар. Аммо тева турган ердин бошлаб-ўнлаб кўмак келур эрди.

Хон қошига беш юз олти пиёда йиғилиб эрди. Урушиб юруган отлиғлар ҳам икки юз, уч юз бўлуб эрди.

Ногоҳ Абулазизхон улуғ ясов бирлан келиб, милтиқни қўйдилар. Рў-барўдин анинг тутинидин киши-кишини кўра билмалди.

Маълум бўлсин ким Абулғозининг ўғуллари Анушахон оталари Кармина отланганда ўн тўрт ёшларинда эрдилар. Шул сафар аввал сафарлари эрди. Банда ҳам шул сафарда ҳамроҳ эрдим.

Баяқбор ортимдин ёв етди. Хони жаннат макон шири жаёни подшоҳи кишваристон Ануша хонни, кетган кишиларни қайтар! ,— теб, юбордилар. Алар кетгандин сўнг /193 а/ Ҳожамберди оталиқ ва Давлат оталиқ ва Бекқули иноқни ҳам юбордилар. Аммо ул жамоат кеткандин сўнг ёв зўрлаб келиб хони жаннат маконнинг атроф ва жавонибларини андағ ихота қилди ким, андин қочиб қутулмоқнинг ҳеч имкони йўқ эрди. Аммо банда серҳисоб бордим. Ёв бизнинг чоқлиқ юз хисса бор эрди. Ахирул-амр, ёв халқни ажаб забун қилди, яна бир соат ўтса ёв бу халқни кўтара олғудай эрди.

Ул вақтда Ануша баҳодирхон икки юз йигит бирлан келиб ёвнинг бир тарафиндин от солдилар. Тақи андағ урушдилар ким, барча халқ «аҳсан» тедилар».

Ахирул-амр Абулазизхоннинг улуғ ясови олтмиш минг киши эрди. Ани босиб олиб юрий бердилар. Ул вақтда Абулғозихоннинг олдинда етмиш-саксон пиёда бор эрди. Шул пиёдалар ҳам ёв қочди теб сурон солиб, Абдулазизхоннинг улуғ ясовига югурдилар. Ани кўруб ўнгдаки ва сўлдаки уч юз, тўрт юз пиёда ҳам сурон солиб югурди. Ани кўруб бу икки юз-уч юз отлиғ ҳам бир тарафдин от солди. Тангрининг фармони бирлан Абдулазизхоннинг ясови бузулиб қоча берди. Хони жаннат маконнинг баҳодирлари тушди. Ёвнинг кейинига. Уруб тушура, уруб тушура элиб дарёга тикдилар. Ёвнинг бир неча халқи дарёга ташлаб ўлди ва бир нечаси кўприқдин ўтуб кетди.

Ал қисса бир неча баҳодирлар /193 б/ етиб, Абдулазизхонни ғайза бирлан санчиб турурлар. Абдулазизхон юз минг меҳнат бирлан буларнинг кўлиндин қочиб; ўзини дарёга ташлаб, дарёдин чиқиб қутулуб кетди.

Хони жаннат макон музаффар бўлуб, хадд ва ниҳоятсиз ўлжа ва асир бирлан қайтиб Хевақ тушдилар. Таки барча халқни чакириб айтдилар ким ўғлимизнинг аввал сафари эрди, оёқи ва йўли муборак бўлди. Абдулазизхонтек улуг подшоҳни босдук ва таки уруш кунинда қилган ишларига тахсинлар қилиб, улуг тўй қилдилар. Таки туғ бериб лашкар кўшуб Ҳазорасбни бердилар.

ХОНИ ЖАННАТ МАКОННИНГ ВАРДАНЗИ БОРҒАНЛАРИ— НИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг ит йили отланиб Варданзини чопиб, ўлжан бени-хоят ва асири беғоят бирлан қайтиб Хевақга тушдилар.

БУХОРОҒА СЎНГҚИ БОРҒАНЛАРИНИНГ ЗИКРИ

Андин сўнг барс йили отланиб бориб Бухоронинг атроф ва жавонибини чопиб, намозгоҳ дарвозасига тушдилар. Таки ўн кун тахт торож қилдилар. Қалъага кирмадилар. Анинг учун ким, Абудулазизхон Самарқандда эрди. Бухоронинг ичинда бир неча тожик бирлан бир неча хотундин ўзга киши йўқ эрди. Айтдилар ким, агар биз қалъага кирсак, олам халқи таън қилур ким, Абулғозихон Бухорони бир неча хотуннинг қўлидин олди, теб. Агар тангри берса Абдулазизхон қалъанинг ичинда турса, анинг қўлидин олғаймен теди. Таки молни ва асирни ниҳоятсиз олиб Хоразм тарафига мутаважжих бўлдилар. Бир неча /194 а/ кундин сўнг фатҳ ва нусрат бирлан келиб Хевақ тушдилар.

Таки айтдилар ким, ёшимиз етмишга етди. Эмдидин сўнг мукулмон халқга ёмонлиқ қилмоқнинг маъноси йўқ. Бир андак боисдин орамизда низоъ бўлуб эрди. Андаг бўлди эрса, ҳақ субҳонаҳу ва таоло фатҳ ва нусрат бирлан ҳамиша ғолиб қилди. Эмди қолган умрни Тангри таоло бандалигинда қизилбош ва қалмоқнинг газотинда сарф қилурман теб, подшоҳликни ўғулларига бериб, товба ва инобат қилиб, Мовароуннахрга элчи юбориб, Абдулазизхон бирлан ярашиб, тарих минг таки етмиш тўртда ва товушқан йилинда ва рамазон ул муборак ойинда дорул фанодин дорул бақога рихлат қилди.

Муддати подшоҳлики йигирма уч йил бўлди.



МУНДАРИЖА

<i>Абулғозихон ва унинг «Шажарайи турк» асари ҳақида икки оғиз сўз. Б. Аҳмедов.....</i>	<i>3</i>
<i>Биринчи боб.....</i>	<i>13</i>
<i>Иккинчи боб.....</i>	<i>17</i>
<i>Учинчи боб.....</i>	<i>48</i>
<i>Тўртинчи боб.....</i>	<i>82</i>
<i>Бешинчи боб.....</i>	<i>93</i>
<i>Олтинчи боб.....</i>	<i>101</i>
<i>Еттинчи боб.....</i>	<i>105</i>
<i>Саккизинчи боб.....</i>	<i>110</i>
<i>Тўққизинчи боб.....</i>	<i>114</i>



МУХТАРАМ КИТОБХОН!

Ота-боболаримиз қолдирган маданий мероснинг яна бир наشري сизга муборак бўлсин! Уйлаймизки, Абулғозий Баходирхоннинг «Шажарайи турк» насабномаси кўнглингизни ҳушнуд этди. Тарихи ҳам, анъаналари ҳам қадимий халқингиз кечмиши билан қисман бўлса-да, танишдингиз. Сиз азизларга шунини маълум қиламизки, оғзаки ва ёзма адабий ёдгорликларимиз нашрини яна давом эттираемиз. Яқин йилларда китобат этишига киришилган асарлар рўйхати қуйидагича:

1. М. Улуғбек. **ТАРИХИ АРБА УЛУС.**
2. Гулбаданбегим, Н. Ҳиротий. **ҲУМОЮННОМА. Табақоти Акбаршоҳи.**
3. Шажарайи тарокима.
4. Сомий, Имом ат-Термизий. **МУҲАММАД ПАЙҒАМБАРНИНГ ҲАЁТИ. ҲАДИСЛАР.**
5. М. Рушдий. **ТАЗКИРАТУЛ АВЛИЁЙИ ТУРКИЙ.**
6. Олиматул Банот, А. Дониш, А. Авлоний. **ФАРЗАНДЛАРГА УГИТЛАР.**
7. В. Кошифий. **ОДОБНОМА.**
8. Ҳ. Абушй. **ТУРК ҚАВМЛАРИ ТАРИХИ.**

Сиз бу рўйхатда яна қандай китобларни кўришни истардингиз? Таклиф ва истакларингизни бизга ёзиб юборинг. Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «Чўлпон» нашриёти.

Литературно-художественное издание

Для среднего и старшего школьного возраста

АБУЛГАЗИ БАХАДИРХОҶ

РОДОСЛОВИЕ ТЮРКОВ

На узбекском языке

Рассом О. Муинов

Расмлар мухаррири Д. Иброҳимов

Тех. мухаррир Е. Толочко

Мусаххих Ш. Соатова

ИБ № 0357

Измаҳонага 16.11.90 да, берилди. Боснига 25.07.91 да руҳсат этилди. Бичими 60×90/16. Офсет қоғози. Гли Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоқ 12,0. Шартли бўёқли босмага напир дажжи 12,5. Нашриёт табоқ ҳисоби 12,01. 100 000 нусхада. 49—90 шартнома. 4137-буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ўзлон» нашриёти. Тошкент 83. ГСП, «Правда» газетаси кўчаси, 41.

Ўзбекистон Матбуот Давлат Комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўш корхонаси. Тошкент 700129. Навоий кўчаси, 30.

Баходирхон А.

**Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун
/Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. А. Аҳмедов/;— Т.:
Чўлпон. 1990.— 192 б.**

Хоним ва аждога Абулғаси Баходирхоннинг кўлинигидаги бу китоби халқимизнинг қадимги турмуш тарзи, илм-фани, маданияти, тил ва адабиёти, урф-одати, қардош эллар билан муносабати хусусида терин маълумот берадиган нодир манбадир.

Бахадирхан А. Родословие тюрков.

ББК 63.3 (257)

